

ИКРОМЖОН ИНОМОВ

ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ
НАЗАРИЯСИ

65,9(2)

И676

Икромжон Иномов “Иқтисодий тарбия назарияси”. Тошкент.
Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети. 2005. - 248 бет.

“Иқтисодий тарбия назарияси” фанининг янги дастур ва модули бўйича барча мавзулар ёритилган. Мазкур қўлланма иқтисодий тарбия назариясининг умумий асослари, мақсади, вазифалари Миллий дастур асосида ифода этилган.

Қўлланмада тарбия жараёни ва унинг шаклланиши, тарбиянинг шакл ва усуллари, турлари, тарбия одобномаси, ёш авлоднинг ҳар томонлама гармоник ривожланиши, мулкий тарбия - иқтисодий тарбия асоси эканлиги, бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий тарбиянинг мазмуни, талаба шахсини юксалтириш ва бошқа иқтисодий тарбияга оид масала ҳамда муаммолари ўз аксини топган.

Қўлланма олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабаларига ва магистратура тингловчиларига, коллеж талабларига, ҳамда иқтисодиёт фани билан қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: О.Абдуллаев иқтисод фанлари доктори,
профессор.

- Тақризчилар: Т.Шодиев - иқтисод фанлари доктори,
профессор.
Ж.Ҳасанбоев - педагогика фанлари доктори,
профессор.
Н.Хўжаев - иқтисод фанлари доктори,
профессор.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида рўй бераётган инқилобий ўзгаришлар жараёни олий таълим ва ўрта махсус билим юрғларида ижтимоий фанларни ўқитиш методи ва уни ислоҳ қилиш, баркамол авлодни иқтисодий тарбиялаш, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” қонуни бўйича ўргатиш иқтисодий тарбия масалаларига янгича ёндашишни замон талаби тақозо этади. Ёш авлоднинг гармоник ривожланиши ва дунёқарашини шакллантиришда, ижтимоий ҳаётнинг негизи бўлган иқтисодий жараёнларни, унинг шакл ва мазмуний ўзгаришларини, мамлакатимиздаги ресурслардан самарали фойдаланиб, миллий бойлигимизни кўпайтириш йўл-йўриқлари руҳида тарбиялаш алоҳида аҳамият касб этади.

Курс олдида қўйилган мақсадга биноан, кадрлар тайёрлаш миллий дастури бўйича вазифаларни бажариш билан бир қаторда бакалавр ва магистрларни дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар билан таъминлаш лозим. Улар республикамизда ҳали жуда камдир. Биз ушбу объектив заруриятни ҳисобга олиб, талабаларни “Иқтисодий тарбия назарияси” билимлари билан қуроллантириш мақсадида қўлланмани иккинчи нашрини кенгайтирган ҳолда тайёрладик.

Қўлланманинг асосий мақсади, талаба ва тингловчиларда тарбия ҳақида тушунча ва унинг турлари, усуллари ҳамда янгича мустақил иқтисодий фикр ва мулоҳазалар юритишдир. Шунингдек, иқтисодий воқеалар, жараёнлар ҳақида етук ва чуқур фикрлашга ўргатиш ҳамда уларни иқтисодий баркамол тарбиялашдан иборатдир.

Қўлланмада назарий хулосаларни амалиёт билан боғлашга ҳаракат қилинди. Айниқса, Президент И.А.Каримов асарларида баён қилинган илмий қоидалари, хулосаларини ва Ўзбекистон Республикасидаги ислохотлар амалиёти жараёнларини ҳаётга тадбиқ этиш руҳида тарбиялашга ҳаракат қилинди.

Гулчеҳра Пўлатова “Марказий Осиё донишмандлари асарларида иқтисодий тарбия” - мавзусини ёзган.

Мазкур қўлланма илк қўйилган муҳим қадам бўлиб, у камчилик ва нуқсонлардан ҳоли эмас. Шубҳасиз, муаллифлар қўлланма юзасидан билдирилган танқидий мулоҳазалар ва фикрларга ўзларининг самимий миннатдорчилигини билдиради.

1. ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

1.1. Иқтисодий тарбия назарияси фанининг предмети, мақсади ва вазифалари.

1.2. Иқтисодий тарбиянинг услубий асослари.

1.3. Иқтисодий тарбия назарияси ва унинг бошқа предметлар билан боқлиқлиги.

1.1. Иқтисодий тарбия назарияси фанининг предмети, мақсади ва вазифалари

Иқтисодий тарбия назарияси фани талабаларни иқтисодий муносабатларга ҳамда бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий тарбиянинг назарий асосларини, тарбия усулларини ўргатади. Бу фан талабаларда иқтисодий тушунчаларни шакллантириш ва иқтисодиёт сир-саноатларини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш – иқтисодий тарбия назарияси фанининг предметиدير. Тарбия мазмуни ва маданиятини англаш ҳамда тушуниш борасида ўқувчиларга қўйилган мақсад ва вазифаларда: билимлар тизими, ишонч кўникмаларини ҳосил этиш, шахнинг сифати ва хусусияти, одат ҳулқлари йиғиндиси англаб тушунилади. Ақлий, ахлоқий, иқтисодий, экологик, эстетик, ҳуқуқий, жисмоний, меҳнат тарбиялар йиқиндиси қўшилиб, умум-педагогик жараёнлари бош мақсадга эришиш имконияти - шахнинг гармоник ривожланиши, ҳар томонлама камол топиши ва яратиш борасида қўйилган мақсадга эришилади.

Маълумки, сўнгги йилларда, айниқса бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон Республикасида тарбия жараёнининг тез ва тубдан ўзгариши юз бермоқда. Жумладан, меҳнат тақсимооти натижасида, меҳнат турларининг кўпайиши. Ҳозирги кунда айрим маълумотларга кўра, меҳнатнинг беш мингдан зиёд турлари мавжуд.

Жамиятнинг парвози - бу гуманизация ва демократлашув жараёнининг юксалиши билан иқтисодий тарбиянинг сифат жиҳатдан янгиланишига ундамоқда. Масалан, шаҳар ва йўл бўйларига машина юваётганлар меҳнати, айниқса болаларнинг машина ювиб, пул топишлари, авваллари бўлмаган ва бошқалар. Бу жараён иқтисодий тарбияга бориб тақалади. Тасаввур қилинг, болалар нима учун кўчаларда машиналар ювишини...

Иқтисодий тарбия асосида қуйидагилар мавжуд:

1. Тарбия мақсадининг реал, яъни воқийлиги.

Бугунги кунда реал мақсад - бу инсонни ҳар томонлама камол топиши, унинг қобилияти ва ундаги талант - Оллоҳ берган илоҳий куч. Масалан, олайлик мен ашулачи-хонанда ёки мусиқачи бўлмоқчиман, аммо менда улардагидек талант йўқ, овоз ҳам шунга муносиб эмас.

Инсон олдига қўйган мақсадига етишиш ва унга эришиш учун нима қилиши керак? Бунинг учун у авваламбор иқтисодий фаолиятининг ақлий ва ахлоқий томонларини ўрганиши, чиндан ҳам қизиқиши, интилиши зарур. Шундан келиб чиқиб, тарбия мазмуни ва моҳиятининг марказий тушунчаси – шахснинг “базавий маданияти” ҳисобланади. Бу маданиятга ҳаётнинг ўзи мажбур этиши билан, уни ўзи енгишга, бу эса ўз навбатида иқтисодий маданият ва меҳнат маданиятига чорлайди.

2. Иқтисодиётда ходимларнинг биргаликдаги фаолияти.

Маънавий маданиятнинг энг намунали ва ибратли томонларини излаб топиш, энг яхши ахлоқий томонларини, маданиятга ижодий ёндашув борасида уни ўзида мунтазам шакллантириш ва юксалтириш, ҳаётнинг иқтисодий қонун-қоидалари ва нормаларини ўзида мужассамлаштирган ўқитувчилар иши мазмунли бўлади. Иқтисодиётда ходимларнинг биргаликдаги, ҳамкорликдаги фаолияти натижасида кўзланган мақсадга эришиши шубҳасиздир. Шунингдек, иқтисодиётда инсонларнинг биргаликдаги фаолияти туфайли тажрибалар ортади ва такомиллашади.

3. Ўзини-ўзи англаш.

Ҳар бир инсон аввало ўзини-ўзи англаши ва тушуниши керак. Инсон - ҳаётнинг турли-туман, мўъжизавий, чексиз ҳолатларига эътиқодли иқтисодчи, демократик нуқтаи назардан қатъий ишонган ҳолда қараши, шахс тарбиясини шакллантиришнинг юксалтиришини ифода қилади.

Тарбия мазмунининг муҳим элементи - бу инсоннинг ҳаётий маданиятини ўзи танлаб, белгилаб олишидир. Инсон ҳаётда, жамиятда ўз ўрнини топа билиши, ўзлигини англаш тушунчаси профессионал, ҳатто фуқароликдан ҳам кенгроқ бўлади. Инсоннинг гармоник ривожланишида ўзини-ўзи англаши билан бирга фуқаролик бурчини ҳис этган ҳолда профессионал ҳамда ахлоқий томондан ўзини тушуниши зарур.

Иқтисодий тарбия назариясида инсоннинг ўзини-ўзи англаши алоҳида ўрин тутади. Масалан, Туркиялик бир талабадан "...нима учун Сиз "Ўзбекистон ҳаво йўллари" авиа кассасидан билетни арзонга олмадингиз?", - деб сўрашганда, у шундай деди: "Кечирасизлар, А.Навоий проспектидаги Туркия авиа кассасидан қиммат бўлса ҳам билет оламан, сабаби, мен ўз пулимни ватаним - Туркияга қолдираман", - деб жавоб берди. Мана Сизга ўзлигини англаш деб шуни айтсалар керак. Яна бир мисол. Немис халқи АҚШ долларига ҳеч нарса сотмайди ва олмайди, улар: "Боринглар долларингизни дойч маркага алмаштириб келинглар, бизларнинг пулимиз дойч марка бўлади", - деб ғурурланадилар. Бизларда-чи?...

4. Тарбиянинг шахсий йўналиши.

Бутун тарбия мактабининг марказида дастурий тадбирлар эмас, уларнинг шакл ва методларигина эмас, балки инсоннинг ўзи ва унинг олий мақсади туради.

Ҳаётда ёшларнинг нималарга қизиқиши, интилиши, келажакда ким бўлиши, қандай мутахассис бўлиб етишиши, тарбиячилар томонидан эътиборга олинса ва улар қўллаб-қувватланса, тарбиянинг шахсий йўналиши шунчалик самарали бўлади.

5. Ихтиёрийлик.

Инсон ўзининг ихтиёрий эркисиз тарбия ғоялари ва намуналари моҳиятини англаб етмайди. Айниқса, ихтиёрий эркисиз иқтисодий тарбияга эришиб бўлмайди. Агар тарбиячи-ўқитувчи тарбияланувчини қизиқтира олса, ишонтира олса, эркинлик эрки, фуқаролик бурчи сезгиларига таянса, ижодий ёндашишга интилиши турган гап. Масалан, Чингиз Айтматовнинг ҳаётдаги касби ветеринар врач. Аслида уни машҳур ёзувчи сифатида жаҳон танийди. Яна бир бошқа мисол. А.П.Чеховнинг касби врач бўлса ҳам, уни буюк ёзувчи деб танийди ва бошқалар.

6. Жамоатчилик йўналиши.

Қаерда ва қачон тарбия яхши йўлга қўйилган бўлса, инсоннинг ҳаётдаги энг муҳим ва бош бўлган учта йўналишини белгилайди: ҳаётда фуқаролик, ишчи-ходим ва оилажон бўлишини. Инсон ҳаётда ўзининг фуқаролик бурчини англаса ва унга амал қилса, ҳар қандай ишга масъулиятли ёндашса ва уни рўёбга чиқарса - бу унинг жамоатчилик йўналишини белгилайди. Инсон малакали, тажрибали ишчи - ходим бўлса ва у Ватанига содиқ хизмат қилса, бундай инсонни жамоатчилик ҳар доим эъзозлайди. Ҳаётда ҳар бир киши аввало оилажон инсон бўлиши,

оилани мукаммал тарбияловчи бўлиши, Ватанга муносиб тарбияланган фарзандларни етиштириб бериши, унинг оилажонлигини ифодалайди.

7. Фуқаролик.

Фуқаролик масъулияти ва мажбурияти - бу авваламбор биринчидан, Ватан, мамлакат олдидаги масъулиятни ҳис этиш ва уни амалда кўрсатиш; иккинчидан, жамият олдидаги муқаддас бурчи; учинчидан, ота-оналари олдидаги масъулиятни ҳис эта билиши ва ота-онага ҳар доим содиқ бўлиши, қадрлаши, ҳам қарз, ҳам фарздир. Масалан, Тоҳир Йўлдош, Жума Намангоний каби Ватангадо - Ватан хоинлари. Шунингдек, бу ерда миллий гуруҳ ва ватанпарварлик ҳиссиётларини шакллантириш. Масалан, инсон ўзлигини, гуруҳини англаши керак. Биз ўзбеклар миллий кийим-либослар, қадриятларимизни олайлик. Ҳар доим бизлар ўз анъаналаримиз ва қадриятларимизга амал қиляпмиз-ми? Ўзлигимизни ҳис этаяпмиз-ми? Қандай миллатга мансублигимизни унутмаяпмиз-ми?...

Фуқаро аввало ўз давлатининг Конституциясини ҳурмат қилиши ва унга амал этиши, Президент ва давлат ташкилотларига ҳурматда бўлиш. Шунингдек, Давлат рамзлари - герби, байроғи ва мадҳияси - гимнини эъзозлаб, унга ҳурмат ва эҳтиромда бўлишини ифода этади.

Яқинда, янги аср, янги йил - 2001 йил бошида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш масаласи ҳам ўз вақтидаги вазифа - муқаддас ва шарафли фуқаролик бурчидир.

Мамлакат тақдир учун масъулиятли бўлиш, ҳар бир инсонни - фуқарони муқаддас бурчидир. Ижтимоий интизомга қатъий риоя қилиш ва жамоат жойларида ўзини маданиятли тутиши керак. Мамлакатнинг миллий бойликларини авайлаб-асраш ва уларга тежамли муносабатда бўлиш ҳам ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи ҳисобланади. Шунингдек, одиллик, тўғрилиқ, сезгирлик, аёвчанлик, байналмилалчилик ва бошқа миллатларга ҳам ҳурматда бўлиш фуқаролик бурчидир. Ишчи - ходимларнинг масъулиятли ва интизомли бўлиши. Инсонни уздабурон, қобилиятли ва йиқинчоқлиги, ишончли бўлиши. Умумий ижтимоий ва иқтисодий билимларни эгаллаш, меҳнатга ижодий муносабатда бўлиш ҳам инсоннинг бурчини ифодалайди. Топширилган ишга ва уни бажаришга интилиш ҳамда сифатли бажариш - бу инсоннинг тарбияланганлигидан далолат беради. Устоз-мураббийларга

бўлган, уста-касб-ҳунар эгаларига бўлган ҳурмат ва ўз касбини ардоқлаш, эъзозлаш - инсонни маънавий гўзаллаштиради.

Масалан, оддий бир доирачи Қаҳрамон Дадаев жаҳоннинг 86 мамлакатада бўлган. Жумладан, АҚШда собиқ Советлар даврида бир ой бўлгандаги эпизодини тингланг-а: “Доирачи қаҳрамон Ватанига қайтиш арафасида Нью-Йоркдаги магазинлардан бирини томоша қилар экан, дўкон ичида бир ёш бола, “аяжон шу ўйинчоқни менга олиб беринг”, - деганини эшитиб (албатта ўзбек тилида сўзлаган эди бола), ҳангу-манг бўлади.

“Доирачи юртдошимиз бир ойлик АҚШ сафарида биринчи - илк бор ўз она тилида эшитган жозибали бола сўзидан сўнг кўзимдан ёш чиқиб, йиғлаб юбордим, - дейди ватандошимиз”. Мана Сизга ҳурматли китобхонлар! Ўз она-Ватанига бўлган муҳаббат ва ҳис туйғулар...

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигида онглилик, мулойимлик, тарбиялик, ташаббускорлик, мустақиллик, мамлакат ва жамиятга самарали меҳнат қилиш ва тайёр туриш руҳида тарбияли бўлиши.

Ишчанлик ва ишбилармонлик. Меҳнат натижалари учун масъулиятли бўлиш, меҳнат аҳлига ҳурматда бўлиш - бу давр тақозосидир. Меҳнатсевар, ишчан инсонлар одатда ўта масъулиятли, интизомли, меҳнатни қадрига етадиган, мулойим, кишилар билан муносабатларда маданиятли, очик чеҳрали бўлишлари билан бирга, улар ўзларини жамоат жойларида қандай тутишларини яхши биладилар. Одатда, ишчан ва ишбилармон кишилар камтар, ўз қадр-қимматларини, ҳурматини биладиган ҳамда атроф-муҳитга меҳрибон кўзлар билан қарайдилар...

Оилалик. Масъулиятлик, меҳнатсеварлик, маданиятли муомалада бўлиш, соғломлик оиланинг фаол ҳаёт тарзига одатланиши зарур. Оила бошлиқлари ҳар томонлама ўз масъулиятларини ҳис этиш ва амалга ошириш, ўз фарзандларини намунали тарбиялашни ўрганиш ва уни болаларига сингдириши муқаддас бурч ҳисобланади. Оила бурчини бажаришга ҳар доим тайёр туриш, болалар тарбиясида эринмаслик, жиддийлик бўлиши даркор. Ўзининг ота-оналари ва оила аъзолари ҳамда қарияларга ва ўзгаларга ҳурматда бўлиши керак.

Иқтисодий тарбиянинг бош мақсадини Ўзбекистон Респуб-ликаси Президенти И.А.Каримов куйидагича белгилайди: “Жамиятимиз ҳаётида ҳал этувчи масалалар ичида маълумот олишда тарбия тизимини кардинал тарзда қайта қуриш бўйича қонун лойиҳалари янги давр талаби даражасига

кўтариш имко-ниятларини бериш билан бирга чиройли гармоник ривожла-наётган келгуси авлодни тарбиялашдан иборатдир”, - деб бежиз таъкидламаган.

Бу ўринда шунини таъкидлаш зарурки, кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастуримиз инсон омилига катта урғу беради. Бундан мақсад ва вазифаларни стратегиясидан бошлаб, то янги дастурни аниқ ва равшан, ҳар томонлама таълим-тарбия жараёнига қаратилган.

1.2. Иқтисодий тарбиянинг услубий асослари

Тарбия методи - бу грекча сўз бўлиб, “методос” - йўл бўлиб, бу йўл тарбия мақсади ва вазифаларини амалга оширишдир. Бу ўринда иқтисодий тарбияга қўллаб шундай дейилади: Метод - бу онг, эрк, сезги тарбияланувчи хулқига таъсир этиш билан тарбия сифатларини мақсадга мувофиқ томонларини ишлаб чиқиш, иқтисодчи мутахассислигига оиддир.

Тарбия методлари кўпдир. Тарбиянинг айрим методлари умумий ҳисобланиб, бошқалари, айниқса янгилари ўқувчиларнинг иқтисодий тарбияси учун энг самарали бўлади. Бу самарали тарбия методларида тарбиячи кам меҳнат сарфлаб, олдига қўйилган мақсадларга тезроқ эришиш имкониятларини беради.

Тарбия методларини тўғри қўллаш - бу танлов ҳамда конструктив бўлиб, педагогик профессионализм чўққиларига эришади. Тарбия жараёнида аниқ шароитларни ҳисобга олиш, максимал тарзда тўғри йўллар топиш, янги авлодни иқтисодий тарбияси учун айниқса, муҳимдир. Ҳар бир тарбиячи ўзининг кучи ва имкониятларига қараб тарбия методларини доимо такомиллаштиришга интилади.

Такомиллаштириш методларини қисман тарбия усуллари деб аташади. Тарбия усули - бу умумий методни қисмини алоҳида ҳаракатини, таъсирини аниқ яхшилашга ундайди. Умумий қилиб айтганда, бу тарбия усули ҳам ўрганилмаган сўқмоқни эслатиб, тарбиячи ўзининг тарбия олаётганларга эзгуниятлар билан мақсадга эришиш учун йўл очади.

Тарбия усуллари ва методларини билиш, ҳаётда уни тўғри қўллаш - бу педагогик маҳоратнинг муҳим характеристикаларидан бири ҳисобланади. Тарбия методлари ва приёмларининг алоқаси ана шулардан иборат.

Тарбия воситалари нима? Тарбия воситаси - бу усул эмас, шунингдек, метод ҳам эмас, масалан, меҳнат - бу тарбия воситаси. Тарбия приёми тушунчаси - бу ягона таъсир этувчи бўлиб, приёмлар йиғиндисига воситалар орқали эришилади. Тарбиячи мақсаднинг аниқлиги муҳим аҳамият касб этади, ҳар бир ишда ўзакли гоё бўлади, бу тарбиянинг бирон-бир йўналишига мос келади. (Ақлий, ахлоқий, иқтисодий, экологик, ҳуқуқий, жисмоний, меҳнат ва бошқалар).

Педагогиканинг вазифаси - тарбия жараёнидаги ижтимоий вазиятларни ҳисобга олиш ва уларни ўз фаолиятига бўйсундириш билан коллектив ҳамда унинг айрим аъзоларига тарбия даражаси бўйича ташҳис қўйиш, сўнгра тўла педагогик таҳлил қилиш, бу билан тарбияланаётганларни тайёргарлик даражасини англаб, уларга таъсир қилиш кўзда тутилган.

Ишлаб чиқариш - иқтисодий фаолиятини ташкил этишнинг умумий назарияси педагогларни тарбиявий ишларни ташкил қилишда қўйидаги олтита ҳолатни ҳисобга олиш технологиясига эътибор беришни тавсия қилади:

1. **Олдида турган мақсадни аниқ белгилаш** ва уни амалга оширишнинг ҳамма ҳаракатларини бошдан то охиригача кўра билиш (Нималарга эришиш мумкин?).

2. Ҳар бир масъулиятли шахслар учун вазифаларни аниқ белгилаш (Қайси воситалар орқали унга эришиш мумкин?).

3. Қилинадиган ишлар учун зарур бўлган барча тайёргарликлар (Нималар ёрдамида унга эришиш мумкин?).

4. Натижаларни ўлчаш учун бажариш нормаларини белгилаш (Эришилган ютуқлар даражаси қандай?).

5. Мулкларни тақсимлаш манзили ва ҳисобга олиш вақти (Мақсадга эришилганлигини нима билан рақбатлантириш?).

6. Восита тузиш ташкилотчилари тизими ижрочиларига инструкция бериш (Қандай қилиб эришади?).

Ишларнинг ташкил қилишдаги иштирокчиси тарбияланаётган шахснинг муҳим сифати: мақсадга интилувчанлиги, масъулиятни ҳис қилиши, бошланган ишни якунига етказишни билиши, интизомга риоя қилиши, бажарувчанлиги. Умумий ишларни ташкил этишда қатнашиш - жамоани бирлаштиришнинг қудратли воситаси эканлиги. Кўпчилик учун ўзи танлаган иқтисодчи касби билан боқлиқ бўлган ўзининг сифатларини текшириш, шунингдек, ташкилотчилик имкониятларини билиш ва унга амал қилишни ривожлантириш.

1.3. Иқтисодий тарбия ва унинг бошқа предметлар билан боғлиқлиги

Иқтисодий тарбия ўзининг мақсадларига кўра кўплаб, тарбия ишлари кўринишларига эга: тарбия иши - бу мураккаб ва қийин жараён бўлиб, унда тарбиянинг ижтимоий моҳиятида кучлироқ мақсад юзага келади. Буни биз шартли равишда иқтисодий деб атаймиз.

Тарбия ишининг бу йўналишдаги бош мақсади — ўқувчиларда жамиятга, давлат ва ҳукумат органларига, жамоага бўлган иқтисодий муносабатлар тизимини уларда шакллантиришдир.

Шахсининг ижтимоий сифатни моҳияти нимадан иборат? Иқтисодий тарбиянинг шахс сифатларини бошқа томонлари билан боғлиқлиги қандай? Улардан энг муҳими - бўлажак иқтисодчининг фуқаролик позицияси жамиятда, мамлакатда ва жаҳонда юз бераётган барча воқеликларга шахсан даҳлдордир.

Ҳозирги замонда фуқаролик бурчи бирламчи аҳамият касб этмоқда. Бўлажак иқтисодчининг бошқа муҳим сифатлари билан биргаликда қатъий интизомли бўлиши ҳам узвий боғлиқдир. Иқтисодчи учун бу сифатларнинг, айниқса муҳимлиги, худди ана шу интизом туфайли англаган зарурати аста-секин ва сезилмасдан ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ўзлаштиришга ўтади.

Иқтисодий тарбия узвий равишда ижтимоий тарбия билан боғлиқдир. Ижтимоий тарбия негизида инсон англанилади. Инсоний муносабатлар, яъни кишилар кишилар билан муносабатларда бўладилар. Ижтимоий тарбия айниқса жамият тараққиётидаги инқирозларга яққол ва кескин тус олади. Бунда ижтимоий тарбия кишиларнинг ўзларини ўзлари ҳам ҳимоя қилишда муҳим рол ўйнайди.

Ижтимоий аутсайдерларга - қариялар, ногиронлар, ёлғизлар ва ёрдамга муҳтож бўлган аҳоли қатламларига ёрдамлашишни ижтимоий тарбиянинг мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтишда бош йўналиш ҳисобланади.

Ижтимоий тарбия муаммоларини ижтимоий педагогика ўрганади. Унинг предмети - шахсни шаклланишига ижтимоий муҳит қонунияти асосида таъсир кўрсатади. Жумладан, оила, норасмий бирлашмалар, оммавий ахборот воситалари, диний оқимлар таъсири ҳам мавжуд. Ижтимоий педагогика “таваккалчи” гуруҳларга, айниқса улар мураккаб, оғир-қийин ва инқирозли шароитларда қолганларга эътиборли қарайдилар.

Бундай кишилар, айниқса малакали педагоглар ёрдамига муҳтож бўладилар. Шунингдек, ижтимоий педагогика айниқса етук ва қариган чоғларида тарбия жараёни инсонлар муносабатлари бозор муносабатлари трансформацияси шароитида қаттиқ рақобатлар кураши остида кечишини ҳам ўрганади. “Ижтимоий иш - бу бутун жаҳонда мавжуд бўлиб, инсон-инсонга ғамхўр бўлиб - олийжанобли бўлишини англатади”.

“Ижтимоий иш” - бутун жаҳонда инсон-инсонга гуманитар муносабатда бўлишини ифодалайди. Ижтимоий иш - бу тизимли тадбир бўлиб, кишиларни жамиятга мослашиш жараёнини осонлаштиришга йўналтирилган. Ижтимоий ёрдам - бу юқори маданият кўрсаткичи ва жамиятнинг цивилизациялашганлигидан далолат беради. Ҳозирги даврда иқтисодий тарбия соҳасида амалий ишлар бўлиб, оилага, болаларга ёрдам, соғлиқни сақлаш, руҳий касалларга ижтимоий ишлар орқали кўмак беришдир.

Қисқа хулосалар

1-хулоса. Иқтисодий тарбия назарияси фанининг предмети, мақсади ва вазифалари. Иқтисодий тарбия назарияси фани - бу талабаларни иқтисодий муносабатларга ҳамда бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий тарбиянинг назарий асосларини, тарбия усулларини ўргатади. Бу фан талабаларда иқтисодий тушунчаларни шакллантириш ва иқтисодиёт сирларини ўргатиш ва таҳлил қилиш - иқтисодий тарбия назарияси фанининг предметиدير.

Иқтисодий тарбия жараёнида тарбия маданияти ва мазмунини англаш ҳамда тушуниш борасида талабаларга қўйилган мақсад ва вазифаларни аниқлиги, шахснинг сифати-хусусиятлари, одат-хулқларини назарда тутиш муҳимдир.

Иқтисодий тарбия асосида реал мақсад, яъни у инсонни ҳар томонлама камол топиши, унинг қобилият ва таланти - Оллоҳ берган илоҳий кучи намоён бўлади.

2-хулоса. Иқтисодий тарбиянинг услубий асослари тарбиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда қўл келади. Тарбиянинг усуллари кўпдир. Лекин тарбия усулларида тўғри фойдаланиш ҳам санъатдир. Тарбия методлари ва воситаларини билмасдан туриб, уни амалда тадбиқ этиш қийин.

Иқтисодий фаолиятда тарбиявий ишларни ташкил этишда юз берган ҳолатларни ҳисобга олиш технологиясига эътибор бериш лозим:

1. Мақсадни аниқ белгилаш ва уни амалга оширишда нималарга эришиш мумкин?

2. Ҳар бир масъулиятли шахслар учун вазифалар аниқлигидан ташқари, уни қайси воситалар орқали амалга ошириш мумкин?

3. Қилинадиган ишлар нималар ёрдамида амалга оширилади?

4. Эришилган ютуқлар даражасининг қандайлиги.

5. Мулкларни тақсимлаш ва ҳисобга олиш вақти.

6. Қандай қилиб, қайси воситалар орқали эришилади?

3-хулоса. Иқтисодий тарбия ва унинг бошқа предметлар билан боқлиқлиги. Тарбия иши - мураккаб ва қийин жараён бўлиб, унда тарбиянинг ижтимоий моҳиятидан кучлироқ мақсад намоён бўлади. Маълумки, иқтисодий тарбия узвий равишда ижтимоий тарбия билан боқлиқдир. Ижтимоий тарбия негизида инсон англанилади. Инсоний муносабатлар, яъни кишилар кишилар билан муносабатларда бўладилар. Ижтимоий тарбия айниқса жамият тараққиётидаги инқирозларда яққол сезилади.

«Ижтимоий иш» - бутун дунёда инсон-инсонга гуманитар муносабатдалигини ифода этади. Ҳозирги даврда иқтисодий тарбия соҳасида амалий ишлар бўлиб - оилага, болага, умуман инсонларга ижтимоий ишлар билан ёрдамлашишдир.

Таянч иборалар

Иқтисодий тарбия, иқтисодий муносабатлар, бозор иқтисодиёти, Тарбия мазмуни ва маданияти, билимлар тизими, ишонч кўникмаларини ҳосил этиш, шахснинг сифати ва хусусияти, одат ҳулқлари, умумпедагогик жараёнлар, шахснинг гармоник ривожланиши ва ҳар томонлама камол топиши, тарбия жараёни, реал мақсад, қобилият ва талант, қизиқиш ва интилиш, “базавий маданият”, маънавий маданият, иқтисодий қонун-қоидалар ва нормалар, инсоннинг ҳаётий маданияти, ўзлигини англаш, тарбиянинг шахсий йўналиши, ихтиёрийлик, тарбиячи-ўқитувчи, эркинлик эрки, фуқаролик бурчи, жамоатчилик йўналиши, фуқаролик масъулияти ва мажбурияти, миллий ғурур ва ватанпарварлик ҳиссиётлари, қадриятлар,

Конституция, Давлат рамзлари: герб, байроқ ва мадҳия, одиллик, тўғрилик, сезгирлик, аёвчанлик, байналмилалчилик ва бошқа миллатларга ҳурматда бўлиш, фуқаролик бурчи, ишчанлик ва ишбилармонлик, қадр-қиммат ва ҳурмат, иқтисодий билимдонлик кўрсаткичлари, тарбия мақсадининг воқийлиги, тарбиянинг шахсий йўналтирилганлиги, ихтиёрлик, жамоатчилик йўналиши, фуқаролик, мамлакат миллий кадрлар учун масъулият, ишчанлик, оилалик, ўзини-ўзи англаш, тарбия методи, педагогик профессионализм, педагогик маҳорат, тарбия воситаси, тарбия иши, ижтимоий аутсайдерлар, оила, норасмий бирлашмалар, оммавий ахборот воситалари, диний оқимлар, “ижтимоий иш”.

Такрорлаш учун саволлар

1. Иқтисодий тарбия жараёнида зарур бўлган уйғунлик йўллари ва уларнинг таъсири.
2. Иқтисодий тарбия мақсадининг реал, яъни воқийлигини сўзланг.
3. Ўз-ўзини англашни иқтисодий тарбияга таъсири қандай кечади?
4. Иқтисодий тарбияда ихтиёрлик нима?
5. Иқтисодий тарбиянинг услубий асослари нималардан иборат?
6. Иқтисодий тарбия ва унинг бошқа предметлар билан боқлиқлигини айтинг.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида” ги Фармони. Халқ сўзи, 1997.
2. Измаилов А.Э. Народная педагогика: педагогические воззрения народов Средней Азии и Казахстана. - М.: Просвещение, 1991.
3. Психология и педагогика: Учеб. пособ. / Составитель и отв. редактор А.А.Радулин. - М.: Центр, 2003.
4. Психология и педагогика: Учебная программа по дисциплине для специальности 060600-Менеджмент / Московский государственный университет экономики, статистики и информатики. - М. 2000.

5. Психология и педагогика: Учебник. - М.: Изд. Элит, 2004.
6. Сластенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. - 4-е изд. - М.: Школа Пресса, 2004.
7. Сластенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. для студ. пед. учеб. завед. / В.А.Сластенин, И.Ф. Исаев, А.И.Мищенко, Е.Н.Шионов. - М.: Школьная Пресса, 2004.
8. Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. - Т.: 1998.
9. Трайнев В.А. и др. Методы игрового обучение и интенсивные учебные процессы: теория, методология, практика / Трайнев В.А., Матросов Л.Н., Бузика А.Б. - М.: Прометей, 2003.
10. Хошимов К., Нишонова С., Инамова С., Ҳасанов Р. Педагогика тарихи. - Т.: Ўқитувчи, 1996.

2. Донишмандларнинг тарбия ҳақидаги ўғитлари

2.1. Донишмандлар тарбиянинг аҳамияти ва мазмуни ҳақида.

2.2. Донишмандларнинг тарбия ҳақидаги ўғитлари.

2.1. Донишмандлар тарбиянинг аҳамияти ва мазмуни ҳақида

Донишмандлик илми - ҳикматшуносликда одобнома, панднома, ўғитнома, маслаҳатнома жанрлари табиий ва одат ҳуқуқлари ҳукмрон бўлган замонлардан бери бизларга маънавий-ахлоқий мерос бўлиб келган.

“Авесто” даги одоб ва ўғит-мадҳиялар, Зардушт таваллоси, Абу Наср ал Фаробийнинг “Фозил одамлар шаҳри”, Абу Райҳон Берунийнинг “Ҳиндистон”, “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, Абу Али ибн Синонинг “Рисолаи тадбири манзил”, Маҳмуд ғошқарийнинг “Девони луғотит турк”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибатул ҳақойиқ”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Кутадғу билиг”, Нажмиддин Кубронинг “Шогирдлар олоби”, Маҳмуд аз-Замахшарийнинг “Ўғит ва насиҳатларнинг олтин шодалари”, “Нозик иборалар”, Насриддин Рабғузийнинг “ғиссаи Рабғузий”, Амир Темурнинг “Темур тузуклари”, Мирзо Улуқбекнинг “Тўрт улус тарихи” асарлари, Мир Алишер Навоийнинг шеърляти, Заҳириддин Мирзо Бобурнинг ўғли Ҳумоюнга васиятномаси, Абдулғози Баҳодирхоннинг “Шажараи Турк”, “Шажараи Туркнома”, Муҳаммад Ризо Оғаҳийнинг “Оғоҳнома”, Муҳаммад Мусо ал-Хоразмийнинг “Васиятлар китоби”, Абдулла Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарлари комил инсон баркамоллигига қаратилган тарбиявий-ўғиту маслаҳатлардан, йўл-йўриқлардан иборат яхлит миллий-умуминсоний ҳикматшунослик манбаларидир.

Ўзбек халқи учун тарихан нодир ва ноёб ижодий-интеллектуал анъана бўлган комил инсон тарбияси ва унинг ахлоқий-маънавий, жисмоний-руҳий кайфият баркамоллигига, миллат, она-ватан ақлий-ҳиссий равнақи юксалишига бахшида бўлган бу ноёб миллий мерос ҳозирда ҳам янгила замону, янгила моҳиятларда миллатнинг жонфидо алломалари томонидан ижодий давом эттирилмоқда. Биз ҳам ушбу йўналишда буюк бобоқолон мутафаккирларимизнинг комил инсон,

баркамол авлод тарбиясига қаратилган ахлоқий-маърифий таълимотлар тизимида одобнома жанрида миллий камолотнинг ҳозирги ва келажак цивилизациясини таъминлашга ўз фикр ва мулоҳазаларимизни ифода этишга ҳаракат қилдик.

Тарбия - ҳаёт, нажот, саодат.

Тарбия биз учун ё ҳаёт -
ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат,
ё саодат - ё фалокат масаласидир.

Абдулла Авлоний.

Доно халқимизнинг “Болани - бошдан”, деган мақоли бор. Бунинг боиси шундаки, бола дунёга кўз очиб келганда нимани кўрган, ниманики эшитган бўлса, ўшалар унинг руҳиятига, аввало ўша нарса таъсир этади ва тасаввурини шакллантирувчи асос-пойдеворга айланади. Шунинг учун ҳам чақалоққа ҳаётда фақат ва фақат гўзал - яхши нарсаларни кўрсатиш ва ёқимли-ширин товушларни эшиттириш керак.

Инсоннинг болаликда, ёшликда кўрганлари унинг табиати, руҳиятини, одоб-кўникмаларини шакллантиради. Шунинг учун ҳар бир ота-она тарбия соҳасида ўзига хос руҳшунос бўлиши, ёш гўдакнинг руҳиятига кириб, унинг қизиқишларини кузатиб яшаши лозим.

Фан ютуқлари шундан далолат берадики, бола она қорнидаги ривожланиш давридаёқ, ташқи муҳит, иқтисодий тарбия таъсирларини ҳис эта бошлайди. Ҳаётда бўлаётган салбий ёки ижобий ҳодисалар онанинг кайфияти, унинг ўша воқеаларга муносабати, ҳис-туйғулари орқали гўдакка ҳам ўтади. Бошқача айтганда, бўлажак онага бўлган муносабат, туғилажак чақалоққа бўлган муносабат ифодаси эканини ҳар бир киши тўқри тасаввур этиши керак*.

Цивилизациялашган мамлакатларда ёш келин-куёвлар қобилиятли, соғлом зурриёдга эга бўлиши учун, олдиндан тайёргарлик кўришади. Дастлаб шифокорлар келин ва куёв организмнинг саломатлигини текшириб кўрадилар. Бунда бўлажак келин-куёв танасидаги моддалар таркиби, гармонлар қандай эканлиги, уларнинг руҳий ва қон янгилини ҳолати қандайлигига эътибор қаратилади. Бўлажак келин бола қайси ойда ва қайси кунда она қорнида нишона бериши

* Фуломов С. Ўғитнома. - Тошкент: 2003. 5-6 бетлар.

лозимлигини аниқлашади (Эътибор беринг-а, қадимда бизнинг ота-боболаримиз ҳам худди шундай йўл тутганлар. Масалан, Амир Темур бобомизнинг қачон туғилиши олдиндан башора қилингани бунинг яққол исботидир).

Демак, истеъдодли ва талантли болаларни фақат туқилганлар орасидан излаш билан кифояланиб қолмасдан, балки уларни қандай кўпайтириш ҳақида ҳам ўйлашимиз зарур экан. Бунинг учун, аввало, ҳомиладор аёлни ҳар қандай сиқилишлару, асаббузарликлардан асраш, уни дармонли, қувватли ва сервита-минли ноз-неъматлар билан мунтазам овқатланиб туришига имконият яратиб бериш керак.

Қизлар турмушга чиқмасдан олдин бола ширин, тарбияси ундан ширин, қоида-талабни жуда яхши англаб олиши, ўзларининг келажақда она бўлишлари ҳақида аниқ ва тўлиқ тасаввурга эга бўлишлари зарур. Бунинг учун уларнинг жисмуруҳиятини оналик вазифасини бажаришга кўниктириш лозим. Шунда турмуш қурганла шошиб қолишмайди.

Йигитлар ҳам ўзларининг бўлажак эр, бўлажак ота эканликларини билишлари ва шунга руҳан тайёр бўлишлари даркор.

Йигит ва қизларни турмушга, оталик ва оналикка тайёрлашда ота-онанинг хизмати катта, албатта. Лекин ота-оналар миллий одатларимиз, одобномаларимизга кўра ўзининг ўғилқизига ҳамма нарсани ҳам очик айта олмайдилар. Шунинг учун бу соҳада махсус адабиётлар, ўқув қўлланмалари чиқаришга алоҳида эътибор бериш керак.

Йигит-қизлар чин севги-муҳаббат ҳақидаги мумтоз бадиий асарларни ўқиб, ифбатли ҳамда одобли, фильм ва спектаклларни кўриб борса, бу уларни психологик жиҳатдан чиниқтиради, ҳиссиётларини тарбиялайди, тегишли зарур кўникмаларни ҳосил қилишга омил бўлади.

Йигит ва қизлар ўзларини руҳий назорат қилиш кўникмаларига ҳам эга бўлишлари зарур. Яъни, зарурат туғилганда улар турмушда мустақил қадам ташлаши, керак бўлганда эса, ота-она, дўст ва қариндошлар маслаҳати билан иш кўришлари лозим.

Гўдак тарбияси асрий тажриба ибрати ва илмий асосда қурилиши лозим. Ота-она фарзанд жисмида, руҳида кун сайин содир бўлаётган такомилликни, ўзгаришларни фавқулодда назокатли ҳис қилиб, шунга яраша уни моддий-маънавий, руҳий-жисмоний рақбатлантириб, парваришлаб бориши зарур*.

* Фуломов С. Ўғитнома. - Тошкент: 2003, - 8 б.

Гўдак туғилганда эзгу иримлар қилиниши бежиз эмас. Яъни, уй-ҳовли супирилиб, тозаланади, исирик тутатилади - солинади, куръон тиловат қилинади. Гўдак билан онаси қирқ кун чиллада бўлишади, бегона кўзлардан асралади. Гўдакка исм қўйилиб, қулоқига азон чақирилади. Бола яхши иримлар, нияту орзулар билан тантанали равишда бешикка солинади, кайвони аллалару-алёрлар айтиб, дуолар қилади. Бешикка тумор ва мунчоқлар, яхши ўйинчоқлар осиб қўйилади. Гўдак уйқудан кўзини очиши билан ана шу нарсаларни кўриб, оромбахш муҳитга кўникиб боради.

Ота-боболаримиз, момоларимизнинг буюк кашфиёти бўлмиш - бешикда серқувват микро иқлим мавжуд бўлиб, у гўдакнинг ҳар томонлама соғлом ўсишини таъминлайди. Бешикнинг бола руҳидан ташқари жисмига таъсири беқиёс: Бешикда у текис боғлаб қўйилгани боис, суяклари тўқри ўсади, боши силлиқ-юмалоқ бўлади. **Ўзбек бешиги - миллат бешиги, истиқбол гўшаси, келажак тўхфаси.**

Кўпчилик боланинг жисмоний тарбиясига эътибор беради-ю, ақлий тарбиясига бепарво қарайди. Зеро, боланинг ақлини ҳам ҳар куни чиниқтириб, мустаҳкамлаб бориш зарур. Бунинг учун унга ҳар куни бирор бир янги нарсани кўрсатиш, унинг моҳиятини тушунтириб бериш лозим.

Мияни ривожлантириш ва чиниқтиришда болани овқатлантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун болага ақлини ўстиришга ёрдам берадиган таомлардан кўпроқ бериш даркор.

Бола уйқусида тинч ётиши, яхши ором олиши учун тўшагининг ҳаддан ортиқ қоронғулик, ҳаддан зиёд ёруқликдан, шамолу-елвизакдан ҳоли қулай жойда, юмшоқ ва тоза ҳаво бўлишига, боши билан оёқи қайси тарафда эканлигига, танланган жойнинг биомагнит майдонига алоҳида эътибор бериш керак. **“Ўз уйим - ўлаб тўшагим”**, деганларидек, бола катталар сингари руҳу-вужуди ва ҳис-туйғулари ўрганган кўникма жойдагина яйрайди.

2.2. Донишмандларнинг тарбия ҳақидаги ўтиглари

Тарбия - санъат. Бола тарбияси эса мўъжизавий санъат, мўъжизавий нажот - саодат. Бола тарбияси - фавқулудда масъулият.

Юқорида таъкидлаганимиздек, гўдак ҳомила давридаёқ ҳамма нарсани эшитиб, овозларни фарқлайди. Тарбияли ва

маърифатли она ҳомиладорлигидаёқ болани ширин-ширин сўзлар, хиргойилар, ҳазил-мутойибалар билан эркалата бошлайди. Туғилгач, онани эмиш жараёнларида бола эркалаб-эркалаб турилади, гапиришни, сўзларни тўғри талаффуз қилишни ўргатиша бошлашади. Гўдак вояга етгани сари, унинг ўзини фикрлашга, мустақил гапиришга ўргата бошлайди. Айни пайтда гўдакка аллалар воситасида чиройли оҳанглар, мусиқалар, ашулалар хиргойи қилинади, ҳар хил исм ҳамда ёқимтой номларни айтишиб, товушу-оҳангларнинг фарқига бориш кўникмаси ўргатилади.

Бола бироз вояга етгач, унга маърифатли, фаҳм-фаросатли нозик, тажрибали энага - тарбиячи танлаш мақсадга мувофиқдир. Аждодларимиздан бизга мерос ушбу асрий тажриба бола тарбияси жараёнига фавқулудда назокат билан жорий этилиши, ижодий қўлланиши ҳам фарз, ҳам қарзидир. Улуғбек Мирзони, Бобур Мирзони эслашнинг ўзи кифоя. Амир Темур фатвосига биноан болалари, неваралари тарбияси билан фақат ва фақат катта хотини Сароймулкхоним махсус шуғулланганини яхши биламиз. Самара шулки: - Мирзо Улуғбекдек даҳо! Заҳриддин Бобур Мирзодек буюк инсонлар!

Махсус тарбиячи боланинг ақлий-шуурий, ҳиссий ўзига хос хусусиятини, табиатини яқиндан ўрганиб олади ва унга қандай вазиятда нимани ўргатиш зарурлигини яхши билади, шунга қараб ҳаракат қилади. Лекин, бу дегани ота-она тарбиядан озод бўлади, дегани эмас.

Она меҳри, ота ибрати ҳар қандай тарбияда бари-бир ҳал қилувчи омил, тақдириломон моҳият касб этади. Бу икки зот ўз фарзандига берадиган нарсани - меҳрни ҳеч қандай мутахассис бера олмайди.

Ҳаётда ота ёки она бўлиш осон, лекин ўз фарзандига мураббий ва устоз бўлиш қийин ва мушкулдир. Бунга баъзан ота-онанинг лоқайдлиги ва дангасалиги ҳалақит беради. Энг ёмони шундаки, бундай ота-оналар фарзандига ўзлари таълим-тарбия беришга ожизлик қилгани етишмагандай, яхшироқ ўқитувчи-мураббий ёллаб уларни ўқитиш, тарбиялашнинг ҳам уддасидан чиқиша олмайди. Улар, афсуски, ҳаётимнинг сўнгги дақиқасида наслимни, уй-жойимни, бор-йўқ бойлигимни кимга ишониб топшираман?, деган ҳаётий масала устида дурустроқ ўйлаб ҳам кўришмайди. Зеро, энг аввало, **айнан ота-она ўз фарзандининг мураббийси - устози бўлиши шарт.**

Афсуски, лоқайдлик, масъулиятсизлик, бепарволик, бефаросатлик, авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтаверади. Ноқобил ота-онадан ноқобил фарзанд, ундан янада ношуд, янада ноқобил зурриёд туғилаверади. Бундай ҳолат халқ учун, миллат учун ҳалокатлидир. Бунақа оилаларда файз-барака ўрнига доимо жанжал ва тўполон ҳукм суради. Шунинг учун болаларни ҳамيشа мустақил равишда билимларни ўрганишга, ота-бобосидан қолган меросни асраб-авайлашга ўргатиш ҳам фарз, ҳам қарз ҳисобланади.

Оилада боланинг соғлом ва баркамол ўсиши, ота-онанинг турмуш тарзини йўлга қўйиш учун, аввало юқорида таъкидланганидек, оила психологиясини, оилавий муносабатларни ўрганишни замонавий ва илмий асосда қўйиш лозим. Оилада ота-она муносабатлари ўзаро ҳурмат асосида бўлиши лозим. Оиладаги уй-рўзгор юмушлари қатъий режа асосида ўзаро келишилган ҳолда бўлиши зарур. Энг муҳими, оилада ота-она ўртасида **“раҳбарлик талашуви”**, яъни устунликка интилиш бўлмаслиги маъқул. Бу ўринда қадимдан қолган удумимиз: **“Эр-подшо, хотин-вазир”**, деган ҳикматга асосланган ҳаётий қадриятимизни унутмаслик керак.

Умуман болани кичикликдан бошлаб меҳнаткаш бўлишига ўргатиб, ота-онага меҳрли бўлиши руҳида тарбиялаш айни муддао...

Маълумки, биз тараққиётда Оврўподан ортдамиз. Сабаби - юқори технологияда эмас, балки у мамлакатларда бола таълим-тарбиясига ўз истиқболи-ю равнақининг асос-мезони, деб қаралишида. Оврўпо аллақачонлар таълимнинг индивидуал, яъни битта ўқитувчи тизимига ўтган.

Сўнги йилларда баркамол авлоднинг ақлий-интеллектуал, ҳиссий ва жисмоний тарбиясида, камол топишида Президентимиз ташаббуси билан **“Соғлом авлод”** дастури ишлаб чиқилгани, унда жумладан, насл масаласига катта эътибор берилгани бежиз эмас.

Яҳудийлар ҳомилали онани ҳомила бошланган даврдан бошлаб витаминларга бой таомлар билан озиқланишига катта эътибор берадилар. Ҳомиладор аёлнинг асабийлашишига йўл қўйилмайди, калорияли таомларни вақтида, тўқри тановвул қилишга мажбур этишади.

Она қорнидаёқ бола ҳамма гапни эшитиб тургани боис, доимо гаплаша бошлашади. Фарзанд туғилгандан сўнг, ҳатто, онасини эмаётганда ҳам, биринчи навбатда, унинг нутқ мада-

ниятни шаклланиши устидан қаттиқ назорат ўрнатилади. Болани кичик ёшдан фикрлашга, ўзи гапиришга ўргата бошлашади.

Яхудийлар болани сардор-хўжайин бўлишга ундайди, тарбия қилади, ҳар томонлама рақбатлантиради. Муслмонлар жисмоний кучни қадрлашади. Яхудийлар эса ақлий қудратни, у орқали бутун дунёга ҳукмронлик қилишни мақсад қилиб қўяди.

Таълим ва тарбия - узлуксиз жараён. Ҳадиси Шарифда **“Бешикдан қабргача илм изла”**, деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Мирзо Улуқбек ўзи қурдирган мадрасалар пештоқига **“Эркакга аёл илм олишга ҳақли”**, - деган сўзларни бежиз ёздиртириб қуймаган.

Оврўпонинг бизга нисбатан юксалиб, ривожланиб кетганининг асосий сабаби илғор технология эмас, балки маориф, билим, таълим-тарбияга жуда катта эътибор қаратганидир. Мустақиллик йилларида бизда ҳам бу борада, таълим-тарбия тизимининг конституциявий-ҳуқуқий асослари яратилиб, унинг амалий-ижодий шакллари, услублари жорий қилинди. Муҳими жаҳон андозаларига мос бўлган таълим-тарбия концепцияси - **“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”** ишлаб чиқилди ва унинг ижроси билан боқлиқ ташкилий-амалий ишлар амалга оширилмоқда.

“Куч - билим ва тафаккурда!” тамойилига асосланган таълим-тарбиянинг **сифат босқичи** бошланди...

Оврўпо мамлакатларида, юқорида қайд этилганидек, таълимнинг индивидуал тизимига ўтиш жадаллашмоқда. Ўқитувчининг уйда бир болага юзма-юз ўқитиши юқори самаралар бермоқда. Бундан хулоса шулки, бизда ҳам таълимнинг ана шу самарали усулига ўтиш имкониятларини излашга ундайди.

Қисқа хулосалар

1-хулоса. Донишмандлар тарбиянинг аҳамияти ва мазмуни ҳақида: донишмандлик, илми-ҳикматшуносликда одобнома, панднома, ўтитнома, маслаҳатнома жанрлари табиий ва одат ҳуқуқлари ҳукмрон бўлган замонлардан бери бизларга маънавий-ахлоқий мерос бўлиб келган ва келади.

“Авесто” даги одоб ва ўтиг-мадҳиялардан тортиб, то Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг “Огоҳнома”, Муҳаммад Мусо ал-Хоразмийнинг “Васиятлар китоби” ва бошқа алломалар ўтиг-лари миллий-умуминсоний ҳикматшунослик манбаи ҳисобланади.

А.Авлонийнинг: Тарбия - ҳаёт, нажот, саодат. Доно халқимизнинг “Болани - бошдан” деган ҳикмати билан тарбиялаш - бу давр тақозосидир.

2-хулоса. Алломаларнинг тарбия ҳақидаги ўғитларини ҳар бир ота-она тарбия соҳасида ўзига хос руҳшунос бўлиши, ёш гўдакнинг руҳиятига кириб, унинг қизиқишларини кузатиб яшашни тақозо этади. Фан ютуқлари шуни таъкидлайдики, бола она қорнидаги ривожланиш давридаёқ, ташқи муҳит, иқтисодий тарбия таъсирларини ҳис эга бошлайди. Буни ёш ота-оналар унутмаслиги зарур.

Ривожланган мамлакатларда ёш ота-оналар қобилиятли, соғлом зурриёда эга бўлиши учун, олдиндан тайёргарлик кўришади. Масалан, Амир Темур бобомизнинг қачон туғилиши олдиндан башорат қилинган. Бола биров вояга етгач, унга маърифатли, фаҳм-фаросатли нозик, тажрибали энага - тарбиячи танлаш мақсадга мувофиқ бўлган. Аждодларимиздан бизга мерос ушбу асрий тажриба бола тарбияси жараёнига фавқулодда назокат билан жорий этилиши, ижодий қўлланиши ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Афсуслар бўлсинки, лоқайдлик, масъулиятсизлик, бепарволик, бефаросатлик, авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтаверади. Натижа: ноқобил ота-онадан ноқобил фарзанд, ундан ҳам ношуд зурриёд туғилаверади. Бундай ҳолат халқ учун, миллат учун ҳалокатлиги маълум.

Таянч иборалар

Донишмандлик илми, одобнома, панднома, ўғитнома, маслаҳатнома, тамойил, тановвул, фавқулодда вазият, маънавий-ахлоқий мерос, “Авесто”, комил инсон баркамоллиги, йўл-йўриқлар, яхлит миллий-умуминсоний ҳикматшунослик, нодир ва ноёб ижодий-интеллектуал, миллий мерос, ахлоқий-маърифий таълимотлар тизими, цивилизация, руҳият, одоб-кўникмалар, ташқи муҳит, иқтисодий тарбия таъсирлари, соғлом зурриёд, истеъдодли ва талантли болалар, миллий одатлар, руҳий назорат, гўдак тарбияси, жисмоний ва ақлий тарбия, махсус тарбиячи, мураббий ва устоз, лоқайдлик, масъулиятсизлик, бепарволик, бефаросатлик, “раҳбарлик талашуви”, “Соғлом авлод” дастури, таълим-тарбия концепцияси, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”.

Такрорлаш учун саволлар

1. Донишмандлик нима?
2. Донишманд деб қандай фазилат ва хусусиятга эга бўлган шахсларни биласиз.
3. “Авесто” даги одоб ва ўғит-мадҳияларни шарҳлаб беринг.
4. Абу Наср ал-Фаробийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асарининг моҳияти нимадан иборат?
5. А.Р.Берунийнинг “Ҳиндистон” ва “қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарларини аҳамияти ҳақида қисқача сўзлаб беринг.
6. Абу Али ибн Синонинг “Рисолаи тадбири манзил” асарида асосан нималар ёритилган?
7. Амир Темурнинг “Темур тузуклари” асарининг моҳияти нималардан иборат?
8. Мирзо Бобурнинг ўғли Ҳумоюнга васиятномасининг маъносини айтиб беринг.
9. Муҳаммад Ризо Оғаҳийнинг “Оғаҳийнома” асарининг мазмуни нима?
10. Муҳаммад Мусо ал-Хоразмийнинг “Васиятлар китоби” да нималар айтилган?
11. Абдулло Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарининг мазмунини шарҳлаб беринг.
12. Ўзбек халқи учун тарихан нодир ва ноёб анъаналарни айтиб беринг.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.: Шарқ, 1997.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. - Т.: Шарқ, 1999.
3. Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. - Т.: Фан, 1986.
4. Беруний Абу Райҳон. Руҳият ва таълим-тарбия ҳақида. - Т.: 1968.
5. Фуломов С. Ўғитнома. - Т.: 2003.
6. Измаилов А.Э. Народная педагогика: педагогические воззрения народов Средней Азии и Казахстана. - М.: Просвещение, 1991.
7. Психология и педагогика: Учеб. пособ. / Составитель и отв. редактор А.А.Радугин. - М.: Центр, 2003.

8. Психология и педагогика: Учебная программа по дисциплине для специальности 060600-Менеджмент / Московский государственный университет экономики, статистики и информатики. - М. 2000.

9. Психология и педагогика: Учебник. - М.: Изд. Элит, 2004.

10. Слостенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. - 4-е изд. - М.: Школа Пресса, 2004.

11. Слостенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. для студ. пед. учеб. завед. / В.А.Слостенин, И.Ф. Исаев, А.И.Мищенко, Е.Н.Шоенов. - М.: Школьная Пресса, 2004.

12. Таджиханов У., Саидов А. Хукукий маданият назарияси. - Т.: 1998.

13. Трайнев В.А. и др. Методы игрового обучение и интенсивные учебные процессы: теория, методология, практика / Трайнев В.А., Матросов Л.Н., Бузикаина А.Б. - М.: Прометей, 2003.

14. Хошимов К., Нишонова С., Инамова С., Хасанов Р. Педагогика тарихи. - Т.: Ўқитувчи, 1996.

3. ТАРБИЯ ЖАРАЁНИ ВА УНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

3.1. Шахс тушунчаси ва унинг тарбия субъекти эканлиги.

3.2. Тарбия жараёни ва унинг мазмуни, мақсади ва вазифалари.

3.1. Шахс тушунчаси ва унинг тарбия субъекти эканлиги

Шахс тушунчаси инсон тушунчасидан фарқланиб, маълум маънавий хусусиятларга эга бўлган, ўзи яшаётган жамиятнинг талабларига жавоб бера оладиган инсонга айтилади. Демак, шахс фақат жамиятнинг ичида шакллана олади. Жамият ривожланган сари унинг талаблари ўзгариб, мураккаблашиб боради. Шунинг учун ҳам педагогика фани имкон борича янги талабларни аниқлаши, сўнгра уларга жавоб бера оладиган шахсни тарбия-лашга ҳаракат қилиши керак. Шахсни тарбиялаш учун унга таъсир этувчи омилларни аниқлаб олишимиз керак.

Педагогика фани ҳозирги кунда қуйидаги фикрларни илгари сурмоқда: Шахснинг шаклланишида икки омил ўз ўрнига эга. 1. Ички омиллар (унга наслдан-наслга ўтадиган хусусиятлар, қобилият, темперамент кабилар киради). 2. Ташқи омиллар (унга жамиятнинг тузилиш структураси, таълим-тарбия жараёни, муҳит кабилар киради).

Ҳар иккала омилнинг ўзаро таъсирланиши натижасида шахснинг шаклланиши келиб чиқади. **Ташқи омиллар ичида тарбия** энг муҳим аҳамиятга эга бўлиб, шахсни тўғри шаклланиши учун йўналтирувчи жараён бўлиб ҳисобланади. Тарбиянинг роли ҳақида Макаренко шундай ёзади: “Тарбиянинг беқиёс кучга эга эканлигига аминман, агар киши ёмон тарбияланган бўлса, бунда тарбиячилар айбдордир”.

Тарбиянинг асосий мақсади ижтимоий фаол, ҳар томонлама уйғун шаклланган жамият талабига жавоб бера оладиган шахсни шакллантиришдир. Тарбия икки томонлама борадиган жараён, лекин раҳбарлик роли тарбиячига берилади. Тарбия жараёни тарбиявий муносабатлар тизимининг йиғиндисидан иборат бўлиб, иккала томоннинг муносабати жамият талаблари ва мақсадига бўйсунди. Ҳар қандай тарбиявий таъсирнинг мазмуни шахснинг ички дунёсини

ўзгартиришга қаратилган бўлиб, у ўз навбатида хулқ-атвор ва фаолиятини ўзгартиради.

Тарбиявий муносабатларга талабларни ўзаро таъсирини ҳам киритиш керак. Тарбия мазмуни - бу объектив бойликни (ташқи) субъектив бойликка (ички) ўтишидир. Ана шу маънавий бойликнинг инсон онгида ўз аксини топиши ҳисобланади. Инсон ҳаётда тарбияланганлиги билан гўзалдир. Ҳаётда одам то умрининг охиригача тарбияга муҳтож бўлади. Тарбия кишини ҳақиқий инсон камолот чўққисига етаклайди. Турмушда энг яхши тарбия - бу ўзи бошқаларга ўрнак бўлишидир. Одамнинг яхши ёки ёмонлиги унинг гап-сўзлари, афти-ангори, юриш-туриши, кийинишлари ва ҳаракатларидан ҳам билиниб туради. Шунини яхши билинги, Сиз ҳаётда қанча кўп одамлар орасида бўлсангиз, ҳаётни шунча яхши ўрганасиз. Ҳаётда янглишганингизда руҳингизни туширмай, қийинчиликлардан қутилиш йўллари изланг. Бу ўринда Демокрит фикрини тингланг-а: “Ярамас, бузуқ одамларга эргашинг, албатта, ёмон, аммо яхши одамларга тақлид қилишни истамаслик ундан ҳам ёмонроқдир”.

Ҳаётда тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши айни муддао. Суқрот: “Тарбия қийин иш ва тарбия шарт-шароитларини яхшилаш ҳар қандай кишининг ҳам муқаддас бурчларидан биридир; зеро ўзини ва теварак-атрофдагиларни маълумотли қилишдан ҳам кўра муҳимроқ иш йўқ”, - деган эди. Турмушда тарбияли шахс билан мулоқотда бўлсанг ҳузур қиласан киши. Ҳар доим тарбияли, олийжаноб шахслар билан бирга бўлишга интиласан ва ана шундай кишиларни кўмсайсан. Бу борада рус олими Н.И.Пирогов: “Менинг фикримча, барча мутафаккирлар тарбияни йўрғақдан бошлаш, деган хулосага келганлар”, - деб аниқ ва тўқри таърифлаган. Инсонни тарбиялаш энг буюк ва шу билан бирга ниҳоятда мураккаб ишдир. Тарбиянинг катта-кичиги бўлмаганидек, тарбия масаласида майда-чўйда нарса ҳам йўқ. Фарзанднинг энг тарбиясизи - она-онасининг сўзига кирмагани. Оила қуришда йигит тарбияли қизни топиш ниятида бўлади ва аксинча, қиз ҳам тарбия кўрган йигитни излайди. Бу яхши, албатта.

Шундай қилиб, шахс тушунчаси ва унинг тарбия субъекти эканлиги, тарбия жараёни, унинг мазмуни ҳамда мақсади билан узвий боқлиқдир.

3.2. Тарбия жараёни, унинг мазмуни, мақсади ва вазифалари

Тарбия жараёни кўп омилли жараёндир, чунки бу жараёнга оламдаги ҳамма нарсалар, ҳодисалар, одамлар, табиат таъсир кўрсатади. Лекин ташқи таъсир кўрсатувчиларининг ичида энг катта таъсир этувчилари бу - ота-оналар ва педагоглардир. Тарбия жараёнининг энг асосий тамойиллари:

1. Сўз ва иш бирлиги ҳисобланади.
2. Тарбия жараёнининг узлуксизлиги.
3. Тарбия жараёнининг икки томонламаллиги.
4. Тарбия жараёнида ёш ва индивидуал хусусиятларни ҳисобга олиш.

Тарбия жараёни маълум қонуниятлар асосида ва илмий асосда олиб борилсада, кўпинча бу жараённинг натижаси турлича бўлади, чунки бу жараённи қуйидаги омиллар қийинлаштиради:

1. Тарбияланувчига бўлган таъсирнинг турлилиги (мактаб, оила, кўча таъсирларини ва талабаларнинг орасидаги фарқи).
2. Шаклланиб бўлган қарашлар ва одатлар (ноғўғри шаклланиб қолган дастурлар, тушунчалар).
3. Тарбияланувчининг ички муҳитини ўрганишдаги қийинчиликлар.
4. Тарбиявий ишлар методикасини янгиланмаслиги (Эски методлардан фойдаланиш).

Инсоннинг фаоллигини энг асосий сабаби - бу эҳтиёждир. Ана шу эҳтиёж инсоннинг атроф-муҳитга ва одамларга нисбатан бўлган муносабатини келтириб чиқаради. Ана шу эҳтиёж тарбия жараёнида ҳам иштирок этади ва тарбияланувчига ривожлантирувчи куч сифатида таъсир қилади. Тарбия жараёнида **ҳар бир талабанинг** ички индивидуал эҳтиёжини ўрганиш айниқса муҳим. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида буйруқ бериб тарбиялаш эмас, балки дунёқарашни шакллантириш орқали хатти-ҳаракат ва фаолиятни ўзгартириш, инсоннинг ички дунёсини поклаш, бойитиш орқали олиб бориш лозим. Англаш - бу биринчи босқич бўлса, ана шу анланган программани фаолиятга айлантириш - бу иккинчи босқичдир. Учинчи босқичда эса ана шу хатти-ҳаракатни қайта такрорлаш орқали одатларни келтириб чиқаришдир.

Тарбия ва ўз-ўзини тарбиялаш шахс шаклланишида ажралмас таркибий қисмлардир. Йўналтирилган ва уюштирилган педагогик тарбия ўз-ўзини тарбиялаш билан бирга


тўлдирилиб борилади. Ўз-ўзини тарбиялаш - бу онгли, мақсад сари йўналтирилган мустақил фаолиятдир. У атроф-муҳит таъсири натижасида вужудга келади. **Психологларнинг ўрганишича, инсон фақат атроф-муҳитга эмас, ўз-ўзига ҳам таъсир қилиб, ўзгартира олиш кучига эга.** Ўз-ўзини тарбиялаш жуда эрта бошланиб, дастлаб қуйидаги шаклларда намоён бўлади: 1. Мослашиш. 2. Тақлид қилиш. 3. Ориентир олиш. Нима яхши-ю, нима ёмон?

Аслида ўз-ўзини тарбиялаш шахс шаклланишининг энг юқори даражаси ҳисобланади. Ўз-ўзини тарбиялаш эҳтиёжи айниқса, ўсмирлик даврида кучаяди. Бу даврда таққослаш ҳолида иш юритилади. Ўз-ўзини тарбиялаш усуллари:

1. Масъулиятни ҳис этиш.
2. Ўзига ҳисобот бериш.
3. Ўз хатти-ҳаракатини таҳлил қилиш.
4. Ўзини назорат қила билиш.
5. Ўзига баҳо бериш ва бошқалар киради.

Шундай қилиб, тарбия жараёни ниҳоятда мураккаб ва қийиндир. Педагогика жараёнида тарбия энг муҳим жараён ҳисобланади.

Тарбия жараёнини белгилашда ягона қарашлар йўқ. Баъзи бирлар тарбияни шаклланиш деб ҳисобласалар, бошқалар эса тарбия деб атайдилар. Яна бошқа тадқиқотчилар шаклланиш - бу тарбиянинг ички томони деб талқин қиладилар. Тарбия - шахснинг мақсадга мувофиқ йўналтирилган шаклланиш жараёни ҳисобланади.



Қисқа хулосалар

1-хулоса. Шахс тушунчаси ва унинг тарбия субъектида шахс тушунчасидан фарқланади ва маълум маънавий хусусиятларга эга бўлган, ўзи яшаётган жамият талабларига жавоб бериши керак. Жамият ривожланиб борган сари унинг талаблари ўзгариб, мураккаблашиб боради. Бу ҳолат педагогика фани имкон бориша янги талабларини аниқлаши ва уларга жавоб топиши, шахсни тарбиялашга чорлайди.

Шахснинг шаклланишида икки омил ўзининг ўрнига эга: ички ва ташқи омиллар. Ички омилга: наслдан-наслга ўтадиган хусусиятлар, қобилият, темперамент ва бошқалар. Ташқи омилга: жамиятнинг тизими, таълим-тарбия жараёни, муҳит ва бошқалар. Бу омиллар таъсирида шахснинг шаклланиши юзага келади. Шунингдек тарбиявий муносабатларга талабаларни ўзаро таъсирини ҳам киритиш мумкин. Ҳаётда инсон то умрининг охиригача тарбияга муҳтож бўлади. Ҳаётда тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши керак.

2-хулоса. Тарбия жараёни кўп омилли жараёндир, сабаби бу жараёнга оламдаги ҳамма нарсалар, ҳодисалар, одамлар, табиат таъсир кўрсатади. Аммо ташқи таъсир кўрсатувчиларининг ичида энг катта таъсир этувчилари бу - ота-оналар ва педагоглардир.

Тарбия жараёнида энг асосий тамойиллари: 1) Сўз ва иш бирлиги; 2) Тарбия жараёнининг узлуксизлиги; 3) Тарбия жараёнининг икки томонламаллиги; 4) Тарбия жараёнида ёш ва индивидуал хусусиятларни ҳисобга олиш зарур.

Тарбия жараёни маълум қонуниятлар асосида ва илмий бўлишига қарамай натижалар турлича бўлади, чунки бу жараёни тўртта омил мураккаблаштиради: 1) тарбияланувчига бўлган таъсирнинг турлилиги; 2) шаклланиб бўлган одатлар ва қарашлар; 3) тарбияланувчининг ички муҳитга мослашишининг мураккаблиги; 4) тарбиявий ишлар методикасини янгилашмаслиги.

Тарбия жараёнида ҳар бир шахснинг ички индивидуал эҳтиёжини ўрганиш айниқса муҳим. Ўз-ўзини тарбиялаш жуда эрта бошланиб, дастлаб қуйидаги шаклларда намоён бўлади: мослашиш, тақлид қилиш, ориентир олиш, нима яхши-ю, нима ёмон.

Ўз-ўзини тарбиялаш усулларига: 1) масъулиятни ҳис этиш; 2) ўзига ҳисоб бериш; 3) ўз хатти-ҳаракатини таҳлили; 4) ўзини назорат этиши; 5) ўзини баҳолаш ва бошқалардир.

Таянч иборалар

Шахс, жамиятнинг талаблари, педагогика фани, шахсни тарбиялаш, шахснинг шаклланишидаги омиллар: ички омиллар - наслдан-наслга ўтадиган хусусиятлар, қобилият, темперамент; ташқи омиллар - жамиятнинг тузилиш структураси, таълим-тарбия жараёни, муҳит, Тарбия мазмуни, камолот чўққиси, тарбияли, олийжаноб шахс, тарбия субъекти, жараён, муқаддас, узлуксизлик, психологик методлар, ақлий, ахлоқий тарбия, тарбия жараёнининг тамойиллари: сўз ва иш бирлиги, жараённинг узлуксизлиги, жараённинг икки томонламалиги, жараёнида ёш ва индивидуал хусусиятларни ҳисобга олиш, эҳтиёж, ички индивидуал эҳтиёж, англаш, хатти-ҳаракатни қайта такрорлаш, ўз-ўзини тарбиялаш шакллари: мослашиш, тақдид қилиш, ориентир олиш, ўз-ўзини тарбиялаш усуллари: масъулиятни ҳис этиш, ўзига ҳисобот бериш, ўз хатти-ҳаракатини таҳлил қилиш, ўзини назорат қила билиш, ўзига баҳо бериш.

Такрорлаш учун саволлар

1. Шахс тушунчаси ва тарбия субъекти нима?
2. Тарбия жараёни ва унинг мазмуни, мақсади нималардан иборат?
3. Шахснинг шаклланишидаги омиллар нималардан иборат?
4. Тарбия жараёни нима учун кўп омилли?
5. Тарбия жараёнининг энг асосий тамойилларини сўзлаб беринг.
6. Шахс ўз-ўзини тарбиялашда қандай усуллардан фойдаланади?

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Буюк мақсад йўлидан оқипмайлик. - Т.: Ўзбекистон, 1993.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавият ва маърифат жамоатчилиги маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Фармони. Халқ сўзи, 1996.

3. Инструменты развития критического мышления. - Т.: 2002.

4. Костанян С.Л. Экономика народного образования. - М.: 1986.

5. Психология и педагогика: Учеб. пособ. / Составитель и отв. редактор А.А.Радугин. - М.: Центр, 2003.

6. Психология и педагогика: Учебник. - М.: Изд. Элит, 2004.

7. Сиддикова Ш. Эстетика. - Т.: 2002.

8. Сластенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. - 4-е изд. - М.: Школа Пресса, 2004.

9. Сластенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. для студ. пед. учеб. завед. / В.А.Сластенин, И.Ф. Исаев, А.И.Мищенко, Е.Н.Шионов. - М.: Школьная Пресса, 2004.

10. Трайнев В.А. и др. Методы игрового обучения и интенсивные учебные процессы: теория, методология, практика / Трайнев В.А., Матросов Л.Н., Бузикина А.Б. - М.: Прометей, 2003.

4. ТАРБИЯНИНГ ШАКЛ ВА МЕТОДЛАРИ

4.1. Қайта тарбиялаш.

4.2. Тарбиянинг методлари.

4.1. Қайта тарбиялаш

Тарбия жараёни - бу кўп қиррали ва мураккаб жараёндир. Тарбия жараёнида қайта тарбиялаш жараёни ҳам кечиб боради. қайта тарбиялаш - бу нотўғри шаклланиб қолган қарашларни, хулосаларни тўғрилашга қаратилган, шахснинг кейинги шаклланишига халақит бераётган камчиликларни, ҳислатларни ўзгартиришга қаратилган чора-тадбирлар йиқиндисидир. Қайта тарбиялаш тарбия жараёнида йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш ва шахснинг комиллик, етуклик сари янада сайқал беришга қаратилгандир.

Шахс камчиликлари, деган эди академик Макаренко, шахс ва жамият орасидаги муносабатларнинг бузилиши, жамият ва шахс талабларининг номутаносиблиги натижасида келиб чиқади. Аввал ахлоқий нормалар бузилиши, сўнгра ҳуқуқий нормаларнинг бузилиши ва жиноят содир бўлишигача етиб бориши мумкин. Тарбиядаги камчиликлар биринчи галда оиладаги муҳитнинг бузилиши натижасида содир бўлиши мумкин.

4.2. Тарбиянинг методлари

Тарбия жараёнида маълум методлардан фойдаланилади. Бундай тарбия методлари кўплаб ишлаб чиқилган. Ушбу методларни гуруҳларга бирлаштирилган ҳолда изоҳ берамиз.

1-гуруҳ. Онгини шакллантиришга қаратилган тарбия методлари. Бу гуруҳга қуйидаги методларни киритиш мумкин: маъруза методи, суҳбат методи, насиҳат методи, мунозара (диспут) методи, тақлид қилиш методлари. Суҳбат методи жараёнида кўпроқ тарбияланувчи сўзлашуви, тарбияловчи эса йўналтирувчи ва хулосаларни тартибга солувчи вазифасини бажаради. Маъруза методи бунинг акси, тарбиячининг фаол иштирокида асослаш, исботлаш, мантиқий хулосалардан ташкил топади. Мунозара методида тарбияланувчилар фаол иштирок этадилар ва ҳар икки томон ўз қарашларини

исботлашга ҳаракат қиладилар. Тақлид қилиш методи боланинг ўз дунёқарашига асос киритиш натижасида вужудга келади. Тақлид қилиш методи кўр-кўрона эмас, балки идрок ва тафаккур жараён-ларининг иштирокида боради.

2-гурӯҳ. Фаолиятга ўргатувчи методлар. Бу гурӯҳга: машқ қилиш методи, одатлантириш методи, малака ҳосил этиш методи, талаб қилиш методлари, педагогик талаб, албатта, жамиятнинг ахлоқий нормалари асосида қўлланилади ва ахлоқ нормаларига хос ҳолда ҳатти-ҳаракатга ўргатилади. Масалан, режимга одатлантириш, муомалага ўргатиш, жамоат жойларида ўзини тутишга ўргатиш кабиларни киритиш мумкин.

3-гурӯҳ. Йўналтирувчи тарбия методлари. Бу гурӯҳга: рақбатлантириш методи, жазолаш методи, мусобақалар ўтказиш методларини киритиш мумкин. Жазолаш методи кучли психологик таъсирга эга бўлиб, эҳтиёткорликни талаб қиладди. бу методда, айниқса индивидуал ёндашиш ва ҳар бир ҳатти-ҳаракатни таҳлил қилган ҳолда ҳал қилиш керак. Рақбатлантириш методида, айниқса темперамент хусусиятларини ҳисобга олиш тавсия қилинади. Бунда талабани эркалатиб, талтайтириб юбориш, манманликни келтириб чиқаришдан эҳтиёт бўлиш зарур. Рақбатлантириш методида моддий ва маънавий рақбатлантириш орасидаги мутаносибликка эътибор бериш лозим. Мусобақалар ўтказиш методида асосий эътиборни ҳакамлар томонидан тўғри, ҳалол ва одилликка қаратишлари керак.

4-гурӯҳ. Назорат қилиш методлари. Бу гурӯҳга: педагогик назорат ўрнатиш методи, топшириқни текшириш методи, вазифаларни кузатиш методи, ўзини-ўзи назорат қилиш, ўзига баҳо бериш, таққослаш каби методлар киради.

Маълумки, ҳар бир метод ўзининг ижобий ва салбий томонларига эга. Уларни яхши ёки ёмонга ажратиш ногўғри, уларни ўз ўрнида тўғри, меъёрида қўллашгина керакли самарани беради. Умуман ҳар бир методни қўллашда тарбиячидан жиддий ёндашиш ва эътиборли бўлишни тақозо этади.

Қисқа хулосалар

1-хулоса. Тарбия жараёни - кўп қиррали ва мураккаб жараёндир. Тарбия жараёнида қайта тарбиялаш муҳим ҳисобланади. Қайта тарбиялаш тарбия жараёнида йўл қўйилган

камчиликларни бартараф қилиш ва шахснинг комиллик, етуклик сари тарбиялашдир.

Тарбиядаги хато-камчиликлар аввало биринчи навбатда оиладаги муҳитнинг бузилишидан келиб чиқади.

2-хулоса. Тарбия жараёнида маълум усуллардан фойдаланилади. Усулларни гуруҳларга бирлаштирилган ҳолда изоҳлаймиз.

1-гуруҳ. Онгни шакллантиришга қаратилган тарбия усуллари. Бунга: маъруза, суҳбат, насиҳат, мунозара, тақлид усуллари киради.

2-гуруҳ. Фаолиятга ўргатувчи усуллар. Бунга: машқ қилиш, одатлантириш, малака ҳосил этиш, талаб қилиш, педагогик талаб, режимга риоя қилиш, муомалага ўргатиш, жамоат жойларида ўзини тутишга ўргатиш усуллари киради.

3-гуруҳ. Йўналтирувчи тарбия усуллари. Бунга: рақбатлантириш, жазолаш, мусобақалар ўтказиш усуллари киради.

4-гуруҳ. Назорат этиш усуллари. Бунга: педагогик назорат, топшириқ, вазифа, ўзини-ўзи назорат қилиш, ўзига баҳо бериш, таққослаш усуллари киради.

Таянч иборалар

Тарбия жараёни, қайта тарбиялаш, шахс ва жамият орасидаги муносабатларнинг бузилиши, жамият ва шахс талабларининг номутаносиблиги, ахлоқий нормалар, ҳуқуқий нормалар, тарбиядаги камчиликлар, тарбия усуллари, онгни шакллантирувчи тарбия усуллари: маъруза, суҳбат, насиҳат, мунозара, тақлид усуллари; фаолиятга ўргатувчи усуллар: машқ қилиш, одатлантириш, малака ҳосил этиш, талаб қилиш, педагогик талаб, режимга риоя қилиш, муомалага ўргатиш, жамоат жойларида ўзини тутишга ўргатиш; йўналтирувчи тарбия усуллари: рақбатлантириш, жазолаш, мусобақалар ўтказиш; назорат этиш усуллари: педагогик назорат, топшириқ, вазифа, ўзини-ўзи назорат қилиш, ўзига баҳо бериш, таққослаш; иқтисодий, экологик, ҳуқуқий, эстетик, жисмоний, меҳнат спецификаси, фаҳм-фаросат.

Такрорлаш учун саволлар

1. Тарбиянинг қандай шакллари мавжуд?
2. Қайта тарбиялаш деганда нималарни тушунаси?
3. Тарбия методларини айтиб беринг.

4. Шах онгини шакллантирувчи тарбия методларига нималар киради?
5. Инсонни фаолиятга ўргатувчи методларни биласизми?
6. Йўналтирувчи тарбия методларига қандай методлар киради?
7. Назорат қилиш методи нима?

Адабиётлар

1. Беруний Абу Райҳон. Руҳият ва таълим-тарбия ҳақида. - Т.: 1968.
2. Григорян С.Н. Великие мыслители Средней Азии. - М.: Наука, 1958.
3. Измаилов А.Э. Народная педагогика: педагогические воззрения народов Средней Азии и Казахстана. - М.: Просвещение, 1991.
4. Малик Мурод. Ўзбек қадриятлари. - Т.: Чўлпон, 1995.
5. Педагогика тарихидан хрестоматия. - Т.: Ўқитувчи, 1993.
6. Психология и педагогика: Учеб. пособ. / Составитель и отв. редактор А.А.Радутин. - М.: Центр, 2003.
7. Психология и педагогика: Учебник. - М.: Изд. Элит, 2004.
8. Сиддиқова Ш. Эстетика. - Т.: 2002.
9. Сластенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. - 4-е изд. - М.: Школа Пресса, 2004.
10. Сластенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. для студ. пед. учеб. завед. / В.А.Сластенин, И.Ф. Исаев, А.И.Мищенко, Е.Н.Шононов. - М.: Школьная Пресса, 2004.
11. Трайнев В.А. и др. Методы игрового обучение и интенсивные учебные процессы: теория, методология, практика / Трайнев В.А., Матросов Л.Н., Бузикина А.Б. - М.: Прометей, 2003.

5. ТАРБИЯ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ - ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯНИНГ ФУНДАМЕНТИДИР

5.1. Тарбия ва унинг турлари.

5.2. Тарбия турлари - иқтисодий тарбиянинг асосидир.

Тарбия бу жуда кенг қамровли тушунча бўлиб, у ўз ичига инсоннинг ҳар томонлама ривожланишини қамраб олади. Бу эса тарбия мазмунига кўра бир қанча қирраларига бўлинишига сабаб бўлади. Тарбияни биз педагогика фанидан қуйидаги турларини биламиз:

1. Ақлий тарбия.
2. Ахлоқий тарбия.
3. Иқтисодий тарбия.
4. Экологик тарбия.
5. Ҳуқуқий тарбия.
6. Эстетик тарбия.
7. Жисмоний тарбия.
8. Меҳнат тарбияси.

Ушбу тарбия турларининг ҳаммаси бир-бирлари билан ўзаро узвий боқлиқ, лекин шунга қарамаздан ўз мазмунидан келиб чиққан ҳолда, улар ўз спецификасига ҳам эгадир. Шунингдек, юқорида келтирилган тарбия турларига фаҳм ва фаросат тарбиясини ҳам қўшамиз. Ҳар ҳолда фаҳм ва фаросат тарбияси - бу тарбиянинг юқоридаги барча турларига тааллуқли бўлса ҳам. Энди биз қуйидаги тарбия турларининг ҳар бирига алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Қисқа хулосалар

1-хулоса. Тарбия ва унинг турлари кенг қамровли бўлиб, у ўз ичига инсоннинг ҳар томонлама ривожланишини қўшади. Педагогика фанида тарбиянинг турлари: 1) ақлий тарбия; 2) ахлоқий тарбия; 3) иқтисодий тарбия; 4) экологик тарбия; 5) ҳуқуқий тарбия; 6) эстетик тарбия; 7) жисмоний тарбия; 8) меҳнат тарбияси.

2-хулоса. Тарбия турлари иқтисодий тарбиянинг асоси. Ушбу юқорида тарбия турларининг барчаси бир-бирлари билан ўзаро узвий боқлиқ, аммо шундай бўлишига қарамай, ўз мазмунидан келиб чиққан ҳолда, улар ўз спецификасига ҳам

эга. Юқоридаги тарбия турларига фаҳм ва фаросат тарбиясини ҳам қўшамиз.

Таянч иборалар

Тарбия, кенг қамровли, ҳар томонлама ривожланиш, тарбия турлари: ақлий тарбия; ахлоқий тарбия; иқтисодий тарбия; экологик тарбия; ҳуқуқий тарбия; эстетик тарбия; жисмоний тарбия; меҳнат тарбияси, педагогика, узвий, фундамент, ривож-ланиш, психологик қирралари, фаҳм ва фаросат тарбияси.

Такрорлаш учун саволлар

1. Педагогика фанидан тарбиянинг қандай турларини биласиз?
2. Иқтисодий тарбиянинг фундаменти деганда нималарни тушунаси?

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўқрисида” ги Фармони. Халқ сўзи, 1997.
2. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. - Т.: 1996.
3. Мунавваров А.Ф. Оила педагогикаси. - Т.: Ўқитувчи, 1994.
4. Юсупов Э. Маънавият асослари. - Т.: 1998.
5. Психология и педагогика: Учеб. пособ. / Составитель и отв. редактор А.А.Радугин. - М.: Центр, 2003.
6. Психология и педагогика: Учебник. - М.: Изд. Элит, 2004.
7. Сиддиқова Ш. Эстетика. - Т.: 2002.
8. Сластенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. - 4-е изд. - М.: Школа Пресса, 2004.
9. Сластенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. для студ. пед. учеб. завед. / В.А.Сластенин, И.Ф. Исаев, А.И.Мищенко, Е.Н.Шионов. - М.: Школьная Пресса, 2004.

6. АҚЛИЙ ТАРБИЯ

6.1. Ақлий тарбиянинг мазмуни ва моҳияти.

6.2. Ақлий тарбиянинг мақсади ва вазифалари.

6.1. Ақлий тарбиянинг мазмуни ва моҳияти

Бозор иқтисодиёти шароитида келиб чиқаётган янгидан-янги муаммоларни илмий асосда ҳал қила оладиган шахсни тарбиялаш бош масала ҳисобланади. Бунинг учун эса ақлий қобилиятларни ривожлантириш, ақлий меҳнат қилиш маданиятига ўргатиш зарур. Ақлий тарбияни шакллантиришда фақат тушунча ва фактлардан фойдаланишнинг ўзи етарли эмас, бунинг учун фикрлаш, исботлаш, хулоса чиқариш, умумлаштириш, системалаштириш, таққослаш, асосий маълумотни ажратиб олиш каби жараёнларни ҳам фаол қўллаш лозим бўлади. Буларнинг ҳаммаси дарс вақтида амалга ошириб бориши ақлий меҳнатни тўғри ташкил қилиш малакасини шакллантириш керак. Ақлий меҳнатни тўғри ташкил қилиш, талабаларга мустақил билим олишда энг муҳим элемент бўлиб ҳисобланади. Ақлий тарбия ўқувчиларда ақлий меҳнатни тўғри ташкил этиш, ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзини назорат қилиш, малакасини ҳосил бўлишига кўмаклашади. Ақлий тарбия талабаларда дидактикани жамлаб олиш хусусияти, хотирасини мустаҳкамлаш, фикрлаш операцияларини рационал ўтказиш каби малакаларни ўстиради.

Фан ва техниканинг ривожланиб бориши педагоглар олдига янги-янги талаблар қўймоқдаки, уларнинг ичида ақлий тарбияга бўлган талаб энг муҳим ўрин эгалламоқда. Шунинг учун педагогикада ақлий тарбияни шакллантирувчи янги технологияларга катта аҳамият берилмоқда. Буларга: мунозаралар ўтказиш, муаммоли вазиятларни вужудга келтириш, фанлар бўйича турли ўйинлар ташкил этиш, слайдлардан фойдаланиш, компьютер, интернет кабилардан фойдаланиш киради. Лекин янги педагогик технологияларни амалиётга кириб келиши бироз суст бормоқда. Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида ривожланар экан, унга юқори малакали миллий кадрлар зарурлигини унутмаслик керак. Ақлий тарбияни янада шакллантириш мана шу вазифаларни бажаришда катта аҳамият касб этади.

Ақлий тарбияси етук, ўткир зеҳли, зукко ва заковатли инсонларни халқимиз донишманд кишилар деб атайдилар. Донишмандлик - бу донолик. Донолик - бу инсоннинг энг буюк ва олийжаноб фазилатидир. Донолик шундай бир ноёб неъматдирки, у ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Шунинг учун бўлса керак, халқ донолигида “Ақл тожи олтиндан, олтин ҳар кимда ҳам бўлмас”, - дейилади.

Ёшлар ойнада кўрадиганини донолар сополга қараб айтиб берадилар. Демокрит айтади: “Доноликдан қуйидаги уч фазилат келиб чиқади: мақбул қарорга келиш, бехато сўзлаш ва лозим бўлган ишни қилишдир”.

Доно киши, яъни ақл соҳиби бўлган одам етти хил турдаги кимса билан кенгашмайди. Булар: нодон, душман, ҳасадчи, риёкор, кўрқоқ, молпараст ва ҳаю-хавас эгаси бўлган кишилардир. Чунки:

Нодон - бефаҳмлиги туфайли хато ва нотўқри маслаҳат беради.

Душман - сенинг ҳалок бўлишингни ўйлаб маслаҳат беради.

Ҳасадчи - қўлингдаги мол-мулкингни совурилишини истайди.

Риёкор киши - сени қандай қилиб бўлсада, рози қилишни ўйлайди.

Кўрқоқ - фикрингга қарши ҳеч нарса айтмайди, сен нимани хоҳласанг ўшани қилишни айтади.

Молпараст кишининг фикри-зикри мол йиғиш бўлгани учун, берган маслаҳати орқали бирор нарсани ундириб қолишга уринади.

Ҳаю-хавасга интилган нафс бандаси - ўзининг нафс ақли билан кишини тўғри фикрдан чалқитади.

6.2. Ақлий тарбиянинг мақсади ва вазифалари

Шарқ донишманди Абу Али ибн Сино узоқ умр кўришининг зарур шартларидан бири - инсоннинг руҳи покиза бўлишидир, деган эди. Бунинг учун у хушфеъл, доно кишиларга яқин бўлишни маслаҳат беради. Улар билан табиатнинг зилол суви, кўркам жойларида сайр-томоша қилиш ҳам суҳбатда бўлиш, инсонга ҳузур-ҳаловат бағишлайди. Аксинча, жоҳил, ифвогар, риёкор шахсларга яқинлашсанг кайфиятингни бузади, кўнглингни ранжитади. Кўнгил шишаси шундай нозикки, уни синдирган киши бир умр доғ-ҳасратда ўтади, афсусланади. Чунки, дарз кетган чинини чегалаш

мумкин, аммо инсон қалбини чегалаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам одам боласи доимо ўзига яхшилиқни, мурувватни, ҳақиқий инсонпарвар-ликни шиор қилмоқи лозим. Ёмонлик, бадфёъллик, жоҳиллик каби ярамас ҳислатлардан узоқ бўлмоғи даркор. Мана ўтмишнинг ибратли ўтитини эшитинг-а:

Ғийбат-туҳматдан олис бўл, эй дил,
Кибру-ҳаволардан ҳолис бўл, эй дил.
Яхшилиқ йўлида бўл майли бедор,
Ўртанган дилларга хониш бўл, эй дил.

Инсонийлик - бу теран маънодаги тушунча бўлиб, у чин одамийликни, эзгуликни, саҳийликни, меҳру-вафони ва инсоний садоқат каби олийжаноб фазилатларни ўзида мужассам этади. Инсоннинг том маънодаги ички гўзаллиги, унинг маънавий дунёси, мана шу пок фазилатлар билангина зебу-забардир. Шуниси ҳам борки, инсонийлик биров оғир шароитга ёхуд мусибатга дуч келиб, умидсизликка тушиб қолганда унга раҳнамолик кўрсатиш, юз берган қийинчиликни енга олишда унга кўмаклашиб юборишни тақозо этади.

Ҳаёт бамисоли оқар дарё - у тўхтамайди ва орқага қайтмайди, нимадир тўкилади, нимадир емирилади. Доноларнинг “**Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ**”, - деган ўтитининг замирида қайсарлик қилма, деган маъно ётади. Ақл ўргатиш бошқа-ю, иш ўргатиш бошқа, оилани қайсарлик билан бошқариб бўлмайди ва манманлик билан таълим бериш мушкул ва қийин. Фақат ўзини мақтамай, ўзгаларнинг хайрли ишларини кўра билиш ҳам ақл-заковатдан дарак беради. Донолар: “Ҳақиқат жуда улкан гулхан, бир четини кул босгани билан ўчмайди, сал инсоф ели тегиши билан яна гуриллаб ёниб кетади”, - деб таъкидлаганлар. Инсон доимо ҳаётдан сабоқ олиши керак. Зеро, инсон ўз қиёфасини одамларнинг дил кўзгусида мунтазам равишда кузатиб бормоғи лозим. Рудакий шундай ёзади:

Кимки олмаса ҳаётдан таълим,
Унга ўргата олмас ҳеч бир муаллим.

Мана Сизларга, муҳтарам китобхонлар ақлий тарбиянинг ҳосияти. Ақлий тарбия ахлоқий тарбия билан узвий боқлиқдир.

Қисқа хулосалар

1-хулоса. Ақлий тарбиянинг моҳияти ва аҳамияти жуда кенг ва кўп қирралидир. Бозор иқтисодиёти шароитида юзага

келган янгидан-янги муаммоларни илмий асосда ҳал этиш шахснинг тарбиясига кўп жиҳатдан боқлиқ.

Ақлий тарбияни шакллантиришда фикрлаш, исботлаш, хулоса чиқариш, умумлаштириш, таққослаш, тизимлаштириш, асосий маълумотларни ажрата олишни фаол қўллаш лозим.

2-хулоса. Акий тарбияни янада шакллантириш ақлий тарбия олдидаги вазифаларни бажариш муҳимдир. Ақлий тарбияси етук, ўткир зеҳнли, зукко ва заковатли инсонларни халқимиз донишманд деб атайдилар.

Демокрит: “Доноликдан қуйидаги уч фазилат келиб чиқади: мақбул қарорга келиш, бехато сўзлаш ва лозим бўлган ишни қилишдир” - деган эди.

Инсон доимо ҳаётдан сабоқ олиши лозим. Зеро, инсон ўз қиёфасини одамларнинг дил кўзгусида мунтазам равишда кузатиб бормоқи лозим. Рудакий айтади:

Кимки олмаса ҳаётдан таълим,
Унга ўргата олмас ҳеч бир муаллим.

Таянч иборалар

Ақлий тарбия, шахсни тарбиялаш, ақлий қобилиятларни ривожлантириш, ақлий меҳнат қилиш маданияти, тушунча ва фактлардан фойдаланиш, фикрлаш, исботлаш, хулоса чиқариш, умумлаштириш, системалаштириш, таққослаш, асосий маълумотни ажратиб олиш, ақлий меҳнатни тўғри ташкил қилиш, ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзини назорат қилиш, малакалар: дидактикани жамлаб олиш хусусияти, хотирани мустаҳкамлаш, фикрлаш операцияларини рационал ўтказиш омиллари, мунозаралар ўтказиш, муаммоли вазиятларни вужудга келтириш, фанлар бўйича турли ўйинлар ташкил этиш, слайдлардан фойдаланиш, компьютер, интернетдан фойдаланиш, янги педагогик технологиялар, донолик, жараён, кузгуси, қиёфа, нодон, душман, ҳасадчи, риёкор, кўрқоқ, молпараст ва ҳаю-хавас эгаси бўлган кишилар; олийжаноб фазилатлар: инсонийлик, одамийлик, эзгулик, саҳийлик, меҳру-вафо ва инсоний садоқат.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ақлий тарбиянинг аҳамиятини сўзлаб беринг.
2. Ақлий тарбияни шакллантиришда нималардан фойдаланиш мумкин?

3. Доно киши етти хил турдаги кимсалар билан келиш-майдилар. Улар кимлар?
4. Рудакийнинг таълим ҳақидаги ҳикматли шеъри қандай?

Адабиётлар

1. Аликулов Х.А. Этические воззрения мыслителей Средней Азии и Хорасана. - Т.: Фан, 1992.
2. Иброҳимов А. (Муаллифдош). Ватан туйқуси. - Т.: 1997.
3. Мусурмонова О. Маънавият қадриятлари ва ёшлар тарбияси. - Т.: Ўқитувчи, 1995.
4. Файбуллаев Н.Р. Таълим-тарбиянинг амалий йўналишлари. - Т.: 1998.
5. Ҳикматлар гулдастаси. - Т.: Ф.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.
6. Психология и педагогика: Учеб. пособ. / Составитель и отв. редактор А.А.Радугин. - М.: Центр, 2003.
7. Психология и педагогика: Учебник. - М.: Изд. Элит, 2004.
8. Сиддиқова Ш. Эстетика. - Т.: 2002.
9. Сластенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. - 4-е изд. - М.: Школа Пресса, 2004.
10. Сластенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. для студ. пед. учеб. завед. / В.А.Сластенин, И.Ф. Исаев, А.И.Мищенко, Е.Н.Шионов. - М.: Школьная Пресса, 2004.

7. АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ

7.1. Ахлоқий тарбиянинг психологик ва педагогик асослари.

7.2. Ахлоқий тарбиянинг мазмуни ва усуллари.

7.1. Ахлоқий тарбиянинг психологик ва педагогик асослари

Ахлоқий тарбияда киши ахлоқий билимларни ўзлаштирибгина қолмай, ҳар қандай вазиятларда ўзини ана шу нормаларга муносиб тута оладиган кишилар ахлоқий тарбияланган ҳисобланади. Ахлоқий тарбияланган кишида барқарор маънавий мотивлар шаклланган бўлади. Бу мотивлар эса ўша кишини жамиятда муносиб хулқ-атворга рағбатлантиради. Ёш авлодни жамиятга, меҳнатга, ўзига муносабатни очиқ берувчи маънавий фазилатларга мувофиқ равишда тарбиялаш - тарбияланувчи шахсни, ахлоқий тарбиянинг педагогик ва психологик асосларини чуқур билишни талаб қиладиган мураккаб жараёндир. Ахлоқий билимларни онгли равишда ўзлаштириб олишгина ўқувчиларга атрофдаги кишилар хатти-ҳаракатидаги қайси жиҳатлар яхши-ю, қайсилари ёмон эканлигини англаб олишга ёрдам беради. Ахлоқий тушунчаларнинг турли ёш давларида шаклланиш даражаси турличадир.

Ахлоқий тарбияга собиқ Советлар даврида ғоявий тарбияни кўйиб таҳлил қилинар эди. Бу билан тарбия сиёсий тус олар эди. Демократик жамиятда ғоялар эркин, хоҳишга боғлиқ ҳолда қабул қилиниши керак. Шунинг учун биз ахлоқий тарбияни алоҳида таҳлил этамиз. Бу тарбия биринчи гада дунёқарашга ва ақлий тарбияга боқлиқ ҳолда шаклланади. Ахлоқий тарбиянинг учта мезони мавжуд:

1. Ахлоқий оғлилик. Бунга кишининг қарашлари, ишончи, принциплари киради. Ёш авлод ахлоқий билимларни маънавий тасавурлар ва тушунчалар тарзида ўрганади ва бу билимлар ахлоқий қарашлар ҳамда эътиқодларни шакллантириш учун асос тарзида намоён бўлади.

2. Ахлоқий қадриятлар. Бу халқ ичида асрлар давомида йиғилиб келган тушунчалардир, яъни умум инсоний қадриятлар. Бу борада асосий эътибор танлаб олинган қатъий позиция, идеалларга қаратилган бўлади. Ахлоқий қадриятлар структураси асосини ўзгармас десак бўлади, лекин жамиятнинг ўзгариши

маълум даражада унга таъсир кўрсатади ва шунинг учун ахлоқий нормалар жамият ривожини билан ўзгариб, мураккаблашиб, сайқал олиб боради.

3. Ахлоқий ҳис-туйғулар. Ушбу мезонга: гурур, виждон, уялиш, ғазаб, нафрат, меҳр, мансабпарастлик каби ҳислатлар киради. Бу ҳис-туйғулар бошқа одамларга нисбатан, ҳаётий ҳодисаларга нисбатан бўлган муносабатларда ўз аксини топади. Бу учта мезон ўзаро боғлиқ бўлиб, улар ўзаро таъсирга учраб, инсонда янгиликни жараёнини ҳосил қилади. Ана шундагина тўлиқ ахлоқий тарбия шаклланади. Демак, ахлоқий тарбиянинг шаклланишида ушбу учта мезон ҳам иштирок этиши лозим.

7.2. Ахлоқий тарбиянинг мазмуни ва усуллари

Ахлоқ сўзи латинча “*mores*”, яъни мораль, мантиқ сўзидан келиб чиқиб, у ҳеч қерда қатъий ёзиб қўйилмаган ижтимоий қонунлардир. Инсон кундалик ҳаётида ундан (ахлоқ нормаларидан) норма сифатида фойдаланади. Ахлоқий тарбия нормалари ҳар бир жамиятнинг ҳуқуқий нормаларига асос бўлади. Ахлоқий тарбияни шакллантирувчи бир қанча усуллар мавжуд. Ахлоқий хатти-ҳаракатлар муайян мотивларга асосланади:

1. Индивидуалистик. 2. Коллективистик.

Хулқ-атвор, хатти-ҳаракатлар билангина эмас, балки ахлоқий одатлар системаси билан ҳам характерланади. Ахлоқий одатлар ижобий, салбий, оддий ва мураккаб бўлиши мумкин.

Ахлоқий тарбияни шаклланишида: 1. **Одоб мавзусидаги суҳбатлар** ўтказиш катта аҳамият касб этади. Бу суҳбат а) индуктив; б) дедуктив йўл билан ўтказилиши мумкин. Одоб мавзусидаги ҳикоя ҳам бу борада кўп қўлланилади. 2. **Экскурсия усули** - ишлаб чиқаришга, ота-оналар иш жойларига, табиатга, музейларга экскурсия уюштириш ҳам ахлоқий мазмунга эга бўлиши мумкин. Бунда талабаларда табиатга, меҳнатга бўлган муносабат шаклланади. Ўқишдан ташқари вақтларда фахрийларга ёрдам бериш, ахлоқ мавзусига бағишланган кинофильмлар ва спектаклларни кўриш ёки ўз ўқув юртида ижтимоий фойдали меҳнатни бажариш ҳам ахлоқ нормаларини шаклланишига хизмат қилади.

Ахлоқий тарбияни шакллантиришнинг яқка ва фронтал (ялпи) шакллари мавжуд. Албатта, ҳар бир ҳолатда вазиятни, муҳитни, индивидуал хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда усул ва шакллари танлаш лозим.

Қисқа хулосалар

1-хулоса. Ахлоқий тарбиянинг психологик-педагогик асослари кишиларнинг ахлоқий билимларини ўзлаштирибгина қолмай, ҳар қандай вазиятларда ахлоқий жиҳатдан ўзини тута олади. Ахлоқий тарбияланган кишида барқарор маънавий мотивлар шаклланган бўлади. Тарбияланувчини ахлоқий тарбиянинг педагогик-психологик асосларини чуқур билишини талаб этадиган мураккаб жараёндир.

Ахлоқий тарбиянинг учта мезони мавжуд: ахлоқий онглик, ахлоқий қадриятлар, ахлоқий ҳис-туйқулар. Бу мезонларга: инсон қарашлари, ишончи, принциплари - 1-мезон; умуминсоний қадриятлар - 2-мезон; ғурур, виждон, уялиш, ғазаб, нафрат, меҳр, мансабпарастлик - 3-мезон.

2-хулоса. Ахлоқий тарбия нормалари ҳар бир жамиятнинг ҳуқуқий нормаларига асос бўлади. Ахлоқий тарбияни шакллантирувчи усуллар: индивидуалистик, жамоатчилик. Ахлоқий одатлар ижобий, салбий, оддий ва мураккаб бўлади.

Ахлоқий тарбияни шаклланишида: 1. Одоб мавзусидаги суҳбатлар муҳим рол ўйнайди. Бу суҳбат а) индуктив; б) дедуктив йўл билан ўтади. 2. Экскурсия усули - ишлаб чиқаришга, ота-оналар иш жойларига, табиатга, музейларга экскурсия қилиш.

Таянч нборалар

Ахлоқий тарбия, ахлоқий билимлар, барқарор маънавий мотивлар, психология, рағбатлантириш, ҳулқ-атвор, жараён, онглик, қадриятлар, туйғу, индивидуалистик, коллективистик, ахлоқий тарбия мезонлари: ахлоқий онглик, ахлоқий қадриятлар, ахлоқий ҳис-туйғулар; кишининг қарашлари, ишончи, эътиқодларни шакллантириш, умуминсоний қадриятлар, ғурур, виждон, уялиш, ғазаб, нафрат, меҳр, мансабпарастлик, ахлоқ нормалари; ахлоқий одатлар: ижобий, салбий, оддий ва мураккаб; индуктив ва дедуктив, экскурсия, ахлоқий тарбиянинг яқка ва фронтал (ялпи) шакллари.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ахлоқий тарбиянинг психологик-педагогик асосларини шарҳланг.

2. Ахлоқий тарбиянинг мезонларини айтиб беринг.
3. Ахлоқий қадриятлар деганда нимани тушунасиз?
4. Ахлоқий тарбиянинг моҳияти нимада?
5. Ахлоқий тарбиянинг шаклланишига қайси методлар кўпроқ таъсир қилади?

Адабиётлар

1. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. - Т.: 1996.
2. Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. - Т.: Фан, 1986.
3. Измаилов А.Э. Народная педагогика: педагогические воззрения народов Средней Азии и Казахстана. - М.: Просвещение, 1991.
4. Малик Мурод. Ўзбек қадриятлари. - Т.: Чўлпон, 1995.
5. Педагогика тарихидан хрестоматия. - Т.: Ўқитувчи, 1993.
6. Сиддиқова Ш. Эстетика. - Т.: 2002.
7. Ҳасанов С. "Илмни зиёда қил". Хоразмнинг фозил кишиларини ана шу қоя бирлаштирган ва жаҳонаро машҳур этган. фонун ҳимоясида, 1999. №2.
8. Психология и педагогика: Учеб. пособ. / Составитель и отв. редактор А.А.Радугин. - М.: Центр, 2003.
9. Психология и педагогика: Учебник. - М.: Изд. Элит, 2004.
10. Слостенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. - 4-е изд. - М.: Школа Пресса, 2004.
11. Слостенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. для студ. пед. учеб. завед. / В.А.Слостенин, И.Ф. Исаев, А.И.Мищенко, Е.Н.Шионов. - М.: Школьная Пресса, 2004.

8. ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ

8.1. Иқтисодий тарбиянинг аҳамияти ва моҳияти.

8.2. Иқтисодий тарбиянинг мақсади ва вазифалари.

8.3. Иқтисодий тарбияни шакллантиришнинг методлари.

8.1. Иқтисодий тарбиянинг аҳамияти ва моҳияти

Биз кўпроқ ақлий ва ахлоқий тарбияга эътибор берамиз-у, лекин иқтисодий тарбияга иккинчи даражали эътибор беришга одагланиб қолган эдик. Маълумки, ривожланган давлатларда иқтисодий тарбия масаласига эътибор кучли бўлган. Масалан, Германияда иқтисодий тарбияга катта эътибор бериб, тежамкорликка, ҳисоб-китобга кучли эътибор қаратилади. Аҳолининг иқтисодий тарбияси маълум даражада шаклланиб бўлган, бунинг натижасида қайта ишлаш, айланма ҳаракат (яъни, бир шиша тараси камида 30 марта истеъмолчи ва ишлаб чиқариш корхонаси орасида айланади). АҚШда 50 фоиз қоғозлар макулатурадан олинади. Бунда ҳам ишчи кучидан, ҳам табиий ресурсларни, ҳам маблағни тежаш имконияти вужудга келади. Демак, тежамкорликка ўрганишнинг ўзи ҳам катта даромад манбаи экан. Тежамкорликни тарбиялаш иқтисодий тарбияда бош масала ҳисобланади. Тежамкорликка ўрганиш учун ҳисоб-китобга ўргатиш лозим. Тежамкорлик одат тусига кириши ва турмуш тарзига айланиши зарур. Бундан ташқари талабалар иқтисодий организм бир бутун яхлит организм эканлигини ҳис этиш даражасига етиши керак. Юксак иқтисодий маданият буни тақозо этади. Агар бирор иқтисодчи фақат биргина кичик тармоқ учун, унинг равнақи учун ишлайман, деб фикр юритса, демак унинг иқтисодий тарбияси керакли даражада шаклланган бўлади. У ўз тармоғини маълум даражада ривожлантириши мумкин, аммо пировард натижа ижобий бўлиши қийин. Масалан, 1991 йилда Ўзқишлоқхўжаликкимё саноатининг омборхоналарида 12 минг тонна захарли моддалар йиғилиб қолган, ишлатиш муддати ўтиб кетган, яроқсиз бўлиб қолган кимёвий препаратларни эндиликда зарарсизлантириш чоралари кўрилиши лозим. Демак, фақат битта тармоқ ривож учун ишлаш эмас, балки яхлит иқтисодни ривожланиши учун ишлаш керак. Биз кўраётган чора-тадбирлар автоном хусусиятга эмас, балки бутун иқтисодни ривожлантиришга

қаратилган бўлиши керак. Бунинг учун иқтисодий тарбияни шакллантиришда биз яхлитлик ҳиссини ҳам шакллантиришга эътибор беришимиз лозим. Яхлитлик ҳиссини шакллантириш натижасида, биз инсонда пировард натижа учун ишлаш хусусиятини такомиллаштирамиз.

8.2. Иқтисодий тарбиянинг мақсади ва вазифалари

Иқтисодий тарбияни шакллантиришда биринчи галда талабаларда энг содда малакалар ҳосил қилишдан бошлаш керак. Иқтисодий фикрлаш, иқтисодий тушунчалар, иқтисодий ҳис-туйғулар аввал оилада, сўнгра боғча-мактабда, кейинчалик олий ўқув даргоҳларида шаклланади. Бозор иқтисодиёти шароитида яшар эканмиз, янгича иқтисодий фикрлашга ўрганишимиз зарур. Иқтисодий қонунлар ўзининг янги талабларини ҳар бир инсон олдига қўяди. Шунинг учун ҳам бугунги кунда иқтисодий таълим ва иқтисодий тарбияга алоҳида эътибор қаратишга мажбурмиз. Айниқса, иқтисодий тарбия масаласи бозор муносабатлари даврида янада кучлироқ бўлиши - бу давр талабидир. Бу масалага собиқ Совет даврида етарли эътибор берилмаган, иқтисод фанининг асослари мактабларда ўрганилмас эди. Иқтисод соҳасида иш олиб борувчи кадрларгина иқтисодий билим эгаллаш имкониятига эга бўлганлар холос. Аммо, эндиликда Ўзбекистон Республикаси ўзининг мустақил ривожланиш йўлини танлаб олгач, иқтисодий тарбия масаласи энг муҳим, долзарб масалалардан бири бўлиб қолди. Чунки ривожланган давлатларнинг иқтисодий ривожланиш даражасига етиш учун биз иқтисодни ривожланишини таъминловчи шахслар - кадрларга эга бўлишимиз табиий бўлиб қолди.

8.3. Иқтисодий тарбияни шакллантиришнинг методлари

Иқтисодни ривожлантирувчи асосий куч - бу инсон. Демак, бугунги кунда бизлар иқтисодий билимларга эга бўлмоғимиз, иқтисодий тарбияга эга бўлган, етук шахсларни шакллантиришимиз зарур. Иқтисодий билим ўз ичига иқтисодий тушунчалар, иқтисодий қонуниятлар ва иқтисодий структураларни қамраб олса, иқтисодий тарбия ана шу иқтисодий ҳаётга бўлган муносабатларни шакллантиришга қаратилган бўлади.

Агар собиқ Иттифоқ тизимида инсон юқоридан келган буйруқни бажариш, сўзсиз итоат этиш орқали меҳнат қилган бўлса, эндиликда ҳар бир инсон ўзи иқтисодни ривожланишда ижодкорлик билан иштирок этиши талаб қилинади. Меҳнат қилаётган ҳар бир инсон ўзи муаммони ҳал қилиши ва счими-ни топиши, иқтисодий вазиятни ижодкорона, тадбиркорлик билан иқтисодий ривожланиш йўлига хизмат қилишини таъминлаши лозим. Бунинг учун инсонда тадбиркорлик, меҳнатта ижодий ёндашишни тарбиялаш зарур.

Бозор иқтисодиёти рақобат ҳолатини вужудга келтиради. Бундай вазиятда ҳар бир инсон рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга мажбур. Демак, ҳар бир инсон ўз устида доимо, этинмай ишлашни ўрганиши керак. У доимо ривожланишда, юксалиш сари интиломоқи даркор. Бунинг учун доимо унда янгиликка интилишдек хусусиятни тарбиялашимиз керак. Ҳар бир инсон, у моддий соҳада ёки маънавий соҳада ишлашидан қатъий назар, у ўзи ишида янгиланиш ҳосил қилиб бориши шарт, акс ҳолда у рақобатбардош бўла олмайди.

Умуман иқтисодий тарбиянинг мақсади иқтисодий маданиятни инсонда шакллантиришдан иборатдир. Бу мақсадга эришиш учун тежамкорлик, тадбиркорлик, ҳисоб-китоб, Янгиликларга интилиш, иқтисодий яхлитликни ҳис қилиш каби хусусиятларни вужудга келтириш ва ривожлантириш зарур. Бунинг учун қуйидаги методлардан фойдаланиш мумкин:

1. Онгни шакллантирувчи методлар (суҳбат, маъруза, насиҳат), яъни талабаларда шу методдан фойдаланиб, иқтисодий билим, иқтисодий қарашларни вужудга келтириш.

2. Одатлантириш методи (тежамкорликка одатлантириш, ижодкорликка одатлантириш).

3. Жазолаш методи (исрофгарчиликни имконияти борича жазолаб туриш).

4. Янгиликка бўлган интилишни рақбатлантириш ва бошқалар.

Муҳтарам китобхонлар! Биз иқтисодий тарбия ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларимизни янада муфассалроқ этиб, давом эттиришимиз, қуйида асосий эътиборни иқтисодий тарбия назариясига қаратамиз.

Қисқа хулосалар

1-хулоса. Иқтисодий тарбиянинг аҳамияти ва моҳиятида кўпроқ ақлий ва ахлоқий тарбияга эътибор берамиз-у, лекин

иқтисодий тарбияга иккинчи даражали эътибор беришга одатланиб қолганмиз. Ривожланган мамлакатларда иқтисодий тарбияга эътибор кучли. Масалан, Германияда иқтисодий тарбияга - тежамкорликка эътибор юқори (бир шиша тараси камида 30 марта истеъмолчи ва ишлаб чиқариш корхонаси орасида айланади. АКШда 50 фоиз қоғозлар мақалатурадан олинади).

2-хулоса. Иқтисодий тарбияни шакллантиришда аввало иқтисодий фикрлаш, иқтисодий тушунчалар, иқтисодий ҳис-туйғулар оилада, боғча, мактаб ва олий ўқув даргоҳларида шаклланади. Айниқса, иқтисодий тарбия масаласи бозор иқтисодиёти шароитида янада кучаяди. Ўзбекистон Республикаси учун иқтисодий тарбия масаласи энг муҳим ва долзарб масалалардан бирига айланди.

3-хулоса. Иқтисодий тарбияни шакллантиришнинг методларида инсон иқтисодни ривожлантирувчи асосий куч. Бугунги кунда бизлар иқтисодий билимларга эга бўлиш, иқтисодий тарбия сирларини ўрганиш ва уни эгаллаш, етук иқтисодчини шакллантириш - бу давр талабидир. Иқтисодий қонун-қонуниятларни билиш ва уларни амалга ошириш, ҳаётга тадбиғи муҳимдир.

Бозор иқтисодиёти рақобат ҳолатини вужудга келтиради. Бундай вазиятда ҳар бир инсон рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга мажбурдир. Демак, ҳар бир инсон ўз устида доимо, тинмай ишлашни ўрганиши зарур. У доимо ривожланишда, юксалиш сари интиломоғи керак. Умуман иқтисодий тарбиянинг мақсади иқтисодий маданиятни инсонда шакллантириш учун, биринчидан, онни шакллантирувчи методлардан (суҳбат, маъруза, насиҳат ва бошқалар) фойдаланиши; иккинчидан, одатлантириш методи (тежамкорликка одатлантириш, ижодкорликка одатлантириш) фойдаланиши; учинчидан, жазолаш методи (исрофгарчиликни имконияти борича жазолаб туриш) дан самарали фойдаланиш; тўртинчидан, янгиликка бўлган интилишни рақобатлантиришдан унумли фойдаланиш.

Таянч иборалар

Ақлий ва ахлоқий тарбия, оила тарбияси, тежамкорлик, соҳибкорлик, юксак иқтисодий маданият, иқтисодий фикрлаш, иқтисодий тушунчалар, иқтисодий ҳис-туйғулар, бозор иқтисодиёти, иқтисодий қонунлар, иқтисодий таълим, мустақил

ривожланиш йўли, рақобат, рақобатбардош маҳсулот, такомиллаштириш, шакллантириш, ривожлантириш, муносабат, онгли шакллантирувчи методлар: суҳбат, маъруза, насиҳат; одатлантириш методи: тежамкорликка одатлантириш, ижодкорликка одатлантириш; жазолаш методи: исрофгарчиликни жазолаштириш; янгиликка бўлган интилишни рағбатлантириш.

Такрорлаш учун саволлар

1. Иқтисодий тарбиянинг аҳамиятини сўзланг.
2. Иқтисодий тарбиянинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
3. Иқтисодий тарбияни шакллантирувчи қандай методларни биласиз?
4. Шахснинг ривожланишида иқтисодий тарбиянинг роли қандай?
5. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
6. Мулкий тарбиянинг иқтисодий тарбияга таъсирини шарҳланг.

Адабиётлар

1. Куръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Аловуддин Мансур. - Т.: 1992.
2. Сиддиқова Ш. Эстетика. - Т.: 2002.
3. Таджиханов У., Сайдов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. - Т.: 1998.
4. Тохтахунова Д. Основы народной педагогики в экономическом воспитании. - Т.: 2001.
5. Хўжаев Н., Ҳасанбоев Ж., Иқтисодий педагогика. Ўқув кўлланма. - Т.: 2002.
6. Хошимов К., Нишонова С., Инамова С., Ҳасанов Р. Педагогика тарихи. - Т.: Ўқитувчи, 1996.
7. Психология и педагогика: Учеб. пособ. / Составитель и отв. редактор А.А.Радугин. - М.: Центр, 2003.
8. Психология и педагогика: Учебник. - М.: Изд. Элит, 2004.
9. Сластенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. - 4-е изд. - М.: Школа Пресса, 2004.
10. Сластенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. для студ. пед. учеб. завед. /В.А.Сластенин, И.Ф. Исаев, А.И.Мищенко, Е.Н.Шионов. - М.: Школьная Пресса, 2004.

9. ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ

9.1. Экологик тарбиянинг аҳамияти, мазмуни ва мақсади.

9.2. Экологик тарбиянинг психологик ва педагогик асослари.

9.3. Экологик тарбиянинг шакллари ва усуллари.

9.1. Экологик тарбиянинг аҳамияти, мазмуни ва мақсади

Экология сўзи “том” ёки “уй” деган маънони англатиб, немис олими Эрнест Геккель томонидан биринчи бор фанга киритилган. Экология фани ҳозирги бозор муносабатлари даврида кўпгина тармоқларга эга: ўсимликлар экологияси, зооэкология, тупроқ экологияси, инсон экологияси ва бошқалар. Экология фани танлаб олинган бир ёки бир неча объектнинг яшаш шароитини ёки нормаларини ўрганади ва яшашнинг оптимал даражасини аниқлашга ёрдам беради. Бу йўналишдаги ишлар бизга экологик билимларни етказди, аммо бу билан инсоният чекланиб қолмайди. Давр талабига кўра, яна бошқа йўналишда ҳам иш олиб боришни талаб этмоқда. У ҳам бўлса **экологик тарбия масаласидир.**

Экологик тарбия албатта экологик билим асосида шаклланади, лекин у ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Экологик тарбия инсонда табиатга нисбатан тўғри, оқилона муносабатни шакллантириш масаласи устида иш олиб боради ва ўз олдига талабаларда экологик маданиятни шакллантиришдек мақсадни қўяди. Экологик тарбиянинг мазмунига экологик онглилик, экологик ҳис-туйғулар (табиатга, инсонларга, ҳаётга нисбатан муносабатлар) киради. Шундай қилиб, экологик тарбия инсон ҳаётида, жамиятда, ватанда муҳим аҳамият касб қилади.

9.2. Экологик тарбиянинг психологик ва педагогик асослари

Инсон психикаси тарихан ривожланиш даврида турлича йўналишда тараққий қилган. Масалан, ибтидоий жамоа тузуми шароитида одамлар табиатга, унинг компонентларига ёки табиий ҳодисаларга сиғиниб, яъни бу объектларни илоҳийлаштириб, меҳр-муҳаббат, баъзан кўрқинч билан муносабатда бўлганлар. Табиатга нисбатан бўлган бундай муносабат аста-секин инсонда - у табиатнинг бир қисми эканлиги ҳиссини уйғотган. Инсон ўзини табиат кучи олдида ожиз эканлигини

сезиб турган ва унга таъзим этган. Лекин инсоннинг тарихий ривожланиши, фан ва техниканинг тараққиёти инсон кучига куч қўшиб борди. Инсоният ўзини табиат олдида ожизлик ҳиссини йўқотиб, тобора ўз кучига ортиқча баҳо бера бошлади, натижада инсон психикасида табиатга нисбатан бўлган нотўғри баландпарвозлик, менсимаслик ҳисси вужудга келди. Бу бузилиш инсоният олдида янги муаммоларни келиб чиқишига сабаб бўлди - бу экологик муаммолардир. Масалан, Орол денгизини қуриши... кенгайтиринг. Экологик тарбия айнан ана шу йўналишда иш олиб бориши лозим.

9.3. Экологик тарбиянинг шакллари ва усуллари

Экологик тарбиянинг шаклланишига экологик билимларни эгаллаш билан бир қаторда экологик муносабатларни ҳам шакллантириб бориш зарур бўлади. Экологик муносабатларга: 1. Ҳаётга муносабат. 2. Яхлитлик ҳиссини тарбиялаш. 3. Жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш. 4. Табиат гўзалликларини ҳис этиш каби компонентларни киритиш мумкин.

Талабаларда жавобгарлик ҳиссини шакллантиришда рағбатлантириш ва жазолаш методларидан фойдаланиш яхши натижа беради. Экологик тарбия нормаларига амал қилишни текшириб туришда назорат методлари, табиатга нисбатан тўғри муносабатларни шакллантиришда кўпроқ онгни шакллантиришга қаратилган методлардан фойдаланиш яхши натижаларни келтириб чиқаради. Талабаларда яхлитлик ҳиссини шакллантириш учун биз тушунтириш ва исботлаш кабилардан фойдаланишимиз мумкин. Борлиқнинг ўзаро боғлиқлик ва ўзаро таъсирини, бир бутунлигини кўрсатувчи тажрибалар ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу битта табиат компоненти, сўнгра бир неча табиат компонентлари ўртасидаги боғлиқликни кўрсатувчи тажрибалар бўлиши мумкин. Табиат аҳволи ва инсон соғлиги орасидаги боғлиқликни мисоллар ва статистик рақамлар орқали тушунтириш мумкин. Экологик ҳуқуқ қоида ва нормалари билан алоҳида таништириб бориш ҳам муҳим. Экологик ҳуқуқни бузилиши, қандай жазоланишини ҳам аниқ кўз олдида келтирган талаба ўз хатти-ҳаракатларини назорат қилиб туришни эсдан чиқармайди.

Бундан ташқари одатлантириш методларидан ҳам ўз ўрнида фойдаланиш лозим, ёш авлодни табиат кўйнида ўзини қандай тутиш кераклигини фақат айтиб, тушунтириб

қолмасдан, балки ана шу нормани бажаришга одатлантириш керак. Бу ишлар ҳозирги даврда барча ривожланган давлатларда олиб борилмоқда. Ривожланган мамлакатларда иқтисод ҳам экологик асосда қайтадан йўлга қўйилмоқда, чунки бундан бошқа ривожланиш йўлини ўзи ҳам мавжуд эмаслиги маълум.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодни ривожланиши ҳали бу борада унча катта ишлар амалга оширилаётгани йўқ, чунки бунинг учун жуда катта маблағ талаб қилинади. Аммо экологик маданиятни шакллантириш иши жуда узоқ муддатни талаб этувчи жараёндир, шунинг учун биз ҳозирданок иқтисодни экологик асосда қуриш босқичига ёш авлодни тайёрлашимиз керак. Бунинг учун биз қуйидаги кўп маблағ талаб этмайдиган ишларни амалга оширишимиз лозим:

1. Аҳолига ҳақиқий экологик ахборотни кенгроқ етказиш ва аҳоли ўртасида экологик тарбиявий ишлар мазмунини ишлаб чиқишимиз зарур.

2. Барча мактабларда мажбурий экологик фан асосларини ўқитишни йўлга қўйиш.

3. Табиий фанларни қайта ишлаб, экологик асосда ўтказишимиз керак.

4. Мактаблар учун экологик асбоблар, ўлчагич асбобларини, аппаратураларни, турли кўргазмали қуролларни ишлаб чиқариш ва мактабларни таъминлашимиз лозим.

Қисқа хулосалар

1-хулоса. Бозор муносабатлари даврида кўпгина тармоқларга эга: ўсимликлар экологияси, зооэкология, тупроқ экологияси, инсон экологияси ва бошқаларга эътиборли бўлиш, экологик тарбия инсонда табиатга нисбатан тўғри, оқилона муносабатни шакллантиради. Экологик муносабатни шакллантириш, экологик маданиятни эгаллаш ва шундай қилиб, экологик тарбия инсон ҳаётида, жамиятда муҳим аҳамиятга эга.

2-хулоса. Экологик тарбиянинг педагогик-психологик асослари инсон психикасининг ривожланиш тарихида турлича йўналишда тараққий этган. Масалан, ибтидоий жамоа шароитида одамлар табиатга, табиий ҳодисаларга сизғиниб, меҳрли бўлган. Инсон ўзини табиат кучи олдида ожиз эканлигини сезиб турган ва унга таъзим қилган. Фан ва техниканинг тараққиёти натижасида инсон психикасида

табиатга нисбатан бўлган нотўғри баландпарвозлик, менсимаслик ҳисси пайдо бўлган. Бу бузилиш инсоният олдида янги муаммоларни келиб чиқишига сабаб бўлди. Масалан - Орол денгизининг қуриши.

3-хулоса. Экологик тарбиянинг шакллари ва усуллари инсонда экология тарбиясини шакллантиришга, экологик билимларни эгаллаш, экологик муносабатларни ҳам шакллантириб бориш зарур бўлиб қолади. Экологик муносабатларга: 1. Ҳаётга муносабат. 2. Яхлитлик ҳиссини тарбиялаш. 3. Жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш. 4. Табиат гўзалликларини ҳис этиш ва бошқаларни киритиш мумкин. Талаба ёшларда жавобгарлик ҳиссини шакллантиришда рағбатлантириш ва жазолаш методларидан фойдаланиш зарур. Экологик ҳуқуқ қоида ва нормалари билан талабаларни таништириб бориш муҳим. Экологик ҳуқуқни бузилиши, қандай жазоланишини ҳам аниқ кўз олдида келтириб, талаба ўз хатти-ҳаракатларини назорат қилиб туришни эсдан чиқармаслиги зарур. Мактабларда мажбурий экологик фан асосларини ўқитиш, аҳолига ҳақиқий экологик ахборотни кенгроқ етказиш ва аҳоли ўртасида экологик тарбиявий ишларни мазмуни билан таништириш, табиий фанларни экологик асосда ўрганиш зарурдир.

Таянч иборалар

Экология, экологик тарбия, ўсимликлар экологияси, зооэкология, тупроқ экологияси, инсон экологияси, яшашнинг оптимал даражаси, экологик билим, фан ва техника тараққиёти, экологик муаммолар, экологик муносабатлар: ҳаётга муносабат, яхлитлик ҳисси, жавобгарлик ҳисси, табиат гўзалликларини ҳис этиш, педагогик, психологик, объектив, менсимаслик, компетентлик, яхлитлик, экологик ҳуқуқ қоида ва нормалари, экологик маданият, экологик ахборот, ўлчагич асбоблар.

Такрорлаш учун саволлар

1. Экологик тарбия нима?
2. Экологик тарбиянинг мазмуни ва моҳиятини айтинг.
3. Экологик тарбиянинг психологик-педагогик асослари нима?
4. Экологик тарбиянинг шакллари ва усулларини сўзлаб беринг.

5. Ўзбекистон Республикасида экологик тарбия муаммолари қандай ҳал қилинмоқда?

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Буюк келажак сари. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида” ги Қонуни. - Т.: Шарқ, 1997, 40-61 бетлар.
3. Мусурмонова О. Маънавият қадриятлари ва ёшлар тарбияси. - Т.: Ҳқитувчи, 1995.
4. Юсупов Э. Маънавият асослари. - Т.: 1998.
5. Ҳасанов С. “Авесто” - ҳуқуқ манбаи / Мулоқот, 1999. №1.
6. Психология и педагогика: Учеб. пособ. / Составитель и отв. редактор А.А.Радугин. - М.: Центр, 2003.
7. Психология и педагогика: Учебник. - М.: Изд. Элит, 2004.
8. Сиддиқова Ш. Эстетика. - Т.: 2002.
9. Сластенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. - 4-е изд. - М.: Школа Пресса, 2004.
10. Сластенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. для студ. пед. учеб. завед. / В.А.Сластенин, И.Ф. Исаев, А.И.Мищенко, Е.Н.Шионов. - М.: Школьная Пресса, 2004.

10. ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ

10.1. Ҳуқуқий тарбиянинг моҳияти ва роли.

10.2. Ҳуқуқий тарбиянинг мақсади, воситалари ва методлари.

10.3. Ҳуқуқий маданият билан ҳуқуқий тарбиянинг ўзаро боқлиқлиги.

10.1. Ҳуқуқий тарбиянинг моҳияти ва роли

Ҳуқуқий тарбия - бу шахсга нисбатан ҳуқуқий онғни, ҳуқуқий муносабатларни, қонунга итоаткор хулқ-атвор кўникмалари ва одатларини шакллантирувчи уюшган, аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда ифодаланишидир. Ҳуқуқий тарбияни боланинг кичик ёшидан бошлаб амалга ошира бошлаш, ҳуқуқий ахборотларнинг биринчи даражали тус олишига эришиш, шахснинг умумий дунёқараши ва ижтимоий йўналтирилганлигининг таркибий қисми тарзида ҳуқуқий қарашларига асосланиши зарурдир.

Ҳуқуқий тарбия ўз тарихига эга бўлиб, қонунларнинг аниқ ижро этилишига таъсир кўрсатишга қодир, сиёсий тузилишдан қатъий назар барча мамлакатлар учун фойдали ҳисобланади.

Маълумки, қадимги Греция ва Римда болалиқдан бошлаб фуқароларга қонунлар ўргатилган. Рим давлатида 14 ёшгача бўлган болалар қонунлар асосини ёд билганлар.

Ҳуқуқий тарбия муаммолари Италия, Франция, Англия, Америка каби мамлакатларда доимо диққат марказида бўлиб, унинг кўп муаммолари ҳал қилинган...

Ҳуқуқий тарбия масаласи ҳар доим мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ҳамда ахлоққа нисбатан ўз нуқтаи назарини аҳолига етказиб бериш жараёнида энг ишончли йўл бўлиб ҳисобланган. Ҳуқуқий нормалар ёзма шаклда давлат томонидан ифодаланади ва ундан фуқаролар танишиш имкониятига эга бўладилар.

Ўсиб келаётган ёш авлод ҳуқуқий тарбиясининг хусусиятлари янги жамиятнинг ўз характери, турмуш тарзига асосланади. Уларнинг ҳаммаси принципиал жиҳатдан янги, янада мураккаб муаммоларни ҳал этиш зарурлигини ифода этади. Аввало, ҳуқуқий тарбия янги ёш авлодни камол топтиришнинг самарали воситаси саналади.

Хукуқий тарбия шунинг учун ҳам аҳамиятлики, жамият қонунлари ўзининг долзарблигини сақлаб қоладиган илғор ва инсоний қоидаларни ўз ичига олган бўлади.

Шуни қайд этиш зарурки, яқин ўтмишда ҳам хукуқий тарбияга етарли даражада эътибор қилинмаган. Ҳатто педагогикага оид асарларда ҳам шахснинг ақлий камолоти, меҳнати, жисмоний, маънавий, эстетик тарбияси ҳақида гап бўлар эди-ю, лекин хукуқий тарбия нима учундир тилга олинмасди. Тарбиявий ишнинг мустақил йўналиши сифатида хукуқий тарбия йўналишининг ажратиб қўйилмаслиги ўсиб келаётган ёш авлоднинг маълум қисмини хукуқий онгига салбий таъсир этмай қолмади.

Хукуқий тарбияни фақат хукуқий таълим билан чеклаб қўймасдан, балки тарбиянинг роли зарур бўлганда хукуқий амалиётни ҳам ўзгартира олиш, уни чуқур таҳлил қилиш, қонун бузилишларини аниқлаш ва уни бартараф этиш учун мумкин бўлган чора-тадбирларни ҳам қўлланиши зарур.

Хукуқий тарбияни ҳаётга қўллашда кишиларни нафақат ҳукуқ билан таништириш ва унга нисбатан тўғри муносабатни шакллантириш муҳим рол ўйнайди, шу билан бир қаторда инсонда хукуқий кўрсатмаларга сўзсиз итоат этиш кераклигига ишончни тарбиялаш, улар онгига демократик қонунчилик принципларига доимо ҳурмат билан қарашлари лозим.

Ўзбекистон Республикасининг шароитида хукуқий тарбиянинг барча воситалари ва методларидан фойдаланиш бозор иқтисодиёти даврида янада муҳимдир.

10.2. Хукуқий тарбиянинг мақсади, воситалари ва методлари

Хукуқий тарбия мураккаб ва кўп қиррали жараён бўлиб, уни бир маъноли қилиб тушунтириш қийиндир. Хукуқий тарбия таърифи бу жараённинг қайси томонини: умум-ижтимоий жиҳатини хукуқнинг ижтимоий амал қилиш тизими тарзида ёки давлатнинг ижтимоий бошқариш, хукуқбузарликнинг олдини олиш вазифасини ва шундай қилиб, тадқиқ қилишимизга боғлиқ бўлади. Бизни қизиқтираётган масала нуқтаи назаридан қараганда хукуқий тарбия деганда, ёшларнинг онгига ташкилий тарзда ва аниқ мақсадни кўзлаб таъсир этишнинг махсус юридик тури ифода қилинади. Ёшларга хукуқий тарбия беришдан асосий мақсад, ҳар бир ёш авлод хукуқий маданиятни ўзлаштириб олишга эришишдан

иборатдир. Ҳуқуқий тарбия доирасига жалб этилган ҳар бир шахснинг умумий маданияти, яъни унинг ахлоқий, фалсафий, сиёсий, илмий, диний ва ҳоказо салоҳияти назарда тутилган ҳолда олиб борилганда, мазкур фаолият самара беради. Ҳуқуқий тарбия асосан маълум воситалар ва методлардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш орқали амалга оширилади. Ҳуқуқий тарбиянинг воситалари: матбуот, радио, телевидение, адабиёт ва санъат асарлари, ҳар хил мавзуларга бағишланган кўргазмали кўлланмалар ҳисобланади. Ҳуқуқий тарбиянинг методлари орасида эътиқодни тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Чунки эътиқод, инсоний тарбиянинг бош йўли ҳисобланади.

Рақбатлантириш методи каби мажбурлаш ҳам ҳуқуқий таълим, ҳуқуқий тарғибот ва ташвиқотнинг методи бўлмаса ҳам, лекин у тарбиявий аҳамиятга молик бўлади. Мажбурлаш методи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари хизматчиларини тарбиялашда - ҳуқуқбузарлик юз берган ҳолларда, ходимнинг ўз кизмат мажбуриятларини бажаришни истамаганида, бошқа методлар кўлланган самарани бермаган ҳоллардагина кўлланилади.

Юқорида қайд қилинган мулоҳазалар **ҳуқуқий тарбиянинг** яхлит тизими қуйидагилардан иборатлигини ифодалайди:

Биринчидан, ҳуқуқий тарбия субъектларига: давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоалари, мансабдор шахслар ва бошқалар киради.

Иккинчидан, ҳуқуқий тарбия объектларига: мансабдор шахслар, фуқаролар, ички ишлар идоралари ходимлари киради.

Учинчидан, ҳуқуқий тарбия мазмунига: ҳуқуқий таълим, ҳуқуқий тарқибот ва ташвиқотлар киради.

Тўртинчидан, ҳуқуқий тарбия шакллариغا: маърузалар, семинарлар, суҳбатлар, викториналар киради.

Бешинчидан, ҳуқуқий тарбия методларига: ишонтириш, рақбатлантириш, мажбурлаш киради.

Олтинчидан, ҳуқуқий тарбия воситаларига: матбуот, радио, телевидение, адабиёт ва санъат асарлари, кўргазмали ташвиқот ҳамда тарқибот воситалари киради.

Мустақиллик шароитида ҳуқуқий маданият билан ҳуқуқий тарбиянинг боқлиқлиги янада ортади.

10.3. ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ БИЛАН ХУҚУҚИЙ ТАРБИЯНИНГ ЎЗARO БОҒЛИҚЛИГИ

Шахснинг ҳуқуқий маданияти аввало унинг онги ва ҳулқ-атвориға объектив суръатда таъсир қилади. Шахснинг ҳуқуқий маданиятиға таъсир кўрсатувчи омиллар мавжуд. Уларға: иқтисодий, ижтимоий, тарихий, илмий, миллий-анъанавий, сиёсий, диний ва фалсафий-мафкуравий ва бошқалар киреди. Ҳуқуқий маданият тарбиянинг ижтимоий-иқтисодий, тарихий, сиёсий, миллий, мафкуравий ва ҳуқуқий ўзгаришларнинг таркибий қисми ва натижасидир.

Ҳаётдаги ижобий ўзгаришлар шахснинг ҳуқуқий маданият савиясини ошириш учун қулай ижобий ҳолатларни яратади. Ҳаётдаги қийинчиликлар мазкур жараёнға муайян тўсиқ бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳулқ-атвориға салбий таъсир кўрсатиши аниқ. Маъмурий буйруқбозликка асосланган социализм даври жамиятнинг маънавий руҳиға фожиали, ёмон таъсир этган. Социализмда ахлоқий қадриятлар, ислом диниға эътиқодли мусулмонларнинг урф-одатлари, инсоний қадриятлари обрўсизлантирилди ва ҳуқуқий нигилизмға юз тутди. Табиийки, бундай ижтимоий-сиёсий вазиятда ҳуқуқий тарбиявий ишлар олиб боришға тўсқинлик қилди.

Давлат мустақиллиги фуқаролар ҳуқуқий маданиятининг шаклланишиға ва ҳуқуқий тарбиянинг амалда қўлланишиға кенг йўл очди. Ҳуқуқий тарбиянинг ўзига хослиги, унинг мақсад ва вазифалари билан боғланади. Ҳуқуқий тарбиядан кўзланган мақсад, ҳуқуқий маданиятни камол топтиришдан иборат бўлади. Ҳуқуқий тарбия мақсадлари ва вазифаларининг ўзаро боғлиқлиги тўғрисидаги аниқ тасаввурлар назарий ва амалий аҳамият касб этади. Шундай қилиб, ҳуқуқий маданиятни қарор топтириш ҳар қандай ҳолатларда ҳам ҳуқуқий тарбиянинг асосий мақсади бўлиб қолади. Ҳуқуқий-тарбиявий ишлар муайян тамойиллар, қоидалар, дастурлар, яъни маълум босқичдаги жамият ривожланишининг объектив қонуният-ларини тўла акс эттира оладиган муҳим назарий қояларға, ҳулосаларға асосланади.

Ҳуқуқий тарбиянинг ҳаёт билан узвий боғлиқлиги ҳал қилинадиган ҳуқуқий муаммоларни мавжуд воқелик билан уйғунлашувини ифодалайди.

Ҳуқуқий тарбиянинг мазмуни чуқур. Уни ҳар томонлама англаш эса мураккаб жараёндир.

Қисқа хулосалар

Ҳуқуқий тарбия ўз тарихига эга бўлиб, қонунларнинг аниқ ижро этилишига таъсир кўрсатишга қодир, сиёсий тузилишдан қатъий назар барча мамлакатлар учун фойдалидир. Ҳуқуқий тарбия муаммолари АҚШ, Англия, Италия, Франция каби мамлакатларда доимо диққат марказида бўлиб, унинг кўп муаммолари ҳал этилган.

Ҳуқуқий тарбия масаласи ҳар доим мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ҳамда ахлоққа нисбатан унинг моҳиятини аҳолига етказиш жараёнида энг ишончли йўл бўлган.

Ўсиб келаётган ёш авлод ҳуқуқий тарбиясининг хусусиятлари янги жамиятнинг ўз характери, турмуш тарзига асосланади. Ҳуқуқий тарбияни фақат ҳуқуқий таълим билан чеклаб қўймасдан, балки тарбиянинг роли зарур бўлганда ҳуқуқий амалиётни ҳам ўзгартира билиш, уни чуқур таҳлил қилиш, қонун бузилишларини аниқлаш ва уни бартараф этиш чораларини ҳам қўллаш керак.

2-хулоса. Ҳуқуқий тарбия кўп қиррали ва мураккаб жараён бўлиб, уни бир маънода тушуниб бўлмайди. Ёшларга ҳуқуқий тарбия беришдан асосий мақсад, ҳар бир ёш авлод ҳуқуқий маданиятли бўлиши керак. Ҳуқуқий тарбия воситалари: матбуот, радио, телевидение, адабиёт ва санъат асарлари ва бошқалар ҳисобланади. Ҳуқуқий тарбия методлари орасида эътиқодни тарбиялаш муҳимдир. Рағбатлантириш, жазолаш, мажбурлаш методларидан ҳам фойдаланилади.

3-хулоса. Ҳуқуқий маданият аввало шахснинг онги ва хулқ-атвориغا таъсир этади. Уна таъсир этувчи омиллар: иқтисодий, ижтимоий, тарихий, илмий, миллий-анъанавий, сиёсий, диний ва фалсафий-мафкуравий ва бошқалар кирди.

Ҳаётдаги ижобий ўзгаришлар шахснинг ҳуқуқий маданият савиясини оширади. Ҳаётдаги қийинчиликлар бу жараёнга муайян тўсиқ бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва хулқ-атвориغا салбий таъсир этиши аниқ.

Маълумки, ҳуқуқий тарбиянинг ҳаёт билан узвий боғлиқлиги ҳал қилинадиган ҳуқуқий муаммоларни мавжуд воқелик билан уйғунлашади.

Таянч иборалар

Ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий муносабатлар, қонунга итоаткор хулқ-атвор кўникмалар ва одатлар, ҳуқуқий

ахборотлар, умумий дунёқараш, ҳуқуқий нормалар, жамият қонунлари, ҳуқуқий таълим, давлатни ижтимоий бошқариш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, методи: эътиқодни тарбиялаш; рағбатлантириш методи, мажбурлаш, ҳуқуқий тарғибот ва ташвиқот, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, ҳуқуқбузарлик, ҳуқуқий тарбия субъектлари: давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоалари, мансабдор шахслар; ҳуқуқий тарбия объектлари: мансабдор шахслар, фуқаролар, ички ишлар идоралари ходимлари; ҳуқуқий тарбия мазмуни: ҳуқуқий таълим, ҳуқуқий тарғибот ва ташвиқотлар; ҳуқуқий тарбия шакллари: маърузалар, семинарлар, суҳбатлар, викториналар; ҳуқуқий тарбия методлари: ишонтириш, рағбатлантириш, мажбурлаш; ҳуқуқий тарбия воситалари: матбуот, радио, телевидение, адабиёт ва санъат асарлари, кўргазмалар ташвиқот ҳамда тарғибот воситалари; ҳулқ-атвор, мулоҳазалар, ҳуқуқий маданият, такомиллаштириш, чора-тадбирлар.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ҳуқуқий тарбиянинг моҳияти нимадан иборат?
2. Ҳуқуқий тарбиянинг мақсади ва вазифаларини сўзлаб беринг.
3. Ҳуқуқий маданият билан ҳуқуқий тарбиянинг ўзаро боғлиқлигини айтинг.
4. Ҳуқуқий тарбия методларига, шаклларига ва воситаларига нималар киради?
5. Ҳуқуқий тарбиявий ишлар қандай қояларга асосланади?

Адабиётлар

1. Малик Мурод. Ўзбек қадриятлари. - Т.: Чўлпон, 1995.
 2. Основы предпринимательского дела. - М.: 1995.
 3. Подготовка экономистов в вузе: проблемы и опыт / Сборник научн. трудов. - Воронеж: 1991.
 4. Хўжаев Н., Ҳасанбоев Ж., Иқтисодий педагогика. Ўқув қўлланма. - Т.: 2002.
 5. Фуломов С. Ўғитнома. - Т.: 2003.
 6. Ҳасанов С. "Авесто" - ҳуқуқ манбаи / Мулоқот, 1999.
- №1.

7. Психология и педагогика: Учеб. пособ. / Составитель и отв. редактор А.А.Радугин. - М.: Центр, 2003.

8. Психология и педагогика: Учебник. - М.: Изд. Элит, 2004.

9. Слостенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. - 4-е изд. - М.: Школа Пресса, 2004.

10. Слостенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. для студ. пед. учеб. завед. / В.А.Слостенин, И.Ф. Исаев, А.И.Мищенко, Е.Н.Шионов. - М.: Школьная Пресса, 2004.

11. ЭСТЕТИК ТАРБИЯ

11.1. Эстетик тарбиянинг мазмуни ва моҳияти.

11.2. Эстетик тарбиянинг мақсади ва вазифалари.

11.1. Эстетик тарбиянинг мазмуни ва моҳияти

Ҳаётда табиат - гўзалликнинг манбаидир. У эстетик туйғуларни, болаларнинг кузатувчанлигини ва тасаввурини ривожлантириш учун жуда бой материал беради. Бундан ташқари, санъат ҳам эстетик тарбия воситаси ҳисобланади. Санъат орқали эстетик тарбиялаш педагогикада бадий тарбия деб аталади. У қуйидаги методлардан фойдаланган ҳолда олиб борилади:

1. Бадий асарларни намойиш қилиш ва ижро этиш.

2. Бадий асарларни таҳлил қилиш ва баҳолаш.

3. Санъатшунослик билимларидан хабардор қилиш, талабалар санъатнинг ҳар хил турларини ифода воситалари, тарихи ва назариясини характерловчи муайян маълумотлар жамғармасига эга бўлиши зарур.

4. Талабалар ижодий ва ижрочилик фаолиятини ташкил этиш, талабалар бадий фаолиятининг хилма-хил шаклларида машқлар ўтказиб, ижодий қобилиятларини, воқелик предметларини ва ҳодисаларини санъат воситалари ёрдамида мустақил тасвирлаш кўникмалари ва малакаларини ривожлантиради.

Бадий дидни ва эстетик таъсирчанликни тарбиялашнинг кучли воситаларидан бири - ўқиш маданиятини ривожлантиришдир. Она тили дарсларида ўқитувчилар адабиётни сўз санъати тарзида идрок этиш, бадий асар образларини ҳаёлан тасвирлашни, асар қаҳрамонларини хусусиятлари ва характерларини нозик идрок этишни, улар хатти-ҳаракатини таҳлил қилиш ва мотивларини аниқлашни ўрганадилар. Гўзалликка интилиш, уни тушиниш - инсоннинг ички муҳитини янада гўзалроқ бўлиши учун, уни янада софланиши учун хизмат қилади. Эстетик тарбия комил инсонни тарбиялашда энг муҳим омиллардан биридир.

Ҳозирги бозор муносабатлари шароитида баркамол инсонни тарбиялаш нафақат инсон, балки жамиятни комиллик даражасига кўтариш муаммоси аввалги даврлардан ҳам чуқурроқ қўйилмоқдаки, бу вазифани бажаришда барча

тарбиялар туркумида нафосатшунослик - эстетик тарбиянинг аҳамияти ҳам беқиёсдир.

Ёш авлод маънавиятини шакллантириш, уларнинг дунёқарашини миллий ва фалсафий томонларини ривожлантириш, инсон тафаккури ва меҳнати натижалари, шунингдек, ижод, кашфиёт ва санъатнинг нодир ва ноёб намуналари эса, умумбашарий мулки ва шарафи эканлигини ёшларга сингдириш, илмий ва ижодий қобилиятларини юксалтиришга чорлайди. Бунинг учун ёш авлодга 'мустаҳкам ирода керак. Ирода ҳақидаги фан - эстетика. Нафосат илми - эстетик тарбияни янада кучайтириш, давр тақозосидир.

Грек олими Аристотел - эстетика табиат ва санъатнинг умумфалсафий масалалари ҳамда поэтика муаммолари билан шуғулланиши керак, деган эди.

...Кишиларнинг эстетик қобилият ва эстетик эҳтиёжларини қарор топтириш, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида уларнинг эстетик маданиятини талаблар даражасига кўтаришни ифодалайди. Инсоннинг эстетик тарбияси ҳақида сўз юритилар экан, шу ўринда немис файласуфи Гегелнинг фикрларини эшитинг-а: "Нафис санъатдаги гўзалликни эстетика ўргатади", - деган эди.

11.2. Эстетик тарбиянинг мақсади ва вазифалари

Эстетик тарбия марказида инсон нафси муаммоси туради. Бас шундай экан, **нафс нима? Нафс** - бу емоқ, ичмоқ, кийим киймоқликдан ташқари жоҳиллик, илмсизлик, манманлик, кибр-ҳаво, зулм, дунёпарастлик, ўғирлик, танбаллик, таъма, кўролмаслик, бахиллик, мансабпарастлик, шаҳват, ғазаб, кўнгилторлик, хасислик, умуман инсон руҳини, қалбини булғайдиган, уни Аллоҳдан узоқлаштирадиган барча иллатлар йиғиндисини англатади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссалом Ҳазрат Алига айтган эканлар: "Ё, Али, валоят (авлиёлик) мақомига етишган зотлар кўп-кўп ибодат қилганларидан эмас, ўз нафсларини енгганларидан бундай улуғ даражага эришганлар".

Нафснинг кўринишлари хилма-хил, қирралари беҳисоб. Нимайки ёмонлик, иллат бўлса, у нафснинг бир кўриниши, бир қиррасидир. У инсоннинг жуда қудратли, ҳавфли душмани ҳамдир. Шунинг учун А.Навоий: "...Оламдаги энг шиддатли, қудратли инсон ўз нафсини енгган одамдир", - деган. Нафсни

енгиш жуда қийин, мушкул. “Қиссаси Рабғузий” да бир нафсининг ишини етмиш шайтон ҳам қила олмади, дейилган.

Нафси енгиш мумкинми? Ҳа, албатта, унинг йўли битта - у ҳам бўлса Ишқ.

Ишқ нима? Ишқ - бу севги, меҳр, муҳаббат туйғуларидан ташқари ирода, сабот, илм, ибодат, хокисорлик, сабр-тоқат, қаноат, адолат, сахийлик, ҳалимлик, мардлик, меҳнатсеварлик, ғайрат, камтарлик, ҳаё, покизалик, ширинсўзлик, шафқат, умуман инсоннинг қалбини, руҳини поклашга хизмат қиладиган, уни Аллоҳга яқинлаштирадиган барча эзгуликлар, покликлар йиғиндисини англатади.

Оламда нимаики яхшилик бўлса, у Ишқнинг бир кўриниши халос. Ҳар бир инсонда икки бир-бирига қарама-қарши улкан тушунчалар ҳиссиёти мавжуд. **Нафс ва Ишқ...**

Бу икки нарса кишининг ўзида, ички оламида доимо курашда бўлади. Агар инсон ўз нафсига тобе бўлиб, эзгуликдан узоқлашса, унинг қалби, руҳи ифлосланади, ўз эса тарбияланади. Ишқ билан, эзгулик билан иш кўрса иймони камол топади.

Айтайлик, кимдир Сизни билибми, билмасданми жаҳлингизни келтирди, ғазабингизни қўзғатди, шунда Сиз жаҳлга жаҳл билан, ғазабга ғазаб билан жавоб бермай, сабр қилдингиз, демак, Сиз ишқ билан иш кўрдингиз. Бундай ҳолатда инсоннинг маънавияти юксалади. Маънавият юксаклиги қалб ва руҳ поклиги билан ўлчанади. Кўпинча ҳаётда қалб, кўнгли, руҳ, жон сўзлари бир маънода қўлланилади.

Айрим кишилар “**менинг кўнглим тоза, менинг қалбим пок**”, деб даъво қиладилар. Эҳтимол шундайдир. Лекин бундай даъвонинг доимо қилиниши камтарсизликни ифодалайди. Инсон кўнглини тозаллиги, унинг қалбини поклиги ҳаётнинг энг нозик пайтларда жаҳл чиққанда, ғазаб қўзиганда, кулфат ва фақирлик ҳолатларида сезилади. Аллоҳ ризолигини ўйлаб иш кўрган кишигина кўнгли покиза бўлади. Ана шундай покликка эришган одам ўзининг ҳақиқий ўзлигини англаб олган инсондир.

Ўзлик нима? Бу мураккаб, ниҳоят мушкул саволга энг фикрли ўқувчи ҳам жавоб топишга қийналади. Инсонда икки ўзлик мавжуд. Кўпгина ҳолатларда кишилар ўз жисмларини, баданларини “менинг ўзим”, ўзлик деб биладилар. Бу тушунча албатта хатодир. Жисмоний ва руҳий ўзликларнинг бирикувидан одамзотнинг бу дунёдаги умри кечади. Жисмоний ўзлик

тупроқдан яралган ва у албатта вақтинчалик, ўткинчи бўлади. Руҳий ўзлик Аллоҳ томонидан илоҳий маконда яратилган ҳамда бу дунёга имтиҳон ва покланиш учун келиб, жисм ичига қафас қилинган. **У нафс орқали имтиҳон қилинади. Ишқ орқали покланади.**

Покланмаган руҳ илоҳий маконга кўтарила олмайди. Покланишга эришган инсон айна пайтда юксак ахлоқ, бетимсол одоб соҳибига айланади.

Муҳтарам китобхон ўқувчилар! Эстетик тарбияга бир мунча кўпроқ тўхташимизга сабаб, у бошқа тарбия турларига, айниқса иқтисодий тарбияга фойдаси самарали деб ҳисоблаймиз.

Қисқа хулосалар

1-хулоса. Эстетик тарбия аҳамияти ва моҳияти. Ҳаёт ва табиат боғлиқлиги. Ҳайётда табиат - гўзалликнинг манбаидир. У эстетик туйғуларни, болаларнинг кузатувчанлигини ва тасаввурини ривожлантиришда бой материал беради. Санъат ҳам эстетик тарбия воситасидир. Санъат орқали эстетик тарбиялаш педагогикада бадиий тарбия дейилади. Бадиий асарларни намойиш этиш, бадиий асарларни таҳлили ва баҳолаш, санъатшунослик илмидан хабардор қилиш, талабалар ижодий ва ижрочилик фаолиятида ва бошқалар. Ҳам бадиий фаолиятининг турли машқларида машқлар бадиий дидни ва эстетик таъсирчанликни тарбиялаш мумкин. Гўзалликка интилиш, уни тушиниш - инсонни ички муҳитини яна ҳам гўзаллашини таъминлайди. Эстетик тарбия комил инсонни тарбиялашда энг муҳим омил ҳисобланади.

2-хулоса. Эстетик тарбия марказида инсон нафси муаммоси туради. Нафс нима? Нафс - бу емоқ, ичмоқ, кийим киймоқ-ликдан ташқари жоҳиллик, илмсизлик, манманлик, кибр-ҳаво, зулм, дунёпарастлик, ўғирлик, танбаллик, таъма, кўролмаслик, бахиллик, мансабпарастлик, шаҳват, ғазаб, кўнгилторлик, хасислик, умуман инсон руҳини, қалбини булғайдиган, уни Аллоҳдан узоқлаштирадиган барча иллатлар йиғиндисиدير.

Нафснинг кўринишлари хилма-хил, қирралари беҳисоб. Нимаики ёмонлик, иллат бўлса, у нафснинг бир кўриниши, бир қиррасидир.

Нафсни енгиш мумкинми? Ҳа, албатта, унинг йўли битта - у ҳам бўлса Ишқ. Ишқ нима? Ишқ - бу севги, меҳр, муҳаббат

туйғуларидан ташқари ирода, сабот, илм, ибодат, хокисорлик, сабр-тоқат, қаноат, адолат, сахийлик, ҳалимлик, мардлик, меҳнатсеварлик, ғайрат, камтарлик, ҳаё, покизалик, ширинсўзлик, шафқат, умуман инсоннинг қалбини, руҳини поклашга хизмат этади, уни Аллоҳга яқинлаштиради.

Оламда нимаки яхшилик бўлса, у Ишқнинг бир кўриниши халос. Ҳар бир инсонда икки бир-бирига қарама-қарши улкан тушунчалар ҳиссиёти мавжуд. Нафс ва Ишқ. Бу икки нарса кишининг ўзида, ички оламида доимо курашда бўлади. Ўзлик нима? Инсонда икки ўзлик мавжуд. Жисмоний ва руҳий ўзликларнинг бирикувидан одамзотнинг бу дунёдаги умри кечади. У нафс орқали имтиҳон қилинади. Ишқ орқали покланади.

Таянч иборалар

Эстетик тарбия, гўзаллик, эстетик туйғулар, бадий тарбия, ижодий қобилият, бадий дид ва эстетик таъсирчанлик, санъат тарзида идрок этиш, бадий асар образларини ҳаёлан тасвирлаш, комил инсонни тарбиялаш, нафосатшунослик, маънавиятни шакллантириш, эстетик қобилият ва эстетик эҳтиёжлар, эстетик маданият, нафс: жоҳиллик, илмсизлик, манманлик, кибр-ҳаво, зулм, дунёпарастлик, ўғирлик, танбаллик, таъма, кўролмаслик, бахиллик, мансабпарастлик, шаҳват, ғазаб, кўнгилторлик, хасислик, ишқ: севги, меҳр-муҳаббат туйғулари, ирода, сабот, илм, ибодат, хокисорлик, сабр-тоқат, қаноат, адолат, сахийлик, ҳалимлик, мардлик, меҳнатсеварлик, ғайрат, камтарлик, ҳаё, покизалик, ширинсўзлик, шафқат, қалб ва руҳ поклиги, жисмоний ва руҳий ўзлик, моҳияти, вазифалари, методлари, бадий асарлар, саноатшунослик, нафс, ишқ, ўзлик, поклик, ижрочилик.

Такрорлаш учун саволлар

1. Эстетик тарбия нима?
2. Эстетик тарбиянинг моҳияти ва вазифаларини айтиб беринг.
3. Эстетик тарбиянинг қанақа методлардан фойдаланишини шарҳланг.
4. Нафс нима?
5. Ишқ нима?
6. Ўзлик нима?

Адабиётлар

1. Аликулов Х.А. Этические воззрения мыслителей Средней Азии и Хорасана. - Т.: Фан, 1992.
2. Экономическая теория / под ред. акад. Видяпина В.Д., акад. Журавлевой Г.И., акад. Гулямова С.С., акад. Шарифходжаева М.Ш., акад. Абдурахманова К.Х. - Т.: 1999.
3. Экономическое образование и воспитание учащихся. /под ред. И.И.Горлача. - Киев: 1989.
4. Ҳасанов С. Жадид тарбияшунослиги асослари. - Т.: Ўқитувчи, 1994.
5. Ҳикматлар гулдастаси. - Т.: Ф.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.
6. Психология и педагогика: Учеб. пособ. / Составитель и отв. редактор А.А.Радугин. - М.: Центр, 2003.
7. Психология и педагогика: Учебник. - М.: Изд. Элит, 2004.
8. Сиддиқова Ш. Эстетика. - Т.: 2002.
9. Сластенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. - 4-е изд. - М.: Школа Пресса, 2004.
10. Сластенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. для студ. пед. учеб. завед. / В.А.Сластенин, И.Ф. Исаев, А.И.Мищенко, Е.Н.Шионов. - М.: Школьная Пресса, 2004.

12. ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ

12.1. Жисмоний тарбиянинг мазмуни ва моҳияти.

12.2. Жисмоний тарбиянинг мақсади ва вазифалари.

12.1. Жисмоний тарбиянинг мазмуни ва моҳияти

Жисмоний тарбия шахсни ҳар томонлама ривожлантириш тизимидаги ўз вазифасини бажариш билан бирга, у қуйидаги асосий вазифаларни ҳал қилишга қаратилган: саломатликни мустаҳкамлаш, инсон организмни чиниқтириш ва талабаларнинг жисмоний ривожланишига ёрдам бериш; ҳаракат кўникмаларини ва малакаларини шакллантириш ҳамда такомиллаштириш; ўғил болаларни армия сафарига тайёрлаш; физкультура ва спортнинг моҳияти ҳамда ижтимоий роли ҳақидаги маълумотлардан хабардор қилиш. Талабаларнинг соғлигини ҳимоя этиш ва бошқариш жисмоний тарбияга айниқса, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини қўлга киритгандан буён давлат даражасида аҳамият бермоқда. Жисмоний тарбия ва спорт ишларига ҳукуратимиз томонидан катта ғамхўрлик қилмоқда. Бунинг далили сифатида Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар, Қорақалпоқистон Республикаси ва туманларда бунёд этилаётган спорт иншоотлари, спорт комплексларини келтириш мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароити бўлишига қарамай, Ўзбекистон Республикаси баркамол ёш авлодни ҳар томонлама камол топган, етук инсон бўлиши учун жаҳон андозалари даражасида бўлган кўркам ва ҳашаматли спорт комплекси иншоотларини бунёд этмоқда. Серқуёш Ватанимизда бугунги кунда жисмоний тарбия ва спорт ишлари равнақ топмоқда. Соғлом маънавиятга эришишда соғлом тананинг ҳам ўз ўрни бор. Соғлом ва бақувват авлодгина Ўзбекистон Республикасининг келажакдаги юксалишини таъминлаши мумкин.

Жисмоний тарбия орқали шахсда ирода, ўзига ишонч, ҳақгўйлик, саҳоват каби ҳислатлар тарбияланади. Шунинг учун ҳар бир тарбия муассасаларида жисмоний тарбия ва спорт дарслари уюштирилган, лекин кўпгина талабалар бунга иккинчи даражали деб қарайди ва гоҳида қатнамасликка ҳаракат қиладилар. Бу талабаларда жисмоний тарбияга нисбатан нотўғри муносабат шаклланиб қолмаслиги керак. Ана шу нотўғри муносабатни тўғрилашда ва спортга бўлган муноса-

батларни тўғри шакллантиришда педагогика фанининг ўрни беқиёсдир.

12.2. Жисмоний тарбиянинг мақсади ва вазифалари

Жисмоний тарбиянинг вазифаси физкультура ва спортга нисбатан талабаларда тўғри муносабатни шаклланишига ёрдам беришдир. Бунда кўпроқ кўرғазмали методлардан, онгни шакллантирувчи усуллардан ва одатлантиришга қаратилган тарбиявий методлардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш зарур.

Жисмоний тарбия кишиларга катта таъсир кўрсатиб, саломатликни мустаҳкамлайди, ишлаш қобилиятини оширади, қадди-қоматини тарбия қилиш, куч-қувватни сақлаб туришнинг воситаси ҳисобланади.

Фан ва техника тараққиёти мутахассисликка нисбатан юксак талаблар қўймоқда. Бу ҳол ўқувчиларни меҳнатга тайёрлаш, унга ўргатиш йўл ва воситаларини такомиллаштиришни тақозо қилмоқда.

Маълумки, инсон фаолиятининг асосий тури меҳнат, атроф-муҳитни ўзлаштириш, бунёд қилиш орқали ҳам ижтимоий, ҳам шахсий эҳтиёжларини қондиради. Шунинг учун меҳнатга мураккаб ижтимоий ҳодисалар сифатида қаралади. Меҳнат фаолияти ўқиш жараёнини ҳам ўз ичига олади. Шу жараёнда авлодлар тўплаган билимларни, кўникма ва малакаларни эгаллаш ёрдамида меҳнат фаолиятига тайёрланадилар.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими Миллий Концепцияси материалларида, умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларида ҳам жисмоний тарбияга катта эътибор берилади. Мустақиллик Миллий кадрлар тайёрлаш кўлами ва сифатини оширишни тақозо этмоқда.

Шундай қилиб, ёш авлодни жисмоний тарбияламай туриб, баркамол, жисмоний чиниққан, мард ва саботли, қатъиятли 7 ватанпарварларни тарбиялаш қийин ишдир.

Президентимиз И.А.Каримов 2002 йилни “Соғлом авлод” йили деб эълон қилиниши, бу тарбияга эътиборни янада кучайтиради. Президентимиз: “Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлади”, деб таъкидлайди. Юртбошимиз сўзини давом эттирар экан, энг аввало ҳар бир одам ўз соғлиги ҳақида қайғуриши, ҳар бир оила ўзидан соқлом насл, соғлом зурриёд қолдиришини ўйлаши зарур. Агар фарзанд соғлом, оқил, иймон-этиқодли

бўлса, ота-онасига фақат раҳмат келтиради. Эл-юрт назаридан ҳеч қачон четда қолмайди, деб уқтиради. Жисмоний баркамоллик тарбия тизимида муҳим ўринни эгаллайди ва бошқа тарбиялар билан бирга амалга оширилади. Жисмоний тарбия ўз олдига қатор вазифаларни қўяди. Бу вазифалар ҳақида юқорида биз айримларини таъкидладик.

Қисқа хулосалар

Жисмоний тарбиянинг моҳияти ва аҳамиятида инсон туради. Жисмоний тарбия шахсни ҳар томонлама ривожлантиради. Киши организмини чиниқтириш ва талабаларнинг жисмоний ривожланишига кўмаклашади. Талабаларнинг соғлигини ҳимоя этиш ва бошқариш жисмоний тарбияга айнақса, Ўзбекистон Республикаси мустақил бўлгандан сўнг давлат даражасида аҳамият бермоқда. Жисмоний тарбия ва спорт ишларига ҳукуватимиз томонидан катта ғамхўрлик қилмоқда. Республиканинг барча вилоятлари, Қорақалпоқистон диёри ва туманларда кўплаб спорт иншоотлари, спорт комплексларини бунёд этилиши ва унинг давом қилиниши. Жисмоний тарбия орқали шахсда ирода, ўзига ишонч, ҳақўйлик, саҳоват каби ҳислатлар тарбияланади.

2-хулоса. Жисмоний тарбиянинг вазифаси ва мақсади талабаларда спорт ва физкультурага бўлган муносабатини шаклланишига ёрдамлашади. Жисмоний тарбия кишиларда саломатликни мустаҳкамлайди, иш қобилиятини оширади, қаддиқоматини тарбиялаб, куч-қувватини сақлаб туриш воситаси бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими Миллий Концепцияси материалларида, Миллий кадрлар тайёрлаш дастурида ҳам жисмоний тарбияга катта эътибор берилади.

Ёш авлодни жисмоний тарбияламай туриб, баркамол, жисмоний чиниққан, мард ва саботли, қатъиятли ва ватанпарварларни тарбиялаш қийиндир.

Таянч иборалар

Жисмоний тарбия, моҳияти, вазифалари, аҳамияти, ривожланиши, турлари, саломатликни мустаҳкамлаш, инсон организмини чиниқтириш, жисмоний ривожланишга ёрдам бериш; ҳаракат кўникмалари ва малакаларини шакллантириш

ва такомиллаштириш; болаларни армия сафарига тайёрлаш; физкультура ва спорт, спорт иншоотлари, спорт комплекслари, соғлом ва баркамол авлод, саломатлик, таълимнинг миллий концепцияси.

Такрорлаш учун саволлар

1. Жисмоний тарбиянинг мақсади ва вазифаларини сўзлаб беринг.
2. Жисмоний тарбиянинг баркамол авлодни тарбиялашдаги роли нималардан иборат?
3. Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбияга берилётган эътиборини айтиб беринг.
4. Жисмоний тарбияни ривожлантириш ва такомиллаштиришда Ўзбекистон давлатининг гамхўрлигини шарҳланг.

Адабиятлар

1. Основы предпринимательского дела. - М.: 1995.
2. Фаробий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. - Т.: 1993. 224 б.
3. Хўжаев Н., Ҳасанбоев Ж., Иқтисодий педагогика. Ўқув қўлланма. - Т.: 2002.
4. Юсупов Э. Маънавият асослари. - Т.: 1998.
5. Ўзбекистон педагогикаси антологияси. - Т.: Ўқитувчи, 1995.
6. Психология и педагогика: Учеб. пособ. / Составитель и отв. редактор А.А.Радугин. - М.: Центр, 2003.
7. Психология и педагогика: Учебник. - М.: Изд. Элит, 2004.
8. Слостенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. - 4-е изд. - М.: Школа Пресса, 2004.
9. Слостенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. для студ. пед. учеб. завед. / В.А.Слостенин, И.Ф. Исаев, А.И.Мищенко, Е.Н.Шионов. - М.: Школьная Пресса, 2004.

13. МЕҲНАТ ТАРБИЯСИ

13.1. Меҳнат тарбиясининг мазмуни, мақсади ва вазифалари.

13.2. Меҳнат тарбиясининг психологик-педагогик асослари.

13.1. Меҳнат тарбиясининг мазмуни, мақсади ва вазифалари

Ҳаётда яшамоқ - бу ишламоқ, меҳнат қилмоқ демакдир. Чунки, меҳнат инсонни ҳаёт манбаи ҳисобланади. Меҳнатсевар бўлсангиз, фаровон ҳаёт кечирасиз, соғлом бўласиз ва ҳеч қачон, ҳеч қаерда, ҳеч кимга муҳтож бўлмайсиз, хавотирланмай, беташвиш яшайсиз. Меҳнат - бу инсондаги ижодий кучни уйғотади. Ҳар бир одам фақат меҳнат ёрдамида камол топади. Етти тоифа одамнинг меҳнати зое кетади: бировга эҳсон қилиб, сўнг унга миннат қилганлар; бировни кечиргандан сўнг, унга азият берганлар; тузалмас дангаса ва ёлғончи одамларни тарбияламоқчи бўлганлар; бировнинг ҳақидан кўркмайдиган одамларни мўътабар ҳисоблаб, уларга омонатга берган саҳий олийжаноблар; ўртоқларининг бемаъни суҳбатлари билан фахрланадиганлар; тўғри ва мўмин одамларга ишонмаганлар.

Доно халқимиз “Меҳнат - меҳнатнинг тағи роҳат”, “Дарё сувини баҳор тоширар, одам қадрини меҳнат оширар”, деб бежиз айтмаганлар. Одам меҳнаткаш ва ғайратли бўлса, бу унинг бахти. Унинг меҳнаткашлиги - ҳалоллик ва тўғрилиқ фазилати ҳисобланади. Оила ва жамиятда, умуман ҳаётда бу фазилат муҳим ва бош мезон саналади, чунки, меҳнат инсонни улуғлайди ва шарафлайди.

Дональд ва Элеонора Лейрд “Сиз истаган техника ютуқлари” асарида “Пулдан аҳамиятлироқ бирор нарса учун меҳнат қилинг”, - деб айтганлар. Яна улар шундай ёзишади: “Ҳаётда нимагадир эришган кишиларнинг кўпчилиги биринчи ўринга меҳнатни, сўнгра пулни қўяди. Уларнинг асосий мақсади нимага интилишган бўлса, шуни қилиш бўлган, кўпроқ буюм йиғиш бўлмаган сира”.

Кўпчилик инсонлар ўзлари хоҳлаган меҳнатни қилади. Улар пулга эмас, ўз меҳнатига муҳаббат қўйганидан бахтли.

Одам ҳар доим бахтли бўлишни ва ҳаётда узоқ яшашни истайди ва унга интилади. Узоқ яшашнинг сирини битта - у ҳам бўлса меҳнатда. Чунки меҳнат ҳаёт чироқига доимо ёқ қуйиб

туради. Меҳнат барча хасталиклардан ҳалос қилувчи шифобахш доридир...

Меҳнат фаолияти - моддий ва маънавий бойликларнинг манбаи бўлиб, меҳнат фаолияти жараёнида инсон табиатни гўзаллаштирибгина қолмай, ўзи ҳам ўзгара боради. Меҳнат фаолияти шахснинг ахлоқий фазилатларини шакллантиришга, унинг табиат ва жамиятта қарашлари тизимига жиддий таъсир кўрсатади. Меҳнат инсонни ақлий қобилиятларининг ривожланишига таъсир қилади. Меҳнат туфайли инсоннинг маънавий муносабатлари шаклланади, у жисмоний жиҳатдан камол топиб, ўз меҳнат кўникмаларини ривожлантириб боради.

Аmmo, ҳар қандай меҳнат ҳам шахсни ҳар томонлама тарбиялаш ва камол топтириш омили бўлавермайди. Эксплуатация ва зўравонликдан ҳоли бўлган меҳнатгина инсонга ижобий таъсир кўрсатади. Меҳнат тарбиясининг асосий мақсади меҳнатга нисбатан тўғри муносабатни, яъни меҳрни шакллантиришдир. Меҳнатга меҳр билан, хоҳиш ва ижодий ёндаша олиш, малака ва кўникмаларни шакллантириши лозим. Инсонни меҳнат қилиб, ўз меҳнатида баҳра олишга, лаззатланишга ўргатиш зарур.

Меҳнатда тарбиялаш тўлақонли бўлиши учун, у бир қатор шартларга жавоб бериши керак:

1. Бола меҳнатга қанчалик барвақт жалб қилинса, унинг меҳнат тарбияси шунчалик муваффақиятли ўтади.

2. Меҳнат фаолияти ижодий аҳамиятта ва чуқур маънавий асосга эга бўлиши шарт.

3. Чарчоқ ва хориш ҳиссини туғдирувчи меҳнатгина қувонч ҳиссини бағишлайди. На жисмоний, на ақлий, на иродавий кучни талаб қиладиган енгил меҳнат ижобий тарбиявий самара кўрсатмайди.

4. Катталарнинг болалар меҳнатини назорат қилиши одоб, доирасидан чиқмаслиги, боладаги ўз кучига ишончи қўллаб-қувватлаши зарур. Агар бола меҳнат топшириқини бажарганда сўнг муваффақиятдан қувонса, қилган иши билан фахрланса, ўзини бахтли ҳис эта бошлайди.

5. Меҳнат дам олиш билан алмаштирилиб турилиши керак. Меҳнат турларининг навбат билан бажарилиши ҳам чарчоқни босади.

6. Ҳар қандай меҳнат топшириқи фойдали ва имкон қадар яққол натижа билан тугалланиши лозим. Умуман меҳнатда боланинг шахсий манфаатдорлигини ҳам рад этиш керак эмас.

13.2. Меҳнат тарбиясининг психологик-педагогик асослари

Меҳнат ёш психофизиологик хусусиятларга монанд бўлиши керак. Талабалар олдига бўлғуси иш мақсади аниқ қилиб қўйилиши зарур. Бу ишнинг бориши ва натижалари кўпинча шунга боғлиқ бўлади. Меҳнатга бўлган муносабат фақат меҳнатнинг натижасига таъсир қилмай, балки меҳнат қилаётган инсоннинг соғлигига ҳам таъсир кўрсатишини ҳозирги даврда психологлар исботлаб берганлар.

Қадимги грек тиббиётчилари эрамыздан 500 йил аввал “меҳнат терапияси” ни тавсия этганлар. “Меҳнат терапияси” психотерапияда дори тарзида фойдаланишга тавсия қилинган. Ҳар қандай психиатр иш - меҳнат фаолияти - бу асаб касали учун энг яхши дори сифатида “нима биландир банд бўлишни” тавсия этганлар. Ҳар доим баландликда бўлиши, аввало соғлиққа фойдали бўлиши билан умрни узайтиради ҳам.

Ҳаётда инсон ҳасад билан эмас, балки ҳавас билан яшаши керак. Атоқли давлат арбоби Шароф Рашидов:

“Одам жаҳл билан эмас, ақл билан ишлаши керак.

Одам ҳасад билан эмас, ҳавас билан яшаши керак”,

деб ўринли айтган. Билинги, битмас-тугунмас, ҳузур-ҳаловат меҳнатдан келади. Ҳеч қачон, ҳеч қандай буюк иш меҳнатсиз юзага чиқмаган ва чиқмайди ҳам.

Қанча ҳам билсангда, ўқи эрта-кеч,

Билим тоғига чиқ, денгизини кеч.

Бўлма куруқ савлатингга маҳлиё ҳеч,

Меҳнат машаққатсиз ҳаловатдан кеч.

Агар киши хоҳиш билан, меҳр билан ўз меҳнатини бажарса, у ўзи бажараётган меҳнатдан завқ олади, бу эса унинг психи-касига ижобий таъсир кўрсатади, унга кўтаринки руҳ бағишлайди. Агар киши ўзини хоҳишига қарши мажбурлигидан, ўзини зўрлаб бирор ишни бажарса, унинг нерв системасида таранглик ва зўриқиш ҳосил бўлади. Асабларнинг таранглишуви унинг соғлигига салбий таъсир кўрсатади. Демак, биз меҳнатга тўғри муносабат тарбиялаш натижасида меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам берсак, иккинчи томондан, киши соғлигини сақлашга ҳам эришган бўламиз.

Меҳнат тарбиясини ривожланиши бевосита иқтисодни янада тезроқ ривожланишига хизмат қилади. Иқтисодни ривожла-ниши эса ўз навбатида турмуш шароитини ва меҳнат тарзини янада яхшиланишига олиб келади. Шу фикрдан келиб

чиққан ҳолда, ҳозирги даврда ёшлар ўртасида меҳнатга бўлган ҳурматни ўстириш, меҳнатга тўғри муносабатни тарбиялаш ишини кенг ва чуқур ўрганган ҳолда олиб бориш лозим. Меҳнат тарбиясида биз кўпроқ одатлантириш методларидан ҳамда рағбатлантириш методларидан фойдаланишимиз ўринли бўлади. Албатта, топширилган меҳнатни назорат ҳам қилиб туриш керак. Энг муҳими меҳнатнинг натижаларини таҳлил қилиш ва кейинги меҳнат тарбияси йўналишида бажариладиган ишларда бу хулосалардан фойдаланишдир.

Қисқа хулосалар

1-хулоса. Меҳнат тарбиясининг мазмуни, мақсади ва вазифаларини амалга оширишда ҳаётда яшамоқ, ишламоқ, меҳнат қилмоқ тушунчалари ётади. Меҳнат - бу инсондаги ижодий кучни уйғотади. Инсон фақат меҳнат ёрдамида камол топади.

Инсон ҳар доим бахтли бўлишни ва ҳаётда узоқ яшашни истайди ва унга интилади. Бундай яшашнинг сири битта - у ҳам бўлса меҳнатда. Меҳнат фаолияти - моддий ва маънавий бойликларнинг манбаидир. Меҳнатда инсон тобланади ва унинг ақлий қобилиятлари ривожланади.

Меҳнат тарбиясининг асосий мақсади меҳнатга меҳр билан, хоҳиш ва ижодий ёндашиб, малака ва кўникмаларни шакллантириш керак. Болани меҳнатга қанча барвақт жалб қилинса, унинг меҳнат тарбияси шунчалик самарали бўлади.

3-хулоса. Меҳнат тарбиясининг психологик-педагогик асослари. Меҳнат ёш психофизиологик хусусиятларга мос бўлиши зарур. Меҳнатга бўлган муносабат фақат меҳнатнинг натижасига таъсир этмай, балки меҳнат инсоннинг соғлиғига ҳам ижобий таъсир этиши психологлар томонидан исбот-лаганла.

“Меҳнат терапияси” психотерапияда дори тарзида фойдаланилган. Қадимги грек тиббиётчилари эрамыздан 500 йил аввал “меҳнат терапияси” ни тавсия этган. Ҳар доим меҳнат қилиш, аввало соғлиққа фойдали бўлиши билан умрни ҳам узайтиради.

Инсон ҳаётда ҳасад билан эмас, ҳавас билан яшаш керак. Атоқли давлат арбоби Шароф Рашидов:

“Одам жаҳл билан эмас, ақл билан ишлаши керак.

Одам ҳасад билан эмас, ҳавас билан яшаш керак”,
деб жуда ўринли айтган.

Меҳнат тарбиясини ривожланиши бевосита иқтисодни янада тезроқ ривожланишига хизмат қилади.

Таянч иборалар

Меҳнат тарбияси, моҳияти, мазмуни, асослари, вазифалари, психологик асослари, ишлаш, меҳнат қилиш, меҳнат фаолияти, ижтимоий фаолият, ижодий куч, меҳнати зое кетадиган одамлар тоифаси: бировга эҳсон қилиб, сўнг унга миннат қилганлар; бировни кечиргандан сўнг, унга азият берганлар; тузалмас дангаса ва ёлғончи одамларни тарбияламоқчи бўлган-лар; бировнинг ҳақидан кўрқмайдиган одамларни мўътабар ҳисоблаб, уларга омонатга берган саҳий олийжаноблар; ўртоқларининг бемаъни суҳбатлари билан фахрланадиганлар; тўғри ва мўмин одамларга ишонмаганлар; меҳнатқаш, меҳнат фаолияти, эксплуатация ва зўравонликдан ҳоли меҳнат, чарчок, дам олиш, «меҳнат терапияси», ҳасад, ҳавас, жаҳд, ақл.

Такрорлаш учун саволлар

1. Меҳнат тарбиясининг мақсади нималардан иборат?
2. Меҳнат тарбиясининг вазифаларини сўзланг.
3. Меҳнат тарбиясининг психологик-педагогик асосларини тушунтиринг.
4. “Меҳнат терапияси” нима?

Адабиётлар

1. Григорян С.Н. Великие мыслители Средней Азии. - М.: Наука, 1958.
2. Инамов И. Қалб садоси. - Т.: 1999.
3. Мунавваров А.Ф. Оила педагогикаси. - Т.: Ўқитувчи, 1994.
4. Основы предпринимательского дела. - М.: 1995.
5. Ҳасанов С. Жадид тарбияшунослиги асослари. - Т.: Ўқитувчи, 1994.
6. Психология и педагогика: Учеб. пособ. / Составитель и отв. редактор А.А.Радугин. - М.: Центр, 2003.
7. Психология и педагогика: Учебник. - М.: Изд. Элит, 2004.
8. Слостенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. - 4-е изд. - М.: Школа Пресса, 2004.
9. Слостенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. для студ. пед. учеб. завед. / В.А.Слостенин, И.Ф. Исаев, А.И.Мищенко, Е.Н.Шионов. - М.: Школьная Пресса, 2004.

14. ТАРБИЯ ОДОБНОМАСИ - ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ ПОЙДЕВОРИ

14.1. Тарбия одобномаси ва унинг аҳамияти.

14.2. Тарбия одобномасидаги қадриятларни паймол қилиниши.

14.3. Тарбия одобномаси - иқтисодий тарбия пойдевори.

14.1. Тарбия одобномаси ва унинг аҳамияти

Ривоятга кўра Ибн Сино қишлоқда яшаб, табиблик қилар экан. Шу қишлоқлик ёш оила фарзандлик бўлишибди. Ёш ота-она чақалоқнинг келажаги ҳақида мулоқотда бўлишади. “Боламизни қандай тарбия қиламиз? Уни шундай тарбиялайликки, у катта бўлганда ватанга фойдаси тегадиган ҳақиқий инсон бўлиб етишсин”, - дебди эри. Хотини бўлса: “Сиз тўғри айтдингиз, мен ҳам шу фикрдаман. Яхшиси, Ибн Синодан сўраб кўрайлик” - деб маслаҳатлашади. Ёш оила чақалоқни олиб, Абу Али ибн Сино ҳузурига боришибди. Буюк ҳаким уларни самимий кутиб олади ва нима учун ташриф буюрганликларини сўрабди:

- Боламизни қандай тарбиялаш ҳақида маслаҳат олгани келдик. У вояга етиб, катта бўлганда халқига хизмат қиладиган, эътиборли инсон бўлсин, - дейди эри.

- Қачон туғилди? - деб сўрабди Ибн Сино.

- Эрта тонгда туғилди, - деб айтади хотини.

- Эҳ азизлар, кечикибсизлар, - дебди ҳаким, - бола эрта тонгда туғилган экан, ҳозир чошгоҳ бўлди. Бола туғилишидан тўққиз ой олдин унинг тарбияси ҳақида қайғуриш керак эди. “Хотинни бошдан, болани ёшдан”, деб бекорга айтишмаган, ахир*.

Бу ривоят заминидан катта ҳаётий ҳақиқат бўлиб, ёш оила фарзанд кутаётган лаҳзаларданок тарбия илмини ўрганиши зарур, деган ғоя бор.

Халқимизнинг фарзанд билан боғлиқ бўлган қадриятлари кўпдир. Улардан бири “Ўнта бўлса ўрни, қирқта бўлса қилиғи бошқа” деган.

* Афсона илк бор биз томонимиздан ёзиб олинган бўлиб, “Алломалар ибрати” (Тошкент, “Ёш гвардия” нашриёти, 1982) китобига киритилган.

Халқимизда фарзандга бўлган меҳр-муҳаббат, уни қадрлаш онада нишона кўрина бошлаганда, айниқса кучаяди ва мунтазамлик тус олади. Чунончи, ҳомида пайдо бўлгач, муайян муддатдан бошлаб эркакни унга яқинлаштирмаслик, кўпол муомала ва сўзга йўл қўймаслик, аёлга оғир иш қилдирмаслик, юк кўтармаслик шартларини ўйлаб кўрайлик. Муомала ҳам ўзгаради. Хушмуомалалик, ширинсўзлик, меҳрибонлик, саховатлилик ишга солинади. Чақалоқ ёстиғи остига нон, пичоқ, пиёз, туз ва бошқалар қўйиш, ўзини ёлғиз қолдирмаслик, тунда ҳовли ёки кучага ёлқиз чиқармаслик, доимо ёнида одам бўлиши, ёнган чироқни ўчирмаслик ва ҳоказолар. Шунингдек, бола ўғилми ёки қизми, унга чиройли исмлар қўйиш, онанинг емак-ичмакларини яхшилаш, айниқса кўнгли тусаган таомларни муҳайё этиш, ширин орзулар, яхши ниятлар айтиб кўнглини кўтариш, совға-саломлар бериш, эркалашлар каби кўплаб одатлар она ва бола қадриятлари билан боғлиқдир. Аксинча, она кўнглига қарамаслик, ҳомиланинг соғлом ўсишига салбий таъсир кўрсатиши ҳаётда исботланган.

Вақти-вақти билан исриқлар солиш, дуо битилган туморлар осиш, муқаддас жойларга зиёратга олиб бориш, фарзанд учун уй солиш, кўчатлар экиш, назирлар бериш, хайр-эҳсонлар қилиш каби кўплаб удумлар, одатлар, анъаналар ҳам она-бола қадриятларига бориб тақалади.

Юқорида таъкидланган удумларнинг ҳар бирида ўзига хос ибратлар мавжуд. Афсуслар бўлсинки, она-бола билан боғлиқ бўлган кўплаб удумлар собиқ Советлар даврида унитилди, назар-писанд қилинмай, эскилик, феодал қолдиқлари деб, унга линий тус берилди, демак зарарли деб қораланган бўлса, бошқалари ўзимизнинг лақмалигимиз туфайли унутила бошланди. Бунда юқоридан туриб берилган кўрсатмалар, ёлгон-яшириқдан иборат буйруқлар, коммунистик партиянинг “донолиги”, социализмнинг пуч, қуруқ ва сохта гаплардан иборат “оқилона” сиёсати катта рол ўйнади, албатта.

Ажабланарлиси шундаки, айтилгану, аммо ҳаётда бутунлай тескариси бўлган. қоғозда қолиб кетган айрим қоидаларни келтирамиз. “Аёллар организми учун зарарли бўлган соҳаларда аёллар меҳнати таъқиқлансин, аёлларнинг тунда ишлаши таъқиқлансин” (В.И.Ленин, тўла асарлар тўплами, 32-том, 178-бет).

Яна бир кўчирма: “...Совет ҳокимияти хотин-қизларни озод қилиш учун, уларни “кучли” жинс билан тенг ҳуқуқли

қилиш учун икки йил ичида шу қадар кўп ишлар қилиндики, бутун дунёдаги илғор, маданий, “демократик” республикаларнинг барчаси бирга 130 йил давомида шунча иш қилган эмас” (В.И.Ленин, тўла асарлар тўплами, 39-том, 328-бет).

Юқоридаги биринчи кўчирма бошдан-оёқ ёлғон, алдовдан иборат бўлса, иккинчи кўчирма тўғрилиги, аммо аксинча бўлиши билан ажралиб туради. Зеро, болаларнинг кўплаб она қорнидан ўлик туғилиши, ёхуд нимжон ҳолда дунёга келиши, оналарнинг бола ташлаб қўйиши, аёлларимизнинг хусн-жамоли йўқолиб, ранги заъфарон, қадди-қомати букилгани ва бошқалар ана шу “ғамхўрлик” нинг натижаси эмас-ми?! Шахсан камина 40-50 кг “оқ олтин” ни бошта қўйиб пахтазордан чиқаётган ҳомиладор оналарни, боласини орқасига боғлаб (ҳатто қулдорлик мамлакатларида ҳам таъқиқланган одат), энгашиб пахта тераётган аёлларни, янги чақалоқни дала шийпонида ишдан қоламан деб, шошилиб эмизаётганларини кўп кўрганман. Кунига минг-минг марта ерга эгилиб-туриб чопиқ чопаетган, ғўза ягана қилаётган, пахта тераётган, ғўзаполя олаётганларни кузатиб, эзилган кунларим ҳам бўлган. Бу ҳам майли-я, чидаса бўларди. Ҳомиладор аёлга қараб ҳам дўқ-пўписалар қилиш, ҳақоратлар қилиш, қўрқитишлар, ҳатто калтаклашлар-чи? Шудгор ичида, дала шийпонида, йўлда-чўлда қўрқувдан, оғир меҳнатдан, калтакдан, дўқ-пўписадан бола ташлаб қўйган ёхуд ҳомиладор ҳолда ўзини ёқиб юборган, ўзини оingan, ариқ-зовур, каналларга ташлаганлар оз бўлдими?! Ҳа, бундай факт, далиллар кўп...

Шу ўринда болага исм қўйиш удумлари ҳақида икки шингил сўз айтиш жоиздир.

Исм қўйиш билан боғлиқ бўлган удум ҳамда маросимларимиз ҳам бор. Исмни бобо-момо, ота-она, қолаверса, эл-юрт орасида эътиборли оқсоқоллар, кексалар танлашган. Камина ҳеч бир халқ миллат ва элатнинг болага исм қўйишдаги анъаналарини камситмаган ҳолда, шуни алоҳида таъкидлайманки, ўзбекларда исм қўйиш ҳам тарбия одобномасидаги ахлоқ-одоб, таълим-тарбиянинг олий нуқталаридан бўлган дейиш мумкин.

14.2. Тарбия одобномасидаги қадриятларни паймол қилиниши

Исм қўйиш - санъат саналган. Зеро, ҳар бир исмнинг ўз тарихи, маъноси ва эстетикаси бор. Шундай исмлар борки,

маъносининг ўзи бир олам! Аммо исм қўйиш ва унинг давомийлигида халқимизда шундай бир удум борки, қайсики у эҳтиёткорлик, назокат ва фаҳм-фаросат талаб қилади. Унга эътибор қилмаслик асло мумкин эмас. Чунончи, айрим ота-оналар фарзандлари хасталикдан тузалмай қолса, унинг илк бор қўйилган исми ўзгартирилган. Натижада кўшалоқ исми бўлиб қолади. Умуман, ота-боболаримиз чиройли, яхши, сермаъно исм қўйишга интиланлар. Бундан ҳар қандай инсон ибрат олса арзийди.

Шу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, собиқ Советлар даврида оёқ ости қилинмаган, камситилмаган бирон-бир қадриятнинг ўзи қолмади. Натижада тарбия одобномаси бузилди...

Қадриятлар деярли ёппасига “тафтиш” қилинди. Ўқ отилмаган, тафтишу таҳқир қилинмаган бирор қадрият қолмаганлигини кўрсатиб бериш қийин. Исм қўйишда ҳам худди шундай ҳолат юз берди. Социализм маддоҳлари совет оилалари ўз фарзандлари исмини социалистик турмуш тарзига мослаган “байналмилал” атамалар билан аташни бажону дил қўллаб-қувватладилар, вақти-вақти билан маслаҳатлар бердилар. Ана шундай исмлардан: Маркс, Клара, Тельман, Октябр, Декабрь, Января, Гамлет, Мелис, Светлана, Замир ва бошқалар...

Энди қуйидаги фактларга эътибор беринг-а! ...Ўз байроғига “Ҳамма нарса болалар учун!”, “Бизнинг фарзандларимиз дунёдаги энг бахтиёр болалардир”, “Бахтли болалигимиз учун партиёга минг раҳмат”, деб ёзиб қўйилган собиқ Иттифоқда 1989 йили туғилган 5 миллион 62 минг гўдакнинг ҳар бешинчиси касалманд. Уларнинг 70 мингдан ортиғи туғма ногирон.

Тошкент шаҳрида 1990 йили туқилган 46822 боланинг 675 нафарида туғма нуқсонлар борлиги ҳисобга олинган.

Муҳтарам китобхонлар! “Болалар боғчасида ахлоқий тарбия” (Тошкент, “Ўқитувчи”, 1990), “Болалар боғчасида таълим-тарбия” (Тошкент, “Ўқитувчи”, 1988), “Болалар боғчасининг катта тарбиячиси” номли қўлланмалар билан танишар экансиз, ҳайратда бўлишингиз табиий. Чунки: ҳар уччала қўлланма муаллифлари насронийлар томонидан тайёрланган, уларнинг бирида “Совет мактабгача тарбия муассасаларида болаларни ахлоқий тарбиялашнинг мазмуни ва методлари баён этилиб, бола шахсини шакллантиришда тарбиянинг етакчилик роли очиб берилади, оила билан алоқанинг зарурлиги таъкидланади” дейилса, иккинчисида “илк ёшдаги биринчи

группадан то мактабгача тайёрлов группаси болаларига мўлжалланган билим ва кўникмалар ҳажмини ўз ичига олади” дейилган.

Мана уларнинг биридан кўчирма: “Педагог Н.К.Крупская-нинг болалар қанчалик кичик бўлмасин, уларнинг онги ва ҳис-туйғуларига В.И.Ленин даставвал ҳар қандай жабр-зулмга қарши, меҳнаткашларнинг фаровон турмушлари учун курашчи сифатида кириб бориши кераклиги ҳақидаги кўрсатмаларига амал қилиш лозим”. Муаллифлар нишон олишни билганлар. Энди тасаввур қилинг. Мустақил давлатнинг озод, мустақил болалари, келажакимиз масъуллари, элимиз, юртимиз тақдирини ҳал этувчи фарзандларимиз ана шу ўзга мазҳаб, ўзга иймон, ўзга мақсад кишилари томонидан яратилган қўлланмаларни дастур қилиб оладилар, ундан ўрганиб вояга етадилар. Мазкур қўлланмаларда бироз жумла бизга тааллуқли бўлса алам қилмаган бўлур эди.

Ҳурматли ўқувчи! Энди бу ёғини ўзингиз тасаввур этиб, ўйлаб кўринг-а?!

Азиз китобхон! “Болани икки ёшгача ким эмизса, ўшанинг онаси бўлиб қолади”, деган ҳадиси шарифнинг мазмунини тушунишингизни жуда ҳам истардик*...

Ҳа, фарзандга тарбия, одоб қадамба-қадам, кунма-кун, ҳатто соатма-соат амалга ошириб борилган. Фарзандлар камолотида халқимизнинг фидойилиги, жонкуярлиги, масъулиятлигини кўриб ўқиб, эшитиб қойил қолмасдан иложинг қанча. Бола тарбиясига оид мақолда “Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она” ни эслаш жоиздир. Хўш, йигит-қизлар қадриятлари ва уларни амалга оширишда тарбия одобиномаси нималардан иборат?

Қадимий халқ анъаналарини кўздан кечирар эканмиз, одобиномаси, ибратномаси саҳифаларини варақлар эканмиз, бағоят ибратли, барча даврлар ва ҳамма учун керакли, зарур бўлган ҳақиқатга дуч келамиз. Бу - бола тарбиясининг узилиб қолмаслиги, занжирсимон уланиб кетиши, бирор кун, ҳатто бирор соат ёки дақиқа бўлса-да уни унутмаслик ва бу соҳада ҳамма имкониятлардан фойдаланиш, куч-сабот, ақл-заковат, фаҳм-фаросат, зукколик, топқирлик билан иш олиб бориш,

* Малик Мурод. Ўзбек қадриятлари. Тошкент, “Чўлпон” нашриёти. 1-китоб, 1995. 33-34-бетлар.

ибрат намунасини кўрсатиш, ҳеч нарсани эътибордан четда қолдирмаслик ва бошқалардир.

...Ўсмирларни мард, тетик, бакувват ва одобли бўлиб ўсишини ифодаловчи халқ оғзаки ижоди намуналарида улар билан фахрланиш, уларга катта ишонч, умид билан қаралгани, тезроқ вояга етиб, ота-она, эл-юрт хизматига бел боғлашлари астойдил исталгани баён қилинган: “Йигит кишига етмиш хунар оз”, “Йигит сўзидан қайтмас, арслон - изидан”, “Йигит деган эр бўлур, меҳнат кўрса шер бўлур”, “Йигит хусни - хунар”, “Йигитнинг сараси ёв босганда билинади”, “Йигитнинг шаҳди қайтгунча, хўкизининг шоҳи синсин”, ёхуд “Йигитнинг сўзи қайтгунча - шайтоннинг бели узилсин” каби халқ донишмандлиги ифодаланган ибратли сўзлар ва бошқалар.

Қизлар иффати, одоби, ахлоқига тарбия одобномасида катта аҳамият берилган. Доно халқимизнинг балоғат ёшидаги қизлар тарбияси, одоб-ахлоқи тўғрисидаги удумлари, бошқача айтганда, унинг ўзига хос одобномасини кўздан кечириш фойдадан ҳоли бўлмас эди. ... Қизлар ёшликдан, хусусан, балоғат давридан аёллик меҳнати, касб-хунари, юриш-туриш, ахлоқ-одобига ўргатилади. Қиз бола ҳамиша ва ҳамма жойда фариштали, назокатли ва нозик саналган. Шунга кўра муомала ва муносабатда бўлинган. Қиз болага оғир юк кўтармаслик, ариқдан ҳатламаслик, ёлғиз ҳаммомга юбормаслик, умуман, ёлғизлатмаслик ҳаракатида бўлинган.

Шундай қилиб, йигитлик шаъни, қизлик иффатини пок сақлаб, улар бахт-саодатини ҳар бир ота-она, туркий халқлар орзу этганлар, бу соҳада қадимий ва улугвор тарбия воситалари, усулларига таянмоқимиз, уларнинг келгусида никоҳ тўйлари ҳақида ҳам ўйлаб кўрмоғимиз даркорлиги табиийдир.

Ҳар бир ота-онанинг муқаддас бурчи - бу фарзандларини бошини қовуштириш, уйлантириш бўлган. Никоҳ тўйининг ҳам ўзига хос “одобнома” си, “одатнома” си бўлган.

Амир Темур бобомиз шундай нақл этганлар: “Ўғилларим, набираларим ва яқинларимни уйлантирмоқ ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим. Келин бўлмишнинг насл-насабини, етти пуштини суриштирдим. Хос одамлар орқали соғлик-саломатлигини, жисмонан камолотини аниқладим. Келин бўлмиш насл-насаби, одоб-хулқи, ахлоқи, соғлом ва бакувватлиги билан барча қусурлардан ҳоли бўлсагина, элу-юртга катта тўй-томоша бериб, келин туширдим... Ўғилларим, набираларим ва

яқинларимга бирон томчи шароб ичиб, хотинларига яқинлашишни маън этдим. Зеро, шаробнинг таъсирида дунёга келган фарзанд насл-насабининг бузилишига таъсир этгай, дебон шу покиза йўлни тутдим”.

14.3. Тарбия одобномаси - иқтисодий тарбия пойдевори

Эй йигит! Бўлажак қайлигинг келгусида она бўлади. Онанинг насли боланинг асли. Зеро, насли тоза, зоти яхши ота-оналардан Соҳибқирон Амир Темурдек, Мирзо Улуқбекдек, Мирзо Бобурдек, Алишер Навоийдек, Абу Али ибн Сино, Ал Хоразмий, Абу Райҳон Берунийдек, Ал Фаробий каби буюк донишманд алломалар таваллуд топганлар...

Никоҳ тўйларида барча расм-русумлар тартиб ва одоб билан бажарилган. Келин-куёвнинг ахлоқий ҳислатлари, ҳаёси, ибоси, муомала, иззат-икромни билиши алоҳида диққат-эътиборда бўлган. Келин камида бир йил ибос сақлаб, қайнона-қайнотага, куёвнинг яқинларига юзини кўрсатмай юрган бўлса, куёв ҳам ўз ҳурматини қайнона-қайнотага юзма-юз келмай сақлаган. Надоматлар бўлсинки, бизнинг давримизга келиб, одоб-ахлоқнинг бу нозик иболи пардалари йиртилдигина эмас, ёшлар юзидан бира тўла сидириб ташладилар. Биз қадриятларимизни, анъаналаримизни бутунлай оёқ ости этиб, эзгу одатларнинг барчасини зарарли, эскилик қолдиқи тарзида рад этиб, руслар ёки ўзга овруполиклар каби кўча-кўйда танишиб, аҳд-паймон қилиб кетаверишни, бўлгуси қайнона ёки қайнона олдидан юзини рапидадай очиб, уялмай-нетмай, ўғлингга тегаман, ёки қизингга уйланаман, деб айтишдан тап тортмадик.

Ҳаттоки тўйлар ҳақидаги қўлланмаларда тарбия одобномасидаги миллий анъаналарга ёт, ахлоқимизга зид фикрларни ташвиқот-тарқибот қилиб келдик. Ёшларга сени партия, комсомол, давлат ҳимоя қилади, ота-онанг, қариндошларинг фикри билан ҳисоблашма, улар тўйингга розилик бермаса, комсомол тўйи қиламиз, деб бадний асарлар яратдик. Оқибатда ҳали ҳаёт мураккаблигини билмаган, англаб етмаган ёшлар мафкурамизнинг нотўғри далдаси билан ота-она, оиладан айрилиб, ёки улар сўзларига қулоқ тутмай, комсомол тўйларига ўтиб кетдилар. “Комсомол тўйлари бизнинг ҳаётимизда тобора кенг ёйилмоқда. Бундай тўйларга келин-куёв ишлаётган корхона, муассасаларининг коллективлари фаол қатнашмоқда. Шунинг учун ҳам бундай тўйлар алоҳида тантанавор тус

олмоқда, тўй маросимларига алоҳида файз бағишламоқда... Эскириб қолган зарарли урф-одатларни, диний расм-русумларни суриб чиқармоқда, никоҳ тўйи маросимини қувончли, чиройли, сира унутилмайдиган воқеага айлантирмоқда*”.

Қуйидаги ташвиқотни тингланг-а. Куёв-келиннинг ота-оналари, навбати билан келин-куёвнинг қошига келиб, уларни ўнадилар. Улар ҳозир бўлганларнинг гулдурас қарсақлари остида рақсга таклиф қилинадилар... Ахир қайси ота ўз қизини турмушга чиқарганда куёвниқига қўшилиб боради? Томирида ўзбекнинг қони оққан ҳар бир ота бундан ийманади. Эҳтимолки, муаллифлар уялмас, лекин қизини эрга берган отанинг тўйга бориши, яна кўпчиликнинг ичида куёвини ўпиши, гуноҳи азим ҳисобланган, шарқда, айнан бизда...

Қисқаси, никоҳ тўйини “қизил тўй”, “Янги тўй”, “Комсомол тўйи”, “Совет тўйи” каби номларда атаб, бизга ёт анъаналарни мажбурий сингдириш, бу тантанали шодёнанинг мазмунини айтарлик ўзгартириб юборди.

Қани айтингчи, қайси никоҳ тўйларимиз ана шу қадимий, чиройли ва фойдали, одобли одатлар асосида ташкил қилиниб, қадриятларимизни кўз-кўз қилмоқда? Аксарият базм оқшомларида, қизлар базмларида, куда-анда, келин-куёв чарларида муайян қолипдаги куруқ сценарий ётади, дейиш мумкин. Дарҳақиқат, ҳозирги пайтда никоҳ тўйларида ичкиликбозлик, мажлисбозлик, “мен сендан ўтаман” қабилидаги тантилик, оврўпа мусиқа асбобларининг қулоқни қоматга келтирувчи шовқин-сурони, отарчиларнинг одобсизлиги-ю, пулбозлик ҳукмрон, ва ҳоказо, ва ҳоказолар.

Камина Советлар даврида, 1990 йилда Эрон Ислом Республикасига ташриф буюрдик. Эронни томоша қилар эканмиз, аввало унинг кўчалари, бозорлари, масжидлари, қўйингки, ҳаммаёқ, ҳамма ер топ-тозалиги билан кишини мафтун этади. Советлар номидан турист бўлиб борган 35 нафар сайёҳлардан 23 нафари аёлларни ташкил этарди.

Шанба куни эрта тонгдан Машҳад шаҳридан Нишопурга саёҳатга жўнадик. “Мерседес-бенц” автобусини туркман ҳайдов-чиси бошқариб борарди. Йўлда бизга ҳамроҳ ҳам гидимиз бўлган эр-хотин икки киши таржимонлик қилди. Йўл-йўлакай Эроннинг турмуш тарзи ҳақида сўз кетди. Энг қизиғи

* Янги турмуш - янги анъаналар. “Ўзбекистон” нашриёти, Тошкент, 1973. 53-бет.

бизлар савол берар эдик, эр-хотин навбатма-навбат жавоб берардилар. Насиббахон деган аёл Эронликларга савол берди. Мазмуни қуйидагича: “Айтингчи, Эронда оила бузилиши, яъни ажралиш борми?”, - деб сўради. Гидларимиз ҳайрон бўлди, орага бироз дақиқа жимлик тушди. Сўнгра эр-хотин гидларимиз кулишиб юборишди. Савол қайта такрорланди “Эронда ажралиш борми?” - деб. Уларнинг жавоби: “Эрон ислом давлати, биз исломга қаттиқ риоя этамиз. Бизларнинг ислом динига эътиқодимиз буюк. Кўрган бўлсангиз, жума куни ҳеч ким ишламайди, ҳамма, аксарият Имом Ризо масжидига ибодатга боришади, намоз ўқилади ва ҳордиқ чиқарилади. Энди, сизларнинг саволларингизга келсак, Эронда оила бузилиши, ажралиш деярли йўқ, деса бўлади, бўлса ҳам жуда-жуда камдир. Мана бизлар турмуш қурганимизга ўн йилга қараб кетди, ҳар иккимиз “оила ажралиши” ҳақида хабаримиз йўқ, ажралиш йўқ деса бўлади”, деб самимий кулиб қўйишди.

Туристлар раҳбари Санъатхон Собирова гидларга луқма ташлаб, наҳотки Эронда оила ажралиши бўлмаса, бу қанақаси, деб сўради. Чиройли Эронлик гид-хотиннинг жавоби: “Бизлар юқорида айтдик, Эрон Ислам давлати, ислом динига эътиқоди юқори, бизлар шарият бўйича оила қурамиз”, - деб гапини давом эттирди. “Эронда никоҳ вақтида шарият бўйича мулла сўрайди. Никоҳ ўқилади ва оила қурилади, вассалом. Ҳеч қандай ҳужжат бўлмайди, жуда оддий ҳолат. Энди сизларга келсак, советларда партияларингиз бор, хотин-қизлар қўмитаси, комсомол ташкилоти бор, загсдан ўтасизлар, қўлларингизга эру-хотинлик гувоҳномаси берилади. Сизларда ажралиш масаласи ҳам ниҳоят мушкул, қийин экан. Оила бузиладиган бўлса, аризабозлик авжига чиқар экан, кўп ташвишлардан сўнг, суд оила тақдирини ҳал этиб, ҳукм чиқаради ва қўлларингизга ажрим қоғозини беради... Бизда - Эронда жудда оддий, бир сўз - эр киши қўйдим, деса тамом. Шарият бўйича никоҳ ўз-ўзидан автоматик равишда бекор қилинади. Аммо, статистикага мурожаат этсак, хафа бўлманглар-у, сизларда ажралиш ниҳоятда кўп, айниқса ёш оилалар ўртасида бузилишлар кўп бўлади”, - деб гапига нуқта қўйди.

Шунда Насиббахон яна қайта саволни такрорлади, наҳотки ажралиш бўлмаса, бу жуда яхши-ку, қандай олийжаноблик, ё тавба деди. Эронлик гид-эрининг жавоби: “Мабодо ажралиш юз берса, биздаги иқтисодий қоида - шарият юзасидан ниҳоят оғир, қаттиқдир. Олайлик, масалан, бир Эрон оиласи 20 йил

турмушдан сўнг ажралмоқчи. Марҳамат, ажралиши мумкин. Мулла оила бошлиғи, эрдан “ажралиш сабабини” сўрайди. Эр ўзининг сўзини қисқа қилиб, “ажралишга тўғри келди”, - дейди. Шунда мулла эрга шариат юзасидан ҳукм чиқаради. Ҳукмнинг мазмуни: “Демак, 20 йил турмуш курибсизлар”, - “Ҳа”, деган жавоб. Яна мулла: “Нечта фарзандларингиз бор?”, - деб сўрайди. Жавоб: “Учта фарзандимиз. Уларнинг ёшлари, каттаси 16 яшар, иккинчиси - 14 яшар, кенжаси - 12 яшар. Фарзандларнинг вояга етиши, яъни 18 ёшга кириши: каттасига 2 йил, ўртанчасига 4 йил, кичигига - 6 йил. Ҳаммасини қўшса - 12 йил бўлади”. Ушбу арифметикага эру-хотин турмуши 20 йил бўлса, жами 32 йил экан. Эр хотиндан ажралиши учун қуйидаги шартларни бажариши шарт экан: биринчи уйда қандай бойлик бўлса, эрнинг зиғирдай ҳам ҳаққи йўқ, фақат ўзининг кийим-бошлари ҳалос, ҳатто рўзғордан игна ҳам олишга ҳаққи йўқ. Рўзғорда уйдан бошлаб, молу-қол, уларнинг қанча бойликларидан қатъий назар, машинаси бўлса ҳам хотинга қолиши; иккинчидан, олдиндан уч фарзанд ва унинг онаси - тўрт киши учун 32 йиллик яшаш шароити қийматини тўлаши шарт эканлиги; учинчидан, фарзандлардан отаси эканлиги учун вақти-вақти билан хабардор бўлиб туриши масаласи ечилади. Мабодо, борди-ю эр шунда сўзидан қайтиб, бу иқтисодий жазоларни бажаришдан бош тортса, шариат қондаси бўйича мудҳиш жазо олиши мумкин...

Қисқа хулосалар

1-хулоса. Тарбия одобномаси ва унинг аҳамияти. Ибн Сино тарбияни «...бола туғилишидан тўққиз ой олдин унинг тарбияси ҳақида қайғуриш керак» лигини таъкидлаган. Бу ривоятда ҳикмат кўп. Ҳомила пайдо бўлгач, муайян муддатдан бошлаб эркакни унга яқинлаштирмаслик, кўпол муомаллага, сўзга йўл қўймаслик, аёлга оғир иш қилдирмаслик, юк кўтармаслик шартларини бажариши зарур. Муомалани ҳам ўзгартириш, хушмуомалалик, ширин сўзлик, меҳрибонлик, саҳоватлик ишга солинади. Аксинча, она кўнглига қарамаслик, ҳомиланинг соғлом ўсишига салбий таъсир этиши ҳаётда исботланган.

Фарзанд учун ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган кўтлаб удум-одатлар, анъаналар, қадриятларимиз амал этишни тақозо этади.

2-хулоса. Тарбия одобномасидаги кадриятларни поймол этилиши. Исм кўйишдаги нодонликлар: Клара, Тельман, Октябрь, Декабрь, Январ, Мэлис, Светалана, Замир ва бошқалар. Собиқ Советлар даврида ўз байроғига “Ҳамма нарса болалар учун!”, “Бахтли болалигимиз учун партиёга минг раҳмат”, деб ёзиб кўйилган собиқ Иттифоқда 1989 йили туқилган 5 миллион 62 минг гўдакнинг ҳар бешинчиси касалманд. Уларнинг 70 мингдан ортиғи туғма ногирон. Тошкент шаҳрида 1990 йили туқилган 46822 боланинг 675 нафарида туғма нуқсонлар борлиги ҳисобга олинган. Бундай мисоллар ва фактларни кўплаб келтириш мумкин.

Ўсмирларни мард, тетик, бақувват ва одобли бўлиб ўсишини ифодаловчи халқ оғзаки ижоди намуналарида улар билан фахрланиш, уларга катта ишонч, умид билан қаралган. қизлар иффати, одоби, ахлоқига тарбия одобномасида катта аҳамият берилган.

Шундай қилиб, йигитлик шаъни, қизлик иффатини пок сақлаб, улар бахт-саодатини ҳар бир ота-она орзу-умидлари, ота-онанинг муқаддас бурчи бўлган.

3-хулоса. Тарбия одобномаси - иқтисодий тарбия пойдевори эканлиги. Амир Темур бобомиз шундай нақл этганлар: “Ўғилларим, набираларим ва яқинларимни уйлантирмоқ ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим. Келин бўлмишнинг насл-насабинини, етти пуштинини суриштирдим. Хос одамлар орқали соғлик-саломатлигини, жисмонан камолотини аниқладим. Келин бўлмиш насл-насаби, одоб-хулқи, ахлоқи, соғлом ва бақувватлиги билан барча қусурлардан ҳоли бўлсагина, эл-юртга катта тўй-томоша бериб, келин туширдим... Ўғилларим, набираларим ва яқинларимга бирон томчи шароб ичиб, хотинларига яқинлашишни маън этдим. Зеро, шаробнинг таъсирида дунёга келган фарзанд насл-насабининг бузилишига таъсир этгай, дебон шу покиза йўлни тутдим”.

Эй йигит! Бўлажак қайлининг келгусида она бўлади. Онанинг насли боланинг асли. Зеро, насли тоза, зоти яхши ота-оналардан Соҳибқирон Амир Темурдек, Мирзо Улуқбекдек, Мирзо Бобурдек, Алишер Навоийдек, Абу Али ибн Сино, Ал Хоразмий, Абу Райҳон Берунийдек, Ал Фаробий каби буюк донишманд алломалар таваллуд топганлар.

Таянч иборалар

Тарбия одобномаси, ўғити, пандномаси, эҳтиёжи, исм қўйиш, маросимлар, назокат ва фаҳм-фаросат, тўйлар, қадриятлар, куч-сабот, ақл-заковат, зукколик, топқирлик, йигитлик шаъни, қизлар иффати, назокати, йигитлар жасурлиги, тарбия воситалари, усуллари, никоҳ, нақл, ахлоқий ҳислатлар, ҳаё-ибо, муомала, иззат-икром.

Такрорлаш учун саволлар

1. Тарбия одобномаси нима?
2. Бола тарбиясига оид қандай қадриятларни биласиз?
3. Собиқ Советлар даврида қанақа қадриятларимиз топталди ва унутилди?
4. Йигитлар одобномасига оид қанақа халқ мақолларини биласиз?
5. Қизлар одоби-ахлоқига оид бўлган удум-қадриятларни биласиз?
6. Тарбия одобномасига Собиқ Иттифоқнинг таъсири нималардан иборат эди?

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Буёк мақсад йўлидан оқишмайлик. - Т.: Ўзбекистон, 1993.
2. Ахлоқ-одобга оид қадис намуналари. - Т.: Фан, 1986.
3. Мунавваров А.Ф. Оила педагогикаси. - Т.: Ўқитувчи, 1994.
4. Мусурмонова О. Маънавий қадриятлари ва ёшлар тарбияси. - Т.: Ўқитувчи, 1995.
5. Экономическая теория / под ред. акад. Видяпина В.Д, акад. Журавлевой Г.И., акад. Гулямова С.С. акад. Шариф-ходжаева М.Ш., акад. Абдурахманова К.Х. - Т.: 1999.
6. Психология и педагогика: Учеб. пособ. / Составитель и отв. редактор А.А.Радугин. - М.: Центр, 2003.
7. Психология и педагогика: Учебник. - М.: Изд. Элит, 2004.
8. Сластенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. - 4-е изд. - М.: Школа Пресса, 2004.
9. Сластенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. для студ. пед. учеб. завед. / В.А.Сластенин, И.Ф. Исаев, А.И.Мидценко, Е.Н.Шионов. - М.: Школьная Пресса, 2004.

15. ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯДА НОН ВА УНИНГ ЎРНИ

15.1. Нон қадри ва унинг азизлиги.

15.2. Иқтисодий тарбияда ноннинг ўрни.

15.1. Нон қадри ва унинг азизлиги

Ўзбек халқининг тарбия анъаналарига биноан ноннинг аҳамияти инсонлар ҳаётидаги ўрни бир сўз билан айтганда **НОН** қадри билан боғлиқ бўлган.

Нон азиз, ҳаёт безағи, турмуш мазмуни, яшаш манбаи, ҳаёт қонуни, ахлоқий, жисмоний, меҳнат ва иқтисодий тарбияларнинг бошланишидир. Нонсиз ҳаётнинг ўзини тасаввур этиш қийин ва мушкул. Шу боисдан ҳам авлод-аждодларимиз нонни муқаддас билганлар, унинг шаънига қўшиқ ва достонлар битганлар. Булар нонга бўлган муҳаббатимиз, эътиқодимиз ва унинг иқтисодий тарбиянинг асоси ва негизи деб билишимизнинг боиси эканлиги шубҳасиздир.

Ота-боболаримиз қадим-қадимдан “**Нон кечамиз, бугунимиз, эртამиз**”, - деб бежиз таъкидламаганлар. Ҳа, оналар сутининг оқлиги-ю, таъми, оталар юзининг нуронийлиги ва белининг бақувватлиги-ю, гўдаклар табассуми ва тарбиясининг барчаси - бу **НОН**дан. Она юрт гўзаллиги-ю, турмуш чиройи ва фаровонлиги, авлод-аждодлар тақдири-ю, келажак истиқболгача ана шу мўъжизагина муқаддас аталган **НОН**га боғлиқдир.

Жуда қадим-қадим замонлардан буён (ҳатто, исломдан минг-минг йиллар олдин ҳам айтиш мумкин!) давом этиб келган, авлоду-аждодлар учун ҳам ибратли бўлган табиатнинг бебаҳо эҳсони, **инсон ихтиролари орасида энг буюғи ва азизи бўлган НОН билан боғлиқ** халқимиз удумлари, урф-одатлари, қадриятлари ва тарбиясидан баъзи бир лавҳалар:

...“Нуридийдам-боламга инс-жинс зиён-заҳмат етказмасин”, - деб Оналар ўз гўдаklarининг ёстиғи остига **НОН** кўйганлар.

...Оталар ўғлини узоқ сафарга кузатаётиб, оқ йўл тилаб, фотиҳа берганларида, “бало-қазолардан сақлайди”, - деб,

фарзандларига бир сиқим она-ер тупроғи билан **НОН** берганлар*.

...Нон фақатгина емиш бўлиб қолмай, балки шира ҳам, дардинга даво ҳам. Шу сабабдан бу бебаҳо бойлик - **НОН** ҳамма вақт ҳам, барча замонларда ҳам эъзозланган.

Куйидаги ривоятнинг маъносига эътибор беринг-а: "...Хиротнинг султони ҳукмдор ва шоир Хусайн Бойқаро: "Дунёдаги энг яхши ҳидни келтиринг", - деб қолибди. Даста-даста гуллар келтиришибди. Султон "Йўқ!", - дебди. Қалампирмунчоқни рўбарў қилишибди, Хусайн Бойқаро рад қилибди. Ер юзасидаги ҳамма хушбўй ҳидли нарсани муҳайё этишибди, султон бўлса: "Мен айтган бу эмас", - деб туриб олибди. Кейин: "Уч кун муҳлат ичида мен айтган нарсани топиб, мени тузатсаларинг-тузатганларинг, бўлмаса ҳаммангни жазолайман", - дебди. Шунда вазир нима қилишини билмай, ўйлайвериб бошлари қотибди. Хусайн Бойқаро истаган ҳидни топишга ақллари етмай, охири Навоийнинг олдига боришиб: "Султо-нимиз айтган ҳидни топиб, бизни ҳалокатдан сақлаб қолинг", - дейишибди. Дўстининг кўнгли қандай ҳидни истаганини била олмай Навоийнинг ҳам боши қотибди. Деҳқон бободан сўраган экан, у: "Янги ёпилган нондан олиб борингларчи, отам раҳматлик дунёда энг лаззатли ва ёқимли ҳид - қайроқи буғдой унидан ёпилган тандир ноннинг ҳиди бўлиб, ҳеч қайси ис-ҳид унга ета олмайди, дегич эди", - деб маслаҳат берган экан.

Навоий хурсанд бўлиб, деҳқон дўстининг айтганини қилиб, бир сават нон ёптирибди-да, саройга етиб борибди. Бирпаснинг ичида саройга ажиб, ёқимли ҳид тарқаб, барча турганларнинг дил қулфини яшнатиб, очиб юборибди. "Раҳмат, дўстим", - дебди Хусайн Бойқаро нонларни кўриб, - кўнглим янги ёпилган нон исини истаган эди, топиб келибсиз. Ҳа, янги ёпилган ноннинг исидан кўра ёқимлироқ ис йўқ, шуни ҳидладим-у, хасталигим ҳам жиндай йироқлашди".

- Султоним, раҳматни менга эмас, манаву деҳқон бобога айтинг, кўнглингиз хоҳишини, хасталигингиз давосини шу киши топди, - жавоб берибди Навоий. Хусайн Бойқаро деҳқонга бошдан-оёқ сарпо берибди**.

* Малик Мурод. Ўзбек қадриятлари. Тошкент, "Чўлпон" нашриёти. 1-китоб, 1995. 95-бет.

** Малик Мурод. Ўзбек қадриятлари. Тошкент, "Чўлпон" нашриёти. 1-китоб, 1995. 108-бет.

...Нонга иззату-ҳурмат, эътиқод улуг бўлган. Инсон ва жамият учун бағоят зарур ва ҳаётий масала - **НОН** масаласида қатъий ва лўнда хулосалар ифодаланган бундай мақолларнинг ва топишмоқларнинг бошқа халқ ижоди намуналари каби катта-кичиклар тарбиясида аҳамияти катта, албатта.

Зеро, ота-она ва болалар ўртасидаги оқибат, бурч, инсонлар орасидаги ҳурмат ва иззат, садоқат ва муҳаббат, кишининг жамият ва инсоннинг олдидаги мавқеи-ю, кадр-қиммати, республика мустақиллигига муносабат, озодликка, тинчликка, идеалга ихлос, инсонийлик қиёфаси ана шу ҳаёт мўъжизаси **НОН**га қай даражада муносабати билан ҳам белгиланади.

Шу боисдан 85 ёшли уста Усмон отадан ёзиб олинган “Қарз” афсонаси жуда ўринлидир.

“...Ўтган замонда бир киши ўтин териб кун кечирар экан. Ҳар куни даладан терган ўтинини сотиб, унинг пулига тўққиз дона нон олар экан. Бир куни нонвойнинг шогирдлари “Шу киши ҳамиша тўққиз дона нон оладилар, битта кам ёки иккита ортиқ ҳам эмас, сабабини билиб берсангиз”, - дейишибди. Нонвой рози бўлиб, Ҳасандан нима учун ҳар куни тўққизта нон олишининг сабабини сўрабди. Ҳасан жавоб бермабди. У эртасига келганда, нонвой: “Ҳамма нонларимни талаб кетишди, сенга зўрға бешта нон олиб қолдим”, - дебди. Ҳасан: “Булар менга етмайди”, - деб нонни олмабди. Ҳасан индинига келганда нонвой унга ўн битта нон берибди. Ҳасан: “Иккитаси ортиқ, исроф бўлади”, - деб нондан иккитасини қайтарибди. Ҳасан янаги гал келганда эса нонвой: “Нонларни сотиб тугатдим, сенга олиб қолмадим”, - дебди. Кейин: “Агар ҳар сафар нима учун тўққизта нон олишининг сабабини айтиб берсанг, шогирдларимдан биттадан олиб, ўзимга олиб кўйганимдан учтасини кўшиб, сенга роппа-роса тўққизта нон бераман”, - дебди. Ҳасан шунда нонвойга юзланиб: “Олган нонларимнинг иккитасини қарзимга бераман, бештасини эса қарзга бераман. қолганини эса ўзимиз, яъни эр-хотин еймиз”, - дебди. Нонвой билан шогирдлари бу гапнинг мағизини чақолмай, роса бош қотиришибди. Ҳасан: “Иккита нонни қарзимга беришимнинг боиси шуки, ота-онам менга болалигимдан нон-туз бериб катта қилган. Улардан қарздорман. Ҳари куни уларга биттадан нон бериб, ана шу қарзимни узаман. Ўзимнинг эса бешта фарзандим бор. Уларга биттадан нон улашаман. Вақти келиб, кексайганимда улар ҳам ишлаб, ана шу қарзларини узадилар. қолган гаплар энди ўзларингизга аён”, -

дебди. Ҳасаннинг доно сўзига қойил қолган нонвой ҳар куни сара тўққиз нонни унга берадиган бўлибди...”

Санкт-Петербургликлар ўз бошидан кечирган оғир кунларни унутмасликларидан дарак берувчи нон ҳақидаги бўлган воқеани тингланг-а:

...Дунёга машҳур Пискарёв қабристонини зиёрат қилиб юрган Малик Мурод шундай хотирлайди.

- “...Қабрлардан бирининг устига қўйилган бир бўлак нонга кўзим тушиб, ҳайратдан ёқамни ушладим”. (“Умерли все, осталось только Таня” - это последняя запись).

Бу қор устидаги бир бурда нонни оламан, деб очиқ жойга чиққанда фашистлар снайперининг ўқиға дуч келган олти ёшли Таня Савичева, ленинградлик қизчанинги қабри эканлигини айтишганда эса кўзларим жижжа ёшга тўлиб, ичимда бир нарса узилгандек бўлган эди.

Қизчанинги тирик қолган онаси ҳар дам олиш куни қизалоқини зиёрат қилгани келар, унинг қабри узра бир бўлак нон қолдириб кетар экан. Оқ қоғозга ўралган нонни олиб кўзимга суртар ва Таня Савичеванинги қабрига меҳр билан тикилар эканман, “Ҳой амаки, қорним очган эди, қор устидаги нон парчасини кўриб қолиб, олмоқчи бўлганимда отиб ташлашди. Мен тўймаган нонга сизлар тўйинглар. Нон иси қандай ёқимли, худди ойимларнинг сийналаридан келадиған ҳид каби-я...”, деяётгандек тўйилди.

15.2. Иқтисодий тарбияда ноннинг ўрни

Нон борасида ҳам “Ҳеч қачон, ҳеч нарса унутилмайди!” деган шиор улар ҳаётининг мазмунига айланган. Мен Санкт-Петербург воқеасини эслар эканман, Улуқ Ватан уруши етган ва етмаган жойларда вақти келганда бир парча нонга ета олмай, ҳаётдан кўз юмган минг-минглаб кишилар, шу жумладан, азиз юртдошларим кўз олдимга келадида, “Ҳой одамлар, сиз билан бизни доимо нон ҳидидан баҳраманд бўлсин, уни тўйиб-тўйиб истеъмол қилсин, бир парча нонга хору-зор бўлмасин”, деб ҳаётдан кўз юмганлар хотираси олдида

* Малик Мурод. Ўзбек қадриятлари. Тошкент, “Чўлпон” нашриёти. 1-китоб, 1995. 101-102-бетлар.

ҳам нонни қадрланг, унинг исрофгарчилигига асло йўл қўйманг”, деб қайта-қайта айтгим келади**...

Юқорида таъкидлаганимиздек, нон ҳақида қанчадан анча сўз юритмайлик, бу ҳаммаси оз, етарлимасдай туюлар эди.

Каминани нон ҳақидаги ҳикояси, яъни бўлган воқеасини тинглашга ундаймиз.

...1940 йил баҳор фасли. Собиқ Совет Иттифоқи ҳукуматининг қарорига биноан, Ўзбекистон Республикасида пахтачиликни ривожлантириш мақсадида Шимолий Фарғона канали қурилиши бошланган эди. Бу каналнинг узунлиги 276 километрни ташкил этиб, у асосан Наманган вилоятининг Учқўрғон туманидан бошланиб, Уйчи, Чортоқ, Наманган, Тўрақўрғон, Чуст ва Поп туманлари ҳудудини кесиб ўтиб, қўшни Тожикистон Республикаси ҳудудига ўтиб кетар эди.

Барчага маълумки, ушбу буюк сув иншооти ўзбек халқининг келажакка бўлган катта ишончи, гурури, гайрат ва шижоати кучайган даврга тўғри келган. Канал қўл меҳнати билан, умумий ҳашар йўли билан 41 кунда қазиб битказилган ва ундан зилол Норин дарё суви оқизилган. Мана ҳозирга қадар канал суви оқиб, қанчадан-қанча боғу-роғлар, энг муҳими пахтазору-экинзорларга айлантирилган.

Ушбу Шимолий Фарғона Канали (ШФК) қурилишининг тахминан тўртинчи кунлари, айни иш қизгин паллада эди. Раҳим ота ҳам ушбу канални қазишда фаол иштирок этганлардан бири бўлган. Раҳим ота ўрта бўйли, нозикроқ, аммо истараси иссиқ, чаққон ва ҳалол, меҳнаткаш инсон - номозхон эди. Ўша давр тилида унинг ҳамюртлари Раҳим отани “диндор” одам, тиниб-тинчимас серғайратли деб билар эдилар. Канал қазилишида ишлаётганларга эрта билан яхши нонушта, сўнг тушликда шўрва-палов билан сийларди, кечта томон яна уларга яхшилаб куюқ-суюқ таомлар берилар эди. Раҳим ота канал қазувчиларни кузатар экан, у ердаги нонушта, тушлик ва кечки овқатлардаги исрофгарчиликка кўзи тушди ва “Эҳ Оллоҳим! Ўзинг кечир”, деб қолган-қутган нонларни ўпиб, пешонасига суртиб, дастурхонлардан йиғиштирар эди, шунда баъзи бировлар бўлса, “Ҳой Раҳим ака! Сизга нима? - дамнингизни олинг, яна иш бошлаймиз десалар, у киши манглайида кулиб, - Ҳечқиси йўқ, мен бу нонларни исроф

** Маляк Мурод. Ўзбек қадриятлари. Тошкент, “Чўлпон” нашриёти. 1-китоб, 1995. 126-127-бетлар.

қилинишидан кўрқаман. Ҳадиси Шарифда “Нимани хор қилсанг, шунга зор бўласан”, деган ривоят бор. Ана шу эсимга тушса, ўзимни гуноҳкор сезиб, нонларни кунига уч маҳал: нонушта тутагандан сўнг бир марта дастурхонлардаги бурда, майда-чуйда қолдиқлари, тўрам, яримта, гоҳида бутун, оппоқ, чиройли нонларни эринмай териб, жойномози, белбоғ ва қопларга ёйиб қуритар эдилар. Иккинчи марта тушлик туташи билан у киши яна нон увоқларидан тортиб, жамики нон қолдиқларини йиғиб яна уларни қуритишга ёйиб қуритарди ва ниҳоят кечки овқатдан сўнг, яна дастурхон қоқишдан аввал нонларнинг синиқларини йиғиш-тиришга киришар эди. Кечкисини эса лунгчаларига тугиб, эрта билан нонуштадан сўнг йиғиштирилганларига кўшиб, уларни қуритар эдилар ва ўз-ўзича, “ҳой, ҳай, рисқи-рўзимиз, илоҳим нонга зор этишдан ўзинг сақла, ё парвардигорим” деяр эдилар. Хуллас, Раҳим ота кўплар қатори канал қазишда фаол меҳнат қилиш билан бирга, ҳар кун беш вақт номозни ҳам қанда қилмай ўқир эдилар. Тушликдан сўнг кимлар дам олишар, кимлар носвой чекишар ёки бироз уйқуга кетар эди. Ана шу кезларда бу “диндор” инсон нон операциясига киришар эдилар. Шундай қилиб, кунлар кетидан кунлар ўтиб борар эди. Канал қазиш ишлари якунланиб, пардозлаш ишлари бошланди. Тиниб-тинчимас Раҳим ота 36 кун деганда, ҳар кун 2 қопдан қуритилган нонларни қоплаб, эшакка ортиб, уйига жўнар эди. Канал ҳам битди, Раҳим бобонинг ҳам нон операцияси нияҳоясига етди. қарангки, 36 кунда 72 қоп оппоқ нон қаттиқларини уйига йиғқанларида, болалари “Отажон, сизга нима зарур, дам олиш ўрнига нон йиғиштириш ва ташиш билан оворасиз. Нима оч қолаяпмиз-ми?! Ахир кўрган кимсалар айтмайдими - бу Раҳим ота ё очкўз, ё нима бало”, деб айтган фарзандларига: “Эҳ! Болаларим, ҳали сизлар ёшсизлар, тушуниларинг қийин, замон ҳар доим шундай, бирдай бўлавермайди. Илоҳим юртимиз тинч ва фаровон бўлсин. Бу меҳнатларимнинг ҳали насиб, этса, ўларинг мевасини кўрасизлар, онанг қайнатма шўрва пиширса, бир сиқим бу қаттиқ нондан, чангини совуқ сувда ювиб шўрвага ташласанг, оҳ, у қандай ажойиб лаззатли таом бўлади, болажонларим”, деб жавоб берган эдилар...

1941 йил 22 июнда немис-фашист газандалари фавқулодда Совет Иттифоқига уруш эълон қилмасдан, 1939 йилда бўлса, урушмаслик ҳақида тузилган шартномани юзсизларча бузиб, эрта тонгдан сараланган 170 дивизияси билан мамлакатнинг

ғарбий ҳудудларига тасодифан ёвузларча бостириб, тинч, осойишта меҳнат қилаётган Совет халқларини талвасага солиб, даҳшатли қирғинпазлик, адолатсиз урушни бошлаб юборди ва яшин тезлигида Шимолдан Жанубгача бўлган Иттифоқ ҳудудлари: Болтиқ бўйи республикалари, Белорусия, Украинадан, то Кавказ-у, қримгача забт этди, ҳатто Москвага 27 км масофа қолди...

1942 йилнинг баҳор ойларида бошлаб, Совет халқи устига қора-қузқунлар, қора булутлар даҳшат солади ва очарчилик, совуқ ҳамда қийинчилик кунлари бошланди. “Ҳамма нарса фронт учун”, “ғалаба учун” шиорида мамлакат энтикиб нафас ола бошлади...

Энди, ҳикоямизнинг асл мақсадига ўтайлик. Улуғ Ватан урушини ёритиш эмас, бу кўпчиликка маълум мудҳиш ҳодиса эди.

Раҳим ота уйларида ҳам кўплар қатори уруш шамоли эсарли. Шунда биз юқорида таъкидлаган 72 қоп қуритилган нонлар у кишининг баланд қурилган сомонхоналарининг шифтига зараркунандалардан асраш учун осиб кўйилганди. Ана энди кўп вақт ўтмай ана шу нонлар ўз кучини кўрсата бошлайди. Раҳим отанинг ўғилларидан каттаси Набижон*: “Бизлар ёш бола эдик, унча моҳиятига етмаган бўлсак керак. Отамиз ҳикоя қилиб юрардилар: “Нонни сувга ивитиб еймиз, чойга бир сиким куруқ нонни эзиб еймиз, пахта ёғи ёки қандайдир ош мойи топилганда “Нон” палов пишириб ейилади - оиламиз билан, кўни-кўшниллар, қариндошлар билан мазза қилиб тамадди қиламиз”, - дер эди Раҳим ота.

Чой ҳақида бир лавҳани эшитинг-а! “куруқ чой йўқ, буни иложини ҳам Раҳим ота тез топади. Оддий бир усул 3-4 дона қуритилган ўрикни ўчоқдаги ўтда бироз куйдирилади (қизаргунча), сўнгра уни кулдан тозалаб, совуқ оддий ичимлик сувида ювиб, қумғонга солиб қайнатилса, ажойиб, чиройли ва худди памил чойдай таътимли, ҳақиқдай чой бўлади. Ана буни кўпинча қишлоқ аҳолисини аксарияти (асосан уруш йилларида) чой қилиб, дамлаб ичганлар. Худди шу усулда майизни куйдириб, ундан ҳам чой дамлаш мумкин бўлган эди

* Набижон Наманган вилояти, Задарё туманида колхоз раиси бўлган ва халқ хўжалик институтини, ҳозирда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетини тугатган.

ва бошқа усулларни ҳам ижодкор халқимиз кундалик ҳаётларида истеъмол қилар эдилар...”.

Ана шу юқорида айтилган қоп-қоп қуритилган нонлар Раҳим ота оилалари, яқинлари, ҳатто маҳаллада оч қолган оилаларга, бева-бечораларга ҳам гоҳида ҳадя тарзида улашилган. Ана шу қуритилган нонлар Улуғ Ватан урушининг ғалаба кунигача асқотади. Тасаввур этинг-а, уруш йиллари бу нон учун ҳам кишиларни ўлдириб кетганини қариялар гувоҳи бўлган...

Шундай қилиб, ҳурматли ўқувчилар! Бир тасаввур этинглар-а?! Нонсиз ҳаётни, яшашни тасаввур этиб бўладими? Асло, йўқ! Жаҳонда қанча мамлакатлар, элатлар бўлмасин, ҳаммасига, барчасига нон керак. Нон ўрнини ҳеч қайси бир емак-емиш боса олмайди, бу ҳақиқат - қонундир.

Иқтисодий тарбия назариясида нон асосий ва бош ролни ўйнайди. Шунинг учун **НОН** - яшаш омили ва ҳаёт қонуни бўлади.

Қисқа хулосалар

1-хулоса. Нон қадри ва унинг азизлиги. Халқимизнинг тарбия анъаналарига биноан ноннинг аҳамияти инсонлар ҳаётидаги ўрни бир сўз билан айтганда **НОН** қадри билан боғлиқ. Нон азиз, ҳаёт беағи, турмуш мазмуни, яшаш манбаи, ҳаёт қонуни, ахлоқий, жисмоний, меҳнат ва иқтисодий тарбияларнинг бошланишидир. Ота-боболаримиз қадим-қадимдан “Нон кечамиз, бугунимиз, эртамыз”, - деб бежиз таъкидламаганлар. Нон фақатгина емиш бўлиб қолмай, балки шира ҳам, дардингга даво ҳам. Бебаҳо бойлик бўлган - **НОН** ҳамма вақт ҳам, барча замонларда ҳам эъзозланган. Нонга иззату-ҳурмат, эътиқод улуг бўлган.

Санкт-Петербургдаги жаҳонга машҳур Пискарев қабристонини қабрлардан бирининг устига қўйилган бир бўлак нонга қўл узатган Таянинг фашистлар томонидан ўлдирилиши. (“Умерли все, осталось только Таня” - это последняя запись).

2-хулоса. Иқтисодий тарбияда ноннинг ўрни. Шимолий Фарғона Канали (ШФК) қурилишининг 1940 йилдаги тўртинчи кунлари, айни иш қизгин паллада. Раҳим ота ҳам ушбу канални қазишда иштирок этган. Раҳим ота 36 кун деганда, ҳар куни 2 қопдан қуритилган нонларни қоплаб, эшакка ортиб, уйига жўнар эди. Канал ҳам 40 кунда битди. 36 кунда 72 қоп оппоқ нон

қаттиқларини уйига йиққанларида, болалари “Отажон, сизга нима зарур, дам олиш ўрнига нон йиғиштириш ва ташиш билан оворасиз. Нима оч қоляпмиз-ми?! Ахир кўрган кимсалар айтмайдими - бу Раҳим ота ё очкўз, ё нима бало”, деб айтган фарзандларига: “Эҳ! Болаларим, ҳали сизлар ёшсизлар, тушунишларинг қийин, замон ҳар доим шундай, бирдай бўлавермайди. Илоҳим юртимиз тинч ва фаровон бўлсин. Бу меҳнатларимнинг ҳали насиб этса, ўзларинг мевасини кўрасизлар, онанг қайнатма шўрва пиширса, бир сиқим бу қаттиқ нондан, чангини совуқ сувда ювиб шўрвага ташласанг, оҳ, у қандай ажойиб лаззатли таом бўлади, болажонларим”, деб жавоб берган.

Фавқулодда Улуғ Ватан уруши бошланди (1941-1945 й.й.). Раҳим ота уйларида ҳам кўплар қатори уруш шамоли эсарди. Шунда биз юқорида таъкидлаган 72 қоп қуритилган нонлар ўз кучини кўрсата бошлади.

Раҳим отанинг катта ўғили Набижон: “Бизлар ёш бола эдик, нимани билардик. Отамиз ҳикоя қилиб юрдилар: “Нонни сувга ивитиб еймиз ва бошқалар».

Иқтисодий тарбия назариясида нон асосий ва бош ролни ўйнайди. Шунинг учун **НОН** - яшаш омили ва ҳаёт қонунидир.

Таянч иборалар

Иқтисодий тарбияда нон, нон қадри, анъаналар, удумлар, нон муқаддас, эътиқод, инсон ихтиролари орасида энг буюги нон, удумлар, урф-одаглар, қадриятлар, нон яшаш омили, нон ҳаёт қонуни.

Такрорлаш учун саволлар

1. Иқтисодий тарбияда нон ва унинг ўрни нимада?
2. Нон нима учун инсон ҳаётининг мазмуни ҳисобланади?
3. Нон ҳақида Сиз қандай ривоятларни айта оласиз?
4. Нима учун Нон иқтисодий тарбия назариясида яшаш омили ва ҳаёт қонуни бўлиб ҳисобланади?
5. Нима учун Нондан азиз мўъжиза йўқ?

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик. - Т.: Ўзбекистон, 1993.

2. Ахлоқ - одобга оид ҳадис намуналари. - Т.: Фан, 1986.
3. Мусурмонова О. Маънавият қадриятлари ва ёшлар тарбияси. - Т.: Ўқитувчи, 1995.
4. Сиддиқова Ш. Эстетика. - Т.: 2002.
5. Хошимов К., Нишонова С., Инамова С., Ҳасанов Р. Педагогика тарихи. - Т.: Ўқитувчи, 1996.
6. Экономическая теория / под ред. акад. Видяпина В.Д, акад. Журавлевой Г.И., акад. Гулямова С.С. акад. Шарифходжаева М.Ш., акад. Абдурахманова К.Х. - Т.: 1999.
7. Психология и педагогика: Учеб. пособ. / Составитель и отв. редактор А.А.Радугин. - М.: Центр, 2003.
8. Психология и педагогика: Учебник. - М.: Изд. Элит, 2004.
9. Слостенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. - 4-е изд. - М.: Школа Пресса, 2004.
10. Слостенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. для студ. пед. учеб. завед. / В.А.Слостенин, И.Ф. Исаев, А.И.Мищенко, Е.Н.Шионов. - М.: Школьная Пресса, 2004.

16.8. МУЛКИЙ ТАРБИЯ - ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯНИНГ АСОСИ ЭКАНЛИГИ

16.1. Мулкий тарбиянинг моҳияти ва аҳамияти

16.2. Мулкий тарбия - иқтисодий тарбиянинг асоси эканлиги

16.1. Мулкий тарбиянинг моҳияти ва аҳамияти

Иқтисодий тарбия назариясида мулкий тарбия - инсоннинг иқтисод билимларининг сир-синоатларини ўрганишда ва уни такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, кишилик жамияти тарихида мулк шакллари ниҳоятда турли-туман бўлиб, улардан энг кўпроқ аҳамиятлиси бу давлат ҳамда хусусий мулкчилик ҳисобланади.

Мулк нима? Ҳар қандай жамиятнинг иқтисодий тизими мулкчиликдан бошланади. Ҳамиша инсонлар меҳнати яратган ва табиат инъом этган бойликлар мулк бўлиб келган. Мулк эгаси бўлиш ёки бўлмаслигига қараб, кишиларнинг жамиятдаги мавқеи, аниқроғи уларнинг социал мақоми юзага келади. Мулкий муносабатларга асосланмаган иқтисодиёт бўлиши асло мумкин эмас. Ишлаб чиқариш ресурслари бирорта мулк бўлиб ҳаракатга келади. Яратилган маҳсулотлар ҳам муайян мулк доирасида ўзлаштирилади.

Мулкчиликни ўзлаштириш борасидаги муносабат бўлар экан, у эгалик этиш ҳуқуқи, ундан фойдаланиш ва уни сақлашнинг яхлитлигини ифода этади. Мана шу уч жиҳат мулкчиликнинг ажралмас бутунлигини англатади.

Мулкий муносабатлар турли тип, шакл ва турдаги мулкни ўз ичига олади. Биз бу ерда фақат мулкнинг икки шакли ҳақида фикр юритамиз холос.

Ҳозирги даврда хусусий мулкчилик бозор иқтисодиёти муносабатларининг асоси бўлиб, улар айрим шахслар ёки индивидуал хусусий мулк тушунчасини ифодалайди. Жаҳон тажрибаси ҳам шуни таъкидлайдики, бозор иқтисодиётининг ривожланиши, маданийлашган - тараққий этган бозор иқтисодиёти мулкчиликнинг турли-туманлигига асосланади.

Давлат мулкчилиги нима? Жаҳонда бирор мамлакат топилмайдиги, у ерда хўжалик фаолияти билан фаол шуғулланмаган давлатнинг ўзи йўқ, албатта. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар ялпи миллий маҳсулотнинг учдан бир қисми (АҚШ ва Японияда), 50 фоиздан юқориси

(Швецияда) солиқлар ёрдамида марказлаштирилади ва давлат томонидан тақсимланади. Давлат мулкчилиги шаклининг асосида иқтисод-ни шундай шакли мавжудки, қайсики тўғридан-тўғри марказ-лашган бошқариш объекти равишда талаб катта, давлат инвести-цияларини амалга ошириш, бундай йўналиш самарадорлигини етарли даражада кўпайтириб, жамият манфаатлари учун хизмат қилади.

“Хусусий мулкчилик” тарихан давлат мулкчилигининг бошқа мулкларидан ажралиши заруриятдан пайдо бўлган. Шунинг учун ҳам барча нодавлат мулклари хусусийдир.

Ҳозирги даврда “давлат” мулки бўлмаган жуда катта турли шакллардаги мулклар фақат айрим фуқаро мулки бўлиб қолмай, балки кооперативлар, ассоциациялар, халқ корхона-лари, шунга мос ҳолда ғарбнинг иқтисодий назарияси ва амалиётида хусусий мулк - бу давлат мулки бўлмаган ҳар қандай мулк тушунилади.

Мулкчиликни реализация қилишнинг иқтисодий шакли жуда катта амалий аҳамиятга эга. Улар:

а) фойда кўринишидаги даромадлар, рента, иш ҳақи ва фойзалар;

б) иқтисодий манфаатлар тизими;

в) халқ хўжалигининг пировард натижалари (жамият абзо-ларининг эҳтиёжларини қондириш, аҳоли турмуш фаровонли-гининг ўсиши).

Шундай қилиб, мулккий тарбия иқтисодчиларни етук билимдон бўлиши, иқтисоднинг тарбия назарияси ва амалиёти-ни пухта, мукамал ўрганишлари, мулк турларидан қатъий назар, мулкка бўлган муносабатларни муносиб суръатда тако-миллаштириб боришларини давр тақозо этади. Мулккий тарбиянинг аҳамияти ва унинг моҳияти инсонни, айниқса бўлажак иқтисодчиларни мулкка, мулкчиликка бўлган самимий муносабатларида яққол намоён бўлади. “Иқтисодий тарбия назарияси” курсида мулккий тарбия унинг моҳияти жиҳатдан “юраги” бўлиб ҳисобланади.

16.2. Мулккий тарбия - иқтисодий тарбиянинг асоси эканлиги

Жаҳон тажрибасидан маълумки, инсонларда мулккий тарбияни шакллантириш умуман ҳар бир шахс - фуқаро учун муҳим рол ўйнайди. Ҳар бир оила учун иқтисодий тарбияда мулккий тарбия асоси бўлиб қолмаслиги керак. Ёш авлодга

ёшлигидан бошлаб, ҳатто кичик жажжи болаларимизга мулкий тарбиянинг алифболаридан бошлаб, то уй-рўзғордаги буюмларга ҳам яхши муносабатда бўлишлари учун авваламбор, ота-оналар, оиладаги катталар эътиборли бўлишлари - тарбия асоси бўлиб хизмат қилишига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.

“Қуръони Карим” жаҳон маданиятининг улкан ва бебаҳо бойлиги, барча мусулмонларнинг муқаддас китоби, кишиларни тенгликка, биродарликка, тинч-тотув яшашга, эзгуликка чорлайди. Шунга кўра, у катта ахлоқий қийматга эга. Ахлоқий қиймати - бу инсоннинг маънавий камолотга етишида қай даражада муҳим ўринга эга эканлиги шубҳасиздир. Шунингдек, **“Қуръони Карим”** да ширинсўзлик инсоннинг муомала маданиятига эга эканлигини кўрсатади, обрўсини орттиради, ҳурматга сазовор қилади. Шунга кўра, ҳар бир инсон ширин сўз бўлиши, агар мулоқатдагилар ўзаро ширин сўзли бўлмаса, душманлик содир бўлиши таъкидланади. Жумладан, **“Бақара”** сураси, 53-оятда **“Кишиларга чиройли сўзлар сўзлангиз”**, сўзлаганда очик юзли бўлиш, кўполлик қилмаслик, хушмуомалали бўлиш одоблари ҳаётга тинчлик ва бахт-саодатга эришишда ёруқ йўл сифатида талқин этилади.

Хуллас, бу **“Қуръони Карим”** дан келтирилган мулоҳазалар инсонни тарбиялашда, айниқса, шахсни ҳар томонлама тарбияланишида, етук ва зукко бўлиб шакллантиришга чорлайди. Шу ўринда иқтисодий тарбияга оид бўлган бир ривоятни келтириш мақсадга мувофиқ бўлур эди, деб ҳикояни Сизларга ҳавола этамиз.

Ривоят баёнига биноан, XVIII асрда Андижонда кучли зилзила содир бўлади. Бу табиий офатдан Андижон шаҳри ва унинг атрофлари анча зарар кўради. Андижон ҳокими Фарғона вилояти шаҳарлари ҳокимларига, жумладан, Тошкент шаҳри ҳокимига чопар-элчиларини юборади.

Тошкентга ташриф буюрган Андижонлик элчилар, шаҳар ҳокими маслаҳати бўйича, эски шаҳарда тўхтаб, Кўкалдош мадрасасида кимларга учрашлари ва уларга кимлар хайрихоҳ билдириши мумкин эканлигини айтишади. Масжидга келган элчиларга Тошкентда машҳур бўлган учта бойларга учрашишларини тавсия қилади. Андижонлик элчилар дастлаб Кўкча даҳасидаги Қосимбой отага учрашадилар. Бой уларни яхши кутиб олади ва бўлган воқеадан хабардорлиги учун, зилзиладан зарар кўрган андижонликларга 400 сўм пул ҳадя этади. (Ўша давр пулининг қийматига кўра 200 та қўй сотиб олиш мумкин

бўлган). Сўнгра улар - андижонликлар Самарқанд дарвозаси даҳасидаги Олимбой отага учрайдилар. Ушбу бой андижонликларга 600 сўм хайрия совға қилиб, уларга айтади: “Энди сизлар Беш-Ёғочдаги Салим бойваччага боринглар, у “жанас”, яъни қизғанчиқ бой деб таърифланади”.

Андижонлик меҳмонлар кечки оқшом пайти Беш-Ёғочга келиб, бойнинг дарвозасини таққилатишади. Бойнинг ҳовлиси ўша даврда худди ҳозирги Беш-Ёғоч бозори ўрнида бўлган. Элчилар дарвоза “ёруғидан” қараб турсалар, бойнинг ўзи бир дона гугурт чўпи билан 8 дона чироқларни ёқиб бераётганининг гувоҳи бўладилар. Шунда Андижонлик элчидан бири, бой чиқ-қунга қадар юқорида Самарқанд дарвозасидаги бойнинг гапини эсга олиб, ҳақиқатан ҳам Беш-Ёғоч бойи қизғанчиқ эканини исботлаб турган пайтда, бой дарвозасини очиб, меҳмонлар билан очиқ чехрада саломлашади ва уларга “Келинлар меҳмонлар”, деб уйига-меҳмонхонасига таклиф қилади.

Меҳмондорчиликдан сўнг бой уларга “Хўш, хизмат ўғилларим”, - деб самимий мурожаат қилади. Шунда андижонликлар: “Бой ота, Сизга маълумки, бизга Оллоҳнинг инояти бўлсинким, зилзиладан кўрган талофатимизга баҳоли қудрат мурувват этсангиз”, - деб жавоб қиладилар. Бой гапни эшитиб бўлиб, энг кенжа ўғли Зокирга: “Боринг ўғлим, ҳалиги қутидаги боғлам пулни олиб келинг”, - деб буюради. Ўғли пулни олиб келиб бойга беради, бой уни меҳмонларнинг каттасига туҳфа қилиб: “Иншооллоҳ, яхшиликларингга буюрсин”, - деб фатво ўқийди. Сўнгра, бой уларга: “Марҳамат, энди дам олинглар, эртага нонуштада учрашамиз”, деб, меҳмонларни тарк этди. Кечаси улар пулни санаб кўришса, 800 сўм экан. Меҳмонлар ниҳоятда хурсанд эдилар. Шунда андижонлик меҳмонлардан бири таажжублар бўлсинки, бойни “қизғанчиқ” деганлари нима бўлди-ю, бу нечун, деб мулоҳаза юритдилар. Хуллас, эртаси нонушта тугаб, улар бой билан хайрлашишга отландилар. Шунда дарвоза ёнида бойга қараб меҳмонлардан бири бойга мурожаат этади: “Бой ота, агар малол келмаса, Сиздан бир нарса сўрамоқчи эдик”, - дейди. Бой шунда “Марҳамат ўғилларим”, деб таъзим бажо жавоб қилади. Меҳмонлардан бири “Бой ота кечкурун бизлар дарвозангизни таққиллатганимизда Сиз келинларингиз ва болаларингизга бир чўп гугурт донаси билан 8 та чироқни ёқиб бердингиз”, десалар, бой: “Йўқ. Мен тўққизга чироқни ёқиб

бердим”, - деб жавоб беради ва уларга: “Мен Сизларнинг саволларингизга тушундим. Нима учун бой бўла туриб гугуртни тежадингиз?, демокчисизларда”, деди ва бой гапида давом этиб, “Ўғилларим, Сизларга шунини айтмоқчиманки, эсларингизда бўлсинким, “Ҳадиси Шариф” да шундай ривоят бор, у ҳам бўлса, “Нимани хор қилсанг, ўшанга зор бўласан”, - деб таъкидлаган. Ана шу “Ҳадиси Шариф” га мен ва менинг оилам амал қилишларини Оллоҳдан ҳар доим сўрайман”, - деб, сўзини тугатиб, меҳмонлар билан самимий хайрлашади.

Муҳтарам ўқувчилар! Юқорида келтирилган бу ривоятдан хулоса шуки, мулккий тарбия бойнинг оиласида, уйда ҳукмрон, энг муҳими бойнинг ўзи оила аъзоларига намуна бўлгани эди. Юқорида биз айтганимиздек, “қизғанчиқ” бой қизғанчиқ эмас, балки унинг мулкка бўлган тежамли муносабати эди. Ота-боболаримиздан қолган бой меросга амал қилиб, тарбия кўрган бой, пири бадавлат бўлгани маълум эди.

Энди, ушбу қиссадан Сиз-азизлар! Ўзларингиз тегишли хулоса чиқарасизлар деган умиддамиз.

Қисқа хулосалар

1-хулоса. Мулккий тарбиянинг моҳияти ва аҳамияти иқтисодий тарбия назарияси фанида муҳим аҳамият касб этади. Кишилиқ жамияти тарихида мулк шакллари турли-туман бўлиб, улардан энг кўпроқ аҳамиятлиси бу давлат ва хусусий мулк ҳисобланади.

Мулк нима? Ҳар қандай жамиятнинг иқтисодий тизими мулкчиликдан бошланади. Ҳамиша инсонлар меҳнати яратган ва табиат инъом этган бойликлар мулк бўлиб келган. Мулккий муносабатларга асосланмаган иқтисодиёт бўлиши асло мумкин эмас.

Мулкчиликни ўзлаштириш борасидаги муносабат мавжуд экан, у эгаллик этиш ҳуқуқи, ундан фойдаланиш ва уни сақлашнинг яхлитлигини ифода этади. Мулккий муносабатлар турли тип, шакл ва турдаги мулкни ўз ичига олади.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, бозор иқтисодиётининг ривожланиши, маданийлашган - тараққий этган бозор иқтисодиёти мулкчиликнинг турли-туманлигига асосланади.

Давлат мулкчилиги нима? Жаҳонда бирор мамлакат йўқки, у ерда хўжалиқ фаолияти билан фаол шуғулланмаган давлатнинг ўзи йўқ, албатта. Бозор иқтисодиёти ривожланган

мамлакатлар ялпи миллий маҳсулотнинг учдан бир қисми (АҚШ ва Японияда), 50 фоиздан юқориси (Швецияда) солиқлар ёрдамида марказлаштирилади ва давлат томонидан тақсимланади.

“Хусусий мулкчилик” тарихан давлат мулкчилигининг бошқа мулкларидан ажралиши заруриятидан пайдо бўлган. Шунинг учун ҳам барча нодавлат мулклари хусусийдир.

Шундай қилиб, мулккий тарбиянинг аҳамияти ва унинг моҳияти инсонни, айниқса бўлажак иқтисодчиларни мулкка, мулкчиликка бўлган муносабатларини ифодалайди. “Иқтисодий тарбия назарияси” курсида мулккий тарбия унинг моҳияти жиҳатдан “юраги” бўлиб ҳисобланади.

2-хулоса. Мулккий тарбия - иқтисодий тарбиянинг асоси эканлиги. Жаҳон тажрибасидан маълумки, инсонларда мулккий тарбияни шакллантириш умуман ҳар бир шахс учун муҳим рол ўйнайди. Ёш авлодга ёшлигидан бошлаб, ҳатто кичик жажжи болаларимизга мулккий тарбиянинг алифболаридан бошлаб, то уй-рўзғордаги буюмларга ҳам тежамкорлик нуқтаи назаридан яхши муносабатда бўлишлари учун, ота-оналар, оиладаги катталар эътиборли бўлишлари - тарбия асоси бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодий тарбияга оид бўлган XVIII асрдаги Андижон зилзиласини эслаш кифоя. «... бойбир дона гугурт чўпи билан 8 дона чироқни ёқиб бериши». «Ҳадиси Шарифда» “Нимани хор қилсанг, ўшанга зор бўласан”, - деб таъкидлаган бой.

Таянч иборалар

Мулккий тарбиянинг аҳамияти, мазмуни, иқтисодий билимлар, мулкчилик, давлат мулки, хусусий мулкчилик, шахс, комил инсон, биологик омил, ижтимоий омил, мулк шакллари, яратилган бойликлар, ишлаб чиқариш ресурслари, мулкни ўзлаштириш, мулккий муносабатлар, бозор иқтисодиёти, давлат инвестициялари, кооперативлар, ассоциациялар, халқ корхоналари мулки, мулкни реализация қилишнинг иқтисодий шакллари: фойда кўринишидаги даромадлар, рента, иш ҳақи ва фоизлар; иқтисодий манфаатлар тизими; халқ хўжалигининг пировард натижалари (жамият аъзоларининг эҳтиёжларини қондириш, аҳоли турмуш фаровонлигининг ўсиши).

Такрорлаш учун саволлар

1. Мулкый тарбиянинг моҳияти нималардан иборат?
2. Нима учун мулкый тарбия иқтисодий тарбиянинг асоси ҳисобланади?
3. Мулкчилик нима? Унинг турлари ҳақида қисқача тушунча беринг.
4. Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифларда мулк ҳақидаги ривоятларни биласизми?
5. Иқтисодий билимдонлик - иқтисодий тарбиянинг асоси эканлиги.
6. Иқтисодий юксалиш тарихи ва унинг шахсни шаклланишига таъсири.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. - Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Инамов И. Қалб садоси. - Т.: 1999.
3. Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. - Т.: 1998.
4. Хошимов К., Нишонова С., Инамова С., Ҳасанов Р. Педагогика тарихи. - Т.: Ўқитувчи, 1996.
5. Экономическая теория / под ред. акад. Видяпина В.Д, акад. Журавлевой Г.И., акад. Гулямова С.С, акад. Шарифходжаева М.Ш., акад. Абдурахманова К.Х. - Т.: 1999.
6. Психология и педагогика: Учеб. пособ. / Составитель и отв. редактор А.А.Радугин. - М.: Центр, 2003.
7. Психология и педагогика: Учебник. - М.: Изд. Элит, 2004.
8. Слостенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. - 4-е изд. - М.: Школа Пресса, 2004.
9. Слостенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. для студ. пед. учеб. завед. / В.А.Слостенин, И.Ф. Исаев, А.И.Мищенко, Е.Н.Шионов. - М.: Школьная Пресса, 2004.

17.9. МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУТАФАККИРЛАРИ АСАРЛАРИДА ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ

17.1. Халқ педагогикасида иқтисод ва тежамкорлик тарбияси ҳақидаги ғоялар.

17.2. Марказий Осие мутафаккирларининг ижодиятида иқтисод ва тежамкорлик тарбиясининг ифодаланиши.

17.1. Халқ педагогикасида иқтисод ва тежамкорлик тарбияси ҳақидаги ғоялар

Марказий Осие буюк донишмандларининг фалсафий ва ижтимоий таълимотларидаги иқтисодий мерослари умуман кўп жиҳатли ҳамда мазмунан бойдир. Марказий Осие олимлари гўзаллик масаласига ўз даврида энг муҳим муаммоларидан бири эканлигини таъкидлаш билан унинг моҳиятини очиш учун интиланганлар.

Ўлкамизда иқтисодий тарбия назариясининг шаклланиши ва ривожланиши ҳақида сўз юритилар экан, уларнинг ижтимоий ва иқтисодий ғоялари ҳар доим ўтмишда авлоддан авлодга қолиб келаётган қимматли ўғитлари ҳаёт билан доимо чамбарчас боғлиқлиги маълум.

Ўзбек халқининг кўзга кўринган машҳур алломаларидан бири, файласуф **Аҳмад Дониш** ҳисобланади. Бу буюк олим иқтисодий тарбия назариясига ўзининг улкан ҳиссасини кўшган ва иқтисодий ғояларни ривожлантирган. Унинг қолдирган мероси Марказий Осиеда иқтисодий тарбияни юксалтириш учун муҳим аҳамият касб қилади. Ўтмишдаги Марказий Осиенинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, фалсафий ва педагогик ғоялари асосида идеал жамият тузимини нисбатан қайта қуриш муаммосини биринчи бўлиб **Аҳмад Дониш** томонидан олға сурилган.

А.Дониш дипломатик секретар сифатида уч марта Санкт-Петербургга борган. **А.Дониш**нинг қилган сафарлари унинг дунёқарашига маълум даражада ўз таъсирини ўтказди. **А.Дониш**нинг “Редчайшее происшествие” (“Ноёб воқеа”) асари 1870-1885 йиллар давомида 15 йилда яратилган. Унинг бу асари тарихий-дидактик ва ижтимоий-иқтисодий характердаги ахлоқ-одоб шакллари танқидий таҳлил асосида баён қилинган. Асар 23 бобдан иборат бўлиб, иқтисодий ғоялар нуқтаи назаридан

ўрганиш ҳуқуқий турмуш тарзи, ҳунармандчиликнинг афзаллиги, тинч-тотув яшаш тарзи, ёш авлод қоида тартиблари ва бошқаларни ўрганишга ундайди.

А.Донишда айниқса, Санкт-Петербургдаги қар болалар мактабига қилган ташрифи ниҳоят катта таассурот қолдирган. А.Дониш илтимосига кўра мактаб ўқувчиси бир қизча доскага чиқиб, ўз исмини ёзади, шунда А.Дониш ниҳоятда ҳаяжонда бўлиб, қойил қолгани маълум бўлади. Бу А.Донишда ватанпарварлик ҳам кучли ривожланганлигидан далолат беради.

Ўз замонасининг йирик тарихчиси ва педагоги **Мирзо Азим Соми** (1840-1908) яшаб, у ўзининг давлатдаги тарбия-қоидаларни муҳокама қилади. Мирзо Азим Соми асарида иқтисодий тарбия ва педагогика масалалари энг яхши баён қилинган. У Бухорою-Шарифда 1908 йили октябр ойида ўзининг цолурелигиозную - кўп қиррали диний мактабини биринчи марта очади. қайсики унда исрофгарчиликка йўл қўйилмаслик, яъни иқтисодий тарбияга доир мактаб дастури асосида болалар ўқитилади. 1909 йил сентябр ойида мактаб ўз фаолиятини тўхтатишга чиновниклар томонидан мажбур этади. Бу ерда асосий мақсад - халқимизни доимо саводхон бўлишга, иқтисодий тарбияни шакллантиришга интиланлар.

Аҳмад Дониш ва Муҳаммад Икром ибн Абдусалом (1847-1925) ўзларининг ижтимоий-иқтисодий ва педагогик қарашларини ўрганиш билан халқ оммасида болалар иқтисодий тарбиясининг юқори натижаларга эришганликларини исбот этганлар. 1896 йилда Муҳаммад Икром ибн Абдусалом Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари бўйлаб саёҳат қилади. Бу саёҳат М.Икром мулланинг дунёқарашларини тубдан ўзгартириб юборади.

А.Фитрат Муҳаммад Икром ҳақида: "...йирик олим фақат халқ традициялари, урф-одатлари, логика, грамматика ва Оллоҳга ҳамду санолар айтишни билибгина қолмай, балки шунингдек, бошқа фанлар, диний ва фалсафий фанларни ҳам яхши билган", - деб ёзади.

А.Фитратнинг "Путеводитель освобождения" китоби XX аср бошларида Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий-фалсафий, ижтимоий-иқтисодий, педагогик қоялари ёш бухорочиларида салмоқли ғоявий-фалсафий ҳужжат бўлиб қолди ва йирик хотирага айланди.

Манбалар далолат берадики, А.Фитрат асари А.Мунизм ёрдамида Петроград шахрида нашр қилинди*. Бу асардаги иқтисодий ғояни аниқлашда ижтимоий-иқтисодий тадқиқот нуқтаи назаридан қизиқиш эътиборини талаб қилади. Лавҳа: ўзининг билимига ишониш, қобилият, мадрасага бориш шарт эмас, китоб сотиб олиш учун пул сарфлаш керак эмас; ишламаслик, мударрисга ўқишга бериш зарур эмас, авлиёдан ёрдам сўрамаслик. Фитрат саволга: “Унинг сиғинишини қабул этиш мумкинми?”, қатъиян йўқ! Демак, фақат қобилият эмас, балки қаттиқ ишлаш, ўз мақсадига эришишга интилиш, қатъиятлик, билимга интилиш. Бу педагогик хулоса учун жуда муҳимдир.

А.Фитрат “Путеводитель освобождения” асарини билим тажрибаси ва назариясига бўлади, шу билан у фанлар классификациясини аниқлайди. Бу ўринда унинг иқтисодий-педагогик хулосалари таҳсинга сазовордир:

1 - фанларни ўқиш шариятта зид эмас, у ҳаётий заруратдир;

2 - фанлар жуда кўп, бизлар энг кераклисини ўрганишимиз зарур;

3 - нодонлик билан бахтга эришиб бўлмайди;

4 - ҳар бир киши ҳеч бўлмаса фаннинг биронтаси билан мулоқотда бўлсин, акс ҳолда ҳамма нарсани билиш учун инсон умри етмайди.

А.Фитрат оилада тарбия масаласига алоҳида эътибор ажратади, чунки у ҳаётий муҳим масала. А.Фитрат асарида жуда кўплаб француз алломалари ишларига таянади. Иқтисодий тарбия нуқтаи-назаридан қимматли янги тушунчалар очилади, улар: “жанаслик”, “қизғончиқлик”, “содиклик”, “бойлик”, “очкўзлик” ва бошқалар.

Муаллиф саҳийликнинг йўқлиги - касаллик деб ёзади. Очкўзлик - хулқдаги энг ярамас ҳолатдир.

А.Фитратнинг “Путеводитель освобождения” асарида садоқатлик ижтимоий муносабатларда энг муҳим ўринни эгаллаши таъкидланган. Садоқатлик, у соғломлик ҳолати билан тенг аҳамиятли, бу бахтга калит. Ана шундай ахлоқлар А.Фитратнинг асосий иқтисодий принциплари ўсиб келаётган мустақил давлатимиз авлодларини тарбиялашда мақсадга мувофиқ бўлади.

* Фитрат А. Путеводитель освобождения. 1915. с. 34.

17.2. Марказий Осиё мутафаккирларининг ижодиётида иқтисод ва тежамкорлик тарбиясининг ифодаланиши

Жаҳон илм-маърифатининг буюк намоёндаси **Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий** тахминан 783 йилда Хоразмда таваллуд топиб, у умрининг охирида Бағдодда вафот этган.

Унинг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ал-Мажусийдир. Хоразмий бошланғич маълумотни ўз уйида олган, чунки унинг отаси қадимий урф-одатларни, ерли халқ ёзувини билган, диний ва дунёвий билимлардан хабардор бўлган. Шунинг учун Хоразмий ёшлигиданоқ илмга берилган, айниқса у математикага оид барча асарларни қунг билан ўрганади. Араб, форс, ҳинд, юнон тилларини ўрганиб, бу тиллардаги асарларни ўқиган. Кўп қиррали энциклопедист олим Хоразмий билим олишда талабанинг шахсий кузатувларига ҳамда олган билимларидан фойдаланишга катта эътибор берди... У айниқса, билиш назариясига катта ҳисса қўшди. У биринчилардан бўлиб, синов-кузатиш ва синов усулларига асос солди, самовий жисмларнинг ҳаракатини акс эттирувчи жадвал асосида, математика масалаларини алгоритм усулида ечишни ишлаб чиқди. У математик ғоялар асосида одамларнинг ҳаётий зарурати ётишини, илмий кашфиётлар инсонларнинг амалий талаблари натижасида юзага келишини асослади. Жумладан, ер ишлари, бинолар қуриш, каналлар ўтказиш. Хоразмий биринчи марта инсонлар ўртасидаги муносабатларни математик шаклларда ифода этди. У илмий фаолиятининг методологик жиҳатларига катта аҳамият берди.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш ўринлики, ал-Хоразмий Оврўпа ва Шарқ фалакиёт ва математика соҳасида янги давр очди. Ҳиндларнинг ўнлик тизим рақамлари Хоразмий туфайли “Араб рақамлари” номи ила жаҳонга танилди.

Хоразмий жаҳон тарихига алгебра фанининг асосчиси бўлиб кирди. Унинг ҳаётий ва амалий муаммоларини ҳал этишга оид тавсия қилган усуллари фиқҳга оид масалаларни ечишда муҳим қўлланма бўлди.

Хоразмийнинг фалакиёт ва геодезияга оид кузатишлари, географияга оид асослари, у чизган Ер харитаси ҳам Шарқ ва ғарб олимлари учун текшириш-кузатиш ишларини олиб боришда муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Олим “Ер сатҳини ўлчаш”, “Қуёш соати тўғрисида”, “Яҳудийлар тарихи ва уларнинг байрамларини белгилаш” ва бошқа асарлари билан ҳам фанга катта ҳисса қўшди.

Юқорида қайд этилганига биноан, ал-Хоразмий илмий билим, таълим усуллари, илм-фанга қўшган буюк ҳиссаси билан инсонни ақлий камолотга етишда, таълим-тарбияда ва албатта иқтисодий тарбияда тутган ўрни каттадир.

Абу Наср Фаробий. Унинг инсон камолоти ҳақидаги таълимоти таълим-тарбия соҳасида катта аҳамиятга эга. Фаробий машҳур юнон файласуфи Арастудан кейин Шарқда донг таратган йирик мутафаккир - “иккинчи муаллим” саналади.

Фаробий 873 йилда Тошкент (Шош) га яқин Фароб (Ўтроп) деган жойда ҳарбий хизматчи оиласида таваллуд топган. Фаробда бошланғич таълимни олгач, Шошда, Бухорода, Самарқандда таҳсил олган. Фаробий Бағдодда ўрта аср фанини турли соҳаларини ўрганади. У Бағдодда математика, мантиқ, тиббиёт, илмий нуҷум, мусиқа, тиббиёт, ҳуқуқ, тилшунослик, поэтика билан шуғулланади ва кўп тилларни ўрганади. Айрим манбаларда Фаробий етмишдан ортиқ тилларни билганлиги қайд этилади.

Фаробий таълим-тарбияга оид асарларида таълим-тарбиянинг муҳимлиги, усуллари ва услуби ҳақида фикр юритади. “Фозил одамлар шаҳри”, “Бахт-саодатга эришув тўғрисида”, “Илмларнинг келиб чиқиши”, “Ақл маънолари тўғрисида” ва бошқа асарларида ижтимоий-тарбиявий, иқтисодий-тарбия масалалари баён этилган. Фаробий инсон камолотга ёлғиз ўзи эриша олмайди. У бошқалар билан мулоқотда бўлиши, уларнинг муносабатларига муҳтожлигини таъкидлайди. Бунинг учун таълим-тарбияни тўғри йўлга қўйиш билан эришилади, дейди. Чунки мақсадга муносиб амалга оширилган таълим-тарбия инсонни ақлий, ахлоқий жиҳатдан камолотга етаклайди. Умуман инсон табиат ва жамият қонун-қоидаларини тўғри билиб олади ва ҳаётда тўғри йўл тутаяди, ўзгалар билан тўғри мулоқотда бўлади, жамият тартиб-қоидаларига амал қилади.

Фаробий биринчи бўлиб, таълим-тарбияга таъриф берган олим ҳисобланади. Таълим деган сўз инсонга ўқитиш, тушунтириш асосида назарий билим бериш; тарбия эса - назарий фазилатни, маълум ҳунарни эгаллаш учун зарур бўлган хулқ нормаларини, амалий ўргатишга чорлайди.

Фаробий айтади: “Таълим деган сўз халқлар ва шаҳарликлар ўртасида назарий фазилатни бирлаштириш, тарбия эса - шу халқлар ўртасидаги туғма фазилат ва амалий касб-ҳунар фазилатларини бирлаштириш деган сўздир.

Таълим фақат сўз ва ўргатиш билангина бўлади. Тарбия эса амалий иш, тажриба билан, яъни шу халқ, шу миллатнинг амалий малакаларидан иборат бўлган иш-ҳаракат, касб-ҳунарга берилган бўлиши, ўрганишидир”*, - деган эди.

Фаробийнинг таълим-тарбия йўллари, усуллари, воситалари ҳақидаги қарашлари ҳам фойдалидир. Таълим-тарбияда иқти-содий тарбия муҳим аҳамият касб этади. Таълим-тарбия инсонда гўзал фазилатларни шакллантиради. Таълим назарий фазилатларни бирлаштиради, тарбия эса туғма фазилат - назарий билимлар ва амалий касб-ҳунар, хулқ-одоб фазилатларини бирлаштиради, таълим сўз ва ўрганиш билан, тарбия эса амалий иш, тажриба билан амалга оширилади, дейди. Ҳар иккаласи бирлашса, етуклик намоён бўлади, аммо бу етуклик билим ва амалий кўникмаларни қай даражада ўрганилганига қараб ифода топади. Фаробий таълим-тарбия икки йўл билан амалга оширилади деб таъкидлайди.

“Амалий фазилатлар ва амалий санъатлар (касб-ҳунар) ва уларни бажаришга одатланиш масаласига келганда, бу одат икки йўл билан ҳосил қилинади: биринчиси - қанотбахш сўзлар, чорловчи, илҳомлантирувчи сўзлар ёрдамида одат ҳосил этилади, малакалар вужудга келтирилади, одамдаги ғайрат, қасд-интилиш ҳаракатга айлантирилади. Иккинчи йўл (ёки усул) - мажбур этиш йўли. Бу усул гапга кирмайдиган, қайсар кишиларга қўлланилади”**.

Хуллас, Фаробий таълим-тарбияда рағбатлантириш, одатлантириш, мажбур этиш методларини илгари сурган.

Шундай қилиб, инсоннинг камолотга етишида ақлий ва ахлоқий тарбиянинг ўзаро алоқаси муҳим аҳамиятга эгадир. Бунда Фаробий тавсия этган таълим-тарбия усуллари ҳозирги

* Абу Наср Фаробий. Бахт-саодатга эришув ҳақида. Рисолалар. / Масъул муҳаррир ЎзФА ҳақиқий аъзоси М.Хайруллаев. - Тошкент.: Фан, 1975. 76 б.

** Абу Наср Фаробий. Бахт-саодатга эришув ҳақида. Рисолалар. / Масъул муҳаррир ЎзФА ҳақиқий аъзоси М.Хайруллаев. - Тошкент.: Фан, 1975. 76 б. 77-78 бетлар

даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Иқтисодий тарбиянинг диққатга сазоворлиги - бу давр тақозосидир.

Абу Али Ибн Сино (980-1037). Шарқда фан юлдузи ҳисобланган Ибн Сино математика, астрономия, физика, кимё, биология, тиббиёт, доришунослик, руҳшунослик, физиология, фалсафа, филология, таълим-тарбия соҳаларида ижод қилган ва жаҳонга машҳур бўлган йирик асарлар мерос қолдирган алломадир...

IX аср охири X аср бошларига келиб, ўлкада ижтимоий-сиёсий вазият мураккаблашганлиги сабабли Ибн Сино Хоразмга - Урганчга кўчиб келади. Хоразмда у қатор олимлар билан ҳамкорликда Абу Райҳон Беруний бошқараётган "Маъмун академияси" да илмий иш билан шуғуллана бошлайди. Ибн Синонинг 250 дан зиёд илмий асарлари авлодларга бой мерос бўлиб қолмоқда.. Фанларни тасниф этган Ибн Сино биринчи ўринга тиббиёт фанларини қўяди. Фалсафани эса икки гуруҳга: назарий ва амалий гуруҳларга ажратган. Назарий гуруҳ кишиларни ўзидан ташқаридаги борлиқ ҳолати ҳақидаги билимларни эгаллашга бошласа, амалий қисм бизга бу дунёда нималар қилишимиз кераклигини ўргатади, деб таъкидлаган.

У биринчи гуруҳга этика, иқтисод, сиёсатни киритади. Иккинчи гуруҳга физика, математика, метафизика, дунё қонуниятларини ўргатувчи барча фанларни киритади.

Ибн Сино камолотга эришишнинг биринчи мезони - бу маърифатни эгаллаш деб айтган. Чунки илм-фан инсон учун хизмат қилиб, у табиат қонунларини очиб авлодларга етказиши зарур**.

Талабаларга билим бериш ўқитувчининг масъулиятли бурчи ҳисобланади. Шунга биноан Ибн Сино ўқитувчисининг қандай бўлиши ҳақида:

- болалар билан муомалада босиқ, жиддий бўлиш;
- берилаётган билимнинг талабалар қандай ўзлаштириб олаётганига эътибор бериши;
- таълимда турли метод ва шакллардан фойдаланиш;
- талабанинг хотираси, билимларни эгаллаш қобилияти, шахсий хусусиятларни билиши;
- фанга қизиқтира олиши;

** Ибн Сино. Тайр ҳиссаси. "Фалсафий ҳиссалар" китобидан. - Тошкент, Ўздавнашр, 1963. 15-бет.

- берилаётган билимларнинг энг муҳимини ажратиб бера олиши;

- билимларни талабаларга тушунарли, унинг ёши, ақлий даражасига мос равишда бериши;

- ҳар бир сўзнинг болалар ҳиссиётини уйғотиш даражасида бўлишига эришиш зарурлиги*.

Ибн Сино ақлий, ахлоқий ва жисмоний тарбия инсон камолотида муҳим аҳамиятга эга деб таъкидлаган. Уни назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилган. Ибн Сино биринчи бўлиб, жисмоний тарбиянинг илмий-педагогик жиҳатдан бир бутун тизимини яратади. Жисмоний машқлар, тўғри овқатланиш, уйқу, баданни тоза тутиш тарбиясига амал қилиш, инсон соғлигини сақлашда кафолатли омил эканлигини илмий-назарий ҳамда амалий жиҳатдан асослаган.

Шундай қилиб, Ибн Синонинг таълим-тарбия ҳақидаги фиклари инсоннинг ақлий, ахлоқий-эстетик ҳамда жисмоний ривожланиши, унинг камолга эришишида асосий мезон эканлиги баён қилинган.

Алишер Навоий (1441-1501). Буюк мутафаккир адабиёт, тарих, тил билимлари, мусиқа, хаттотлик, тасвирий санъат, меъморчилик ва ҳоказоларни ривожлантириш билан бир қаторда таълим-тарбияни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратган.

А.Навоий фикрича, комил инсонга хос бўлган энг юксак фазилатларга: ижодкорлик, қобилият, илм-фанга муҳаббат киради, деб баён этган. Шунинг учун у илмни гоноркуликни ёритадиган чироқ, ҳаёт йўлини нурафшон этадиган қуёш, одамларнинг ҳақиқий қиёфасини кўрсатадиган омил тарзида ифодалайди.

Демак, А.Навоий илм-фан инсон камолоти учун энг зарур фазилат деб уқтиради. Шунга биноан ўз асарларида кишиларни илм-маърифатли бўлишга чорлайди ва илмли бўлиш ҳар бир инсон учун муқаддас бурч ҳисоблайди.

А.Навоий яхши хулқ асоси - одоб инсоний ҳислатларнинг бошланиши ҳисобланади деган. А.Навоий давом этиб: ҳақиқий инсонга хос ҳислатлар - қаноат, сабр, тавозуъ, ишқ, вафо, саховат, ҳиммат, карам, мурувват, ҳилм (юмшоқ кўнгилчилик) худди шу одобли кишида таркиб топади, деб таъкидлаган.

* Рахимов С. Абу Али ибн Сино таълим ва тарбия ҳақида. - Т.: ўқитувчи, 1967. 75-бет.

Масалан, “Қаноат - булоқдир, хазинадир, экинзордир, дарахтдир. Қаноат - булоқдир, суви олингани билан қуримайдир. Хазинадир - нақиднаси сочган билан камаймайдир. Экинзордир - уруғи иззат ва шавкат меваси берадир. Дарахтдир - шохи тортинчоқлик ва ҳурмат меваси етказади**”, - деб баён этган.

Демак, қаноат инсонийлик белгиси. У инсонни ёмон кунлардан асрайди. Чунки, қаноат қанчалик оғир ва машаққатли бўлмасин, инсонни нафс балосидан, дўст-душмандан, таъмагирликдан халос этади. Шунинг учун аллома ҳеч қачон таъмага берилмаслик, ҳалол меҳнат билан ҳаёт кечирishi қай даражада улуғлигини таъкидлаб, таъма ва очкўзлик, хасислик инсонийлик заволи, деб таърифлайди.

“Сабр аччиқдир, аммо фойда берувчи, қаттиқдир - аммо зарарни дафъ этувчи, сабр шодликлар калитидир ва бандлар очқичидир*...”.

А.Навоий давридаги таълим-тарбия талабларига биноан инсоннинг ҳар томонлама баркамол бўлиб етишишида кишиларнинг жисмоний соғлом ва бақувват бўлишига ҳам жиддий эътибор берилган.

Жумладан, унинг қаҳрамонлари Фарҳод, Қайс, Искандар образларида жисмоний тарбия ва диловарлик таълимини кўрамиз. Зеро, бундай таълим-тарбия қадим даврлардан бошлаб, анъанавий тарзда давом этиб, такомиллашиб борган.

Таом ейиш қондаларига риоя этиш сиҳат-саломатликни сақлашнинг энг биринчи талаби сифатида талқин қилинган.

А.Навоий асарларида комил инсонни тарбиялаш услуб ва усуллари, воситалари ҳам ифодаланган. У тарбияда инсоннинг ўз-ўзини тарбиялашга, хато ва камчиликларни англаб, тузатишга эътибор беради: янглишиш ва хато кишиликнинг шартидир. Янглишиш ва хатони англаб, оғоҳланган бахтли кишидир. Кимки, эътироф томон қайтар экан, хатоси йўқолади. Кимки, далил келтириб алжирайверса, хатосини бир карра оширади. Муболағаси қанча кўпроқ бўлса, янглишиши шунча кўримлироқ бўлур, ўзини катта кўрсатиб, тортишуви қанча эса ортиқроқ, ўзи халқ ўртасида шунча расвороқ

** Навоий Алишер. Маҳбуб ул-қулуб. Асарлар 15 томлик. - Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1966. 13-том, 203-бет.

* Навоий Алишер. Маҳбуб ул-қулуб. Асарлар 15 томлик. - Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1966. 13-том, 204-бет.

кўринур. Яъни, киши хато қилганда янглишганини бўйнига олса - бу яхши. Агар ўз хатосига далил кўрсата берса, унинг хатоси яна икки баробар ортади, дейди аллома.

А.Навоий таълим-тарбия масалаларига алоҳида эътибор берар экан, тарбия жараёнларини, воситаларини, талабларни кўрсатади. У таълимда илмийликка асосланганлик, тарихийлик каби талабларни асос қилиб олади. Ўз давридаги мусулмон мактабларини ютуқ ва камчиликларини таҳлил этади. У ўқитувчи ҳақида гапирар экан, муаллим ўз шогирдларини ҳам, ўзи таълим бераётган фанни ҳам севган бўлиши зарур дейди. Ўзига ҳам, ўқувчига ҳам талабчан бўлишни уқтиради. А.Навоий ўқитувчини жамиятда обрўли ва ҳурматга лойиқ инсон деб билиб, шогирдлар муаллимни ватандек жуда ҳурмат қилишларини, эъзозлашларини уқтиради.

Буюк аллома А.Навоийнинг иқтисодий тарбия назариясига оид қарашлари алоҳида берилмаган бўлса ҳам, унинг қатор асарларида иқтисодий тарбияга оид ўғитлари, исрофгарчиликка қарши теран фикрлари иқтисодий тарбияга оид эканлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ...

Фикримизнинг далили сифатида собиқ Совет Иттифоқи замонида, аниқроқи ХХ асрнинг олтмишинчи йилларида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг иқтисод институтида Искандар Юсупов "А.Навоийнинг иқтисодий қарашлари" мавзусида номзодлик диссертациясини рус тилида ҳимоя қилган ("Экономические взгляды Алишера Навои").

Абдурахмон Жомий (1414-1492). А.Жомий 1414 йилнинг 7-ноябрида Жом шаҳрида таваллуд топган. Жомий таҳаллуси у туғилган жой - Жом шаҳри номидан олинган...

Жомий математика, араб тили, адабиёт, синтаксис, балииёт илми, мусиқа, фалакиёт, фалсафа, фикҳ, нотиклик илми, қуръонни ўқиш ва шарҳлаш каби фанлардан чуқур билим олган, дунёқараши кенг инсон, шоир ва олим сифатида машҳур бўлган. У ўта камтар ва ҳокисор инсон бўлган.

Жомий 1469 йилда Ҳиротда А.Навоий билан учрашиб қолади ва улар ўртасида самимий дўстлик муносабатлари пайдо бўлади, бу дўстлик эса аллома умрининг охиригача давом этади. У 1472 йилда ҳаж сафари билан Маккаю-Мукаррама шаҳрига боради. Сафар жараёнида Жомий турли шаҳарларда бўлиб, машҳур олимлар, шоир ва мутафаккирлар билан мулоқотда бўлади. Икки йиллик сафардан сўнг, яна Ҳиротга қайтиб, умрининг охиригача шу ерда ҳаёт кечиради.

А.Жомий ўз асарларида инсоний юксакликни таъриф этади. Унинг учта лирик девони, еттита дostonдан иборат “Ҳафт авранг” (Етти хат), таълим-тарбияга оид “Баҳористон” асарлари билан жаҳон маданияти тараққиётига муносиб ҳисса қўшган.

А.Жомийнинг таълимий-ахлоқий қарашлари унинг асарларида ўз ифодасини топган.

А.Жомий билим-ҳунарсиз кишини ўтиндан бошқага ярамайдиган мевасиз дарахтга ўхшатади. У ўз асарларида тарбиянинг аҳамиятига катта эътибор беради...

А.Жомийнинг “Покизалар шаҳри”, унинг юксак орзумиди, пок қалби тасавуридаги инсоният тархидаги идеал тузум тимсолидир.

Заҳриддин Муҳаммад Бобур (1483-1530). Ўзбек адабиётида ўз салоҳиятига эга бўлган, Темурийлар сулоласининг сўнгги вакилларида Бобур Мирзо Ўрта Осиёда фан ва маданиятнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган, гоёт самарали фаолияти билан тарихда ўчмас ном қолдирган инсондир...

Жаҳон шарқшунослари томонидан олим сифатида тан олинган. Бобур фаннинг кўп соҳалари бўйича қимматли ишларни амалга оширган. Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари маданияти тарихи учун катта хизмат қилган.

Жумладан, профессор Ҳ.Ҳасанов уни фақат давлат арбоби эмас, балки машҳур лашкарбоши, тарихчи, географ, биолог, мусиқачи ва меъмор ҳам бўлган шоир эканлигини эътироф этган.

Истеъдод соҳиби Бобур 12 ёшида подшо бўлганидан бошлаб, то умрининг охиригача ўзи кўрган воқеаларни, ўз қатнашган ҳодисаларни, ана шу воқеа ва ҳодисаларга даҳлдор бўлган юзлаб тарихий шахслар ҳаётини, фан учун муҳим бўлган кўплаб далилларни адабий шаклда баён этган “Бобурнома” ва шеърлар девонидан ташқари, мусулмонлик қоидалари ва қонуншуносликка бағишланган “Мубаййин”, араб алфавитини ўзгартириш ҳақидаги “Хатти Бобурий”, аруз вазни ва қофия масалаларига оид “Муфассал”, шунингдек, мусиқа ва ҳарбий санъат ҳақидаги асарларни моҳирона яратган. Бу асарлар илм-фанни юксалишида муҳим рол ўйнайди.

Улуғ шоир, адиб, тарихчи ва олим Мирзо Бобурнинг илмий-адабий мероси ҳозир ҳам ўзининг тарихий-маърифий, илмий ва эстетик қимматини сақлаб келмоқда. Унинг кўп қиррали меросида педагогикага доир бирор махсус асари, ё

рисола мавжуд бўлмаса ҳам, деярли барча асарларида ҳаётга ва ватанга муҳаббат ҳисларининг яққол ифодасини, инсоннинг юксак бурчи ва кишиларнинг маънавий қиёфаси, тарбияси ҳақида теран фикр-мулоҳазалари, фан ва динга оид масалаларини, яхши хулқли ва одобли бўлишга чорлаши, илм-фан ва маърифатни эгаллашга ундаши, ахлоқий ва эстетик ғояларни, жўшқин ва мазмундор ҳаёт кечиришга тарғиб қилишни ва бошқаларни яққол кўриш мумкин.

Бобур кишининг ҳаётдаги энг асосий бурчи - ҳамма жойда ҳам ўзини тута билишидан ва яхши хулқ-атворли бўлишидан иборатлигини баён этган.

Инсонларга доимо яхшилик қилиш энг олийжаноб фазилатлигини таъкидлаб, айтади:

Бори элга яхшилик қилгилки, мундан яхши йўқ,
Ким дегайлар даҳр аро қолди, фалондин яхшилик,
каби сатрлар орқали баён этади.

Мирзо Бобур ўз ижодида эзгуликни, иноқликни, вафодорликни ардоқлаган шоир ўзидан аввалги касбдошларига эргшиб ёвузликни, зулмни, қабихликни қоралайди. Ўзбек халқининг “Ҳар ким экканини ўради”, - деган мақолига жавобан:

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидир,
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидир.
Яхши одам кўрмагай ёмонлик ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир,

деб бадиий ифодалайдики, Мирзо Бобур шеърларида бундай ҳаётий, жозибали сатрларни кўглаб учратиш мумкин.

Мирзо Бобур фикрича, ёшлар шахсини ҳаётнинг ўзи шакллантиради, лекин бунда меҳнат ва меҳнатда тобланиш муҳим рол ўйнайди. Меҳнат қилган ва машаққат чеккан инсонлардагина чинакам инсоний фазилатлар такомиллашади.

Умуман Бобурнинг маънавий-маърифий меросини ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамиятга эга бўлган ахлоқий, маърифий, тарбиявий ҳамда педагогик мазмундор ғояларини эъзозлаб қадрланади.

Қисқа хулосалар

1-хулоса. Халқ педагогикасида иқтисод ва тежамкорлик тарбияси ҳақидаги ғоялар. Марказий Осиё буюк донишманд-

ларининг фалсафий ва ижтимоий таълимотларидаги иқтисодий мерослари умуман кўп жиҳатли ҳамда мазмунан бойдир.

А.Донишнинг “Ноёб воқеа” (“Редчайшее происшествие”) асари 1870-1885 йилларда яратилган. **Мирзо Азим Сомӣ** (1840-1908) ўзининг давлатдаги тарбия-қоидаларни муҳокама қилади. Мирзо Азим Сомӣ асарида иқтисодий тарбия ва педагогика масалалари баён қилинган.

Муҳаммад Икром ибн Абдусалом (1847-1925) ўзларининг ижтимоий-иқтисодий ва педагогик қарашларини ўрганиш билан халқ оммасида болалар иқтисодий тарбиясининг юқори натижаларга эришган.

А.Фитратнинг “Путеводитель освобождения” асари Петроградда нашр қилинди (1915 й.). А.Фитрат оилада тарбия масала-сига алоҳида эътибор ажратади, чунки у ҳаётини муҳим масала. У асарида кўплаб француз алломалари ишларига таянади. Иқтисодий тарбия нуқтаи-назаридан қимматли янги тушунча-лар очади, улар: “жанаслик”, “қизғончиқлик”, “содиқлик”, “бойлик”, “очкўзлик” ва бошқалар. А.Фитратнинг асосий иқтисодий тамойиллари ўсиб келаётган мустақил давлатимиз авлодларини тарбиялашда асқотали.

2-хулоса. Марказий Осиё мутафаккирларининг ижодиётида иқтисод ва тежамкорлик тарбиясининг ифодаланиши. Жаҳон илм-маърифатининг буюк намоёниси **Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий** тахминан 783 йилда Хоразмда таваллуд топиб. У араб, форс, ҳинд, юнон тилларини мукаммал билган ва ижод этган. У айниқса, билиш назариясига катта ҳисса қўшди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, ал-Хоразмий Оврўпа ва Шарқ фалакиёт ва математика соҳасида янги давр очди. Ҳиндларнинг ўнлик тизим рақамлари Хоразмий туфайли “Араб рақамлари” номи ила жаҳонга танилди. Хоразмий жаҳон тарихига алгебра фанининг асосчиси бўлиб кирди. Унинг фалакиёт ва геодезияга оид кузатишлари, географияга оид асослари, у чизган Ер харитаси ҳам Шарқ ва Ғарб олимлари учун текшириш-кузатиш ишларини олиб боришда муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилди. Олим “Ер сатҳини ўлчаш”, “Қуёш соати тўғрисида”, “Яҳудийлар тарихи ва уларнинг байрамларини белгилаш” ва бошқа асарлари билан ҳам фанга катта ҳисса қўшди.

Шундай қилиб, юқорида баён этилганга кўра, ал-Хоразмий илмий билим, таълим усуллари, илм-фанга қўшган буюк

ҳиссаси билан инсонни ақлий камолотга етишда, таълим-тарбияда ва албатта иқтисодий тарбияда тутган ўрни каттадир.

3-хулоса. Абу Наср Фаробий. Шошга яқин Фаробда ҳарбий хизматчи оиласида таваллуд топган. Фаробий биринчи бўлиб, таълим-тарбияга таъриф берган олим, таълим-тарбиянинг йўллари, усуллари ва воситалари ҳақидаги қарашлари ниҳоятда фойдалидир.

Фаробий 70 дан ортиқ хорижий тилларни билган. Шундай қилиб, Фаробий тавсия этган таълим-тарбия усуллари ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Иқтисодий тарбиянинг диққатга сазоворлиги - бу давр тақозосидир.

Абу Али ибн Сино (980-1037) шарқда фан юлдузи ҳисобланган. Ибн Сино математика, астрономия, физика, кимё, биология, тиббиёт, доришунослик, руҳшунослик, физиология, фалсафа, филология, таълим-тарбия соҳаларида ижод қилган ва жаҳонга машҳур бўлган йирик асарлар мерос қолдирган олимдир. Хулоса қилиб айтсак, Ибн Синонинг таълим-тарбия ҳақидаги ғоялари инсоннинг ақлий, ахлоқий-эстетик ҳамда жисмоний ривожланиши, унинг камолга эришишида асосий мезонлиги баён қилинган.

Алишер Навоий (1441-1501). Буюк мутафаккир адабиёт, тарих, тил билимлари, мусиқа, ҳагтотлик, тасвирий санъат, меъморчилик ва ҳоказоларни ривожлантириш билан бир қаторда таълим-тарбияни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратган.

А.Навоий яхши хулқ асоси - одоб инсоний ҳислатларнинг бошланиши ҳисобланади деган. У давом этиб: ҳақиқий инсонга хос ҳислатлар - қаноат, сабр, тавозуъ, ишқ, вафо, саҳоват, ҳиммат, карам, мурувват, ҳилм (юмшоқ кўнгиллилик) худди шу одобли кишида таркиб топади, деб таъкидлаган.

Жумладан, "Қаноат - булоқдир, хазинадир, экинзордир, дарахтдир. Қаноат - булоқдир, суви олингани билан қуримайдир. Хазинадир - нақиднаси сочган билан камаймайдир. Экинзордир - уруғи иззат ва шавкат меваси берадир. Дарахтдир - шохи тортинчоқлик ва ҳурмат меваси етказди", - деб баён этган.

А.Навоийнинг иқтисодий тарбия назариясига оид қарашлари алоҳида берилмаган, аммо унинг қатор асарларида иқтисодий тарбияга оид ўғитлари, исрофгарчиликка қарши теран фикрлари иқтисодий тарбияга оид эканлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Фикримизнинг далили сифатида собиқ Совет Иттифоқи замонида, аниқроқи XX асрнинг олтмишинчи йилларида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг иқтисод институтида Искандар Юсупов “А.Навоийнинг иқтисодий қарашлари” мавзусида номзодлик диссертациясини рус тилида ҳимоя қилган (“Экономические взгляды Алишера Навои”).

Абдурахмон Жомий (1414-1492). У математика, араб тили, адабиёт, синтаксис, бадийёт илми, мусиқа, фалакиёт, фалсафа, фикҳ, нотиклик илми, қуръонни ўқиш ва шарҳлаш каби фанлардан чуқур билим олган, дунёқараши кенг инсон, шоир ва олим сифатида машҳур бўлган.

А.Жомийнинг “Покизалар шаҳри”, унинг юксак орзу-умиди, пок қалби тасавуридаги инсоният тарҳидаги идеал тузум тимсолидир. У билим-ҳунарсиз кишини ўтиндан бошқага ярамайдиган мевасиз дарахтга ўхшатади. У ўз асарларида тарбиянинг аҳамиятига катта эътибор берган.

Заҳриддин Муҳаммад Бобур (1483-1530). Темурийлар сулоласининг сўнги вакилларида Бобур Мирзо Ўрта Осиёда фан ва маданиятнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган, ғоят самарали фаолияти билан тарихда ўчмас ном қолдирган инсондир.

У фақат давлат арбоби бўлибгина қолмай, балки машҳур лашкарбоши, тарихчи, географ, биолог, мусиқачи ва меъмор ҳам бўлган шоирдир. Бобур истеъдод соҳиби 12 ёшда подшо бўлган ва то умрининг охиригача адолатли кўп қиррали олим ва шоҳ бўлганлиги билан маълум.

Бобур фикрича, ёшлар шахсини ҳаётнинг ўзи шакллантиради, лекин бунда меҳнат ва меҳнатда товланиш муҳим рол ўйнайди. Меҳнат қилган ва машаққат чеккан инсонлардагина чинакам инсоний фазилатлар такомиллашади.

Умуман Бобурнинг маънавий-маърифий меросини ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамиятга эга бўлган ахлоқий, маърифий, тарбиявий ҳамда педагогик мазмундор ғояларини эъзозлаб қадрланади.

Таянч иборалар

Марказий Осиё буюк донишмандлари, фалсафий ва ижтимоий таълимотлар, иқтисодий мерос, ижтимоий ва иқтисодий ғоялар, Аҳмад Дониш, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, фалсафий ва педагогик ғоялар, тарихий-дидактик ва ижтимоий-иқти-

содий характердаги асарлар, Мирзо Азим Соми, кўп қиррали диний мактаб, Муҳаммад ибн Абдусалом, Абдурауф Фитрат, фанлар классификацияси, “жанаслик”, “қизғончиқлик”, “содиқлик”, “бойлик”, “очкўзлик” тушунчалари, Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, билиш назарияси, математика масалаларини алгоритм усулида ечиш, “Араб рақамлари”, Абу Наср Фаробий, инсон камолоти ҳақидаги таълимот, “иккинчи муаллим”, Абу Али ибн Сино, тиббиёт фанлари, маърифатни эгаллаш, жисмоний тарбия, Алишер Навоий, яхши хулқ асоси, ҳақиқий инсонга хос ҳислатлар - қаноат, сабр, тавозуъ, ишқ, вафо, саховат, ҳиммат, карам, мурувват, ҳилм (юмшоқ кўнгиллилик), қаноат, Абдурахмон Жомий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур.

Такрорлаш учун саволлар

1. Машҳур файласуф Аҳмад Донишнинг иқтисодий тарбия ривожига қўшган ҳиссаларини сўзлаб беринг.

2. Мирзо Азим Соми асарида иқтисодий тарбия ва педагогикага оид масалалар ҳақида шарҳланг.

3. А.Фитратнинг тарбияга оид ғояларини айтинг.

4. Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг илмий билим, таълим усуллари ва фанга қўшган буюк ҳиссаси ва иқтисодий тарбияда тутган ўрнини сўзланг.

5. Абу Наср Фаробийнинг таълим-тарбияга оид асарларини шарҳлаб беринг.

6. Абу Али ибн Синонинг таълим-тарбия соҳаларида жаҳонга машҳурлигини исботлаб беринг.

7. А.Навоийнинг тарбияга оид ва иқтисодий тарбия ҳақидаги ғояларини сўзланг.

8. А.Жомийнинг қайси асарларида таълим ва ахлоқий ғоялари ўз аксини топган.

9. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қайси асарларини биласиз?

Адабиётлар

1. Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. -Т.: Фан, 1986.

2. Каримов Х. Тарбия илдиzlари / Ўқитувчи газетаси, 1990й. 31 март.

3. Сиддиқова Ш. Эстетика. - Т.: 2002.

4. Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. - Т.: 1998.

5. Экономическая теория / под ред. акад. Видяпина В.Д., акад. Журавлевой Г.И., акад. Гулямова С.С. акад. Шарифходжаева М.Ш., акад. Абдурахманова К.Х. - Т.: 1999.

6. Психология и педагогика: Учеб. пособ. / Составитель и отв. редактор А.А.Радугин. - М.: Центр, 2003.

7. Психология и педагогика: Учебник. - М.: Изд. Элит, 2004.

8. Слостенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. - 4-е изд. - М.: Школа Пресса, 2004.

9. Слостенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. для студ. пед. учеб. завед. / В.А.Слостенин, И.Ф. Исаев, А.И.Мищенко, Е.Н.Шионов. - М.: Школьная Пресса, 2004.

18. И.А.КАРИМОВ АСАРЛАРИДА ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

18.1. И.А.Каримов асарларида иқтисодий тушунчалар ва иқтисодий билимларнинг ёритилиши

18.2. “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида”

18.3. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида иқтисодий тарбия

18.4. И. Каримовнинг “Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” асарида иқтисодий тарбияга оид қарашлари

18.5. Таълим жараёнини ислоҳ қилишда Ислом Каримовнинг мулоҳазалари

18.1. И.А.Каримов асарларида иқтисодий тушунчалар ва иқтисодий билимларнинг ёритилиши

Мустақил Ўзбекистонимизда ислоҳотлар тобора қулоқ ёймоқда. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, жумладан ёш авлод таълим-тарбиясида ҳам кескин ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Маънавиятимизни қайта тиклаш, янада бойитиш борасида умумхалқ кураши бошланди. қуёш нурига зор бўлган алломаларимизнинг ўтмиш ҳақидаги пурмаъно асарлари ёруғлик юзини кўрмоқда.

Республикамизнинг ижтимоий, иқтисодий камолоти ёш авлоднинг саъйи ҳаракатларига боғлиқ эканлиги энди ҳеч кимга сир эмас. Ўсиб келаётган ёш авлод ва уларнинг келажакда қандай касбкорни эгаллашларига қараб, республикамиз келажagini тасаввур қилса бўлади. Келажак ёшларники. Ёшлар фаолияти фаровон ҳаётимиз мезонидир. Шу маънода ёшларнинг тарбиясига жиддий эътибор бермоғимиз лозим. Ёшлар таълим-тарбияси ҳар бир ота-онанинг, ўқитувчи тарбиячининг Ватан олдидаги муқаддас бурчидир.

Ёшларимизни тарбиялаш учун биринчи галда Шарқ мутафаккирларининг дуру-жавоҳирга тенг маънавий мерослари дастурамал бўла олади. Абу Наср Фаробий, Исмоил Ал-Бухорий, Абу Райҳон Беруний, Абу али Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Фирдавсий, Амир

Темур, Алишер Навоий, З.М.Бобур, Мирзо Улуғбек, Юсуф Хос Хожиб, каби жаҳонга таниқли ва булар қатори бошқа ақл-заковат соҳибларининг ижтимоий-сиёсий фалсафий таълимотлари ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда муҳим воситадир.

Шундай экан Республикамиз Президенти И.Каримов асарлари ҳам ҳар томонлама етук, баркамол авлодни тарбиялашда, уларни иқтисодий билимларини оширишда дастури амал бўлиб хизмат қилади. Жумладан, И.Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”, “Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли”, “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”, “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизлик таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”, “Ўзбекистон буюк келажак сари” асарлари келажак авлодни иқтисодий саводхонлигини оширишда муҳим воситадир.

И.Каримов асарларининг асл моҳияти шундаки, уларнинг барчасида асосий масалалардан бири бу Республикамизни иқти-содий мустақиллигига тезроқ эришишини таъминлаш, иқтисодий ислохотларни жадал суръатлар билан олиб бориш, кишиларда янгича фикрларни шакллантириш, уларни дунёқарашини ўзгартириш, маъмурий буйруқбозлик тизими иллатларидан воз кечиш. Келажакка ишониш мустақиллигимизни олиб бораётган ислохотлар замирида янада мустаҳкамлаш каби иқтисодий масалалардан кишиларимиз онгида янгича иқтисодий тафаккурни шакллантириш, иқтисодий саводхонлик даражасини ошириш кабилар билан бирга, буюк келажак сари дадил олға бораётган республикамиз ички ва ташқи сиёсатининг асосий қоидалари, чинакам ҳуқуқий-демократик давлат барпо этишнинг ўзига хос тамойиллари ҳамда туб иқтисодий, сиёсий ва маънавий ислохотларни изчил амалга ошириш асосида Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллашини таъминлаш борасидаги долзарб масалалар теран таърифлаб берилган ва китобхонга тушунарли баён этилганлигидадир.

И.Каримов асарларининг мазмуни ҳақида сўз борганда, биз уларга алоҳида-алоҳида тўхталсак ўз мақсадимизга эришган бўламиз, албатта.

Иқтисодиёт ҳар бир кишининг, ҳар бир оиланинг, жамоа ва умуман жамиятнинг ҳаётида муҳим ўрин тутади. Иқтисодий аҳволга қараб ижтимоий ҳаёт шаклланади. Халқимизда олдин

иқтисод, сўнгра сиёсат деган иборанинг ишлатилиши бежиз эмас, албатта эртанги ҳаётимиз, ҳозирги ва келажакдаги фаровонлигимиз. Иқтисод бақувват бўлмаса, фаровонлик кафолатланмайди, моддий етишмовчилик бўлади, турмуш ташвишлари ортади. Аксинча, иқтисодий ўсиш шароитда фаровонлик ортади, ижтимоий вазият барқарорлашади, одамларда келажакка ишонч пайдо бўлади, уларнинг фаоллиги ҳам кучайиб боради.

Шу нуқтаи назардан Президентимиз И.Каримовнинг барча асарларида, яъни “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”, “Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли”, “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”, “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”, “Ўзбекистон буюк келажак сари” кабиларда иқтисодий ривожланишимиз омиллари, иқтисодий-ижтимоий билимлар, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, ички ва ташқи сиёсатнинг асосий қоидалари каби масалалар билан бир қаторда иқтисодий тушунчалар ҳам ўз ифодасини топади.

Маълумки у ёки бу иқтисодий муносабат, иқтисодий қонун, иқтисодий жараён, иқтисодий ҳодиса ёки воқеанинг мазмуни ҳақида тасаввур (билим) ҳосил қилмоқ учун уларни ифодаловчи иқтисодий тушунчаларга (категорияларга) мурожаат қилинади. Бошқача айтганда, иқтисодий тушунчалар орқали иқтисодий муносабатлар моҳияти тўғрисида тўлақонли тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Шу маънода иқтисодий тушунчаларни, образли қилиб иқтисодиёт илмининг “тили” дейиш мумкин.

18.2. “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”

Бугунги кунда Президентимиз, ҳукуратимиз олиб бораётган иқтисодий сиёсатдан бохабар бўлиб бориш мамлакатимиз фуқароларининг. Миллий бурчидир. Шу нуқтаи назардан И.Каримовнинг “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” номли китобидан олинган ушбу лавҳани айтиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Унда иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг ҳозирги босқичда эришишимиз лозим бўлган мезонлар санаб ўтилган. Ушбу лавҳадан китобхон маълум иқтисодий термин ва тушунчаларни моҳият-мазмунини, амал

қилиш механизмини англаб ётгани ҳолда, иқтисодий мушоҳада юритишга ва шунинг негизида иқтисодий билимини ошишига имкон яратади:

- ◆ “агар ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши таркибий ўзгаришлар ва ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантиришга боғлиқ бўлмаса, унинг камайишга йўл қўймаслик;

- ◆ устувор тармоқларда ишлаб чиқаришни юксалтириш учун қулай шароитларни вужудга келтириш. Ишлаб чиқариш фаолиятини рағбатлантирилишига кўмаклашиш. Ўзи ишлаб чиқаришини қўллаб-қувватламасдан ва ички резервлардан фойдаланиш эвазига иқтисодиётни ичдан ривожлантирмасдан туриб молиявий ҳамда ижтимоий барқарорликка умид боғлаш мумкин эмас;

- ◆ давлат бюджети ва корхоналар молиявий аҳволининг барқарорлигини мумкин бўлган доирада таъминлаш;

- ◆ пулнинг қадрсизланиши жараёнини тўхтатиб туриш;

- ◆ тўлов баланси ва давлат резервларининг ҳолатини яхши-лаш учун барча мавжуд имкониятлардан фойдаланиш ва шунинг негизида Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий муносабатларда тутган ўрнини мустаҳкамлаш;

- ◆ ижтимоий аҳволни барқарорлаштириш учун кучли ижтимоий сиёсат мувозанатлаштирилганлигини таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасининг мумкин қалар барқарорлигини сақлаш” (202-203 бетлар).

Ушбу келтирилган қисқача лавҳадан китобхон иқтисодий терминлар, яъни ишлаб чиқариш ҳажми, давлат бюджети, корхоналарнинг молиявий аҳволи, пулнинг қадрсизланиши, тўлов баланси ва давлат захиралари, ижтимоий жараёнлар кабиларни чуқур мушоҳада қилишга тўғри келади.

18.3. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарыда иқтисодий тарбия

Китобхонни ўзига жалб қиладиган асарларидан бири бу “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”дир. Ушбу асарда иқтисодий масалалар ёритилиши билан бир қаторда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги воқеа-ҳодисалар ҳам ўз ифодасини топади.

Асарда қуйидаги иқтисодий масалаларга алоҳида ёндашилади:

- ◆ бозор муносабатларини қарор топиши ва мулкдорлар синфининг шаклланиши;
- ◆ кучли ижтимоий сиёсат ва аҳолини ижтимоий фаоллигини ортиши;
- ◆ жуғрофий-стратегик имкониятлар ва табиий хом-ашё ресурслари;
- ◆ инсон салоҳияти, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфра-структураси;
- ◆ кенг кўламли ўзгаришлар ва ҳамкорлик кафолатлари;
- ◆ жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик ва ҳоказолар.

Асарнинг жуғрофий-стратегик имкониятлар ва табиий хом-ашё ресурслари пунктида Республикамизнинг иқтисодий имкониятлари ниҳоятда кўп эканлиги ҳақида фикрлар, иқтисодий тушунчалар, иқтисодий билимлар берилди. Жумладан, Ўзбекистонда машҳур Менделеев даврий системасининг деярли барча элементлари мавжуд. Ҳаёт муҳим стратегик манбалар - нефть ва газ конденсати, табиий газ бўйича 155 та истиқболли кон, қимматбаҳо металллар бўйича - 40 дан ортиқ, рангли, нодир ва радиактив металллар бўйича - 40, кончилик-кимё хом ашёси бўйича 15 та кон қидириб топилган. Ўзбекистон дунёдаги жуда катта олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо ҳамда ер бағрида кам учрайдиган металллар захираларига эга бўлган давлат жумласига кирди. Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики Ўзбекистон улкан иқтисодий имконияти бой мамлакатдир. Шундай экан Республикамизга ташриф буюраётган чет элик ҳамкорлар ҳам Республика ривож учун маълум даражада ижобий таъсир қилмоқда. Шу билан бирга Ўзбекистон ўз нуфузига эга бўлиб бормоқда, яъни турли минтақавий халқаро ташкилотлар, чунончи, Европа Иттифоқи, ЕХҚТ, НАТО, ЭКО, ОИҚ қўшилмаслик ҳаракати ва бошқалар билан ҳам самарали ҳамкорлик қилмоқда.

Умуман олганда И.Каримов асарларида иқтисодий масалалар, иқтисодий билимлар, иқтисодий жараёнларнинг моҳияти, мазмуни, уларни амалга ошириш йўллари батафсил ва тушунарли ёритилганки, кишиларни иқтисодий тафаккурини юксалишига хизмат қилади.

18.4. И.Каримовнинг “Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” асарида иқтисодий тарбияга оид қарашлари

Мустақил давлатимизда амалга оширилаётган ислохотлар нафақат ҳамдўстлик республикалари, балки тараққий этган хорижий мамлакатларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Ўзбекистонда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳаларда рўй бераётган ўзгартиришларни чуқур таҳлил қилаётган чет эллик нуфузли мутахассислар “тараққиётнинг ўзбекча модели” атамасини иборага киритди. Шунинг ҳам алоҳида айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президенти халқимиз, юртимиз, иқтисодиётимиз хусусиятларини тўлатқис ҳисобга олган ҳолда ислохотларни амалга оширишнинг беш асосий тамойилини белгилаб берди. Мазкур, иқтисодиётни сиёсатдан устуворлиги, давлат бош ислохотчи эканлиги, қонунларнинг устуворлиги, аҳолини кучли ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, ниҳоят, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш зарурати тамойилларини моҳияти, мазмуни ва уларни амал қилиш механизмини таъминланишини назарий ва амалий асослари “Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” асарида ўз аксини топган.

Мазкур асар мустақиллигимизни икки йиллик тўйи нишонланаётган бир пайтда дунёга келди. Унда муаллифнинг қисқача кириш сўзи ва чинакам ҳуқуқий демократик давлатни барпо этишнинг ўзига хос тамойилларини ёритилиши мақсадга мувофиқдир. Шу жиҳати билан ҳам асар бошқа асарлардан тубдан фарқ қилади.

Асарнинг “Ўтмишдан қолган мерос ва иқтисодий ислохотлар зарурияти” пунктида И.Каримов, Республиканинг ташқи дунёдан бир асрдан ортиқ вақт мобайнида ажралиб қолганлигига барҳам бериш, маъмурий-буйруқбозлик тизими иллатларидан бутунлай воз кечиш ва Республикада ўтмиш авлод-аждодаларимиз маънавий меросларини ўрганган ҳолда иқтисодий ислохотларни жадал олиб бориш кераклиги ҳақида мулоҳазалар юритади. Шу билан бирга асарнинг 2 пунктида Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятлари, яъни унинг заминидикимнатбаҳо - хом ашё ресурслари мавжудлиги, у улкан ва қудратли қишлоқ хўжалигига эга эканлиги, Ўзбекистон саёҳатчиликни ривожлантириш учун катта имконияти борлиги унинг иқтисодий ҳаётида алоқа ва транспорт тизимини

ривожланганлиги, Ўзбекистонда меҳмондўст, меҳнатсевар халқи истиқомот қилаётганлиги, у кучли илмий салоҳиятга эга эканлиги кабилар ҳақида батафсил маълумотлар берилади. Асарнинг аҳамиятли томонлардан бири, бу И.Каримов асослаб берган беш тамойилнинг унда гавдаланганлиги ва у асарнинг асосий қисмини ташкил қилганлигидир.

“Иқтисодиётни мафкурадан ҳоли этиш, демократик ва бозор ўзгартиришларининг асоси” номли пунктда иқтисодиётни устуворлигини таъминлаш ҳақида сўз боради. Бу қоида иқтисодий фаолият ижтимоий ҳаётнинг асоси эканлигидан келиб чиқади. Иқтисодиёт қандай бўлса, ижтимоий ҳаётнинг бошқа томонлари ҳам шунга қараб бўлишни тарих тасдиқлаган. Шу нуқтаи назардан И.Каримов “Иқтисодиёт мафкуравий тазйиқларсиз ўзига хос ички қонунларга мувофиқ ривожланиши лозим. Мафкуравий ақидаларни бартараф этиш бозор муносабатларига мос бўлган психологиянинг ва шунга хос иқтисодий тафаккурнинг идрок этилишига кўмаклашади” - деб таъкидлайди.

“Давлат - иқтисодий ўзгартиришларнинг ташаббускори ва бош ислоҳотчиси” пунктида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида давлат бош ислоҳотчи бўлиши зарурлиги назарда тутилади.

Мазкур қоида ёки тамойил бозор иқтисодиётига ўтиш учун зарур бўлган ислоҳотлар кенг жамоатчилик иштирокида давлат ишлаб чиққан даструлар асосида, унинг бевосита иштироки ва раҳбарлигида амалга оширилишини билдиради. Давлат ислоҳот жараёнининг марказида бўлиши шарт. Чунки, фақат давлатгина, умуммиллий иқтисодий манфаатларни мужассам ифодалашга ва ҳимоя қилишга, аҳолининг барча кучларини умум мақсадлар асосида бирлаштиришга қодир. Шунинг негизида давлат, ўз ислоҳотлари билан иқтисодий эркинликлар кафолати бўлади.

Асарнинг яна бир пункти “Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш қисмида қонунлар ва уларга риоя этишнинг устуворлигини таъминлаш ҳақида Президент ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилади. Жумладан И.Каримов “Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг қонунчилик асосини яратиш - бу фақат ўтиш даврининг мажбурий шартгина бўлиб қолмай, балки ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг ўзига хос хусусияти ҳамдир” - дейди, И.Каримов, бу тамойил қонунлар олдида барчанинг баробарлиги, қонунларга

риоя этиш ҳамма учун ҳам фарз, ҳам қарз бўлишини билдиради. Бозор иқтисодиёти қонунчиликка таяниши, унга хос бўлган фаолият қондалари, иқтисодий муносабатлар қабул қилинган ҳуқуқий қонунларда қайд этилиши зарурлиги Ўзбекистон концепциясида ҳисобга олинади.

Президентимиз И.Каримов асослаб берган, аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш тамоилини моҳияти, мазмуни “Кучли ижтимоий сиёсат - иқтисодий ўзгартиришларнинг ишончли кафолати” номли пунктда намоён бўлади. Асарда “Аҳолининг муҳтож табақаларини ижтимоий ҳимоялаш сира кечиктириб бўлмайдиган, энг устувор вазифа, амалий ҳаракатларнинг энг асосийси бўлиб келди ва ушандай бўлиб қолади” - деган ибора муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда Президент И.Каримовнинг биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида қилган маърузасидан қуйидагиларни келтириш мақсадга мувофиқ. “Тўртинчи устувор йўналиш дейди И.Каримов маърузасида, - халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилишни ифода этади.

Аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ислоҳотларнинг барча босқичида асосий йўналиш бўлиб хизмат қилади. Бу ислоҳотларимизга асос қилиб олинган беш тамойилдан биридир. Биз бундан кейин ҳам бу тамойилга таянган ҳолда иш олиб боришимиз керак”.

Иқтисодий ислоҳотлар йўлининг негизи ҳисобланган бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш тамойили ҳақида асарнинг яна бир пунктида мулоҳазалар батафсил баён қилинади. Босқичма-босқич ўтиш сиёсатида мустақил Ўзбекистон раҳбариятининг, биринчи навбатда, Президент И.Каримовнинг ривожланишнинг ўта масъулиятли палласида ягона тўғри йўлни танлай ола билиши намоён бўлди. Бундай сиёсат туфайли Ўзбекистон бозор иқтисодиётига қурбонларсиз, митингбозликсиз, иш ташкилотлар ва даҳанаки жангларсиз ўтмоқда, жамият моддий ва маънавий бойликларининг вайрон ва яқсон бўлишига йўл қўймаётти, келажакнинг негизини яратилмоқда. Шу муносабат билан И.Каримовнинг, Бозор иқтисодиёти томон сакрашларсиз, инқилобий ўзгартишлар йўли билан эмас, балки изчиллик билан босқичма-босқич бориш керак. Ўзбекистоннинг бозорга ўтиш йўлининг ўзига хос хусусияти ҳам шундай деган фикрини келтириш жоиз.

Ислом Каримов асарнинг яқунловчи қисмида иқтисодий ислоҳотнинг асосий устуворликлари ва йўналишларини атраф-лича яратади. Жумладан, иқтисодий ислоҳотларнинг бутун занжирида аграр соҳадаги ўзгартиришларга ғоят катта аҳамият берилади. Унда ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида қишлоқ хўжалиги ислоҳоти ҳукуматнинг доим диққат-марказида бўлишлиги таъкидланган. Шу билан бирга қишлоқда ерга мулкчилик муносабатларини шакллантириш, хўжалик юритиш-нинг янги турларини шакллантириш масалалари ҳам Президент И.Каримов эътиборидан четда қолган эмас. Қишлоқ хўжалиги корхоналарига давлат томонидан кредитлар бериш, уларни молиявий таъминлаш каби масалалар ҳам батафсил ёритилган. Асарнинг ниҳоясида қуйидагиларни ўқиш мумкин, яъни “Ўзбекистон ўзининг истиқлол ва тараққиёт йўлини танлаб олди, ўзининг иқтисодий йўналтирилган бозор иқтисодиёти йўлини ишлаб чиқди. Миллий хусусиятлар ва анъаналарни ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларига ўтишнинг аниқ устуворликларини, принципларини ва йўналишларини аниқлаб олди. Икки йиллик тажриба танланган йўлнинг тўғрилигини ишонарли тарзда тасдиқлади” - деб ёзади И.Каримов.

Юқорида биз асарнинг мазмуни ҳақида қисқача тўхталдик, ҳолос. Унда биз иқтисодий билимларни умумий иқтисодий масалалар замирида намоён бўлишини ҳам кузатиб ўтдик. Асарда таъкидланган беш тамойил иқтисодиётни асоси эканлигини кўрсатади.

Олий мактабларда иқтисодий фанлар дарсларида ушбу асардан фойдаланиш, ниҳоятда, унумли натижа беради. Ушбу асарда келтирилган иқтисодий билимлар кишини чуқур иқтисодий мулоҳаза, мушәҳада юритишга етаклайди. Мисол учун иқтисодиёт назарияси фанини ёки курсини талабаларга маърузалар бериш программасида “Бозор иқтисодиёти” боби мавжуд бўлиб, ушбу бобни ёритишда ўқитувчи бевосита ушбу асардан фойдаланиши ва талабаларга тавсия этилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки ушбу бобда бозор иқтисодиётининг белгилари, бозор иқтисодиётида инсон, бозор иқтисодиётига ўтиш, бозор ислоҳотлари, Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишининг ўзига хос йўли каби масалалари ўз аксини топади. Шунинг учун ҳам ушбу асар шу мавзунини ўтиш учун асосий манба ҳисобланади.

18.5. Таълим жараёнини ислоҳ қилишда Ислам Каримовнинг мулоҳазалари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида (1997 й. 29.08) Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши мамлакатда амалга ошириладётган демократик ва иқтисодий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимини кенг кўламда ислоҳ қилишнинг ибтидоси бўлди.

Ушбу сессиясида И.Каримов нутқ сўзлади ва бу чиқишда қабул қилинаётган қонуннинг ва миллий дастурнинг аҳамияти ҳақида ўз фикр мулоҳазаларини билдирди. Жумладан, шу давргача таълим-тарбия соҳасида амалга оширилган ва оширалаётган ислохотлар ҳақида қисқача гапириб ўтди. Жумладан, “Бу жараёнда охириги йилларда қилган ишларимиз ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Мактаб соҳасида “Таълим ҳақида” қонун қабул қилдик. 1996, 1997 ўқув йилидан бошлаб мактабларнинг биринчи синфларида ўқиш янги алифбода олиб борилди. Янги имло, алифбода ўқитиш учун зарур дастур, кўлланма ва дарсликлар яратилди. Шу давр мобайнида 300 га яқин янги турдаги таълим муассасалари очилди. Олий ўқув юртлари қошида 46 та лицей ташкил этилди. 800 га яқин ўқувчи чет элларда таълим олди, кўпгина ўқитувчилар хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш мақсадида чет давлатларга бориб қайтди”. (Баркамол авлод орзуси. 10-бет). Шулар билан бирга олий мактаб соҳасида тест усули жорий этилиши, вилоятлар марказидаги педагогика институтларнинг университетларга айлантирилиши, 200 дан ортиқ чет эл мутахассисларининг Республикамиз ўқув муассасаларида бўлиши ва таълим беришлари мақсадга мувофиқ амалга оширилди. Мамлакатимизда Давлат ва жамият қурилиш академияси, Банк-молия академияларини ташкил этилиши айни муддао бўлди.

“Маҳалла”, “Камолот”, “Соғлом авлод учун”, “Нуроний”, “Улуғбек”, “Истеъдод” жамғармаларини таълим-тарбия соҳасидаги эзгу ишларини, ўсиб келаётган авлодни жисмонан соғлом ва маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашга қўшаётган ҳиссалари ҳақида гапириб ўтдилар.

Юқоридаги ижобий ишлар билан бирга, масаланинг иккинчи томонига салбий ёндашиш кераклиги ҳақида ҳам

мулоҳа-залар билдирди, яъни “Аввало шунини таъкидлашимиз керакки, биз эски шўролар замонидан қолган таълим-тарбия тизимига хос мафкуравий қарашдан ва сарқитлардан ҳам тўлиқ қутилганимиз йўқ...

Очиқ тан олиш керак: мактабларнинг моддий базаси жуда ночор. Бу масалада нақадар оқсоқлигимизни, ночорлигимизни, биринчи навбатда, қишлоқ жойлардаги аҳвол-вазият мисолида очиқ тан олишимиз керак.

Иккинчи масала, аввал айтганимиздек, тарбиячи, яъни ўқитувчига бориб тақалаяпти.

Тарбиячиларнинг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг маълумотини, малакасини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз.

Менинг фикримча, таълим-тарбия тизимини ўзгартиришдаги асосий муаммо ҳам мана шу ерда. Ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин, деб талаб қиламиз. Аммо замонавий билим бериш учун, аввало мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак”.

И.Каримов ўз фикр мулоҳазаларини давом этар экан, яна бир муҳим масала олий ўқув юртлиги ислоҳотидир.

“Бугунги олий таълим олиш тизимининг заиф томонларидан бири олий ўқув юртлигида тайёрланаётган талабаларни олдиндан аниқланган фан ва техника, иқтисодиёт, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларнинг эҳтиёжига, бир сўз билан айтганда, ҳаёт талабларига қараб ташкил қилмаганимиз, деб биламан.

Шунинг учун ҳам олий ўқув юртлиги ислоҳотларини амалга ошираётганда мана шу ҳолатдан чиқаётган баъзи бир нуқсон-ларга алоҳида эътибор беришимиз керак.

Биринчидан, олий ўқув юртини ислоҳиятини амалга ошираётганда қандай талабларга жавоб беришини аниқлаб олишимиз лозим.

Иккинчидан, билимга чанқоқ, билим олишни ўзининг олий мақсади қилиб қўйган истеъдодли болаларни топиш, танлаш, қабул қилишда объектив адолатли тизим ва тартиб ўрнатиш, улар етарли маълумот олиш барча замонавий имкониятларни яратиб беришимиз керак.

Учинчидан, олий ўқув юртлигида қандай ва неча хил мутахассислик бўйича таълим берилиши лозимлигини белгилаб олишимиз керак.

Шу жумладан, ҳозир тайёрланаётган 90-100 тага яқин мутахассисликдан қайси бири керак-у қайси бири керак эмаслигини ва янги замон талаб қилаётган янги мутахассисликларни аниқлаб олишимиз лозим.

Тўртинчи масала. Замон талабига мос мутахассис тайёрламоқчи эканмиз, биринчи навбатда ўқув юртларимизнинг шакли, қиёфаси ва таркиби, моддий баъзаси ҳам замонавий бўлиши шарт.

Бешинчи масала, ўқув дастур ва программаларини замонавий талабларга мослаштириб, истиқбол ва келажагимизни кўзлаган ҳолда тузиб олишимиз ва жорий этишимиз зарур”.

Ушбу фикрлар билан бирга И.Каримов олий ўқув юртлари домлаларини амалий тажрибалар орттириши учун чет элларга чиқариш, улар олган тажрибалари Ўзбекистон таълим жараёнига татбиқ қилиш масалалари ҳақида ҳам фикр юритди.

Энг асосийси таълим жараёни ислоҳоти босқичлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Таълим ислоҳотининг биринчи босқичи - ўтиш даври бўлиб, у 1997-2001 йилларни ўз ичига олишлари, иккинчи босқичи 2001-2005 йилларни ўз ичига олишлари ва бунда миллий дастур тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш, учинчи босқич 2005 ва кейинги йилларга мўлжалланган бўлиб, унда тўпланган тажрибаларни таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида кадрлар тайёрлаш тизимини такоминлаштириш ва янада ривожлантирилишини таъкидлади. Шулар қатори И.Каримов Ўзбекистон Республикасида жорий этилаётган узлуксиз таълим-нинг аҳамияти, мактабгача тарбия, бошланғич таълим, умумий таълим ва мактабдан ташқари таълим, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим кадрларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш масалаларини муҳим хусусиятлари ҳақида ўз фикрларини билдирди.

Президентимиз И.Каримов “Тафаккур” журналининг Бош муҳарририга берган интервьюсида қуйидагиларни таъкидлаган эди.

“Таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади.

Ўзини кадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз”.

“Таълимнинг янги модели жамиятимизнинг потенциал кучларини рўёбга чиқаришда жуда катта аҳамият касб этади. Ҳар қандай инсонда интеллектуал салоҳият мавжуд. Агар шу

ички қувватнинг тўлиқ юзага чиқиши учун зарур бўлган барча шарт-шароит яратилса, тафаккур ҳар хил қотиб қолган эски тушунча ва ақидалардан халос бўлади”.

Юқоридаги фикр, мулоҳазалардан келиб чиқиб қуйидагича фикримизни хулоса қилсак бўлади.

1. Республика Президенти И.Каримов асарлари келажак авлодни баркамол етук қилиб тарбиялашда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

2. Асарларнинг барчаси ижтимоий-иқтисодий характерга эга эканлиги билан ажралиб туради.

3. Барча берилаётган иқтисодий ижтимоий қарашлар замирида иқтисодий билим, кўникма ётади.

4. Асарлар китобхонни иқтисодий изланишга, иқтисодий мушоҳада юритишга чорлайди ва шуни негизда иқтисодий билимини юксалиб боришга замин яратади.

5. Асарларнинг, нутқларнинг барчасида Ўзбекистонимизнинг бугуни, эртаси ва келажаги намоён бўлади.

Юқоридаги хулосалардан келиб чиқиб, шуни айтиш керакки, ҳар бир инсоннинг хоҳ у иқтисодчи, хоҳ хизматчи, хоҳ раҳбар, хоҳ у мутахассис, хоҳ ўқувчи-ю, хоҳ ўқитувчи, хоҳ талаба, хоҳ доктор хуллас, барча касб эгаларининг ишчи столида Мустақил Республикаимизнинг биринчи Президенти И.Каримов асослари бўлишлиги шарт. Зеро уларда Ўзбекистонимиз келажак-гини кўришимиз мумкин.

Қисқа хулосалар

1-хулоса. И.А.Каримов асарларида иқтисодий тушунчалар ва иқтисодий билимларнинг ёритилиши. Ўзбекистон Республикасида рўй бераётган ислохотлар тобора қулоч ёймоқда. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, шунингдек ёш авлод таълим-тарбиясида ҳам кескин ўзгаришлар ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Маънавиятимизни қайта тиклаш, янада бойитиш борасида умумхалқ кураши бошланди.

Ўзбекистон ёшларимизни тарбиялаш учун биринчи галда Шарқ алломаларининг дуру-гавҳарга тенг маънавий меросларини ўрганишда дастур бўлиб хизмат қилмоқда. Абу Наср Фаробий, Исмоил Ал-Бухорий, Абу Райҳон Беруний, Абу али Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Фирдавсий, Амир Темур, Алишер Навоий, З.М.Бобур, Мирзо Улуғбек, Юсуф Хос Ҳожиб, каби жаҳонга таниқли ақл-заковат

соҳибларининг ижтимоий-сиёсий фалсафий таълимотлари ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда муҳим қўлланмадир.

Шу билан бирга И.Каримов асарларида ҳам ҳар томонлама етук, баркамол авлодни тарбиялашда, уларни иқтисодий билимларини оширишда асқотмоқда. Жумладан, И.Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”, “Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли”, “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида”, “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”, “Ўзбекистон буюк келажак сари” асарлари келажак авлодни иқтисодий саводхон-лигини оширишда муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

2-хулоса. “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида” номли асаридан олинган қуйидаги лавҳани айтиш мақсадга мувофиқ. Унда иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг ҳозирги босқичда эришишимиз лозим бўлган мезонлар кўрсатилган. Бунда иқтисодий термин ва тушунчаларни моҳият-мазмунини, амал қилиш механизмини англаб ётгани ҳолда, иқтисодий мушоҳада юритишга имкон яратади:

- устувор тармоқларда ишлаб чиқаришни юксалтириш учун қулай шароитларни яратиш;

- давлат бюджети ва корхоналар молиявий аҳволининг барқарорлигини мумкин бўлган доирада таъминлаш; пулнинг қадрсизланишини жиловлаш;

- тўлов баланси ва давлат резервларининг ҳолатини яхшилаш. Ижтимоий аҳволни барқарорлаштириш учун кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, аҳолининг турмуш даражасининг мумкин қадар барқарорлигини сақлаш”.

3-хулоса. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида иқтисодий масалалар ёритилиши билан бир қаторда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги воқеа-ҳодисалар ҳам ўз ифодасини топади. Асарнинг жуғрофий-стратегик имкониятлар ва табиий хом-ашё ресурслари нуқтида республиканинг иқтисодий салоҳиятлари ниҳоятда кучлилиги иқтисодий тушунчалар, иқтисодий билимлар берилган. Ўзбекистонда машҳур Менделеев даврий системасининг деярли барча элементлари мавжуд. ғоят муҳим стратегик манбалар - нефть ва газ конденсати, табиий газ бўйича 155 та истиқболли

кон, қимматбаҳо металллар бўйича - 40 дан ортиқ, рангли, нодир ва радиактив металллар бўйича - 40, кончилик-кимё хом ашёси бўйича 15 та кон қидириб топилган. Ўзбекистон дунёдаги жуда катта олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо ҳамда ер бағрида кам учрайдиган металллар захираларига эга бўлган давлат.

Хулоса қилиб айтганда И.Каримов асарларида иқтисодий масалалар, иқтисодий билимлар, иқтисодий жараёнларнинг моҳияти, мазмуни, уларни амалга ошириш йўллари батафсил ва тушунарли ёритилганки, кишиларни иқтисодий тафаккурини юксалишига хизмат қилади.

4-хулоса. И.Каримовнинг “Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” асарида иқтисодий тарбияга оид қарашлари. Мазкур асарда иқтисодиётни сиёсатдан устуворлиги, давлат бош ислоҳотчи эканлиги, қонунларнинг устуворлиги, аҳолини кучли ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, ниҳоят, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш зарурати тамойилларини моҳияти, мазмуни ва уларни амал қилиш механизминини таъминланишини назарий ва амалий асослари асарда ўз аксини топган.

Асарнинг якунловчи қисмида иқтисодий ислоҳотларнинг асосий устувор йўналишлари атрофлича ифода этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида (1997 й. 29.08) “Таълим тўғрисида” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши мамлакатда амалга оширилаётган демократик ва иқтисодий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимини кенг кўламда ислоҳ қилишнинг ибтидоси бўлди.

“Маҳалла”, “Камолот”, “Соғлом авлод учун”, “Нуроний”, “Улуғбек”, “Истеъдод” жамғармаларини таълим-тарбия соҳаси-даги эзгу ишларини, ўсиб келаётган авлодни жисмонан соғлом ва маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашга кўшаётган ҳиссалари ҳақида И.Каримов таъкидлаб ўтди.

5-хулоса. Таълим жараёнларини ислоҳ қилишда И.Каримовнинг мулоҳазалари. И.Каримов «...Аввало шуни таъкидлашимиз керакки, биз эски шўролар замонидан қолган таълим-тарбия тизимига хос мафкуравий қарашдан ва сарқитлардан ҳам тўлиқ қутилганимиз йўқ... Очиқ тан олиш керак: мактабларнинг моддий базаси жуда ночор. Бу масалада нақадар оқсоқлигимизни, ночорлигимизни, биринчи навбатда, қишлоқ жойлардаги аҳвол-вазият мисолида очиқ тан

олишимиз керак... Менимча, таълим-тарбия тизимини ўзгартиришдаги асосий муаммо ҳам мана шу ерда... замонавий билим бериш учун, аввало мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак". И.Каримов ўз фикр мулоҳазаларини давом этар экан, яна бир муҳим масала олий ўқув юртлари ислоҳотидир. "Бугунги олий таълим олиш тизимининг заиф томонларидан бири олий ўқув юртларида тайёрланаётган талабаларни олдиндан аниқланган фан ва техника, иқтисодиёт, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларнинг эҳтиёжига, бир сўз билан айтганда, ҳаёт талабларига қараб ташкил қилмаганимиз, деб биламан.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир инсоннинг ким бўлишидан қатъий назар, ўқитувчими ё талабамми, хуллас барча касб эгаларининг И.Каримов асарлари пухта ўрганилиши шарт.

Таянч иборалар

Мустақиллик, Ўзбекистоннинг миллий ривожланиш модели, иқтисодий ислоҳотлар, маънавият, миллий ғоя, маърифат, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, инвестициялар, хорижий инвестициялар, иқтисодий қарашлар, тарбия масалалари, иқтисодий имкониятлар, хавфсизликка таҳдид, уруш ва тинчлик муаммолари, диний ақидапарастлик, комил инсон.

Назорат саволлари

1. Иқтисодий масалаларга оид И.Каримов асарларини санаб кўрсатинг.
2. Иқтисодий таълимда И.Каримов асарларидан фойдаланиш методларини кўрсатинг.
3. Иқтисодий таълимини ташкил этиш турларини сўзланг.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. "Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли". Тошкент, "Ўзбекистон" - 1992 й.
2. Каримов И.А. "Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли". Т. "Ўзбекистон" - 1993 й.
3. Каримов И.А. "Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида". Т. "Ўзбекистон" - 1995 й.

4. Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. Т. “Ўзбекистон” - 1997й.

5. Каримов И.А. “Ўзбекистон бузук келажак сари”. Т. “Ўзбекистон” - 1998й.

6. Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги маъруза 1999 й. 14 апрел. “Ўзбекистон” - 1999.

7. Каримов И.А. “Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз” Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маъруза 2000 й. 22 январ. Т.; “Ўзбекистон” - 2000.

8. Қодиров Б. “Таълим тизимидаги ислохотлар мақсад ва йўналишлар”. Т. “Ўзбекистон” - 1999 й.

9. Экономическая теория / под ред. акад. Видяпина В.Д., акад. Журавлевой Г.И., акад. Гулямова С.С. акад. Шарифходжаева М.Ш., акад. Абдурахманова К.Х. - Т.: 1999.

10. Психология и педагогика: Учеб. пособ. / Составитель и отв. редактор А.А.Радугин. - М.: Центр, 2003.

11. Слостенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. - 4-е изд. - М.: Школа-Пресса, 2004.

12. Слостенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. для студ. пед. учеб. завед. / В.А.Слостенин, И.Ф. Исаев, А.И.Мищенко, Е.Н.Шоенов. - М.: Школьная Пресса, 2004.

19. РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРДА ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ

19.1. АҚШда таълим тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

19.2. Японияда таълим тизими ва унинг шаклланиши.

19.3. Францияда таълим тизими ва унинг ўзига хос жиҳатлари.

19.4. Германияда таълим тизими ва унинг ривожланиши.

19.1. АҚШда таълим тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Америкада болалар тарбияси билан уч ёшгача оналар шуғулланади, лекин уларга давлат томонидан ҳеч қандай имтиёзлар берилмаган. Уч ёшдан беш ёшга қадар болалар давлат ёки хусусий болалар боғчаларида тарбия оладилар, аммо, америкада болалар боғчалари кичик бўлиб, бу тизим етарли ривожланмаган. Шунинг учун америка оилалари кўпинча болалар тарбияси учун энага ёллайдилар. Энага бир ҳафтада 200 доллар иш ҳақи олади.

Умуман АҚШдаги оилалар болаларини ёшликданоқ мустақил ҳаётга тайёрлайди, яъни болалик чоғидан бошлаб меҳнатга ўргатадилар. Шу ўринда америкалик бир оиладаги бола тарбиясига оид бўлган воқеани эслатиб ўтиш ўринли бўлади.

Нью-Йорк профессори ва унинг рафиқаси ҳамда қизи иккинчи синф ўқувчиси бўлади, яъни оила аъзолари уч кишидан иборат. Оилада уч хизматкорлар: бир эркак ва икки нафар аёл киши бор. Эркак хизматкор асосан хўжалик ишларини бажаради: машиналарга қарайди ва бошқалар. Бир хизматкор аёл фақат уй хоналарини тоза ва озодалиги ҳамда кир ювиш ишлари билан машғул бўлади. Иккинчи хизматкор аёл эса озиқ-овқатлар харид қилиш ва тайёрлаш, пишириш каби юмушлар билан банд бўлади.

Бу оилага собиқ Советлар даврида, аниқроғи М.Горбачёв ҳукумат бошлиғи бўлган пайтларда Москвалик муаллиф дўсти Георгий Михайлович Лаппо АҚШга олти ойлик сафарга йўлланма орқали борганда бўлган воқеа ҳақида: Г.Лаппо Нью-Йорк профессорининг хонадонида бирга яшаб, илмий ижод билан шуғулланади. Г.Лаппо ҳикояси: “Менинг Америкага илк бор ташрифим эди. Ҳар куни профессорнинг хотини

нонуштадан сўнг хайрлашиб, ишга кетар эди. Бу оилдаги ягона фарзанди - қизи мактабдан қайтиб, Нью-Йорк вақти билан роппа-роса 12⁰⁰ да оила аъзолари тушликка йиғилишар эдилар. Тушлик 43 минут давом этарди. Тушликни америка турмуш тарзига кўра, олдин тугаллаши мумкин, лекин ҳеч қачон кеч тугатмаслик шарт эди... Иккинчи синф ўқувчиси - қизалоқ саккиз яшар, мактаб кийимларини, "ишчи" кийимларга алмаштириб, отаси билан хайрлашиб, мен хизматимга кетдим, деб уйдан чиқиб кетарди". Г.Лаппо айтади: "Орадан бир ҳафталар ўтгандан сўнг, хайрон бўлиб, сўрашга ийманар эдим. Кунлардан бирида тушликдан сўнг, ҳамма ўз юмушларига отландилар. Сўнгра қизча ҳам одатдагидек "ишга" кетди. Профессор хотини катта бизнесмен экан, у ҳам ишга жўнайди". Хуллас, она-болалар уйдан чиқиб кетганларидан сўнг, бироз вақт ўтгач Г.Лаппо профессорга ўз саволи билан мурожаат қилади: "Узр, жаноб профессор, бу қизингиз нима иш қилади, қаерга борали?", - деб сўрайди. Шунда профессор самимий кулиб туриб қуйидаги жавобни айтди: "Сиз Совет профессорисиз, яъни Ленин ватанидан ташриф буюрдингиз. Биз америкаликлар Ленин гоёларини ўқиб, ўзимизга керакли бўлганларидан фойдаланамиз. Афсуски, сиз Ленин ватанидан бўла туриб, ундан тегишли хулосалар чиқармаганга ўхшайсизлар", - деб жавоб беради ва бироздан сўнг китоб жавонидан Ленин асарларининг бир томини олиб: "Мана жаноб Лаппо, Лениннинг сўзи: "Нам русским мужикам нехватает американская деловитость и немецкий точность", яъни немисларча вақтни қадрлаш", - деб Лениннинг асарлар томини ёлар экан, у ўз сўзида давом этиб: "Жаноб профессор. Биз америкаликлар Ленин гоёларини таҳлил этиб, керагича фойдаландик", - дейди. Сўнгра Г.Лаппони балкон олдига етаклаб, кўчага нигоҳ ташлаб: "Хув, анави кўринган баланд иморат ёнидаги иккинчи иморатнинг 39-қаватида менинг қизим энагалик қилади, яъни ўша уйда янги чақалоққа қарайди. Нью-Йорк вақти билан 13⁰⁰ дан 18⁰⁰ га қадар чақалоқни ўйнатиб, унга энагалик қилади", - деб, мағрур жавоб беради ва стол тортмасидан унинг омонат дафтарчасини олиб кўрсатади. "Мана менинг қизим ҳафтада олти кун энагалик қилиб, соатига олти доллардан олади, кунига мактабдан сўнг 30 доллар оила бюджетига маблағ туширади", - дейди, мақрур ҳолатда кулиб.

Шундан сўнг АҚШ профессори сўзида давом этиб: “Жаноб Лаппо. Менинг рафиқам катта бизнесмен, у топган бойлик юзта болани боқиш, кийинтириш, ўқитишга қурби бемалол етади. Мени кўяверинг, профессор сифатида, ўзингиз биласиз, тушунасиз...”, - деб жавоб берди у...

Бир шанба куни профессор шаҳар атрофига саёҳатга боришимизни айтди ва хизматкорига: “Жаноб Лаппога “Форд” машинасини тайёрлашни, мен ўзимни машинада бўламан”, - деб айтди. “Мен ҳайрон қолдим”, - дейди Г.Лаппо. “Чунки, Совет профессори бўлсам ҳам, инглиз тилини яхши билишимга қарамай, машинам йўқ. Башарти, олишга зарурат туғилса, бунга бюджет камлиги ғов бўларди, уни ҳам амаллаш мумкин. Бошқа муаммо, машинани қўйишга жой - гаражим йўқ! Москвада бу катта муаммо эди”. Лаппо Москвадаги Вернадский проспектидаги коммунал уйнинг 8-қаватида истиқомат қилар эди. Лаппо оиласида ҳам америка оиласидегидек эру-хотин ва 11-синф ўқувчиси - қизи бор эди холос. Қисқаси энага ёллаш бир ҳафтада 200 долларга тушади. Америка боғчаларида ягона бирон дастур мавжуд эмас.

Керакли ҳамма жиҳозлар ва кунлик озиқ-овқатларни оналарининг ўзи олиб келади. 5 ёшдан бўлса “Киндер гарден” деб аталувчи тайёрлов муассасаларида таълим бошланади.

Бошланғич таълим олти ёшдан то 13-15 ёшгача бўлган болаларни қамраб олади. Бу бошланғич мактабларда умумий саводхонлик ва касбга йўналтириш вазифалари ҳал этилади. Синфдан-синфга ўтиш ўқувчининг ўзлаштирганлик даражасига боғлиқ. Бошланғич таълим турли штатларда турлича белгиланган (4, 5, 6, 8 йил ва ҳоказо). Мактабларда турли хил тўғараклар, учрашувлар, шоулар ва саёҳатлар уюштирилади, аммо уларнинг ҳаммасига ҳақ тўлаш лозим. Ўрта мактаблар эса қуйи ва юқори босқичлардан иборатдир. 9-синфни битирган болалар танлов асосида ўрта мактабга қабул қилинади. **Ўрта мактабларда** бўлса, асосан тўрт йўналиш бўйича касб-ҳунар асослари ўқитилади:

1. Қишлоқ хўжалик мутахассисликлари бўйича таълим берилса;
2. Бизнес ишлари таълими ўргатилади;
3. Саноат ва савдо йўналиши таълими ўқитилади;
4. Қурилиш ишлари бўйича таълим берилади.

Олий таълим тўрт асосий босқичда амалга оширилади...

1. Кичик мутахассислар икки йиллик коллежларда ўқитилади.

2. Бакалавр бўлса, тўрт йиллик коллежларда таҳсил оладилар. Тўрт йиллик коллеж ёки дорилфунунни тугатгач, учинчи босқични давом эттиришлари мумкин - бу эса 1-2 йиллик магистр мактаби бўлади.

4-босқич аспирантура ва докторантурадир.

АҚШ мактабларида таълим телевиденияси, электрон тил ўрганиш лабораторияси, видеоаппаратура, компьютер ва бошқа-ларни қўллаш яхши йўлга қўйилгани билан эътиборлидир. Мактаблар америкада таътил вақтларида ҳам ишлаб турадилар. Турли-туман тўгараклар, қайта тайёрлаш ишлаб туради. Турли-туман тўгараклар, қайта тайёрлаш ишлари олиб борилади.

Олий таълим ўқув юртларида икки йўналиш мавжуд:

1. Таълимни индивидуаллаштириш бўлса,

2. Талабанинг мустақил ишларини амалга ошириш учун хизмат қилади.

Ўқувчи йўналтирувчи рол ўйнайди. Бундан асосий мақсад талаба интеллектини машқ қилдириш, мантиқий фикрлашга ўргатишдан иборатдир. Б.Клинтон маъмурияти томонидан қабул қилинган "2000 йилда Америка таълим стратегияси" дастури эълон қилинди. Унда аҳолининг 90 фоизини олий маълумотли бўлиши, асосий фанлар бўйича билимларининг чуқур бўлиши ва замон талаби даражасида мутахассис бўлиши назарда тутилган.

АҚШ олий ўқув юртларида илмий изланишлар олиб бориш бўйича жаҳон мамлакатлари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бу мамлакатларда илмий изланишлар учун ажратилган маблағнинг 48 фоизини давлат томонидан, 50 фоизини эса фирма ва концернлардан ундирилади. Фақат 2 фоизини олий ўқув юртларининг маблағлари ташкил этади, холос. Ишлаб чиқариш корхоналари дорилфунунлар билан шартнома асосида ҳамкорлик қиладилар. 70 фоиз дорилфунунлар ўқитувчилари турли фирмаларда маслаҳатчи-тадқиқотчи бўлиб ишлайдилар (Ишлаб чиқариш корхоналарининг илмий лабораториялари билан ҳамкорликда олиб борилади).

Ўқитувчи кадрларни тайёрлаш 4-5 йилга мўлжалланган дастур асосида амалга оширилади, сўнгра 4-6 ой амалиётда тажриба ўтказилади.

Таълимнинг ҳаддан зиёд демократлаштирилиши талабаларнинг билимини пухталигини текшириш ва назорат қилишда қийинчиликлар туғдиради. Шундай бўлишига қарамай, ана шу

бой моддий базага ва тажрибага эга бўлган Америка давлатида бутунлай саводсиз бўлган болалар борлиги ҳам маълум.

19.2. Японияда таълим тизими ва унинг шаклланиши

Японияда таълим тизимининг шаклланиши 1867-1868 йилларда бошланган. Япония ўз олдига икки вазифани қўяди: биринчиси, бойиш ва иккинчиси, ғарб мамлакатлари технологиясини Япония ишлаб чиқаришига жорий этиш ва бу ишни амалга ошириш учун биринчи гада таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш, ўзгартириш зарурлигини таъкидлайди.

1872 йилда “Таълим ҳақида” фонун қабул қилинган. Бунда Япония таълим тизими ғарб мамлакатлари таълим тизими билан уйғунлаштирилди. 1908 йилга келиб, Японияда бошланғич таълим мажбурий олти йилликка айлантирилди. 1893 йилда касбий йўналишдаги дастлабки коллежлар пайдо бўлади.

1946 йилда қабул қилинган Конституция фуқароларнинг таълим соҳасидаги ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб берди. Унда барча болалар бепул умумий таълим олишлари шарт эканлиги назарда тутилгандир.

Ҳозирги замон Япония таълим тизимларининг таркиби қуйидагича: болалар боқчалари, бошланғич мактаблар, кичик ва ўрта мактаблар, юқори ўрта мактаблар, олий таълим тизимларига кирувчи ўқув юртлари. Болалар ёши ва хусусиятларига қараб 3, 2, 1 йиллик таълим курсларига жалб қилинади. Японияда мактабгача таълим муассасаларининг қарийб 60 фоизи (59,9 %) хусусий ҳисобланиб, 40,8 фоизи муниципал бўлиб, қолган 0,3 фоизгина давлатникидир.

Японияда мажбурий таълим. Таълим тизимининг бу босқичи 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларни ўз ичига олади. Олти йиллик бошланғич таълим ва уч йиллик кичик ўрта мактаб, тўққиз йиллик мажбурий таълимни ташкил этади ва у бепулдир. Текин дарсликлар билан таъминланган. Муҳожир оилаларнинг болалари бепул нонушта, ўқув қуроллари, тиббий хизмат билан таъминланган. Зарур бўлган тақдирда уларнинг оилаларига моддий ёрдам ҳам кўрсатилади. Шу билан бирга хусусий мактаблар ҳам фаолият кўрсатади.

Юқори босқич ўрта мактаб 10, 11, 12 йиллик синфларни ўз ичига олади. Бундай мактабларнинг кундузги, кечки ва сиртқи

бўлимлари мавжуд. Ўқувчиларнинг асосий қисми - 95 фоизи кундузги мактабларда ўқиб, таълим оладилар.

Японияда ўқув йили 240 кун, АҚШда - 180 кун. Ўқув йили 1-апрелдан бошланади. Ёзги таътил июнь ойининг охиридан бошланиб, август ойида тугайди. Дарслар ҳар куни 7 соатдан ўтилади.

Университетларга катта ўрта мактабни ёки 12 йиллик оддий мактабни тутатган ўқувчилар қабул қилинади. Японияда 460 та университет фаолият кўрсатиб, улардан 95 таси давлат тасарру-фида бўлса, 34 таси муниципал ва 331 таси эса хусусий университетлардир.

1-тоифадаги университетларда ҳар бир ўқитувчига саккиз нафар талаба тўғри келса, 2-тоифали университетларда эса 20 нафар талаба тўғри келади.

Университетларга қабул қилиш икки босқичга бўлинади: 1-босқичи, турар жойларда ўтказилади, бунинг учун Япон, эски Япон тили, математика, физика, химия, жамиятшунослик, тарих фанлари бўйича тест синовлари ўтказилади. Бу синовлардан ўтган ўқувчилар университетларга йўлланма оладилар ва яна синовдан ўтадилар.

Хусусий университетларда эса тўғридан-тўғри тест синовлари топширадилар. У ерда қатор хусусий университетлар ўзларининг узлуксиз шаҳобчаларига эга (Болалар боғчасидан бошлаб, ҳамма босқичларни қамраб олган). Университетлардан талабаларни ҳайдаб юбориш мумкин эмас. Лекин, ўқиш муддатини чўзишлари мумкин (Тўрт йиллик ўқиш муддати беш-олти йилгача чўзилиб кетиши ҳам мумкин). Коллежлар: 1-кичик коллеж, техник коллеж ва махсус коллежларга бўлинади. Уларни тутатган талабалар бакалавр дипломини олади ва университетларнинг 2 ёки 3-курсларига қабул қилинади.

19.3. Францияда таълим тизими ва унинг ўзига хос жиҳатлари

Франция давлати жаҳондаги иқтисодий ва интеллектуал ривожланган мамлакатлар орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Унинг таълим-тарбия тизимлари ҳам қадимий ва бой тарихга эгадир. Бу мамлакатда "Таълим ҳақида" ги Қонун даставвал 1955 йилда қабул қилиниб, 1975 йилда унга бир қатор ўзгаришлар киритилиши билан таълим тизимининг ислоҳи ўтказилди.

Франция давлатининг ҳозирги даврда амал қилаётган “Таълим ҳақида” ги Қонуни 1989 йил 10 июлда қабул қилиниб, унинг ўзгартирилишига таълим стратегиясида рўй берган ўзгаришлар, мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатидаги ислохотлар, юзага келган иқтисодий шароитлар, чет эл педагогикасидаги илғор тажрибаларнинг мамлакат таълим тизимларига кириб келиши, ўқув фанларининг уйғунлашуви ва бошқалар сабаб бўлди.

Франция давлатида таълим тизимининг камол топтиришини таъминлаш, уни мустақил ва мустаҳкам фаолиятга тайёрлаш, бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида ўқувчиларни тадбиркорликка, ишбилармонлик ва омилкорликка, умуман муаммоли ҳаётга тайёрлашга ўргатиш, шунга яраша касб-ҳунарга эга қилишдан иборатдир.

Бу ерда: давлат мактаблари, хусусий мактаблар ва оралиқ мактаблар мавжуд. Ўқитиладиган фанлар ичида француз тили ва адабиёти, ўқиш ва ёзиш алоҳида аҳамиятга молик. Улар учун дарс вақтининг 30 фоизи ажратилади. Ўртача ҳафталик соатлар 26 соатдан иборат, дарснинг давомийлиги эса 60 дақиқадир. Ўқув йили 5 чоракка бўлинади.

Франция мактабларида бошланғич синфларда ўқиш эрталабки ва тушдан кейинги қисмларга бўлинади. Эрталаб ўқувчилар она тилидан, тушдан сўнг эса математика ва бошқа фанлардан сабоқ оладилар. Математика, она тили ва адабиёт асосий фанлар бўлса, тарих, география, меҳнат, жисмоний тарбия фанлари эса - ривожлантирувчи фанлар ҳисобланди.

Франция таълим тизимида болаларнинг гўдаклик чоқиданоқ мактабда ўқитиш учун тайёр ҳолда олиб келиш ғоят муҳим масаладир. Бу гуруҳ 2-4 ёш, ўрта гуруҳ 4-5 ёш, катта гуруҳ 5-6 ёш. Беш ва олти ёшлилар мактабга тайёрлов гуруҳи бўлиб, уларга Францияда шу ёшдаги болаларнинг 100 фоизини қамраб олинган. Болаларни мактабга тайёрлаш учун алоҳида дастур ва дарсликлар мавжуд.

Францияда бошланғич таълим мактабларига 6 ёшдан 11 ёшгача бўлган болалар жалб қилинади. Бошланғич мактаб бепул ва мажбурийдир. Унинг вазифаси ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш малакасини беришдир. Ўқув машғулоти эрталаб соат 9⁰⁰ дан 12⁰⁰ гача ҳамда соат 14⁰⁰ дан 16⁰⁰ гача 5 соат давом этади. Мактабда овқатланиш пуллик, лекин жуда арзонлаштирилган нархларда ташкил этилган. Бошланғич синфларда ўқиш уч босқичда амалга оширилади:

1. Тайёрлов босқичи.
2. Элементар курс (бу босқич икки йил давом этади).
3. Чуқурлаштирилган босқич.

Дастурларда ўқув фанларининг барчасига уч босқич бўйича аниқ, алоҳида-алоҳида талаблар қўйилади.

1990 йилдаги француз ҳукумати қарорига биноан, болалар билими ва қобилиятига қараб дарс жадвалини табақалаштирилган ҳолда тузиш ҳуқуқи берилди. Ўқувчилар 11 ёшда бошланғич мактабни тугатлаб, ўрта мактабга ўтади. Ўрта таълим эса коллежлар ва лицейларда амалга оширилади. Ўрта таълим икки босқичда ўқитилади. Биринчи босқич (11 ёшдан 15 ёшгача) 4 йил бўлиб, энг кичик синф 6-синф, 5, 4-ўрта синф бўлса, катта синф ҳисобланади. Демак, синфларни рақамлаш юқоридан пастга қараб амалга оширилади. 6-5 синфлар умумий ўрта таълим, 4-3 синфларда эса ўқувчиларнинг мойиллигига қараб билим берилади. Бу биринчи босқични тугатгач, ўқувчилар касбий ҳунар йўналишлари бўйича гувоҳнома оладилар. Сўнгра иккинчи босқич бошланади. Бу босқичда 15-18 ёшгача бўлган болалар таълим оладилар. Улар уч йил ўқиб, бакалавр унвони ва дипломи учун имтиҳон топширадилар. Ана шунда, диплом олган ўқувчиларгина олий ўқув юртларига қабул бўлиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Францияда талабалар педагогика, политехника иқтисодиёти, олий маъмурий мактабларга кириш учунгина имтиҳон топширадилар. Бундан ташқари, шу касбга мойиллиги ҳам алоҳида синаб кўрилади. Бошқа олийгоҳларга ва университетларга эса бакалавр дипломи бўлган ёшлар имтиҳонсиз қабул қилинади.

Олий таълим университетларда уч даврда амалга оширилади. Биринчи давр, умумий бўлиб, ўқиш муддати икки йил. Иккинчи даврда ўқиш бир йил давом этади. Талабалар уни магистр даражаси билан яқунлайдилар. Учинчи даврда ўқиш 1-2 йил бўлиб, бунда:

1. Бирон-бир фанни чуқурлаштириб ўрганилганлиги ҳақида диплом (1 йил).

2. Ихтисослаштирилган олий маълумот тўғрисида диплом (1 йил).

3. Давлат докторлик диссертацияси - бирор-бир соҳани мукамал ўрганиб, диссертация ёзиш каби ҳужжатлар олиш мумкин.

Францияда олий маълумот ва ихтисослик берувчи олий технологик институлар сони мингдан ортиқ. Учинчи даврда докторлик диссертацияси (2 йил) тайёрланади. Улар одатда саноят, маиший хизмат кўрсатиш, информатика мутахассисликларига ихтисослашган. Ўқиш муддати 2 йил бўлиб, 8 ҳафталик ишлаб чиқариш амалиётини ҳам назарда тутган.

Сиртқи таълим шаҳобчалари жуда кенг бўлиб, у 500 турдаги ўрта, олий профессионал маълумот беришни тавсия қилади. Францияда мактаб раҳбарлиги лавозимига эришиш учун таълимга раҳбарлик қилишдан сабоқ берувчи махсус марказларда ўқийдилар. Бундай марказларда улар раҳбарлик қилиш, мактаб иқтисодиётини бошқариш, таълимдаги юридик масалалар, қонунчилик, ота-оналар билан ишлаш, маданий оқартув ишларини ташкил этиш, жамоада яхши руҳий муҳитни барпо қилиш каби жиҳатларни ўрганадилар. Ўқишни яқунлагач суҳбатдан, тест имтиҳонларидан ўтадилар.

Директор дарс бермайди. Унинг иш фаолияти икки йил давомида диққат билан кузатиб турилади. Шу икки йил давомида мактаб директори истеъдодли ташкилотчи, етук раҳбар сифатида фаолият кўрсата олмаса, у бу лавозимдан олиб ташланади. Мактаб ўқитувчиларига қўйилган талаб Францияда ўта юқори. Айниқса, бошланғич мактабларда ўқитувчи ўз касбини устаси, ажойиб нотик, санъаткор, мусиқачи, спортчи, ташкилотчи, намунали ҳулк-атвор эгаси бўлмоғи лозим.

Ўқитувчилар ўз назарий-услубий малакаларини оширишга катта аҳамият берадилар. Малака ошириш курсларидан ўтиш учун аниқ муддат белгилаб қўйилмаган. Ўқитувчилар ўз ихтиёрлари билан тест марказларида имтиҳон топширадилар. Шу имтиҳонлар даврида ўқитувчи фаолиятида айрим нуқсонлар сезилиб, малака оширишга эҳтиёж аниқланса, ўз вақти ва мактаблари ҳисобига малака оширадилар.

2000 йилда Франция мактабларидаги аҳвол синчиклаб ўрганилиб, ўқувчиларнинг кўпчилиги дарсларга кирмай, бошқа ишлар билан машғул эканлиги аниқлангач, бу камчиликни тузатиш учун жиддий чоралар кўриломқда. Полицияни ушбу ишга жалб этиб, уларга дарс вақтида бошқа жойларда юрган болаларни тутиш, жарима солиш ва мактабга элтиб қўйиш юклатилган. Ўз фарзандини мактабга юбормаган ота-оналар эса суд ҳукми билан жазоланади. Унда ҳатто қамоқ жазоси ҳам белгилаб қўйилган. Чунки айнан дарсга қатнашмай юрган

болалар ўртасида гиёҳвандлик ва ҳуқуқларни бузиш каби ҳолатлар кўп учрайди.

Умуман Францияда таълим тизимини ривожлантириш учун катта маблағлар ажратилади.

19.4. Германияда таълим тизими ва унинг ривожланиши

Германияда мактабгача тарбия таълим тизимида муҳим босқич ҳисобланади. Унинг 100 йилдан ортиқ тарихи бор. Болалар боғалари таълимнинг қуйи босқичи ҳисоблансала, лекин у давлат таълим тизими таркибига кирмайди. Боғаларни маблағбилан таъминлаш турли жамоат ташкилотлари, хайрия бирлашмалари, корхоналар, хусусий шахслар, диний муассасалар зиммасидадир. Ота-оналар фарзандлари болалар боғаларида тарбияланганликлари учун боғчага анча миқдорда пул тўлайдилар. 3 ёшдан 6 ёшгача болаларнинг 80 фоизи боғаларга қатнамайди. Германияда одатда болалар боғчада тушгача тарбияланадилар. Куннинг иккинчи ярмида эса уйла, оилада тарбия оладилар. Германияда куни узайтирилган боғчалар ҳам бор.

Мажбурий таълим 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларга тааллуқли бўлиб, бу жараён 12 йил давом этади. Бундан ўқувчилар 9 йиллик (баъзи жойларда 10 йиллик) мактабда тўла ҳафталик ўқишни битиради, кейин ҳунар-техника билим юртида тўла бўлмаган ҳафталик ўқишда ўқийди. Ўқиш давлат мактабларида текин. Мактаб ўқувчиларига ўқув қўлланмаси, асосан дарсликлар текин берилади. Хусусий мактаблар озроқ. Ўқиш 6 ёшдан бошланиб, 4 йил давом этади (фақат Берлинда 6 йил). Бошланғич мактабдан сўнг ўқувчилар йўналиш босқичидаги мактабга ўтадилар. Бу ерда 5-6 синф босқичидаги йўналиш мактабларида махсус дастур асосида ўқийдилар. Сўнгра навбатдаги мактаб турига кўчадилар: булар асосий, махсус мактаб, аниқ билим юртларидир. Деярли 30 фоиз бола асосий мактабга ўтади. 10 йиллик ўқиш тугатилгандан сўнг, касбий тайёргарлик бошланади. Махсус мактабларда нуқсонга эга бўлган болалар ўқийди. Аниқ билим юртлари асосий мактаб ва юқори босқич мактаби ўртасида туради. Қоидага биноан, бу ерда ўқиш 6 йил давом этади. 5-10 синфларгача ва тўла-ўрта маълумот бериш билан тугалланади. Билим юртини тугатганлар махсус ўрта ўқув юртига ёки юқори босқичдаги ҳунар-техника мактабига кириб ўқиш ҳуқуқига эга.

Германияда гимназиялар ҳам мавжуд бўлиб, улар 5-13 синфларни ўз ичига олади. 11-13 синфлар олий ўқув юртларига тайёрлаш вазифасини ҳам бажаради. Гимназияни битирганлик ҳақидаги етуклик аттестати олий ўқув юртида ўқиш имконини беради.

Германия таълим тизимида ҳунар таълими муҳим аҳамиятга эга, чунки юқори малакали ишчиларга бўлган талаб юқоридир. Тўлиқсиз ўрта мактабни битирувчиларнинг (9-10 синфлар) 79 фоизи тўлиқ ўрта мактабни битирувчиларнинг эса 20 фоизи ҳунар таълими тизимида билим олишни давом эттиради. Аксарият ҳолларда ўқиш муддати 3-3,5 йилни ташкил этади. Ўқиш уч босқичдан иборат бўлиб, 1 йил асосий ҳунар таълими берилади. Бунга ўқитилаётган касбга тааллуқли махсус фанлардан назарий асослар берилиб, йирик корхоналарда амалий машғулотлар ўтказилади. 2 йил давомида махсус ҳунар таълими берилади. Ўқувчининг биринчи йилдан иккинчи йилга ўтиши учун синов имтиҳонлари ўтказилиб, ўқишни давом эттирувчи ёшлар танлаб олинади. Учинчи йил давомида имтиҳонлар махсус комиссия томонидан қабул қилинади. Комиссия аъзолари корхоналарнинг етакчи мутахассислари, федерал ерлардаги саноат палатаси, ҳунармандчилик палатаси вакилларидан ташкил топади. Ҳунар мактабларининг дипломлари олий ўқув юртларига кириш учун ҳуқуқ бермайди. Бунинг учун бир йиллик тайёрлов курсларини тугатиш талаб қилинади. Ўқишга қабул қилиш имтиҳонсиз, мактаб таълими тўғрисидаги ҳужжатга асосан амалга оширилади. Олий мактаб ўзини-ўзи бошқариш ҳуқуқига эга. Олий ўқув юртини штатдаги ректор ёки бир неча йилга сайланган президент бошқаради. Ўзини-ўзи бошқаришда вазифалари аниқ тақсимланиб берилган бир неча гуруҳларнинг босқичма-босқич иштироки таълимга амал қилинади. Унинг таркибига профессор-ўқитувчилар, ўқувчилар, илмий ходимлар ва бошқа ходимлар киради. Талабалар ўқиши эркин ташкил этилган. Кўп сонли ўқув босқичлари билан бирга ўқув режалари таклиф қилинади. Ўқишга ҳақ тўланмайди. Агар талаба ёки уларнинг ота-оналари озик-овқат харажатларини кўтара олмаса, ўқиш учун молиявий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги федерал қонунга биноан, улар молиявий ёрдам оладилар. Бу ёрдамнинг ярми стипендияга қўшиб берилса, иккинчи ярми қарз тариқасида берилади.

Мамлакатда таълимни ислоҳ қилиш масаласи кўпдан буён муҳокама қилинмоқда, бунда ўқув жараёнини қисқартириш

таклиф қилинмоқда. Ҳозир университетларда талабалар 5 йил ўқийди. Улар ўқишга киргунларига қадар, корхоналарда бир неча йил ишлашлари ёки бунда хизмат қилишларини ҳисобга олсак, талабалар меҳнат фаолиятларини анча кеч бошлаганлигини тушунамиз.

Германияда халқ университетлари мавжуд бўлиб, улар партия ва диндан ташқари муассаса ҳисобланади. Уларнинг кўпчилиги кечки бўлиб, фақат 1989 йилда университетда тўрт юз минг кишилик курслар ташкил қилинган ва бу курсларда 5,5 миллион тингловчи малака оширдилар. Давлат малака оширганларни рағбатлантиради ва бу мақсад учун ҳар йили 5,5 миллион марка маблағ ажратади. Малака ошириш курсларида ўқиш даврида тингловчиларга маблағ билан молиявий ёрдам берилади. Асосан ишсизлар ўз малакасини ошириш имкониятларидан кўпроқ фойдаланадилар ва шу билан бирга иш топишлари тезлашади. Ярим йил давомида малака оширган ишчиларнинг 75 фоизи иш билан таъминланади. Черковлар ҳам фуқаролар билим даражаларини оширишда фаол иштирок этади. Евангелия черкови ўзининг 15 та академиясида долзарб мавзулар бўйича конференциялар ташкил этади. Католиклар малака оширишда никоҳ, оила масалаларига, теология ва маданият соҳаларига катта аҳамият берадилар.

Олий ўқув юртларида тадқиқот билан шуғулланиш қадимий анъаналардан бири бўлиб ҳисобланади. Ўтган аср бошларида Вильгельм фон Гумбольд Прусс университетларини ислоҳ қилди, шундан бери "тадқиқот ва ўқитиш бирлиги" уларнинг ҳаётий тамойилларига айланиб қолган. Олий ўқув юртлари тадқиқотларининг асосий йўналиши асосан амалий тадқиқот бўлиб, уларга бошқа илмий текшириш институтлари, саноат лабораториялари яқиндан ёрдам беради. Германиянинг таълим тизими ўзига хос йўналишда ва жуда мураккаб тизимга эга. Шу билан бир қаторда ҳозирда Германия таълим тизимини ислоҳ қилиш йўлида янги изланишлар олиб боришмоқда.

Қисқа хулосалар

1-хулоса. АҚШ таълим тизими ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, унинг ижобий томонлари таълимнинг демократлаштирилганлиги, ўқувчи шахсига индивидуал ёндашишга катта эътибор қаратилишидир.

АҚШ олий ўқув юртларида илмий тадқиқот ишлари бўйича дунё мамлакатлари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Ишлаб чиқариш корхоналари университетлар билан шартнома асосида яқиндан ҳамкорлик қилади. 70 фоиз университет ўқитувчилари турли фирмаларда тадқиқотчи-маслаҳатчи бўлиб ишлайдилар (ишлаб чиқариш корхоналарининг илмий лабораториялари билан биргаликда). Америка таълим тизимида ёшлиқдан бошлаб болаларни мустақил ҳаётга ўргатади, меҳнаткаш бўлишига, пул топишга чорлайди. Иқтисодий тарбия қарор топади.

2-хулоса. Япония таълим тизимининг таркиби қуйидагича: боғчалар, бошланғич мактаб, кичик ўрта мактаб, юқори ўрта мактаб, олий таълим тизимлари. Мажбурий таълим 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларни ўз ичига олади, яъни олти йиллик бошланғич таълим ва уч йиллик кичик ўрта мактабдан ташкил топган. Япония мактабларида таълим ва тарбия бирлигига катта эътибор берилади. Ўқувчилар учун катта имкониятлар яратилган, зарур бўлса, баъзи ўқувчиларнинг оилаларига моддий ёрдам ҳам кўрсатилади. Университетлар икки тоифали бўлади ва уларга кириш ҳам икки босқичда амалга оширилади.

3-хулоса. Франция таълим тизимиغا эътибор катта. Бу ерда педагогика институти ва политехника институтига кириш учун имтиҳонлар топширилиши шарт, бошқа олийгоҳларга эса бакалавр дипломи бўлган ёшлар имтиҳонсиз қабул қилинади. Бундай ҳолат жамиятда олий маълумотли шахсларни кўп бўлишини таъмин этишга ёрдам беради. Мактаб раҳбарлари ҳам алоҳида танланади ва махсус марказларда ўқитилади. Мактаб ўқувчиларига ҳам қўйиладиган талаб Францияда ўта юқори. Улар нотик, мусиқачи, спортчи, ташкилотчи ва намунали хулқ-атвор эгаси бўлиши лозим. Франция таълим тизимида маънавий ривожига катта эътибор берилади.

4-хулоса. Германияда мактабгача тарбия тизими муҳим босқич ҳисобланади. Олий таълим ўзини-ўзи бошқариш ҳуқуқига эга. Бунда вазифалар аниқ белгилаб берилган бир неча гуруҳларнинг босқичма-босқич иштироки тамойилига амал қилинади. Бу гуруҳларнинг таркибига профессор-ўқитувчилар, ўқувчилар, илмий ходимлар ва бошқа ходимлар киради. Талабаларнинг ўқиши эркин ташкил этилган. Ўқишга ҳақ тўланмайди, муҳтож оилаларга моддий ёрдам кўрсатилади. Олий ўқув юртларида илмий-тадқиқот билан шуғулланиш анъанага айланган ва “тадқиқот - ўқитиш бирлиги” шиори

ҳаётий тамойилдир. Ҳозирда Германия таълим тизимида ҳам ислохотлар олиб борилмоқда.

Юқоридаги қисқача хулосалардан ҳисса шулки, ривожланган мамлакатларда иқтисодий тарбияга эътибор юқори ва кадрланиши билан таҳсинга сазовордир. Жаҳондаги барча юксалган мамлакатларда иқтисодий тарбияга аҳамият катта.

Таянч иборалар

АҚШда таълим тизими, давлат ёки хусусий болалар боғчалари, болалар тарбиячиси - энага, "Киндер гарден", мустақил ҳаёт, умумий саводхонлик ва касбга йўналтириш, бакалавр, коллеж, магистр, аспирантура, докторантура, Японияда таълим тизими, мажбурий бошланғич таълим, бепул умумий таълим олиш, Францияда таълим тизими, давлат мактаблари, хусусий мактаблар ва оралиқ мактаблар, тайёрлов босқичи, элементар курс, чуқурлаштирилган босқич, Германияда таълим тизими, хусусиятлари, жиҳатлари, олий таълим, техник таълим, ихтисослаштирилган олий таълим, ҳунар таълими, маблағ билан таъминлаш манбалари: турли жамоат ташкилотлари, хайрия бирлашмалари, корхоналар, хусусий шахслар, диний муассасалар, гимназия, ҳунар таълими, тўлиқсиз ўрта мактаб, тўлиқ ўрта мактаб.

Такрорлаш учун саволлар

1. Америкада таълим тизими ва унинг ўзига хослиги нималардан иборат?
2. Японияда таълим тизимининг шаклланиши ва ривожланиши қандай?
3. Францияда таълим тизимининг ўзига хос жиҳатларини сўзлаб беринг.
4. Германияда таълим тизимининг ривожланиши қандай?
5. Россияда таълим тизимининг ривожланишини айтиб беринг.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. - Т.: Шарқ, 1999.
2. Гайзберг В.М. Основы бизнеса. - М.: 1996.

3. Тохтахунова Д. Основы народной педагогики в экономическом воспитании. - Т.: 2001.
4. Фаробий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. - Т.: 1993. 224 б.
5. Психология и педагогика: Учеб. пособ. / Составитель и отв. редактор А.А.Радугин. - М.: Центр, 2003.
6. Слостенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. - 4-е изд. - М.: Школа Пресса, 2004.
7. Слостенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. для студ. пед. учеб. завед. / В.А.Слостенин, И.Ф. Исаев, А.И.Мищенко, Е.Н.Шионов. - М.: Школьная Пресса, 2004.

20. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИ - АВЛОДНИНГ ГАРМОНИК РИВОЖЛАНИШИ

20.1. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” да инсон омили

20.2. “Маънавият ва маърифат” дастури ва унинг тарихий негизи

20.3. Умуминсоний қадриятлар

20.1. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” да инсон омили

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури таълим-тарбия жараёнини ҳамма томонини стратегик мақсадлардан бошлаб, то унинг ялпи аниқ дастурига, инсон омилига ниҳоят муҳим аҳамият касб этади. Кадрлар тайёрлаш тизимида шахс бош субъект бўлиб, таълим хизматида истеъмолчи ишлаб чиқарувчи сифатида ифодаланadi. Шахснинг ижодий гармоник ривожланишини шакллантиришда - узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш, давлат ва жамият кафолат бўлиб ҳисобланади.

Миллий дастурнинг амалга оширилишида бош натижа - бу билимдонлик ва шахснинг ишлаб чиқариш квалификацияси бўлиши зарурлиги таъкидланган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг Миллий дастур бўйича сўзида қуйидагиларни таъкидлайди: “Фақат ҳақиқий билимдон инсонгина инсонни нималарга қодир эканлигини юқори баҳолайди, миллий қадриятларни сақлайди, миллий ўзликини англашни эъозлайди, эркин жамиятда яхши яшаш учун астойдил курашади, давлатнинг мустақиллиги учун курашади, жаҳон ҳамжиҳатлигида обрўли ўринни эгаллайди”, - деб таъкидлаган эди. Шахснинг ишлаб чиқариш квалификацияси ва унинг жамқарилиши иқтисодни рақобатбардошлигини белгилайди, оқибатда шахснинг ўзини ва жамиятнинг умумий фаровонлигини таъминлайди.

Миллий дастурда инсон омилига асосан қуйидагича тизимли ёндашилган:

1. “Ўрганаётган педагог-педагог-оила-жамият-давлат - бу горизонтал ҳалқа бўйича”.

2. Мактабгача таълимдан ва тарбиядан олий малакали кадрлар тайёрлашгача фан номзодлари, фан-докторлари - бу вертикал бўйича.

Миллий дастурнинг инсон омили бўйича режаси қуйидагича энг муҳим вазифаларни ҳал этишни кўзда тутди:

1. Ўқиётганларни барча жабҳаларда миллий тикланиш ғояси асосида маънавий ва маърифий тараққиёт тарзида бўлиши.

2. Психологик-педагогик тадқиқотларни ривожланиш муаммоларининг бажарилиши, ўқиётган шахснинг қобилият сифатлари, шунингдек, мутахассисларнинг профессионал ўқиши ва меҳнат муаммолари.

3. Ўқиётганларнинг ўрганиш қобилиятларини ривожланиши ва уларнинг сифатсиз таълимдан ҳимоялаш.

4. Иқтидорли болалар билан ишлашни такомиллаштириш ва талантли ёшлар билан ишлашни кучайтириш.

5. Таълим тизимида кадрлар потенциалини сақлаш ва такомиллаштириш, тарбиячи ўқитувчи ва илмий ходимларнинг обрўсини кўтариш.

6. Таълим тизимидаги ходимлар, илмий кадрлар ва ўқитувчиларнинг ҳуқуқий даражасини ҳамда иқтисодий ва маданий билимини профессионал квалификация даражасига кўтариш.

7. Таълим тизимидаги ўқиётган ходимлар, илмий кадрлар, ўқитувчиларни давлат томонидан ижтимоий ҳимоясини такомиллаштириш.

8. Таълимнинг ҳар бир босқичида инсон омили билан боғлиқ вазифаларни ҳал этиш назарда тутилган.

Мактабгача таълим ва тарбия:

- Болаларни оилавий тарбиялашда психологик-педагогик, методик ва моддий таъминотини ташкил этиш;

- Ҳозирги замон методик ва кўрғазмали қуролларни тайёрлаш ва ишлаб чиқариш, билимга қизиқишни ривожлантириш, энг муҳими боланинг соғлом ва психологиясини мустаҳкамлаш, маданий-эстетик эҳтиёжларини қондириш ва болаларда бошланғич меҳнат кўникмаларини ҳосил қилиш.

Умумий таълим:

• Ўн икки йиллик умумий таълимни пулсиз давлат томонидан таъмин қилиш;

• Жамият ва давлат ҳамда ҳудудий ва маҳаллий хусусиятлар эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда таълим тизими шаҳобчаларини ривожлантириш;

- Бошқа миллат вакиллари ўз она юртида доимий яшашларини умумий таълим олиш учун ташкилий ҳамда педагогик шароитларни яратиш;

- Шахснинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, умумий таълимнинг кўп вариантли ва кўшимча таълим хизматларини йўлга солиш;

- Ривожланиши етарли бўлмаган болаларни умумий таълим олиш учун шароитлар яратиш;

- Психологик-педагогик марказлар ва ўқувчилар учун касб-хунарга йўналтиришни ривожлантириш.

Олий профессионал таълим:

1. Индивидуал ўрганиши, ўзи мустақил маълумотли бўлиш воситаларини ва унинг форма ва методларини ривожлантириш;

2. Талабаларнинг ўрганишини янги педагогик, технологик ахборот, тайёрлаш тизимининг модулларидан фойдаланишни жадаллаштириш.

3. Талабалар, умумий таълим, илмий-тадқиқот, илмий-ишлаб чиқариш ва инновацион кичик фирмаларни ривожлантириш.

4. Таълимнинг масофавий ўқитиш тизимини ривожлантириш.

Олий ўқув юртидан сўнг профессионал таълим:

- Илмий тадқиқот соҳасида ва илмий педагогик кадрлар тайёрлашда талантли ёшларни қўллаб-қувватлаш фондларини ташкил этиш;

- Илмий-педагогик ва илмий кадрларни тайёрлаш тизимида хорижий мамлакатлар билан аспирант ва докторантлар алмашувини кенгайтириш.

Инсон омилининг обрўли бўлиш дастури

- болалар ва ўқувчи ёшларни соғлом бўлишини таъминлаш;
- маърифат ва маданият;
- иқтидорли болалар ва талантли ёшларга эътибор бериш;
- ёрдамга муҳтож болаларни ўқитиш ва тарбиялаш;
- кадрлар малакасини ошириш ва қайта тарбиялаш;
- ижтимоий ҳимояни амалга ошириш.

Врачлар, тарбиячилар, педагогларни ҳар томонлама гармоник ривожланиши учун ушбу дастур “замин” ва “иқлим” яратади.

20.2. “Маънавият ва маърифат” дастури ва унинг тарихий негизи

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мустақил Ўзбекистонни обрўли ривож вазифасини белгилаб: “Давлатнинг келажаги буюк, унинг келгуси фуқароси маданияти, маълумоти ва маънавий бой бўлиши ҳақида ғамхўрлик этишни” таъкидлаган. Ушбу вазифа кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастурида ўз ифодасини топди ва “Маънавият ва маърифат” дастурида алоҳида ёритилган. Ушбу дастурнинг мақсади - ўқувчиларни маънавий ва маърифий тарбиялашни самарали йўлидан фойдаланиш ва уларга мактабгача бўлган ёшдан тортиб, то умумий ва профессионал таълим олишнинг барча босқичларида узлуксиз давом этади.

Дастурда ўзаро боғлиқ бўлган ялпи стратегик вазифаларни ҳал этиш куйидагилардан иборат:

- Тарбиянинг маънавий ва ахлоқий моҳиятини ўрганиш ҳамда шахснинг таълим жараёнида вужудга келган илмий ва методик муаммоларини ҳал этиш ва такомиллаштириш;

- Тарбиянинг маънавий-маърифий томонларини бошқариш жараёни тизимини такомиллаштиришдан иборат;

- Ёшларда ватанпарварлик руҳини шакллантириш, миллий гурурли бўлиши, она тилига бўлган самимий ҳурмат, тарихига ҳурмат, халқлар маданияти ва анъаналарига, интернационализмга ҳурматда бўлиш, тинчлик ва осойишталик учун масъулиятли бўлиш, қарияларни ҳурмат қилиш, меҳнатсевар, ишбилармонлик, қонунга итоат этиш;

- Соғлом турмуш тарзининг муҳитини яратиш;

- Оила муқаддаслигини таъминлаш;

- Ёшларни эстетик ривожланиши ва унинг ўтмиш авлодларимизнинг бой меросига, санъатига ҳамда жаҳон цивилизацияси ютуқларига уйғунлашуви;

- Келажаги буюк давлатни қуришга йўналтирилган фуқаролик ва ижодий фаолликни шакллантириш;

- Маънавий-ахлоқий тарбиянинг ва маданий-оқартув ишларини ташкилий ва методик жиҳатдан таъминлаш назарда тутилган;

- Илмий-педагогик кадрлар, психологлар, мураббийлар ва медицина ходимлари маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича илмий, амалий адабиётлар методологиясини ишлаб чиқиш;

- Таълим муассасаларининг барча даражадаги босқичлари болалар ва ёшларни узлуксиз тарбиялаш дастурини миллий тикланиш ғояси асосида ва умуминсоний қадриятларни англаган ҳолда идеалларга содиқлик, мустақилликка, Ватанига, оиласига, атроф муҳитга муҳаббатда бўлишни амалга ошириш руҳида тарбиялаш;

- Оммавий ахборот воситалари, маънавият ва маданиятни соғлом турмуш тарзини ташвиқот-тарқибот қилиш;

- Ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар болалар ва ёшларни маданий ҳуқуқларини шакллантириши.

Маънавий-ахлоқий тарбиянинг ва оқартув ишларининг тарихий илдизи узок ўтмишга бориб тақалади. Бу илдизлар ҳеч қачон, ҳар қандай ҳолатда ҳам, тарихда халқимиз бошидан кечган қийин ва мушкул инқирозли дамларда ҳам унутилмаслиги зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов маҳалланинг ҳозирги замондаги роли ва оила ҳақида: “Оила ўзининг тарихий-ўтмиш қадриятларини йўқотмаслиги” - бу оила қиёфасида болага яхши тарбиячи, билим бериш, маълумот олиши, яхши касбга эга бўлиш, уйлантириш ва ҳаётга йўллаш кабиларни таъкидлаган.

Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ва “Таълим тўғрисида” ги Қонунлари давлат ёшларни билимдон - тарбияли бўлишини кафолатлайди, деб кўрсатиб ўтилган.

Болалар ва ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг муҳим манбаи - бу таълим ва унинг барча босқичларини гуманизациялашдир.

Таълимни гуманизациялаштириш ўқиётганларда жаҳон картинасининг яхлитлиги, маънавият ва маданияти юқори бўлиши ҳамда оламшумул фикрлашни шакллантиришга йўналтирилган. Миллий дастур қарорларида ҳозирги замон фан ютуқлари техника ва технологиядагина эмас, балки табиий фанлар, фалсафа, этика, политология, тарих, маданият, иқтисодиёт, экология, ҳуқуқ ва бошқа фанлар асосида таълим стандартларини ишлаб чиқиш орқали вазифаларни ҳал этиш кўрсатилган. Маданий таълим, иқтисодий, экологик ва ҳуқуқий даражада таълим тизими ходимлари, ўқитувчилар, илмий

кадрлар малакасини ошириш орқали уларни ҳал қилиш назарда тутилган. Миллий дастурда шунингдек, таълимнинг ахборот таъминотини гуманизациялаштиришга катта эътибор берилади. Ҳозирги замон мутахассисининг гуманитар билимларни кенг ва чуқур эгаллаши - унинг маънавий ва маданий даражасини юқориликдан далолат беради. Агар мутахассис ахлоқий жиҳатдан бошдан бошлаб маҳрум бўлган бўлса, у ўзига ва жамиятга ҳисобот беришга қодир бўла олмайди. Таълимни гуманизациялаш инсоннинг энг юқори социал қадр-қиймати ва унинг очилиши, турли таълим эҳтиёжларини қондириш ва умуминсоний қадриятларини таъминлаш, атроф муҳит ва инсон муносабатлари гармониясига йўналтирилган.

Миллий дастурда кўрсатилган вазифаларни ҳал қилишда, ўқув предметлари дастурларини ишлаб чиқиш орқали амалга оширишда инсон омили назарда тутилган.

20.3. Умуминсоний қадриятлар

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, мамлакатимизда катта ўзгаришлар юз берди. Жумладан, миллий қадриятларимиз қайта тиклана бошлади. Оллоҳга ҳамду санолар бўлсинки, 70 йилдан кўпроқ давр ичида унутилган қадриятларимиз аста-секин тикланиши, бу ҳам мустақиллик меваси-шарофати, десак хато қилмасак керак. Ўзбек халқининг қадриятлари умуминсоний қадриятлар орасида алоҳида ўрин олади ва муҳим тарбиявий аҳамият касб этади. Ҳаёт сарвари инсондир. Доно халқимиз қадриятлари орасида янги авлоднинг она қорнида пайдо бўлиши, дунёга келиши ва камолотга эришуви билан боғлиқлиги бағоят ибратлидир. Бу ҳақда қанчадан-қанча афсоналар, ривоятлар, ҳикматлар яратилган. Улар орасида халқимиз умумтаълим тарбияси, донишмандлиги, ахлоқ-одоби жамўлжам бўлган педагогик қарашлари - маънавий, ахлоқий ҳамда руҳий тарбияси, анъаналари ётади.

Халқимиз қадриятларида фарзанд тарбияси алоҳида ўрин олади. Фарзанд тарбияси тўғрисида турли хил ривоятлар мавжуд бўлиб, ушбу ривоятлар заминидан катта ҳаётий ҳикмат ётади. Ривоятларда ёш оила фарзанд кутаётган лаҳзаларданок тарбия илмини ўрганиши зарур, деган муҳим ғоя бор...

Қисқа хулосалар

1-хулоса. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” да инсон омили. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури таълим-тарбия жараёнини ҳамма томонини стратегик мақсадлардан бошлаб, то унинг ялпи аниқ дастурига, инсон омилига алоҳида эътибор берилди. Шахснинг ижодий гармо-ник ривожланишини шакллантиришда - узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш, давлат ва жамият кафолат бўлиб ҳисобланади.

Миллий дастурда инсон омилига асосан қуйидагича тизимли ёндашилиб: 1. Ўқиётганларни барча жабҳаларда миллий тикланиш ғояси асосида маънавий ва маърифий тараққиёт тарзида бўлиши. 2. Психологик-педагогик тадқиқотларни ривожланиш муаммоларининг бажарилиши, ўқиётган шахснинг қобилият сифатлари, шунингдек, мутахассисларнинг профессионал ўқиши ва меҳнат муаммолари. 3. Ўқиётганларнинг ўрганиш қобилиятларини ривожланиши ва уларнинг сифатсиз таълимдан ҳимоялаш. 4. Иқтидорли болалар билан ишлашни такомиллаштириш ва таланти ёшлар билан ишлашни кучайтириш. 5. Таълимнинг ҳар бир босқичида инсон омили билан боғлиқ вазифаларни ҳал этиш назарда тутилган.

Умуман инсон омилида тарбиячилар, педагоглар, врачларни ҳар томонлама гармоник ривожланиши учун ушбу дастур “замин” ва “иқлим” яратади.

2-хулоса. “Маънавият ва маърифат” дастури ва унинг тарихий негизи. И.А.Каримов мустақил Ўзбекистонни обрўли ривожли вазифасини белгилаб: “Давлатнинг келажаги буюк, унинг келгуси фуқароси маданияти, маълумоти ва маънавий бой бўлиши ҳақида ғамхўрлик этишни” таъкидлаган. Ушбу вазифа кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастурида ўз ифодасини топди ва “Маънавият ва маърифат” дастурида алоҳида ёритилган. Ушбу дастурнинг мақсади - ўқувчиларни маънавий ва маърифий тарбиялашни самарали йўлидан фойдаланиш ва уларга мактабгача бўлган ёшдан тортиб, то умумий ва профессионал таълим олишнинг барча босқичларида узлуксиз давом этади.

Шундай қилиб, Миллий дастурда ва юқорида кўрсатилган вазифаларни ҳал қилишда, ўқув предметлари дастурларини ишлаб чиқиш орқали амалга оширишда инсон омили назарда тутилган.

3-хулоса. Умуминсоний кадриятлар. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, мамлакатимизда катта ўзгаришлар юз берди. Миллий кадриятларимиз қайта тиклана бошлади. 70 йилдан кўпроқ давр ичида унутилган кадриятларимиз аста-секин тикланиши, бу ҳам мустақиллик меваси-шарофати. Ўзбек халқининг кадриятлари умуминсоний кадриятлар орасида алоҳида ўрин олади ва муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Ҳаёт сарвари инсондир. Доно халқимиз кадриятлари орасида қанчадан-қанча афсоналар, ривоятлар, ҳикматлар яратилган.

Таянч иборалар

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида инсон омили, таълим-тарбия жараёни, узлуксиз таълим: узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш, давлат ва жамият, инсон омили, маънавият ва маърифат дастури, умуминсоний кадриятлар, профессионал таълим, психологик-педагогик тадқиқотлар, мактабгача таълим, умумий таълим, умум профессионал таълим, инсон обрўси, таълимни гуманизациялаш.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ўзбекистон Республикасида “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ва унинг аҳамияти.
2. “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” да инсон омилини шарҳланг.
3. “Маънавият ва маърифат” дастури ва унинг тарихий негизи нимада?
4. Миллий дастурда ялпи стратегик вазифалар нималардан иборат?
5. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” бўйича “Таълим тўғрисида” ги қонуннинг моҳияти нималардан иборат?
6. Умуминсоний кадриятларни шарҳлаб беринг.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида” ги Фармони. Халқ сўзи, 1996.

2. Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. - Т.: Фан, 1986.
3. Сиддиқова Ш. Эстетика. - Т.: 2002.
4. Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. - Т.: 1998.
5. Хошимов К., Нишонова С., Инамова С., Ҳасанов Р. Педагогика тарихи. - Т.: Ўқитувчи, 1996.
6. Психология и педагогика: Учеб. пособ. / Составитель и отв. редактор А.А.Радугин. - М.: Центр, 2003.
7. Слостенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. - 4-е изд. - М.: Школа Пресса, 2004.
8. Слостенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. для студ. пед. учеб. завед. / В.А.Слостенин, И.Ф. Исаев, А.И.Мищенко, Е.Н.Шионов. - М.: Школьная Пресса, 2004.

21. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ

21.1. Демократик турмуш тарзининг иқтисодий тарбия билан узвий боқлиқлиги.

21.2. Иқтисодий муносабатларга талабаларни тайёрлаш - фаол ҳаётий имкониятларни шакллантиришнинг зарурий шариоти.

21.3. Бозор иқтисодиёти шариотида иқтисодий тарбия ва тарбия услублари.

21.1. Демократик турмуш тарзининг иқтисодий тарбия билан узвий боқлиқлиги

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини қўлга киритганлиги ва у халқаро миқёсда тан олинганлиги шунин билдирадики, бундан буён Ўзбекистоннинг мустақил ташқи ва ички сиёсатини ўзи олиб боради, ҳеч кимнинг воситачилигисиз ўзаро манфаатли муносабатларни ўрнатади. Республикани ҳақиқатан ҳам, унинг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, халқнинг азалий турмуш тарзи, анъаналари, урф-одатлари ва кўникмаларини, мавжуд беқиёс табиий бойликларини ҳар томонлама ҳисобга олиб, юксалтириш амалда мумкин бўлиб қолади.

Ўзбекистон - келажаги буюк давлат! Бу мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъий назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир. Ўзбекистон - келажаги буюк давлат, деб таъкидламоқ учун барча асослар бор, - деб айтган Президентимиз И.А.Каримов. Республикада ҳамма нарса бор: табиий бойликлар, унумдор ер, қудратли ва илмий-техникавий, инсоний ва маънавий салоҳият мавжуд. Энг муҳими - бу дунёда меҳнатсевар ва истеъдодли халқ яшайди...

Ўзбекистон заминида жула улкан ва ноёб, ҳали ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этилмаган минерал хом ашё ресурслари тўпланган. Ҳозиргача республикада минерал хом-ашёнинг 95 тури борлиги аниқланган. Бу минерал хом ашёнинг 700 та кони мавжуд. Амалда, Менделеев жадвалидаги ҳамма минераллар республикамизда бор. 370 та кон ишлаб турибди. Шунингдек, республикада катта табиий энергия ресурслари - газ, нефт, гидроэнергетика ресурслари ва кўмирнинг

мавжудлиги, Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Марказий Осиё минтақасидаги газ конденсати захираларининг деярли 74 фоизи, нефтнинг 31 фоизи, табиий газнинг 40 фоизи ва кўмирнинг 55 фоизи Ўзбекистон улушига тўғри келади. Табиий газнинг аниқланган захиралари деярли икки триллион куб метрни, кўмир - 2 миллиард тоннадан кўпроқни, нефт - 350 миллион тоннани ташкил этади. Табиий газ қазиб олиш бўйича Ўзбекистон собиқ Иттифоқ республикалари орасида учинчи ўринда туради ва жаҳондаги газ қазиб чиқарувчи ўнта энг йирик мамлакат қаторига киради. Шунингдек, республикада гидроэнергетика ресурсларининг жуда катта манбалари ҳам мавжуд...

Ўзбекистон қиматбаҳо ва нодир металллар - соф олтин, кумуш, уран ва бошқа ноёб металллар захиралари ҳамда уларни қазиб чиқариш жиҳатидан ҳам ажралиб туради. Республикада 30 та олтин кони топилган, улардаги олтин захиралари тўрт минг тоннадан ошади. Қазиб чиқариладиган олтиннинг умумий ҳажми жиҳатдан республика МДҲ мамлакатлари орасида иккинчи ўринда, жаҳонда - саккизинчи ўринда туради, аҳоли жон бошига олтин қазиб чиқариш жиҳатдан эса жаҳонда бешинчи ўринда туради. Ўзбек олтинининг сифати эса энг юқори жаҳон андозаларига мос келади, сўнгги икки йил ичида ўзбек олтини уч марта халқаро совринни олишга сазовор бўлди.

Стратегик жиҳатдан муҳим бўлган бошқа рангли нодир металллар - мис, молибден, кўрғошин, рух (цинк), вольфрам, литий кабиларнинг захиралари ҳам кўп.

Гил (каолин), дала шпати, шишабоп оддий кварц ва кварц-дала шпати куми, бетонит гили, фосфоритлар ҳамда минерал ўғитлар, чинни-фаянс идишлар ички ҳамда ташқи бозорда рақобатбардошдир*. Ўзбекистон қудратли қишлоқ хўжалигига эгадир.

Мана бу юқорида таъкидланган фикрлар Ўзбекистон Республикасининг улкан салоҳиятидан далолат беради. Янги-ланган жамиятнинг сиёсий ва давлат тузилиши инсонга унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзини эркин танлаб олишини кафолатлаши керак.

* Каримов И.А. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. -Т.: Ўзбекистон, 1993. 34-37 бетлар.

Иқтисодий тарбия инсоннинг демократик турмуш тарзи билан узвий боғлиқдир. Демократик ҳаёт тарзи ва иқтисодий тарбия ўқувчининг ҳаёт позицияларини шакллантириш учун зарур бўлган шароитларни яратди. Бу ҳуқуқий бўлмай, балки ҳақиқий, жиддий иш бўлиши мумкин бўлади.

Мамлакатда ижтимоий йўналишларнинг ўзгариши билан боғлиқ бўлган турли мулкчилик шаклларига ажралиш, бозор муносабатлари, демократик қайта қуришлар, шунингдек, дала ҳовлиларидан хусусий фойдаланиш, шаҳардан ташқаридаги бинолар, индивидуал меҳнат фаолиятининг ривожланиши, ижтимоий соҳадаги ва иқтисодий сиёсатдаги ўзгаришлар, айрим педагоглар иқтисодий тарбия марказининг ўзгариши ва у билан боғлиқ бўлган демократик турмуш тарзининг ўзгаришлари ажралиши ҳақидаги фикрларни айтмоқдалар. Талабаларни иқтисодий муносабатларга тайёрлаш - фаол ҳаётий позицияларни шакллантиришнинг зарурий шартидир.

21.2. Иқтисодий муносабатларга талабаларни тайёрлаш - фаол ҳаётий имкониятларни шакллантиришнинг зарурий шароити

Жамият доирасида талабаларни иқтисодий муносабатларга тайёрлаш биринчи навбатда ўзига маданий-маърифий тарбияни қўшади. Маданий-маърифий тарбия - бу яратиш учун тартибли ва мақсадли бўлган тарбияланувчи хулқини масъулиятли, жамиятдаги янги иқтисодий муносабатларга замон талаби даражасида мос бўлишини ифодалайди.

Маданий-маърифий тарбиянинг асосий вазифалари қуйида-гилар:

1. Маданий-маърифий онгни шакллантириш.
2. Маданий-маърифий тарбия ва сезгини ривожлантириш.
3. Маданий-маърифий хулқ ва кўникмаларни шакллантириш.

Олий мактаб - жамиятнинг таълим масканларидан биридир. Олий ўқув юртиларида тарбиявий ишлар бир қанча йўналиш-ларда олиб борилади: сиёсий-ғоявий, ҳуқуқий соҳа бўйича, интернационал, меҳнат тарбияси, иқтисодий соҳада ҳам, маданий-маърифий, эстетик, экология, жисмоний тарбия соҳалари бўйича ва бошқалар.

Талабаларда илмий дунёқарашни шакллантириш, фаол ҳаётга, юқори дидли сифати, эстетик завқланишини ривожлантириш жисмоний тарбия ва ҳуқуқий маданият ва

тарбиянинг бошқа қирраларини такомиллаштириш замон талабидир.

Патриотик - Ватанпарварлик тарбия - бунда ёшлар онгида Ватан туйғусини юксалтириш, Ватанга бўлган муҳаббатни ўйғотиш, Ватан эрки, мустақиллиги ва уни ҳимоя қилиш, Ватан қудратини янада кучайтириш - буларнинг ҳаммаси Президентимиз И.А.Каримовнинг сўзидир.

Интернационал тарбия - бу тарбия талабаларда интернационал характер ва руҳни англаш ҳамда жамиятни иқтисодий тараққиётини мустаҳкамлаш ва уни ҳимоя қилишда мамлакатимиздаги барча миллат ва элатлар манфаатлари ва мақсадларининг яқдиллигини онгига сингдиришдан иборат.

Маданий-маърифий тарбия - бу талаба ёшларда жамият тамойилларига мос ва хос нормаларни сингдиришни кўзлайди. Талабаларда иқтисодий муносабатларга, меҳнатнинг яқуний натижаларига доимо манфаатдор бўлишини шакллантириш зарурлигини тарбиялайди.

21.3. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий тарбия ва тарбия усуллари

Иқтисодий тарбия юқори малакали иқтисодчини шакллантиришга қаратилган. Талабаларнинг ҳуқуқий маданияти уларнинг ҳуқуқий онг даражасини оширишга, иқтисодий тафаккурни объектив борлиқни, иқтисодий ҳаётдаги воқеаларни билишга, қонунларни англашга, инсон фаолияти ва иқтисодий муносабатлар моҳиятини ақс эттириш билан иқтисодий маданиятни шакллантиришдир. Иқтисодий тарбияда қатор йўналиш-ларни ажратиб кўрсатади: иқтисодий қонунлар ҳаракати механизмини тўғри тараққий эттириш учун иқтисодий тафаккурни юксалтириш, иқтисодий маданиятни шакллантириш, жамиятнинг ҳозирги замон тараққиёти жараёнини англаш, давлат ва хусусий мулкка бўлган тегишли муносабатни тарбиялаш, ҳар бир талабанинг меҳнат жараёнида ўз ўрнини ва жамиятдаги ролин тўғри англашга йўналтирилган.

Талабани иқтисодий тафаккур даражасини баҳолаш мезони — бу иқтисодий билимларнинг пухта билиши, воқеалар моҳиятини ўрганиш шакл ва мазмунини кўра билиш лозим. Иқтисодий тафаккурнинг ҳозирги стили фаолиятининг охириги натижалари, хўжалик муаммоларини ҳал этишда тизимли,

комплекс ёндашиш ва жамият бойлигига тежамкорлик билан муносабатда бўлишини тақозо қилади.

Тарбия методлари. Тарбиянинг умумий методи — бу маълум эркин тараққиётга, шахнинг масъулиятли ва ўз-ўзини ўрнини топа билишга қаратилган. Тарбиянинг анъанавий методига: ишонч, ўрناк бўлиш, таққослаш, танқид ва ўз-ўзини танқидлар кирази. Метод — юнонча атама бўлиб, айнан нимагадир йўл, усул орқали мақсадга эришиш йўлини билдиради. Метод, яъни усул ахборотни узатиш ва қабул қилиш характериға қараб:

1. Сўз орқали ифодалаш методи.
2. Кўргазмалик методи.
3. Амалий, намуна методи.
4. Рағбатлантириш ва жазо методларига бўлинади.

Юқорида келтирилган тўртта методлар ўз навбатида куйидаги гуруҳларға бўлинади:

Биринчи гуруҳ — сўз орқали узатиш, маслаҳат бериш, маълумотларни эшитиш орқали қабул қилиш, ҳикоя, маъруза, суҳбат ва бошқа методларға.

Иккинчи гуруҳ — кинофильмлар, тасвирий санъат ва бошқа кўриш орқали тарбиялаш методлари.

Учинчи гуруҳ — тарбия маълумотларини амалий меҳнат ҳаракатлари орқали бериш, ўрнак кўрсатиш, бошқаларни амалий меҳнатини мисол қилиб кўрсатиш методлари.

Тўртинчи гуруҳ — ўқувчи талабаларнинг яхши бажарган ишларини, ўртоқлари олдида ёки ота-оналар мажлисида маъқул-лаш, миннатдорчилик билдириш, иқтисодий ёрдам, стипендия-ларни ошириш, мақтов ёрлиқларини топшириш, суратларини “Ҳурмат тахтаси” га ёпиштириб қўйиш ва бошқа оғзаки “Раҳмат”, “Баракалла” каби рағбатлантириш методларини киритиш мумкин.

Тарбиянинг рағбатлантириш методи иккиға бўлинади:

1. Сиз буюрган ишға бурч ва масъулият билан ёндашганлигини рағбатлантириш.
2. Сиз буюрган ишға қизиқишини ва уни удадай олганлигини рағбатлантириш.

Жазо — бу боланинг нотўғри қилган ишиға ўзини иқрор қилдириш.

Агар бола ёки талаба Сиз огоҳлантирмасингиздан ёки тушунтирмасингиздан олдин ўз хатосини тушунган бўлса-ю, сизға қилган хатосини айта олмай изза чекиб турган бўлса, уни

жазолашга зарурат йўқ. Энди бу хатони қайтармайман, деган маънода Сизга қараяпти. Сиз унга бир марта имконият беринг. Аммо кейинги гал ҳам хато қилса ва уни тан олмаса, ундай ҳолларда қуйидаги жазо турлари қўлланилади:

1. Тушунтириш.
2. Танбеҳ бериш.
3. Огоҳлантириш.
4. Қаттиқ огоҳлантириш.
5. Уялтириш.

Юқоридаги жазо турларини ўқитувчи ўқувчига юзма-юз, ҳеч кимнинг гувоҳисиз қўллайди. Аммо гуруҳдош ўртоқлари ёки синфдошлари олдида изза қилай деб болани уялтирса, ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

Тарбия - ҳар бир инсоннинг ҳаётида яшашни жараёнида орттирган сабоқлари ва интеллектуал салоҳиятларининг ижобий кўникмасини ўзгаларга бериш жараёнидир.

Тарбияланганлик нима?

Тарбия кўрган дегани - бу миллий урф-одатимиз мезонига кирмаган, ўзгаларнинг нафратини кўғқатадиган хатти-ҳаракатлардан ўзини тия билишлик. Шунингдек, тарбияланган инсон доимо адолатли бўлади.

Адолат ўзи нима?

Адолат - бу ҳаётий масалаларни ахлоқий ва ҳуқуқий нормаларига риоя этган ҳолда ҳал этишдир. Адолат тушунчаси билан боғлиқ бўлган жиҳатлар жуда кенг қамровли бўлиб, адолатли инсон, адолатли жамият каби тушунчалар шундай жиҳатлар жумласига киради.

Адолат тушунчасини Президентимиз И.А.Каримов шундай изоҳлайди: “Адолат биз қураётган жамиятимизнинг мезони бўлиши керак”, деб айтганлар. Бу тушунчани педагогика соҳасида қандай изоҳлаш мумкин эканлигини юқорида баён этдик.

Буюк Амир Темур ҳукмронлик қилган давр ва ундан кейин кечган жараёнлар адолатпарвар инсон учун ёрқин мисол бўла олади. Улуғ аجدодимиз юксак тараққий топган давлат барпо қилгани ва бу мамлакатда “Куч — адолатдадир” - деган бош шиор давлат сиёсатининг, жамиятнинг асоси бўлганини тарихдан биз яхши биламиз.

Ўқувчининг фаолияти ва ҳаёт тартибини белгилашни режим деб аташ қабул қилинган. **Режим** - бу тарбия ишининг доимий оқими. Режим талабаларнинг бажарилиши - бу

тарбиянинг самарали асосий шароитлардан бири, режим шахс одатларини мустақкам тез кўниктиради. Тарбияланувчи меҳнат билан дам олишнинг тўғри алмаштиришга ўрганиб, иш ҳажмини белгилашга ўрганади, гигиена талабларини ўзлаштиради, иқтисодда ишлаш малакасини олади. Режимга итоат этиш физиологик функцияга ижобий таъсир қилибгина қолмай, балки кагга интизомли бўлиш ролини ўйнайди, маълум ҳулқага эга бўлишга ўргатади, интизом талабаларни бажариш кўникмалари ва билишга ёрдамлашади.

Зарурат бўлганда режим ўзгаради. У қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Тарбиячи ва унинг имкониятлари ҳамда қобилиятлари мақсадга мувофиқ бўлади ва шароитларга мослашади.

2. Мўлжалланган муддатда барча фаолият турлари аниқ, мажбурий бажарилади.

3. Конкрет ва реал бажарилади. Бажариш зарурати бўлганда тарбиячининг ўзини ўқув юрти ҳаёти тартиблари режимига ишонтириш керак бўлади.

Шундай қилиб, бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий тарбия талабаларни ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ва изчил тарбияланишларини тақозо этади. Зеро, иқтисодий тарбия талабаларнинг иқтисодий муносабатларга тайёрлашда фаол ҳаётий омил эканлигини ифодалайди.

Қисқа хулосалар

1-хулоса. Демократик турмуш тарзининг иқтисодий тарбия билан узвий боғлиқлиги. Ўзбекистон - келажаги буюк давлат, мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъий назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир. Ҳозирги Ўзбекистон заминида минерал хом ашёнинг 95 тури борлиги аниқланган. Бу минерал хом ашёнинг 700 та кони мавжуд. Менделеев жадвалидаги ҳамма минераллар бор. 370 та кон ишлаб турибди. Стратегик жиҳатдан муҳим бўлган бошқа рангли нодир металлар - мис, молибден, қўрғошин, рух (цинк), вольфрам, литий кабиларнинг захиралари ҳам кўп.

Шундай қилиб, юқорида таъкидланган фикрлар Ўзбекистон Республикасининг улкан салоҳиятидан далолат беради. Янгиланган жамиятнинг сиёсий ва давлат тузилиши инсонга

унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзини эркин танлаб олишини кафолатлайди. Иқтисодий тарбия инсоннинг демократик турмуш тарзи билан узвий боғлиқдир. Демократик ҳаёт тарзи ва иқтисодий тарбия ўқувчининг ҳаёт позицияларини шакллантириш учун зарур бўлган шароитларни яратди. Бу ҳуқуқий бўлмай, балки ҳақиқий, жиддий иш бўлиши мумкин бўлади.

2-хулоса. Иқтисодий муносабатларга талабаларни тайёрлаш - фаол ҳаётий имкониятларни шакллантиришнинг зарурий шароити. Жамият доирасида талабаларни иқтисодий муносабатларга тайёрлаш биринчи навбатда маданий-маърифий тарбиядир. Маданий-маърифий тарбиянинг асосий вазифалари: маданий-маърифий онгни шакллантириш; маданий-маърифий тарбия ва сезгини ривожлантириш; маданий-маърифий ҳулқ ва кўник-маларни шакллантиришдан иборат.

Маданий-маърифий тарбия - бу ёшларда иқтисодий муносабатларга, меҳнатнинг якуний натижаларига доимо манфаатдорлигини тарбиялайди.

3-хулоса. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий тарбия ва тарбия усуллари. Иқтисодий тарбия юқори малакали иқтисодчини шакллантиришга қаратилган. Талабаларнинг ҳуқуқий маданияти уларнинг ҳуқуқий онг даражасини оширишга, иқтисодий тафаккурни объектив борлиқни, иқтисодий ҳаётдаги воқеаларни билишга, қонунларни англашга, инсон фаолияти ва иқтисодий муносабатлар моҳиятини ақс эттириш билан иқтисодий маданиятни шакллантиришга қаратилган.

Талабаларнинг ҳаётдаги иқтисодий воқеаларни билишга, қонунларни англашга, инсон фаолияти ва иқтисодий муносабатлар моҳиятини ақс эттириш билан иқтисодий маданиятини шакллантиришдир.

Тарбиянинг умумий усули - бу маълум эркин тараққиётга, шахснинг масъулиятли ва ўз-ўзини ўрнини топа билишга қаратилган. Тарбиянинг анъанавий усулига: ишонч, ўрнатилган бўлиш, таққослаш, танқид ва ўз-ўзини танқидлар киради. Тарбиянинг усулларига: сўз орқали ифодалаш, кўргазмали, амалий ва намуна, рағбатлантириш ва жазо усуллари киради.

Шундай қилиб, бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий тарбия талабаларни ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ва изчил тарбияланишларини ифодалайди.

Таянч иборалар

Бозор иқтисодиёти, мустақиллик, мустақил ташқи ва ички сиёсат, ўзаро манфаатли муносабатлар, инсонпарварлик, ресурслар захиралари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзи, иқтисодий тарбиянинг зарурлиги, иқтисодий тарбия усуллари, иқтисодий тарбиянинг узвий боғлиқлиги, маданий-маърифий тарбия: маданий-маърифий онгни шакллантириш, ҳуққ ва кўникмаларни шакллантириш, ватанпарварлик тарбияси, интернационал тарбия, тарбия усуллари: сўз орқали ифода-лаш, кўргазмалик, амалий ва намуна, жазо ва рағбатлантириш, огоҳлантириш, адолат, режим, интизом.

Такрорлаш учун саволлар

1. Демократик турмуш тарзининг иқтисодий тарбия билан узвий боғлиқлиги нимада?
2. Иқтисодий муносабатларга талабаларни тайёрлаш масаласи қандай ҳал қилинмоқда?
3. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий тарбиянинг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат?
4. Маданий ва маърифий тарбиянинг асосий вазифалари нималардан иборат?
5. Иқтисодий тарбияда қўлланиладиган жазо турларини сўзлаб беринг.
6. Рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ва иқтисодий тарбия.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавият ва маърифат жамоатчилиги маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида” ги Фармони. Халқ сўзи, 1996.
2. Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. - Т.: Фан, 1986.
3. Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. - Т.: 1998.
4. Хошимов К., Нишонова С., Инамова С., Ҳасанов Р. Педагогика тарихи. - Т.: Ўқитувчи, 1996.
5. Психология и педагогика: Учеб. пособ. / Составитель и отв. редактор А.А.Радугин. - М.: Центр, 2003.

6. Сластенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. - 4-е изд. - М.: Школа Пресса, 2004.

7. Сластенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. для студ. пед. учеб. завед. / В.А.Сластенин, И.Ф. Исаев, А.И.Мищенко, Е.Н.Шиошов. - М.: Школьная Пресса, 2004.

22. ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБА ШАХСИНИ ЮКСАЛТИРИШ

22.1. Талаба шахси - бўлажак иқтисодчининг иқтисодий тарбия объекти эканлиги.

22.2. Маънавий-маърифий ахлоқий тарбия тажрибасининг жамғарилиши ва бўлажак ишбилармонларнинг фикрлаш даражаси.

22.3. Иқтисодий тушунчаларнинг шаклланиши ва ишонч ҳамда унинг функцияларини ривожда қарор толиши.

22.1. Талаба шахси - бўлажак иқтисодчининг иқтисодий тарбия объекти эканлиги

Жамоа тараққиёти жараёнида ҳамма ўқувчиларга жамоанинг тарбиявий таъсири ва муносабатлари бир хилда бўлишига қарамай, айрим талабаларга тарбия таъсири турлича бўлиши шубҳасиз. Бу эса икки омилга боғлиқ. Улардан бири шахслараро тизим муносабатидир.

Ўқувчиларнинг шаклланишига шахслараро муносабатларнинг таъсири қандай? Жамоа ва шахс муносабатларининг асоси - бу инсон ўзини-ўзи англаш жараёнида бошқа кишилар билан мулоқотда бўлишга интилади, ўзининг кимлигини билдириш билан ўзини шахс тарзидалигини ифодалайди.

Талаба олий даргоҳга келган биринчи куннинг ўзидаёқ бошқа талабалар билан мулоқотда бўлиши ва уларнинг ишончига сазовор бўлишга интилади. Ана шундай тарзда шахсий муносабатлар пайдо бўлади ва у ўзининг характери, мазмуни бўйича турлича ривожланади: учрашувдаги мулоқотлар қисқа ё узокроқ бўлиб, бу тарбиявий режада ижобий ёки салбий икки томон манфаатига мос бўлиши ёки бўлмай, бир томонлама бўлиши ҳам мумкин.

Ўқув жараёнида манфаатлар умумий эканлиги билан боғлиқ бўлган ҳолда фаолиятнинг турли кўринишларида мулоқот ва дўстликда 3-7 кишидан иборат микро гуруҳлар ташкил топади. Одатда ҳар бир гуруҳда бир талаба обрўли ва ўз таъсирини ўтказа билишлиги учун, у талаба лидер-сардор ҳисобланиб, унинг атрофида бошқа талабалар ҳам гуруҳга қўшилади.

Агарда жамоа ҳаётининг ташкилий даври чўзилса, талабалар ўзларининг дўстлар ва гуруҳий манфаатлар бўйича бир неча микро гуруҳларга бўлиниб, жамоа муносабатлари ривожини секинлашади. Бундай ҳолатда энг муҳими микро гуруҳ лидери жамоага қўшилади. Микро гуруҳ ўз аъзоларига баҳо бериш, ҳар бир хатти-ҳаракатларини муҳокама қилиш, умуман булар жамоа ривожига таъсир кўрсатади. Агар микро гуруҳ манфаати жамоа манфаати билан мос келса, унда жамоа ҳаётини тўлдириб, мазмунли, қизиқарли бўлишини таъминлайди. Борди-ю, микро гуруҳ манфаати жамоа манфаатига зид бўлса, микро гуруҳ аъзолари жамоага қўшилмайди.

Микро гуруҳлар ўзининг аъзоларини баҳолаши, муҳокама қилиши ва шунингдек, умуман жамоанинг ривожланишига таъсир кўрсатиши аниқ. Агарда гуруҳ манфаати жамоа манфаати билан мос келса, у вақтда гуруҳлар жамоа ҳаётини тўлдиради, турли-туман қилади, унинг янада мазмунли ва қизиқарли бўлишини таъминлайди. Ҳаётда кўпинча, агар микро гуруҳ манфаати жамоа манфаати билан мос келмай қолса, унда жамоа ҳаётида микро гуруҳ аъзолари қатнашмай, ўзларини бетараф тутадилар.

Жамоанинг мувафаққиятли ишлаш шароитининг асослари: жамоанинг вазифасининг аниқ эканлиги, унинг мустақиллигини аста-секин ривожланиши, жамоа билан ишлаётган унинг давомчиси эканлиги, ҳар доим қайта сайланиши ва унинг обрўсини педагоглар қўллаб-қувватлаши турган гап.

22.2. Маънавий-маърифий ахлоқий тарбия тажрибасининг жамғарилиши ва бўлажак ишбилармонларнинг фикрлаш даражаси

Тарбия жараёнида талабаларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш услублари ва методлари кўпдир. Улар жумласига индивидуал турли топшириқлар киради. Бу топшириқлар турли-туман бўлиши мумкин, буларнинг ҳаммаси талаба шахсини шакллантиради ва бўлажак иқтисодчиларни тайёрлайди.

Индивидуал топшириқ методларидан жамоа ривожининг қуйи босқичларида фойдаланиш мумкин. Аммо у жамоа ривожининг учинчи босқичида энг самарали бўлади. Чунки, талабанинг мустақил бажараётган ишларига ёрдам бериш кучаяди ва унга тўғри баҳо берилади. Ана шундай тарзда

талабада ижобий эмоция пайдо бўлади. Жамоа ривожининг учинчи босқичида талабаларнинг эркин бирлашуви - педагогика самарасидир.

Агар микро гуруҳлар манфаати жамоа манфаатига зид бўлса, бундай ҳолатда уларнинг аъзоларига салбий таъсир кўрсатиб, душманликка айланади. Шу билан бирга ҳар бир талаба ўзининг дўстлари орасида таъсирли ёки таъсирсиз, обрўли ёки обрўсиз бўлиб, жамоада унинг ўрни шаклланади.

Шахснинг бу ўрни унинг кайфияти, хоҳиш-истагини кўрсатади ҳаётий руҳига таъсир бўлади. Ҳамма бу ўзгаришлар **шахсга ва унинг ижодий тарбиясига таъсир кўрсатади.** Маълумки, ҳар бир талаба шунинг учун ҳам жамоада ўзини кўрсатишга ва нималарга қодир эканлигини исботлашга ҳаракат қилади.

Талаба жамоа орасида қанчалик обрўли бўлса, яна ҳам обрўли ва унга муносиб қолиши учун интилади. Микро гуруҳда салбий йўналишда қолган киши ўзига ишончи сусайиб, ундаги инсоний қиёфа ноҳушлик томонга қараб шаклланади: бундай талабада манманлик, эгоизм, кўрқоқлик, бошқаларни кўнгилни овлаш, мустақил эмаслик каби характерлар ҳукмрон бўлади. Жамоа орасидаги юқори ҳолат шахснинг камолатига кўмаклашиб, бундай ҳолатларда педагог уларга ёрдам қилиб, дўстлари орасида ўз ўрнини мустаҳкамлашга интилади.

Шундай қилиб, талаба тарбиясининг ривожига фақат жамоа муносабатларигина таъсир қилиб қолмай, балки шахслар ўртасидаги, шунингдек шахснинг жамоадаги мавқеи ҳам таъсир кўрсатади.

Талабанинг тарбияга бўлган муносабатида тўртта позиция белгиланган:

Биринчи позиция - ўқувчи тарбияга ўзининг тарбияланиши билан жавоб бериб, у кенг йўналишда боради, яъни бу конкрет педагогик таъсирида бўлади.

Иккинчи позиция - тарбияга ижобий муносабат. Талаба жамоа ва педагоглarning барча талаб ва истакларини бажаришга ҳаракат қилади.

Учинчи позиция - мослашув. Талаба ич-ичидан педагог ва жамоа талабини қабул қилмайди, аммо ўзининг ташқи хулқини ўзгартириб, фақат шароит ва муҳитга мослашади. Лекин бундай ҳолатда талабада ишонч ва ижобий сифатлар юз бермайди. Шароит ўзгариши биланоқ талаба яна ўзини

аввалгидек ёмон тугади. Бу албатта жуда мураккаб психологик-педагогик воқеа бўлиб, унинг қатор сабаблари мавжуд.

Тўртинчи позиция - салбий одатлар ва ҳуққидаги кўникмаларни сингдиришнинг қийинлиги бўлади. Бу албатта талабадан катта асабий тизим талаб қилади ва у педагогга қаршилик кўрсата бошлайди.

22.3. Иқтисодий тушунчаларнинг шаклланиши ва ишонч ҳамда унинг функцияларини ривожда қарор топиши

Педагоглар жамоага бўлган ички ва ташқи муносабатларни фарқига бориб, уларни уч типга бўладилар:

1. Қачонки ташқи муносабат ички муносабатга адекват бўлиб, ижобий фаол бўлса, жамоа талабига талаба итоат қилади ва унинг фаолиятида фаол қатнашади ҳамда унинг обрўси учун курашади.

2. Қачонки ташқи муносабат ички муносабатга адекват бўлса, салбий бўлади: талаба ошқора ҳолда ҳуққ нормаларини бажармайди, унинг фаолиятида иштирок этмай, жамоага қарши туриб, тарбиявий таъсирга қаршилик кўрсатади. Бундай муносабат жамоада кам учрайди. Яна ҳам бундай ҳолат камдан-кам учрайди, қайсики бундай шахс муносабати жамоага мослашиши, у шахснинг позицияси ҳуққ нуқтаи назаридан тўғри бўлади, жамоаники эса - нотўғридир.

3. Қачонки талабада жамоа ҳаётида иштирок этиш истаги бор экан, бироқ у ўзини кўрсата олмайди ёки ўзининг уялчанлиги билан ва ишончсизлик ва бошқа сабабларга кўра суст-ижобий ҳолатда бўлади. Албатта суст-ижобий ҳолат - бу жамоа фаолияти ва манфаатларига эътиборсизлик оқибати ҳолос.

4. Тарбияга ва жамоага шахснинг муносабати педагогик таъсир шаклларни танлашга ундайди. Ҳар қандай ишончли машқми, мукофотми ё ҳукм чиқариш методларидан фойдаланиш учта шаклда таъсир этиши мумкин: тўғри, эгри ва параллел.

Педагогнинг таъсири талабага тўғри формада бўлиши тақозо қилади. Шу билан талаба педагог мақсади уни тарбиялаш эканлигини англайди. Агар талабани тарбияга муносабати салбий бўлса, у вақтда бундай тарбия формаси самарали бўлмайди. Бундай ҳолатларда тарбиянинг очиқ формаси эмас, балки унинг яширин формасидан фойдаланиш мақсадга муво-

фиқ бўлади. Яъни, параллел ёки эгри формаларидан фойдаланиш зарур бўлади. Параллел формасини таъсирини қўллаш авваламбор, бу жамоанинг тараққиёт босқичига боғлиқ бўлади, жамоа ривожининг биринчи-дастлабки босқичида параллел формасидан фойдаланиш жуда қийин кечади. Иккинчи тараққиёт босқичида параллел форма фаоллик орқали ташкил қилинади. Педагог фаолларнинг шахсга параллел таъсир этишини ташкил этиши мумкин, масалан, фаоллар аъзоларига танбеҳ бериши ва ҳоказо. Педагог гуруҳ сардорига “гуруҳда тартибсизлик” мавжудлигини айтади. Бу сўз фаоллар томонидан қилинган тартибсизлик учун талаб этилган сигнал бўлиб хизмат қилади. Айрим кезларда педагог талаба фаоллари билан кимни ҳулқи жамоа манфаатларига зидлиги эканлиги ҳақида суҳбат ташкил этишга тўғри келади. Бундай ҳолатларда педагог олдиндан фаоллар билан нималар ҳақида суҳбат қилиш, талабаларга нима айтишни келишиб олинади. Мақсад талабалардан қилинган талаблар ва уларга яратилган шароитлар очик ойдин айтилади.

Муҳокама жараёнида педагог қатнашади, агар жамоа кучли бўлса, педагог уларга ишониб эрта кетиши ва масалаларни талабаларнинг ўзи мустақил ҳал қилишлари мумкин бўлади. қачонки фаоллар уюшган, бир оғизли бўлса, педагогнинг умуман иштироки шарт эмас. Педагогсиз ҳам жамоа ўзи самарали ишлайди. Яна бир метод - жамоа тараққиётининг юқори босқичида параллел таъсир этишни ташкил қилиш — жамоада тартиб учун масъулиятли аъзони тарбиялаш. Талабанинг ўзи дарсдан сўроқсиз кетиб қолди. Педагог гуруҳ сардорини жазолайди, жамоа эса ўша талабага танбеҳ этади.

Параллел форма таъсири тўғри таъсир қилишдан қатор афзалликларга эга.

Биринчидан, жамоа параллел форма таъсирида тарбияланувчига ўз кучини ўтказиб, уни олға боришига кўмаклашади. Шу билан бирга жамоа ўзи тарбиялайди: талабага қўйилган талаб тўғри бўлиши ва талабалар учун огоҳ этади. Кўпинча тарбиянинг тўғри формаси қўлланиб, фақат тарбиячи обрўсига таянилса, у вақтда жамоа ривожига ҳалақит беради.

Иккинчидан, педагогнинг шахсга жамоа орқали бўлган мурожаати ижтимоий жараён бўлиб, унда талаба ўзининг тарбия объекти эканлигини сезмайди.

Учинчидан, тарбиянинг тўғри таъсири формасида тарбияланувчи билан педагог ўртасида келишмовчилик пайдо бўлади,

аммо параллел форма таъсирида бўлса, жамоа билан унда орасида келишмовчилик юзага келиб, бунда педагог мажора юзасидан қозилик қилади.

Шундай қилиб, педагогик таъсир формасини қўллашда шахснинг боғлиқлиги: шахснинг тарбияга бўлган муносабатидан, жамоа ривожининг босқичидан, педагогнинг шахс билан бўлган алоқасидан, шахснинг индивидуал хусусиятидан боғлиқ бўлиши. Бундан ташқари, ҳар бир талаба ўзига алоҳида ёндашув талаб қилади. Шунинг учун авваламбор талабанинг индивидуал хусусиятини инобатга олиш керак.

Қисқа хулосалар

1-хулоса. Талаба шахси - бўлажак иқтисодчининг иқтисодий тарбия объекти эканлиги Жамоа тараққиёти жараёнида ҳамма ўқувчиларга жамоанинг тарбиявий таъсири ва муносабатлари бир хилда бўлишига қарамай, айрим талабаларга тарбия таъсири турлича бўлиши шубҳасиз. Бу эса икки омилга боғлиқ. Улардан бири шахслараро тизим муносабатидир. Микро гуруҳлар ўзининг аъзоларини баҳолаши, муҳокама қилиши ва шунингдек, умуман жамоанинг ривожланишига таъсир кўрсатиши аниқ. Жамоанинг мувафаққиятли ишлаш шароитининг асослари: жамоанинг вазифасининг аниқ эканлиги, унинг мустақиллигини аста-секин ривожланиши, жамоа билан ишлаётган унинг давомчиси эканлиги, ҳар донм қайта сайланиши ва унинг обрўсини педагоглар қўллаб-қувватлашидир.

2-хулоса. Маънавий-маърифий ахлоқий тарбия тажрибасининг жамғарилиши ва бўлажак ишбилармонларнинг фикрлаш даражаси.

Талаба тарбиясининг ривожига фақат жамоа муносабатларигина таъсир қилиб қолмай, балки шахслар ўртасидаги, шунингдек шахснинг жамоадаги мавқеи ҳам таъсир кўрсатади. Тарбияга бўлган муносабатида тўртта позиция белгиланган: 1) ўқувчи тарбиясига педагогнинг аниқ таъсири; 2) тарбияга ижобий муносабати; 3) мослашув; 4) салбий одатлар ва хулқидаги кўникмаларни сингдиришнинг қийинлигидир.

3-хулоса. Иқтисодий тушунчаларнинг шаклланиши ва ишонч ҳамда унинг функцияларини ривожидида қарор топиши. Педагоглар жамоага бўлган ички ва ташқи муносабатларни фарқига бориб, уларни уч типга бўладилар: 1. Ташқи муносабат

ички муносабатга ижобий фаол бўлса, жамоа талабига талаба итоат қилади ва унинг фаолиятида фаол қатнашади ҳамда унинг обрўси учун курашади; 2. Ташқи муносабат ички муносабатга салбий бўлса, талаба ошкора ҳолда ҳуққ нормаларини бажармайди, жамоага қарши туриб, тарбиявий таъсирга қаршилиги - бу жамоада кам учрайди; 3) Талабада жамоа ҳаётида иштирок этиши истаги бор, лекин у суст, бу эътиборсизлик холос; 4. Тарбияга ва жамоага шахснинг муносабати педагогик таъсир шаклларни танлашга ундайди. Педагогнинг таъсири талабага тўғри формада бўлиши тақозо этади. Шу билан талаба педагог мақсади уни тарбиялаш эканлигини англайди. Ҳар бир талаба ўзига алоҳида ёндашув талаб қилади.

Таянч нборалар

Талаба шахсини юксалтириш, шахслараро тизим муносабати, жамоа ва шахс муносабатлари, ўқув жараёни, лидер-сардор талаба, микро гуруҳ, маънавий-маърифий, ахлоқий тарбия, иқтисодий тушунчалар, фикрлаш даражаси, позициялар, ички ва ташқи муносабатлар, шахс тарбиясига бўлган муносабатлар, шахснинг индивидуал хусусиятлари, индивидуал топшириқ, мослашув, тарбияга ижобий муносабат, муҳокама жараёни.

Такрорлаш учун саволлар

1. Талаб шахси - бўлажак иқтисодчининг иқтисодий тарбия объекти эканлиги.

2. Маънавий-маърифий ахлоқий тарбия тажрибасининг жамланилиши ва бўлажак ишбилармонларнинг фикрлаш доираси.

3. Иқтисодий тушунчаларнинг шаклланиши ва ишонч ҳамда унинг функциялари ривожда қарор топиши.

4. Талабанинг тарбияга бўлган муносабатларидаги қандай позициялари мавжуд.

5. Малакали иқтисодчилар тайёрлашда давлатнинг ғамхўрлигини сўзланг.

Адабиётлар

1. Малик Мурод. Ўзбек қадриятлари. - Т.: Чўлпон, 1995.
2. Мунавваров А.Ғ. Оила педагогикаси. - Т.: Ўқитувчи, 1994.

3. Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. -Т.: 1998.
4. Хошимов К., Нишонова С., Инамова С., Ҳасанов Р. Педагогика тарихи. - Т.: Ўқитувчи, 1996.
5. Психология и педагогика: Учеб. пособ. / Составитель и отв. редактор А.А.Радугин. -М.: Центр, 2003.
6. Слостенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. - 4-е изд. - М.: Школа Пресса, 2004.
7. Слостенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. для студ. пед. учеб. завед. / В.А.Слостенин, И.Ф. Исаев, А.И.Мищенко, Е.Н.Шоенов. - М.: Школьная Пресса, 2004.

23. ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ МЕЗОНЛАРИ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

23.1. Иқтисодий билимдонлик даражаси ва унинг кўрсаткичлари.

23.2. Гуруҳ ва алоҳида талабанинг иқтисодий билимдонлик даражасини белгилашнинг методик асослари.

23.3. Иқтисодий олийгоҳлардаги талабаларнинг билимдонлик даражасини белгилаш жараёнига раҳбарлик қилиш.

23.1. Иқтисодий билимдонлик даражаси ва унинг кўрсаткичлари

Талабанинг иқтисодий билимдонлик даражаси ўрганиш муваффақиятига боғлиқ. Маълумки, ўрганиш муваффақияти ўрганиш мақсадининг тўғри белгиланиши ва ўрганиш мазмунига боғлиқлиги, шунингдек мақсадларга эришиш методларига, яъни ўрганиш методларига ҳам боғлиқдир. Педагогик мақсадларни ўрганишни амалга оширишни таъминлаш, ўқитувчилар билан талабалар ўртасидаги ўзаро ҳаракатларни мақсадга йўналтирилган тизими ўрганиш методини тақозо этади. Муҳим муносабатлар билан мақсадларни ўрганиш - педагогик таъсир воситаси ва унинг натижалари - педагогик назариясининг муҳим вазифаларидан биридир.

А.Авлоний буни таъкидлаб, қуйидаги умум тан олинган ҳолатларни кўрсатган:

- конкрет шароитларга боғлиқ бўлган ҳолда ҳар бир педагогик восита фойдали ёки зарарли, суэт ёки ҳаракатчан бўлиши мумкин;

- педагогик мақсадларни амалга оширишда педагогик тизим воситалари хизмат қилади ва у бир марта ҳамда ҳар доим бўлмай; у ўзгаради ва ривожланади;

- барча педагогик иш қўйилган мақсадга эришиш учун фаол, ҳаракатчан ва ҳал этишга интилади;

- агарда хусусий мақсад бош масала билан келиша олмаса, иккинчи даражалисидан воз кечиб, асосан ва ҳал қилувчи томонга интилади.

Кўплаб техника олий ўқув юртлири ўқитувчилари таълим методлари, аҳамиятига етарли эътибор бермайдилар, уларга талабалар учун предметлар соҳаси бўйича, “фанлар тўла етарли бўлар эмиш”. Ҳаёт шунини тақозо этадики, техника олий ўқув

юртлари ўқитувчилари ҳозирги замон таълим методларини яхши билишлари ва унинг хусусияти ҳамда шартларини самарали қўллашлари зарур. Қанчалик ўқитувчи ўзининг илмий предметларини моҳиятини яхши билса, талабалар ҳам яхши билади, ўқитувчи қанчалик таълим ва тарбия жараёнининг умумий қонуниятларини чуқур билса, шундагина энг зарур бўлган методларини танлаб, унинг ёрдамида юқори самарали педагогик фаолият кўрсата олади.

Ўқитиш методи катта педагогик аҳамиятига эга: у фақат талабанинг билим ҳажмининг кенгайтиришга кўмаклашибгина қолмай, талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиради.

Ўқитиш методини танлашнинг асосий мезони - бу унинг педагогик самарадорлиги, яъни ўзлаштирган билим сифати ва миқдори, ўқитувчи талабага сарфлаган меҳнати ҳисобга олган ҳолда баҳолаш мумкин.

Қоидага кўра танлов куйидагича:

- ўқув-тарбия жараёнининг мақсади, ўрганаётган у ёки бу предметнинг бошқа предметлар тизимидаги ўрнини амалга оширади;

- ўқитиш методининг қўлланиши — ўқув машғулотларининг мақсади бўлади;

- предметнинг характериға қараб тайёрлаш ва ихтисослашув юз беради;

- предметларнинг ихтисослашуви ва бошқалар;

- ўқув материалларини характериға ҳам боғлиқ бўлади. (Масалан: ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, конструкторлик ва бошқалар);

- ишнинг тайкилий формалари (маъруза, амалий машғулот ёки семинарлар, лаборатория ишлари ва бошқалар);

- ўрганишда фойдаланадиган ўқув қуролларининг ва дидактик воситаларнинг мураккаблиги ва компактлиги, характери, кўринишлари;

- ўрганиш жараёнидаги конкрет шароитлар талабанинг фақат индивидуал қобилиятларигина бўлиб қолмай, балки талабаларнинг физиологик ва психологик имкониятлари (масалан, машғулот жаъвали, машғулот ўтказишдаги шароитлар ва бошқалар).

Ўрганиш методини танлаш ўқитувчини ўзи мутахассис сифатида, олим ва педагог тарзида ўқитувчининг қобилиятиға ҳам боғлиқ бўлади. Шуниси маълумки, ўқитувчи учун

универсал ва ҳар доим, ҳар вақт фойдаланиши мумкин бўлган методнинг ўзи йўқ.

Шунинг учун ҳам ўқитувчи ўзи мустақил ўргатиш методини танлайди ва қайси соҳада аниқ қўллашини белгилайди. Ўқитувчи қанчалик ўзини предметини яхши билса, ўқитиш жараёнининг педагогик-психологик қонуниятларини эгаллаган бўлса, ана шундагина ўқитувчи энг самарали ўрганиш методини танлайди ва педагогик маҳоратини кўрсатади.

23.2. Гуруҳ ва алоҳида талабанинг иқтисодий билимдонлик даражасини белгилашнинг методик асослари

Кўп йиллар давомида анъанавий ўқитиш ўқувчиларни ахборотлар қабул қилиши икки даражада тузилган:

1. Билиш ва уни қайта айтиш яъни талабалар “нима?” ва “қандай?”, деган саволларга жавоб беришга интиланлар, қисман у учинчи даражали тушунча бўлади.

2. “Нима учун?” деб қўйилган саволни англаш-тушунишга ўтади. Аммо, худди ана шу учинчи даражада мантиқий тушунча асоси юз беради, - деб таъкидлаган В.Г.Энштейн.

Маълумки, муҳандисга унинг фаолиятида биринчи икки даража зарур бўлган. Лекин, бу фақат ўтгандаги тажрибани қайтаришни билган холос, аммо ижодийлик учун албатта бу етарли эмас. Муҳандис биринчи икки даражадан фойдаланиб, у ижодий ишлаган.

Худди ана шу билан ўқитиш йўналиши белгиланиши мумкин.

Худди ана шу шароитга муаммоли ўқитиш жавоб бериб, мураккаб вазифаларни ечишда ўқувчиларнинг онги ривожланади, ўрганиши фаоллашади, мустақиллиги ва ижодий тафаккури ўсади.

Ижодий фаолиятнинг умумий характеристикасининг асосий турлари инсоннинг ижодий жараёнида шундай сифатлар фойда бўладикки, қайсики у оригинал фикрлаш, муаммоларни кўра билиш, янги шароитларда тезроқ мўлжал олиш, топиш қобилияти, интуиция ва шунингдек, маҳсулдорлигини кўрсатади. Муаммоли ўқитиш, муаммоли вазифалар, шунингдек ўқувчиларни ўрганишни машғулотдан фарқи шундаки, бунда масалани ҳал этиш учун янги усул излаш бўлмай, маълум бўлган ўрганиш методларини мустақамлашдир. Шунинг учун муаммоли ўқитишни ҳал қилиш бу стандарт бўлмаган

вазифаларга айтилиб, бунда талабалар янги билим, кўникма ва билишни ўзлаштириб оладилар. Бундай ҳолатда ўқитувчи билимни талабаларга “тайёр ҳолда” бермай, балки талабалар олдида муаммоли вазифаларини ўзлари ўйлаб, излаб ҳал этишини кўяди. Бу ўринда талабалар янги билимни олиш бўлмай, балки муаммони ҳал этишдир.

Шундай қилиб, муаммоли ўқитишнинг асосий тушунчаси - муаммоли вазият яратиш, яъни инсон учун масалан ҳал этишга унинг билим даражаси етарли бўлмайди.

Бу ўринда билиш билан билмаслик ўртасида қарама-қаршилик пайдо бўлади. Муаммоли вазият турли асосларга бўлинади: илмий билим соҳаси ёки предметлар (математика, физика ва бошқалар) соҳалар бўйича. Бундан мақсад яхшилик излаш муаммоси.

Ўқув муаммоли вазияти қуйидагича характерланади:

• ўқитувчилар билан биргаликда ўқувчилар аниқлаган зиддиятлар типи;

• муаммоларни маълум бўлган усуллар орқали ҳал этиш;

• янги маълумотлар тақчиллиги ёки назарий модуллар.

Муаммоли ўқитишнинг қўллаётган ўқитувчи фақат муаммоли вазиятнинг умумий таркибини билангина келмай, балки унинг типологияси, ўқитиш стратегиясини билиши ва зиддиятларини ҳал этиш усулларини ҳам эгаллаши керак.

Ўқитувчилардан ўқув материалларини қўллашда катта мето-дик ишларни талаб қилади. Муаммоли ўқитиш янги вазифаларни ҳал этиш методлари, унинг йўллари, таҳлил этишнинг оригинал усулларини асослаш учун асос ва далилларнинг турли воситаларидан фойдаланиш зарур бўлади.

Муаммоли ўқитишга ўтиш учун қуйидаги амалий масалаларни ҳал этиш зарур:

1. Тарбияланаётган ва ривожланаётган мақсадлар предметларини аниқ белгилаш ва унинг бўлим ва мавзуларни асослаш.

2. Ўрганилаётган илмий назария таркибини ва муаммоли мантиқий таҳлил ўтказиш.

3. Ўрганалаётган масалалар ва вазифалар мажмуасини педагогик позиция билан муаммоларни аниқлаштириш керак.

4. Тўпланган муаммоларни қайта кўриб чиқиб, уларни тизимлаш.

Муаммоли ўқитишга ўтишнинг объектив қийинчиликлар билан боғлиқлиги. Бу муаммоли вазият “банки” ни тузиш ва ўқув материалларини саралаш, машғулотга тайёрланиш учун

кўпроқ вақт сарфланиши зарур. Шу билан бирга ҳар қандай материал ҳам муаммоли вазият яратиш учун асос бўла олмайди.

Ўқув материалларнинг муаммоли бўлмаган элементиға рақамлар билан аниқ информация ва миқдор маълумотлари, фактлар, вақтлар, нормалари ва бошқалар тааллуқли бўлади.

23.3. Иқтисодий олийгоҳлардаги талабаларнинг билимдорлик даражасини белгилан жараёниға раҳбарлик қилиш

Дастурий ўқитиш. Дастурий ўқитиш предмети ХХ асрнинг эллигинчи йил-ларидан бошлаб, интенсив-жадал психологик илмий-тадқиқот ишиға айланди. Дастурий ўқитиш учун ўқув материалларини унча катта бўлмаган қисмларға бўлиниши, маълум ҳаракатларни тартибли бажарилиши, ҳар бир қисмни бажарилиши бўйича назорати, талабаларни жавобларни тўғрилиқ даражаси ҳақида маълумот-ахборотға эға бўлишини ифодалайди.

Бошқача қилиб айтганда, ўқитувчи билан талабалар ўртасида дастурли ўқитишда “ўқитилаётган қурилма” жойлаштирилган бўлиб, қайсики унда билимни ўзлаштиришнинг бошқариш функцияси берилади. Ўқитувчи шахсининг талаба шахсини ривожлантиришға таъсири фақат бевосита бўлади. Анъанавий ўқитиш билан дастурий ўқитиш ўртасидаги асосий фарқ, кўпинча ўхшаш бўлишиға қарамай, дастурий ўқитиш қисқа ва лўнда бўлишидир.

Материалларни дастурлаш уни қатъий системаға солишни талаб қилади. Дастурий ўқитишда танлов ёки конструктив жавоблардан фойдаланилади. Ҳар бир дастурий материал ўзига қуйидагиларни қўшиб олади:

1. Ўқитиш мақсадини белгилаш.
2. Дастур кимлар учун ишланишининг муҳимлиги.
3. Ўқитиш мақсади билан ўқув предмети элементларини тўла мослашўви.
4. Омилларни тартибли ва тизимли бўлиши асосида ўргатиш дастури тузилади.
5. Дастурнинг биринчи вариантыни тажрибада синаш ва уни тузатиш. Дастурий ўқитиш - бу универсал метод эмас.

Таълимнинг модул тамойиллари. Таълим методининг ривожида курснинг модул тузилишиға ўтиш муҳим босқичдир. Таълимнинг барча формалари билан бир қаторда модул методи

ҳам предметларни фундаментал тушунишда муҳим рол ўйнайди.

Одатда семестр маъруза курси 40-50 соатга бўлинса, курсдаги мавзулар 10-12 модулга бўлиниб, коллоквиум ўтказилади. Модул – мустақил таркибий бирлик бўлиб, айрим ҳолларда талаба барча курсни тингламай, фақат қатор модулларни эшитиши ҳолос. Бунда ҳар бир модул дидактик ва методик материаллар билан таъминланади, таълим жараёнидаги асосий тушунчалар, янгилик ва кўникмаларни ўзлаштириш зарур бўлади. Ҳар бир модул учун талаба уни ўрганишдан олдин кўргазмалар билан таъминланади. Модул керакли адабиётлар рўйхати билан ҳам таъминланади.

Ҳар бир талаба бир модул материални ўзлаштириб, бошқа модул бўйича ўзлаштиришга ўтади ва жорий назорат босқичига ўтади. Билим баҳоси учун янги, янада прогрессив тизимдан фойдаланилади. Талаба томонидан ҳар қайси жорий босқичда эришган барча натижалари, оралиқ ва якуний назорат бўйича балларда баҳоланади. Барча тўпланган баллар жамланиб, талаба-нинг индивидуал индекси тузилади. Талабанинг мақсади максимал балл тўплашдир. Баҳонинг умумий максимал баллда жорий балл 30-35% беради, оралиқ 20-25%, амалий машғулот ва курс иши 25% гача тўплайди. Имтиҳонда олган баллар улуши талабанинг ўқув меҳнатини умумий баҳоси, одатда 20 % дан ошмайди.

Бу тизим талабаларни ҳар кун систематик ишлашга, ўқиш жараёнида авангардлигини оширишга ва имтиҳон топширишдаги тасодифлардан ҳоли бўлади.

Тажриба шуни кўрсатадики, қоидага биноан талабага имтиҳонга тайёрланиш учун вақт берилмайди, имтиҳон сессия-сининг ўтиши тезлашади.

Таълимнинг модул методи афзалликлари қуйидагича:

- ўқув жараёнининг барча кўринишлари ичида ҳар бир модул ва улар ўртасидаги методик асослар таъминоти асосли келишилганлиги;

- курснинг модул тузилиши таркибининг ихчамлиги;
- талабалар билимининг ўзлаштириш назоратининг самарадорлиги;

- талабаларнинг тезда табақаланиши;

- аспирантурага номзодлар танлови кескин осонлашади;

- маърузалар муддати анчагина қисқариб, ўқитувчи талабаларга бераётган зарурий билимларни ўзлаштиришда янги

формаларни излаш ва ўз соҳаси бўйича етукли бўлиш ва бошқаларга раҳбарлик қилишдан иборатдир.

Шуниси маълумки, ўқитишнинг модул тамойиди биринчи босқичда жиддий ёндашишни талаб қилади. Модулни тузиш учун ўқитувчи предмет ҳажмини кенгайтирмасдан, балки уни қисқартириб, талабаларга бериладиган зарурий билимни тўла таъмин этиши, фикрлаш методини, шакллантиришни ҳам таъминлаб, мустақил равишда янгиликларни олишдан иборат.

Таълимнинг модул методи курснинг асосий масалалари бўйича умумлашган ахборотлар олиш ва бунинг учун муаммоли маърузаларни ўқишга ундайди. Ҳқилган маърузалар талабаларда ижодий қобилиятларни ривожлантиришга йўналтирилиши керак.

Модул тамойидини тадбиқ этиш ўқув жараёнини ташкилий қайта қуришни талаб қилади: ўқитувчи ишларининг режалаштиришни ўзгартириш, уни тайёрлаш учун лаборатория базаларини ҳозирлаш ва шунга мос методларни ишлаб чиқиш, билимларни текшириш назоратларини уюштириш ва бошқалар.

Қисқа хулосалар

1-хулоса. Иқтисодий билимдонлик даражаси ва унинг кўрсаткичлари. Талабанинг иқтисодий билимдонлик даражаси ўрганиш муваффақиятига боғлиқ. Педагогик мақсадларни ўрганишни амалга оширишни таъминлаш, ўқитувчилар билан талабалар ўртасидаги ўзаро ҳаракатларни мақсадга йўналтирилган тизими ўрганиш методини ифодалайди.

Ўқитиш методини танлашнинг асосий мезони - бу унинг педагогик самарадорлиги, яъни ўзлаштирган билим сифати ва миқдори, ўқитувчи талабага сарфлаган меҳнати ҳисобга олган ҳолда баҳолаш.

Ўқитувчи учун универсал ва ҳар доим, ҳар вақт фойдаланиши мумкин бўлган методнинг ўзи йўқ. Шунинг учун ҳам ўқитувчи ўзи мустақил ўргатиш методини танлайди ва қайси соҳада аниқ қўллашнинг белгилайди.

2-хулоса. Гуруҳ ва алоҳида талабанинг иқтисодий билимдонлик даражасини белгилашнинг методик асослари. Кўп йиллар давомида анъанавий ўқитиш ўқувчиларни ахборотлар қабул қилиши икки даражада тузилган: 1. Билиш ва уни қайта айтиш яъни талабалар “нима?” ва “қандай?”, деган саволларга

жавоб беришга интилиш. 2. “Нима учун?” деб қўйилган саволни англаш-тушуниш.

Гуруҳ ва алоҳида талабанинг иқтисодий билимдонлик даражасини белгилашнинг методик асосларида аввало талабанинг алоҳида, яъни индивидуал қобилиятига эътибор қаратиб, барча гуруҳ талабаларини ўрганиб, сўнгра уларнинг билимдонлигини аниқлаш мумкин. Бунинг учун уларга комплекс усуллардан фойдаланиш зарур.

3-хулоса. Иқтисодий олийгоҳлардаги талабаларнинг билим-донлик даражасини белгилаш жараёнига раҳбарлик қилиш. Дастурий ўқитиш учун ўқув материалларини унча катта бўлмаган қисмларга бўлиниши, маълум ҳаракатларни тартибли бажарилиши, ҳар бир қисмни бажарилиши бўйича назорати, талабаларни жавобларни тўғрилиқ даражаси ҳақида маълумот-ахборотга эга бўлишини ифодалайди.

Материалларни дастурлаш уни қатъий системага солишни талаб қилади. Дастурий ўқитишда танлов ёки конструктив жавоблардан фойдаланилади. Дастурий материалда: ўқитиш мақсадини, дастур кимлар учун ишланишининг муҳимлиги, ўқитиш мақсади билан ўқув предмети элементларини тўла мослашуви, омилларни тартибли ва тизимли бўлиши асосида ўргатиш дастури тузилади.

Таълим методининг ривожидида курснинг модул тузилишига ўтиш муҳим босқичдир. Одатда семестр маъруза курси 40-50 соатга бўлинса, курсдаги мавзулар 10-12 модулга бўлиниб, коллоквиум ўтказилади. Модул – мустақил таркибий бирлик бўлиб, айрим ҳолларда талаба барча курсни тингламай, фақат қатор модулларни эшитиши мумкин. Бу тизим талабаларни ҳар қандай систематик ишлашга, ўқиш жараёнида авангардликни оширишга ва имтиҳон топширишдаги тасодифлардан ҳоли бўлади. Таълимнинг модул методи афзалликлари: 1) ўқув жараёнининг барча кўринишлари ичида ҳар бир модул асосли; 2) тузилган модулнинг ихчамлиги; 3) ўзлаштириш назоратининг самарадорлиги; 4) талабаларнинг табақаланиши; 5) аспирантурага номзодлар танлови осонлашади; 6) маърузалар муддати анчагина қисқариб, ўқитувчи талабаларга бераётган зарурий билимларни ўзлаштиришда янги формаларни излаш ва ўз соҳаси бўйича етукли бўлиш ва бошқаларга раҳбарлик қилишдан иборатдир.

Таянч иборалар

Иқтисодий билимдонлик даражаси, кўрсаткичлари, мезонлари, услублари, педагогик мақсадлар, педагогик таъсир воситаси, ўқитиш методи, ўлаштирилган билим, танлов, муаммоли ўқитиш, муаммоли вазият «банки», гуруҳ ва алоҳида талабанинг иқтисодий билимдонлик даражасини аниқлашнинг методик асослари, иқтисодий олийгоҳдаги талабаларга раҳбарлик қилиш, дидактика воситаларининг мураккаблиги, муаммоли ўқитиш, ўқитиш мақсадини белгилаш, дастурий ўқитиш, таълимнинг модул тамойили, семестрлар, коллоквиум, методик материаллар ва адабиётлар.

Такрорлаш учун саволлар

1. Иқтисодий билимдонлик даражаси ва унинг кўрсаткичлари нималардан иборат?
2. Гуруҳ ва алоҳида талабанинг иқтисодий билимдонлик даражасини белгилашнинг методик асослари нималардан иборат?
3. Иқтисодий олий ўқув юртларидага талабаларнинг билимдонлик даражасини белгилаш жараёнига раҳбарлик қилиш қандай кечеди?
4. Муаммоли ўқишга ўтиш учун қандай амалий масалаларни ечиш зарур бўлади?
5. Таълимнинг модул тамойиллари нима?
6. Таълимнинг модул методини афзалликлари нималардан иборат?

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати. - Т.: Шарқ, 1999.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида” ги Қонуни. -Т.: Шарқ, 1997, 40-61 бетлар.
3. Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. - Т.: 1998.
4. Хошимов К., Нишонова С., Инамова С., Ҳасанов Р. Педагогика тарихи. - Т.: Ўқитувчи, 1996.

5. Психология и педагогика: Учеб. пособ. / Составитель и отв. редактор А.А.Радугин. - М.: Центр, 2003.

6. Слостенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. - 4-е изд. - М.: Школа Пресса, 2004.

7. Слостенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. для студ. пед. учеб. завед. / В.А.Слостенин, И.Ф. Исаев, А.И.Мищенко, Е.Н.Шионов. - М.: Школьная Пресса, 2004.

24. СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ

24.1. Юқори малакали кадрлар — рақобатбардош иқтисод асоси эканлиги.

24.2. Узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви.

24.3. Кадрлар тайёрлаш тизимида иқтисодий тарбия ва ахборот таъминоти.

24.1. Юқори малакали кадрлар — рақобатбардош иқтисод асоси эканлиги

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида сўзлаган нутқида: "...Бизнинг дастуримизни асосий шароити юқори малакали, ҳар томонлама такомиллашган кадрлар тайёрлашдан иборат", - деб таъкидлаган. Худди ана шундай кадрлар умуман таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг, иқтисодиётга рақобатбардош эканлигини белги-лайди.

Саноати ва интеллектуал салоҳияти ривожланган мамлакатларнинг таълим тизимидаги бош мақсади - юқори малакали кадрлар тайёрлаш орқали рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш ва рақобатбардош хизматлар кўрсатишдир. Бу мамлакатлар иқтисодий функциясида профессионал таълим жамият тараққиётида борган сари янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Профессионал таълим қанча юқори бўлса, юқори малакали кадрлар тайёрлашда фан ва ишлаб чиқариш билан ўзаро ҳаракати янада кучли ва самарали бўлади.

АҚШ, Япония, Франция, Германия ва бошқа саноати ва интеллектуал салоҳияти ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, қайсики юқори сифатли ва рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг барча даражада таъмин қилиниши қуйидагилардан иборат:

1. Таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг яқиндан ўзаро ҳаракатига боғлиқлиги.

2. Турли типдаги таълим ташкилотлари ва профессионал таълим дастурлари фан, техника, технология ва иқтисоднинг энг сўнгги ютуқлари асосида ишлаб чиқариш.

3. Профессионал таълим тизимининг иқтисодиётни обрўли ва фойдали соҳасига айлантириш.

4. Таълим муассасаларини ҳозирги замон ўқув-методик адабиётлар ва моддий техника базаси билан таъмин этиш.

5. Профессионал таълим тизимига юқори малакали ўқитувчилар ва мутахассисларни жалб қилиш.

6. Таълим жараёнини компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш.

7. Объектив назорат тизими ва кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолашни қўллаш.

8. Психологик-педагогик тадқиқотларни ривожлантириш, ўлчаш ва интеллектнинг баҳолаш, шахснинг сифат ва қобилиятлар муаммолари бўйича, шунингдек, профессионал йўналиш муаммолари бўйича амалга ошириш.

9. Ўқитувчиларни юқори даражали моддий ва ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш.

Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур юқорида санаб ўтилган хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳамда Ватанимиз тажрибаларини ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ҳаётининг барча соҳаларида беш тамойил сиёсати бўйича ислохотлар ўтказиш назарда тутилган.

Миллий дастур стратегияси асосида юқори малакали кадрлар билан таъминлаш унинг ҳаётий циклининг учта асосий босқичларига комплекс ёндашилган.

Биринчи босқичда кадрларга бўлган эҳтиёжларни прогнозлаштириш ва шахс, жамият талабларидан келиб чиққан ҳолда бозор иқтисодиётини ривожлантириш белгиланган. Бу ўринда квалификация даражасининг ўсиб бориши белгиланади.

Иккинчи босқичда кадрлар тайёрлашни таъминлаш ва квалификация даражасини амалга ошириш.

Учинчи босқичда, профессионал фаолият соҳасида кадрлардан фойдаланиш, вақти-вақти билан малакани ошириш ва қўшимча профессионал таълим ёки қўшимча профессионал таълим доирасида квалификация даражасини таъмин этиш ва янгилаб туриш.

Миллий дастурнинг комплекс вазифаларида сифатли кадрлар тайёрлаш қароридан, энг муҳим вазифани ишлаб чиқиш ва профессионал таълимнинг барча поғоналарида давлат стандарт таълим тизимини қўллаш. Таълимнинг стандарт тамойилларига бағишланган “рақобатбардош ва сифатли кадрлар тайёрлаш” дастури ишлаб чиқилган.

Рақобатбардош кадрларни тайёрлашни таъминлаш учун профессионал таълимда стандартлаштириш ўсиб, юксалиб

бориши зарур. Унинг моҳияти юқори ва янги сифатли талаблари бўйича амалиётда эришилган нормаларга муносабати белгиланади. Ҳисоб бораётган таълим стандартларида шундай талаб даражасида бўлиши керакки, қайсики унда тугатувчи мутахассислар фан, техника технология ва иқтисодиётда эришилган ютуқлар даражасига мос бўлиши зарур.

Профессионал таълимда стандартлаштириш комплекс бўлиши керак.

Биринчидан, ундаги ўзаро боғлиқлик даражасида кадрлар тайёрлаш ишчидан тортиб, то юқори квалификацияли мутахассисгача профессионал таълимнинг узлуксизлигини қамраб олиши зарур.

Иккинчидан, таълим стандарт комплекси мутахассиснинг ҳаётий цикlining барча босқичларини қамраб олиши ва уларнинг ўзаро яқиндан улар ўртасидаги алоқаларни таъминлаши керак.

Ўзбекистон Республикаси таълим стандарти халқаро стандартлар базасида ишлаб чиқилган ва такомиллаштириш тугалланмоқда, сифатли мутахассислар тайёрлаш ва мақсадга эришиш ягона ёндашиш таъминланмоқда. Бу эса рақобатбардошли кадрлар тайёрлашда халқаро тажрибалардан фойдаланиш имконини яратмоқда ва интеллектуал соҳада яқиндан ҳамкорлик қилишни ташкил этмоқда.

Таълим стандартларини кўрсатилган тамойилларга жавоб бериш даражасида ишлаб чиқиш, кадрларни квалификацион характеристикасига асосланиб шахснинг эҳтиёжини жамият ва ривожланаётган бозор иқтисодиётини ақс эттириши зарур.

Миллий дастурда таъкидлагандек, таълим стандартларини ишлаб чиқишда тараққий этган мамлакатлар тажрибасидан, фан, техника ва технологиянинг, иқтисод ва маданиятда эришилган энг янги ютуқлардан фойдаланиши назарда тутилган.

Давлат таълим стандарти, таълим соҳасида давлатнинг ягона сиёсат элементи тарзида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган.

24.2. Узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялануви

Ҳозирги замон фан-техника революциясининг характерли хусусияти-таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграция-

лашувидир. Бу ўзи ривожланаётган тизим барча соҳалар бўйича юқори малакали мутахассисларни такрор ишлаб чиқариш, бу ўз навбатида рақобатбардош фан ва ишлаб чиқаришни юксалтириб, янги илмий-техника ютуқлари билан таъминлайди. Жаҳон тажрибасида интеграция - бу ўқув-илмий ишлаб чиқариш марказлари, комплекслари, технологик парклар ва бошқалар амалга оширилади.

Бунда юқори малакали мутахассислар, илмий тадқиқотлар ўтказиш ва уларни натижаларини саноатда қўллаш функцияси кўшилади. Бундай бирлашмаларда бош - ташкил этувчи звено бўлиб, университетлар ҳисобланади. Чунки, улар жамият эҳтиёжлари асослари ўқув илмий-техник сиёсатини ўтказишга мос ҳолда юз беради. Ўқув-илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларининг турли кўринишлари фақат жамият ва иқтисоднинг барқарор ривожланишидагина зарур бўлиб қолмай, балки жамиятнинг ўтиш даврида ҳам, иқтисод ва таълим тизими учун кадрлар учун ҳам интеграциялашув энг муҳимдир.

Ўзбекистон шароитида бундай лойиҳаларни амалга ошириш, реализацияси фақатгина уларга мос норматив ҳуқуқий базалар ва молиявий-моддий сарфларгина эмас, балки ташкил қилинаётган ўқув-илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларининг психологик қайта қуриш компонентларини ҳам тузишни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида қилган маърузасида кадрлар тайёрлаш асосий тамойилларини шакллантириш ва улар фаолиятини амалга оширишда “узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш потенциалидан турли ўқув муассасаларида самарали фойдаланишни” - таъкидлаган эди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида (“Профессионал таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси”), кадрлар тайёрлаш тизимини янги сифатли даражада интеграциялашуви қуйидагиларга асосланади:

1. Саноати ва интеллектуал ривожланган мамлакатлар ҳамда халқаро ҳамкорликда академик ва илмий-тадқиқот институтларининг соҳаларини кенг жалб этиш билан барча даражадаги мутахассисларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ва шунга қизиққан корхоналар ҳамда ташкилотларни таълим жараёнига ҳамкорлик қилиш тажрибасига таяниш.

2. Талабалар таълими, илмий-тадқиқот, илмий ишлаб чиқариш ва кичик инновацион фирмаларни ривожлантириш.

Профессионал таълим интеграцияси вертикали бўйича:

Таълим муассасаларининг интеграциялашган академик лицей, профессионал коллежи ва бошқаларни ташкил қилиш. Бундай таълим муассасалари ижоат этади ва қуйидагиларни назарда тутади:

а) профессионал таълимнинг ташкилий ва методик изчиллигини таъмин этиш;

б) соҳалар вазифасини ҳал этиш учун мақсадли мутахассислар комплектини тайёрлашни амалга ошириш;

в) ўрта звено мутахассисларини тайёрлаш учун моддий техника базаларидан ва олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилар таркибидан фойдаланиш.

Профессионал таълим интеграциясининг горизонтали бўйича – йирик техника университетлари, илмий ўқув, илмий ишлаб чиқариш ва ўқув-ишлаб чиқариш бирлашмаларини ташкил этиш. Бундан мақсад рақобатбардош олий маълумотли профессионал таълим мутахассислари (бакалавр ва магистрлар), шунингдек, профессионал ишлаб чиқариш бирлашмалари, профессионал коллежи учун юқори малакали ишчи кадрларни тайёрлаш.

Бундай интеграция қуйидагиларга рухсат этади:

- бирлашаётган олий ўқув юртларининг моддий-техник, илмий ва педагогик потенциалдан, айниқса худудларда, шунингдек маъмурий бошқариш аппаратлари сарфларини қисқартиришдан самарали фойдаланиш;

- ўқув юртларида академик ва таълим жараёни билан фан соҳаларини ўзаро боғлиқлигини таъмин этиш;

- илмий ходимлар, ўқитувчилар, аспирантлар ва талабалар биргаликда фойдаланиш учун тажриба экспериментал ва фундаментал тадқиқот базасини ривожлантириш;

- ўқув жараёнида фойдаланиш учун фундаментал текшириш ахборотларини шакллантириш;

- профессионал таълимнинг барча даражаларида давомли интеграцион тажрибани ўтказиш.

Профессионал таълимнинг вертикал ва горизонтал равишда интеграциялашганлиги бўйича турли даражадаги рақобатдош мутахассисларни тайёрлаш учун ўқув-илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларини ташкил этиш.

Профессионал таълимнинг халқаро интеграциялашув йўллари:

1. Саноати ва интеллектуал ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорликда таълим муассасаларини (университет, коллежлар, малака ошириш ва қайта тайёрлаш марказлари) ташкил этиш. Булар бозор ва халқаро муносабатлар, юқори ва фандор-фанли технология, экология билан боғлиқ бўлган мутахассислар йўналиши бўйича бўлиши зарур.

2. Иқтидорли ёшларни саноати ва интеллектуали ривожланган мамлакатларнинг илғор таълим муассасаларида ўқитиш.

3. Хорижий таълим муассасалари ва тадқиқот марказлари билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиш ва шу билан бирга талабалар, илмий изланувчилар, аспирантлар, докторантлар ва ўқитувчилар алмашувини кенг йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлиши;

4. Республика таълим муассасаларини халқаро таълим ва илмий дастурларига қўшиш.

Профессионал таълим интеграцияси, фан ва ишлаб чиқаришнинг энг истиқболли қуйидаги мутахассислар йўналишлари бўйича: химия, экология ва табиатни муҳофаза этиш, геология ва фойдали қазилма бойликлар, тоғ ва нефт-газ ишлари, иссиқлик ва электроэнергетика, янги материаллар технологияси, самолётсозлик, метеорология, стандартизация ва сертификация, химия технологияси ва биотехнология, тўқимачилик буюмлари технологияси, енгил саноат, архитектура ва қурилиш, агрохимия ва тупроқшунослик, агроинженерия ва бошқалар. Бу йўналишлар бўйича таълим муассасалари, академик илмий тадқиқот институтлар тармоқлари, йирик корхоналар ва ташкилотлар мавжудлиги.

24.3. Кадрлар тайёрлаш тизимида иқтисодий тарбия ва ахборот таъминоти

Мустақил Ўзбекистон Республикаси давлатчилиги асоси ва интеллектуал ҳамда илмий техникасининг ихчамлашуви, ҳаётда ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-сиёсий ўзгариши мазмунли ва бадиий даражаси бўйича янги сифатли адабиётлар яратишни талаб қилади. Шунингдек, кутубхоналар фаолиятини тубдан яхшилаш ва ўқув юртлари кутубхоналари фондлари ва банкни шакллантириш зарур. Бошлангич, ўрта ва олий профессионал таълимни ҳозирги замон дарсликлари билан таъминлаш долзарб вазифа ҳисобланади. Шунингдек, тарбия масалалари бўйича адабиётлар ва ўқувчи ёшларнинг маънавий такомил-

аштириш, бунинг учун таълим соҳасида эришилган энг янги ютуқлар фан, техника, технология асосида янги ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш. Шу билан биргаликда таълим жараёнининг профессионал таркибига мос бўлган ахборотларни давомийлиги ва узлуксизлигини таъмин этиш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий Мажлиснинг IX-сессиясида ўқув жараёнининг ахборот билан таъмин қилинишининг муҳимлиги ҳақида: “Бизлар дарсликларни яратишни муқаддас ва прогрессив вазифа деб қарашимиз, дарсликни кимлар яхши ёзса, уларни жалб этиш” ни таъкидлаган эди.

Миллий дастурда навбатдаги вазифа ўқув жараёнини ягона ахборот тизими яратиш масаласини ҳал этиш назарда тутилган. Бунда Республика ва хорижий мамлакатлар ахборот нашриёти ва рефератив-патент, таълим муассасалари кутубхона тармоқлари ва илмий ташкилотлар, кутубхона фондлари маълумотларини ҳам қўшиш мўлжалланган. Шу билан боғлиқ бўлган кутубхона ва ахборот ташкилотларини ҳозирги замон компьютерари, кўпайтирувчи ва бошқа ташкилий техникалар билан жиҳозлаш зарур.

Миллий дастурнинг умумий йўналишига кўра, ўқув жараёнининг ахборот билан таъминлаш ва кутубхона ишларини такомиллаштириш учун:

Биринчидан, ўқув ва методик адабиётлар, кўрғазмали қуролларни мазмунли ва сифатли жиҳозланиши психологик-педагогик ва санитар-гигиеник талаблар даражасида ишлаб чиқариш.

Иккинчидан, хорижий илмий ва методик адабиётларни амалдаги тизимлари бўйича келиб туриши, шунингдек, таълим, фан, техника ва технология, иқтисод ва маданият учун таълимнинг барча соҳалар масалалари бўйича даврий нашрни ташкил қилиш.

Учинчидан, маҳаллий аҳоли миллати бўлмаган шахсларни ўз она тилида, уларнинг зич яшаган жойларида керакли, ўқув, илмий ва методик адабиётлар билан таъмин этиш.

Тўртинчидан, халқаро компьютер ахборотлари тармоқларидан самарали фойдаланиш.

Бешинчидан, янги ўқув, илмий ва методик адабиётларни жаҳон талаблари даражасида ишлаб чиқарган (муаллифлар, таржимонлар ва тақризчиларни) моддий ва маънавий рағбат-антиришни ташкил қилиш.

Олтинчидан, кутубхоналар ходимларини мамлакатимизда хорижий марказларда қайта тарбиялаш ва малакасини ошириш, аттестациядан ўтказиш.

Еттинчидан, бозор муносабатлар шароитида кутубхоналар тизимини норматив-ҳуқуқий амал қилишини тартибини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Қисқа хулосалар

1-хулоса. Юқори малакали кадрлар — рақобатбардош иқтисод асоси эканлиги. И.А.Каримов кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида сўзлаган нутқида: "...Бизнинг дастуримизни асосий шароити юқори малакали, ҳар томонлама такомиллашган кадрлар тайёрлашдан иборат", - деб таъкидлаган. Худди ана шундай кадрлар умуман таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг, иқтисодиётга рақобатбардошлигини ифодалайди.

Саноати ва интеллектуал салоҳияти ривожланган АҚШ, Япония, Франция, Германия ва бошқа саноати ва интеллектуал салоҳияти ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, қайсики юқори сифатли ва рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг барча даражада таъмин қилиниши қуйидагича: 1. Таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг яқиндан ўзаро ҳаракатига боғлиқлиги. 2. Фан, техника, технология ва иқтисоднинг энг сўнгги ютуқлари асосида ишлаб чиқариш. 3. Таълим тизимининг иқтисодиётни обрўли ва фойдали соҳасига айлантириш. 4. Таълим муассасаларини ҳозирги замон ўқув-методик адабиётлар ва моддий техника базаси билан таъминланиши. 5. Таълим тизимига юқори малакали ўқитувчилар ва мутахассисларни жалб этилиши. 6. Таълим жараёнини компютераштириш ва ахборотлаштириш. 7. Назорат тизими ва кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш. 8. Психологик-педагогик тадқиқотларни ривожлантириш, шахснинг сифат ва қобилиятлар муаммолари ошириш. 9. Ўқитувчиларни юқори даражали моддий ва ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш асосида рақобатбардош кадрларни тайёрлар.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридаги таълим стандартларини ишлаб чиқишда тараққий этган мамлакатлар тажрибасидан, фан, техника ва технологиянинг, иқтисод ва маданиятда эришилган энг янги ютуқлардан фойдаланишни ифодалайди.

2-хулоса. Узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви. Ҳозирги замон фан-техника революция-

сининг характерли хусусияти - таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашувидир. Жаҳон тажрибасида интеграция - бу ўқув-илмий ишлаб чиқариш марказлари, комплекслари, технологик парклар ва бошқалар амалга оширилади.

Бунда юқори малакали мутахассислар, илмий тадқиқотлар ўтказиш ва уларни натижаларини саноатда қўллаш функцияси муҳимдир. Шундай қилиб таълим интеграцияси, фан ва ишлаб чиқаришнинг энг истиқболли қуйидаги мутахассислар йўналишлари бўйича: химия, экология ва табиатни муҳофаза этиш, геология ва фойдали қазилма бойликлар, тоғ ва нефт-газ ишлари, иссиқлик ва электроэнергетика, янги материаллар технологияси, самолётсозлик, метеорология, стандартизация ва сертификация, химия технологияси ва биотехнология, тўқимачилик буюмлари технологияси, енгил саноат, архитектура ва қурилиш, агрохимия ва тупроқшунослик, агроинженерия ва бошқалар. Ушбу йўналишлар бўйича таълим фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашувини амалга оширади.

3-хулоса. Кадрлар тайёрлаш тизимида иқтисодий тарбия ва ахборот таъминоти. И.Каримов Олий Мажлиснинг IX-сессиясида ўқув жараёнининг ахборот билан таъмин қилинишнинг муҳимлиги ҳақида: “Бизлар дарсликларни яратишни муқаддас ва прогрессив вазифа деб қарашимиз, дарсликни кимлар яхши ёзса, уларни жалб этиш” ни таъкидлаган эди.

Миллий дастурда навбатдаги вазифа ўқув жараёнини ягона ахборот тизими яратиш масаласини ҳал этиш қўйилган. Бунда Республика ва хорижий мамлакатлар ахборот нашриёти ва рефератив-патент, таълим муассасалари кутубхона тармоқлари ва илмий ташкилотлар, кутубхона фондлари маълумотларини ҳам фойдаланиш мўлжалланган.

Миллий дастурнинг умумий йўналишига кўра, ўқув жараёнининг ахборот билан таъминлаш ва кутубхона ишларини такомиллаштириш зарурлиги қайд қилинган

Таянч нборалар

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, юқори малакали кадрлар, рақобатбардош иқтисодиёт асоси, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви, иқтисодий тарбия ва ахборот таъминоти, таълим стандартлари, профессионал таълим интеграцияси, халқаро интеграциялашув йўллари, интеллектуал салоҳият, юқори сифатли ва рақобатбардош

кадрлар, кадрларга бўлган эҳтиёжларни прогнозлаш, кадрлар тайёрлашни таъминлаш ва квалификация даражасини амалга ошириш, кадрлардан фойдаланиш, малакасини ошириш.

Такрорлаш учун саволлар

1. Юқори малакали кадрлар - рақобатбардош иқтисодиёт асоси эканлиги.
2. Узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви.
3. Кадрлар тайёрлаш тизимида иқтисодий тарбия ва ахборот таъминоти.
4. Профессional таълим интеграцияси нима?
5. Миллий дастур бўйича ўқув жараёнининг ахборот таъминоти ва кутубхона ишларини такомиллаштириш учун қандай вазифалар амалга оширилади?
6. Авлоднинг гармоник ривожланишида иқтисодий тарбиянинг тугган ўрни.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати. - Т.: Шарқ, 1999.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ҳамда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида" ги Қонуни. - Т.: Шарқ, 1997, 40-61 бетлар.
3. Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. - Т.: 1998.
4. Тохтахунова Д. Основы народной педагогики в экономическом воспитании. - Т.: 2001.
5. Хошимов К., Нишонова С., Инамова С., Ҳасанов Р. Педагогика тарихи. - Т.: Ўқитувчи, 1996.
6. Психология и педагогика: Учеб. пособ. / Составитель и отв. редактор А.А.Радугин. - М.: Центр, 2003.
7. Слостенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. - 4-е изд. - М.: Школа Пресса, 2004.
8. Слостенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. для студ. пед. учеб. завед. / В.А.Слостенин, И.Ф. Исаев, А.И.Мищенко, Е.Н.Шионов. - М.: Школьная Пресса, 2004.

25. КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИДА ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОНИНГ МАСЪУЛИЯТИ

25.1. Миллий кадрлар тайёрлаш дастури

25.2. Миллий кадрлар тайёрлаш дастурини амалга оширишда шахс, овла, жамият ва давлатнинг ўрни ва роли

25.1. Миллий кадрлар тайёрлаш дастури

XX асрнинг охирида саноати ва интеллектуал салоҳияти ривожланган мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий мусобақа фан, техника ва технология соҳасига кучли, чунки рақобатбардош кадрлар тайёрламасдан туриб, рақобатбардош иқтисод бўлиши мумкин эмас. Бу режа бўйича Ўзбекистон Республикасида Миллий дастур базасида рақобатбардош кадрлар билан таъминлаш мамлакатимиз ва хорижий давлатлар фани, техника, технология ва иқтисод ривожини ҳисобга олган ҳолда юқори даражага эришиш назарда тутилган. Янги авлод рақобатбардош гармоник ривожланган кадрлар қобилият эгаси бўлиб, келажакда юқори маданий тафаккур ва мустақил равишда илмий-техника ва ижтимоий-сиёсий ахборотлар йўналтирилган вазифаларни ҳал қилишлари зарур. Ана шундай кадрларни тайёрлаш учун Миллий дастур янги модел компонентларини қуйидагича назарда тутали:

- шахс - кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти бўлиб, таълим хизматларининг ишлаб чиқарувчиси ва истеъмолчисидир;

- узлуксиз таълим - бу малакали кадрлар тайёрлаш тизимига ўқув-илмий ишлаб чиқариш ва тарбия базасидир;

- давлат ва жамият - юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг бош кафолати эканлиги;

- фан - бу юқори малакали кадрлар ишлаб чиқувчиси ва истеъмолчиси эканлиги;

- иқтисодиёт - бу кадрлар буюртмасининг асоси бўлиб, уларни сифатли тайёрлигини баҳолайди, кадрлар тайёрлаш тизимини моддий-техник таъминоти ва эквивалентли молиялашни амалга оширади.

Ушбу моделнинг асосий учта йўналиши мавжуд:

Биринчи йўналиш - шахс узлуксиз таълим тизимида ўзининг фуқаролик мажбуриятини билим бериш ва ишлатиш бўйича максимал даражада амалга оширади.

Иккинчи йўналиш - давлат ва жамият шахсининг фуқаролик бурчини самарали амалга ошириш ва иқтисодни малакали кадрлар билан таъминлаш бўйича миллий вазифаларни ҳал этади.

Учинчи йўналиш - бу иқтисодни ташкил қилиб, давлат бюджети ёки контракт бўйича зарур бўлган кадрлар тайёрлаш учун молиялаштириш ва моддий-техника базасини таъминлайди.

Миллий дастур социал-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий, психологик-педагогик ва бошқа шароитларни яратиш, кадрлар тайёрлаш тизими бўйича кўрсатилган йўналишлар ўртасидаги яқин ҳамкорликни таъмин этишни назарда тутди. Ўқиётган шахсининг социал ва профессионал режада алоҳида эътибор талаб қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлис IX-сессиясида таъкидлаганларидек: “Бизлар ўқитувчилар ва тарбиячиларнинг ҳаётий талабларини таъминлаб, уларни меҳнатини рағбатлантириб, уларни касбий мавқеини кўтарамиз”. Бу масалаларни ҳал этиш учун дастурнинг “Ижтимоий ҳимоя”, “Илмий ва педагогик кадрлар”, “Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш”, “Қишлоқ мактабларини ривожлантириш” га қаратилган. Миллий дастурда айниқса, иккинчи йўналишга - малакали кадрлар тайёрлаш тизими ва узлуксиз таълимни такомиллаштириш кафолатига, рақобатбардош хизматлар кўрсатишга қобилиятли таъсир қилиш ва рақобатбардош маҳсулотлар яратишга алоҳида ўрин ажратилган.

Давлат ва жамият кафолати асосан қуйидагиларда ўз аксини топган:

Биринчидан, фуқароларнинг таълим олиш ҳуқуқини, профессионал касби ва малакасини оширишни амалга ошириш;

Иккинчидан, сифатсиз таълимдан ҳимоя қилиш;

Учинчидан, давлат таълим муассасаларининг молиялаштириш;

Тўртинчидан, ўқиш, яшаш ва дам олиш шароитларини таъминлашда ўз-ўзини бошқариш вазифаларини ҳал қилиш;

Бешинчидан, педагогик кадрлар ва ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш;

Олтинчидан, соғлиги нөчөр шахсларни профессионал таълим олишини таъминлаш;

Еттинчидан, ўқувчилар, ота-оналар ва педагоглар консултацияси ва тиббий-социал ёрдам ҳамда психологик педагогик марказлар шаҳобчаларини яратиш.

Ҳар икки йўналиш ўртасидаги (шахс-давлат-жамият) - иқтисод ҳисобланади. Бир томондан иқтисодиёт соҳасига кадрлар тайёрлаш тизими учун базис ҳисобланса, иккинчи томондан - кадрларга бўлган эҳтиёж, айниқса малакали кадрларга бўлган талабни ифодалайди. Кадрлар тайёрлаш тизимининг кўп йўналишдалиги - “Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастурини умумий қонун этади”. Унинг натижалари шахснинг фуқаролик етуклиги, жамият ва давлатнинг кафолат даражаси, бозор иқтисодининг тараққиёт даражасига боғлиқдир.

Миллий дастурнинг мақсад ва вазифаси, унинг асосланганлиги, моҳияти ва ҳал этиш йўли мустаҳкам илмий фундаментга асосланган.

Биринчидан, миллий дастур негизида тизимли ёндашув мавжудлиги. Рақобатбардош кадрлар тайёрлаш муаммоси ва унинг ҳал қилиниши барча омилларнинг ўзаро боғлиқлик йиғиндиси ҳамда кадрлар тайёрлаш тизимининг ялпи самарали ишларига таъсири кўрсатади.

Дастурга тизимли ёндашиш натижалари қуйидаги йўналишларни қамраб олади:

1. Таълим-тарбия йўналиши бўйича:

- рақобатбардош ва сифатли кадрлар тайёрлаш;
- маънавият ва маърифат;
- профессионал таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви;
- иқтидорли болалар ва талантли ёшлар;
- илмий ва педагогик кадрлар;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;
- қишлоқ мактабларини ривожлантириш.

2. Ахборот-информацион йўналишлар:

- таълим ва информацион технологиянинг ахбороти;
- ўқув жараёнини ахборотлар билан таъмин этилиши ва XXI асрда кутубхоналар;
- кадрлар тайёрлаш прогнозининг мониторинг тизими ва профессионал олий таълим ҳолатини баҳолаш.

3. Социал йўналишлар бўйича:

- болалар ва ўқувчи ёшлар миллий дастурнинг соғломлаштиришни ҳимоя қилиш;
- махсус таълим (ўқиш ва тарбияга муҳтож болалар);
- социал ҳимоялашнинг биринчи босқичида (1997-2001 й.й.) кадрлар тайёрлаш тизимидаги салоҳиятини сақлаш билан боғлиқ бўлган, уларнинг ҳуқуқий, норматив, илмий-методик ва моддий-молиявий юксалишлари учун шароитлар яратиш.

Миллий дастурнинг иккинчи босқичида (2001-2005 й.й.) дастур бўйича мўлжалланган барча белгиланган вазифаларни тўла амалга оширилиши назарда тутилган.

Миллий дастурнинг учинчи босқичида XXI асрда рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тизимининг яқдил ривожланиши янада такомиллаштирилиши мўлжалланган.

25.2. Миллий кадрлар тайёрлаш дастурини амалга оширишда шахс, оила, жамият ва давлатнинг ўрни ва роли

Узлуксиз таълим тизимида - кадрлар тайёрлаш тизимининг узлуксиз таълим фундаменти асосида шахс ўзининг ҳаёт йўлида танлаган, профессионал қобилиятини такомиллаштириш ва имкониятларини амалга ошириш ҳисобланади. Буларни ҳисобга олган ҳолда миллий дастур узлуксиз таълим тизимининг мазмуни ва таркибини ислоҳ қилиш мўлжалланган. Бу шахс, жамият ва давлатнинг ривожланаётган бозор муносабатлари талабига жавоб бериши зарур.

Узлуксиз таълим тизимининг ислоҳ этиши ўзига қуйидагиларни қўшади:

1. Аккредитация ва лицензия этилган турли таълим муассасаларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, типлари ва кўринишлари.

2. Илмий тадқиқот ва амалиёт функцияларини бажарувчи ҳамда таълим тизимини ривожлантираётган муассасалар, ташкилотлар ва корхоналар.

3. Таълимни бошқариш ташкилот тизимларининг барча даражадаги, шунингдек улар қарамоқидаги ташкилотлар, муассасалар ва корхоналар.

4. Таълим тизимини ривожлантираётган ва унинг амалий функциясига қўмаклашаётган ижтимоий ва илмий ташкилотлар, бирлашмалар.

Узлуксиз таълим тизимининг фуқароликни бажараётган тамойиллари:

1. Таълимнинг обрўси - унинг биринчи навбатда ривожланиш характери, таълимга, билимга ва интеллектуалга жамиятнинг янги муносабати.

2. Таълимнинг демократлашуви - ўқиш ва тарбия методларини танлашда ўқув юртларини автоматлашуви, таълимни бошқариш давлат-ижтимоий тизимига ўтиши, унда шахс, жамият, ва давлат тенг ҳуқуқли субъекти бўлади.

3. Таълимнинг инсонпарвар бўлиши - инсонни энг олий социал қадрини исботланиши, унинг қобилиятини очилиши ва таълимнинг турли эҳтиёжларини қондириши, умуминсоний қадриятларни обрўли бўлишини таъминлаш, атроф-муҳитга инсон муносабати.

4. Таълимнинг инсонпарвар бўлиши - ўқувчиларда дунёнинг яхлитлигини, юқори маънавиятни, маданий ва умумбашарий тафаккурни шакллантириш.

5. Таълимнинг миллий йўналиши ва унинг миллий тарихи билан, халқни анъаналари ва урф-одатлари, Ўзбекистон халқларининг маданий бойлиги ва сақланишини ўзида мужассамлаштирган, таълимнинг энг муҳим инструменти бўлган миллий юксалишга ва бошқа миллатлар тарихи ва маданиятига ҳурмат билан муносабатда бўлиш ва тан олиш.

6. Таълим ва тарбиянинг узвийлиги, бу жараёнга ҳар томонлама ривожланган шахснинг яқдил шаклланишига иттиқ қилиши.

7. Таълимнинг кўп қирралиги - унинг барча босқичларини давомийлиги, таълимнинг кенг танлов шакллари имкониятини яратиш, ўқув-тарбия юртлари, таълим ва ўрганиш усуллари, шахснинг қобилиятлари ва талабларига мос келиши, ўқув-тарбия жараёнини дифференциация ҳамда индивидуаллашини таъминлаш.

8. Оммавий таълимни ҳар бир босқичида иқтидорли, таланти ёшларни топиш, фундаментал ва махсус билимларни энг юқори даражада маълумотли бўлиши учун шароитлар яратиш, шунингдек юқори ривожланган илғор ўқув юртлари ва хорижий мамлакатларда билим олишини таъминлаш.

9. Узлуксиз таълимни - умумтаълим ва профессионал тайёрлашни доимий равишда чуқурлаштириш ва янгилаш, таълим ва тарбияда давомийликка эришиш, амалдаги кадрларни янги технология асосида профессионаллагини ошириш.

Узлуксиз таълим тизимининг янги модели қуйидаги таркибларга эга:

Умумий таълимга:

Мактабгача маълумот олиш;

Бошланғич таълим (I-IV синфлар);

Умум ўрта маълумот олиш (I-IX синфлар);

Уч йиллик махсус ва профессионал таълим.

Умумий таълим тизимида ўқитиш 6-7 ёшдан бошланади. Умумий таълим мажбурий ҳисобланади. Олий профессионал таълим қондага биноан 17 ёшдан бошланади ва давлат таълим стандарти доирасида 4 йилдан кам бўлмайди. Олий профессионал таълим бакалаврият ва магистратурага бўлинади. Олий таълимдан сўнг жамият эҳтиёжларини қондириш мақсадида илмий ва илмий-педагогик кадрлар шахсларнинг қизиқишларини қондиришга қаратилган ишга йўлланма оладилар. Олий таълимдан сўнг олий ўқув юртлари ва илмий муассасаларга (аспирантура, илмий изланувчи, докторантура ва бошқаларга) йўллаш амалга оширилади.

Қисқа хулосалар

I-хулоса. Миллий кадрлар тайёрлаш дастури. Ўзбекистон Республикасида Миллий дастур базасида рақобатбардош кадрлар билан таъминлаш мамлакатимиз ва хорижий давлатлар фани, техника, технология ва иқтисод ривожини ҳисобга олган ҳолда юқори даражага эришиш мумкин.

Миллий дастур социал-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий, психологик-педагогик ва бошқа шароитларни яратиш, кадрлар тайёрлаш тизими бўйича кўрсатилган йўналишлар ўртасидаги яқин ҳамкорликни таъминлаш назарда тутилган.

Миллий дастурнинг мақсад ва вазифаси, унинг асосланганлиги, моҳияти ва ҳал этиш йўли мустаҳкам илмий фундаментга асосланган.

Дастур асосий йўналишлари: 1. Таълим-тарбия йўналиши. 2. Ахборот-информацион йўналиши. 3. Социал йўналиши.

Миллий дастурнинг иккинчи босқичида (2001-2005 й.й.) дастур бўйича мўлжалланган барча белгиланган вазифаларни тўла амалга оширилиши назарда тутилган.

Миллий дастурнинг учинчи босқичида XXI асрда рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тизимининг яқдил ривожланиши янада такомиллаштирилиши мўлжалланган.

Миллий кадрлар тайёрлаш босқичлари: 1-босқич (1997-2001 й.й.) кадрлар тайёрлаш тизимидаги салоҳиятни сақлаш, уларнинг ҳуқуқий, норматив, илмий-методик ва моддий-молиявий юксалишлари учун шароитлар яратиш.

Миллий дастурнинг иккинчи босқичида (2001-2005 й.й.) дастур бўйича мўлжалланган барча белгиланган вазифаларни тўла амалга оширилиши назарда тутилган.

Миллий дастурнинг учинчи босқичида XXI асда рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тизимининг яқдил ривожланиши янада такомиллаштирилиши мўлжалланган.

2-хулоса. Миллий кадрлар тайёрлаш дастурини амалга оширишда шахс, оила, жамият ва давлатнинг ўрни ва роли. Узлуксиз таълим тизимида - кадрлар тайёрлаш тизимининг узлуксиз таълим фундаменти асосида шахс ўзининг ҳаёт йўлида танлаган, профессионал қобилиятини такомиллаштириш ва имкониятларини амалга ошириш ҳисобланади. Буларни ҳисобга олган ҳолда миллий дастур узлуксиз таълим тизимининг мазмуни ва таркибини ислоҳ қилиш мўлжалланган. Бу шахс, жамият ва давлатнинг ривожланаётган бозор муносабатлари талабига жавоб бериши зарур.

Узлуксиз таълим тизимининг янги модели таркибларига: Умумий таълим (Мактабгача маълумот олиш; Бошланғич таълим (I-IV синфлар); Умум ўрта маълумот олиш (I-IX синфлар).

Уч йиллик махсус ва профессионал таълим.

Олий таълим бакалаврият ва магистратурага бўлинади.

Таълим-тарбия жараёнида шахс, оила, жамият ва давлатнинг ўрни ва роли муҳимдир.

Таянч иборалар

Миллий кадрлар тайёрлаш дастури, дастурни амалга оширишда шахс, оила, жамият, давлатнинг ўрни ва роли, ўқитувчи, билим, меҳнат, ахборот таъминоти, таълим-тарбия йўналиши, социал йўналиш, аккредитация, илмий тадқиқот, таълимни бошқариш, узлуксиз таълим, таълимнинг узвийлиги.

Такрорлаш учун саволлар

1. Миллий кадрлар тайёрлаш дастурининг моҳияти нималардан иборат?

2. Миллий кадрлар тайёрлаш дастурини амалга оширишда шахс, оила, жамият ва давлатнинг ўрни ва роли.

3. Миллий дастурни амалга оширишда давлат ва жамият кафолати нималардан иборат?

4. Таълим-тарбия йўналиши бўйича қандай вазифалар амалга оширилиши назарда тутилган?

5. Ахборот-информацион йўналишда амалга ошириладиган вазифалар нималардан иборат?

6. Социал йўналишлар бўйича амалга ошириладиган вазифаларни шарҳлаб беринг.

7. Узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилишда нималар назарда тутилган?

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Буюк келажак сари. - Т.: Ўзбекистон, 1998.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида” ги Фармони. Халқ сўзи, 1997.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида” ги Қонуни. - Т.: Шарқ, 1997, 40-61 бетлар.

4. Измаилов А.Э. Народная педагогика: педагогические воззрения народов Средней Азии и Казахстана. - М.: Просвещение, 1991.

5. Йўлдошев Ж. Таълимимиз истиқлоли йўлида. - Т.: Шарқ, 1996.

6. Куръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима / Таржима ва изоҳлар муаллифи Аловуддин Мансур. - Т.: 1992.

7. Психология и педагогика: Учеб. пособ. / Составитель и отв. редактор А.А.Радугин. - М.: Центр, 2003.

8. Сластенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. - 4-е изд. - М.: Школа Пресса, 2004.

9. Сластенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. для студ. пед. учеб. завед. / В.А.Сластенин, И.Ф. Исаев, А.И.Мищенко, Е.Н.Шионов. - М.: Школьная Пресса, 2004.

26. БИЗНЕСМЕНЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ТАРБИЯСИНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

**26.1. Ишбилармонларни тарбиялашга мақсадли ёндашшни ва
обру талабликдаги элементлар тўсиқларини енгизиш**

26.2. Стандарт ва ижодкорлик

**26.1. Ишбилармонларни тарбиялашга мақсадли ёндашшни ва
обру талабликдаги элементлар тўсиқларини енгизиш**

Инсон тарбияси меҳнатда намоён бўлади ва унинг ўз ишига ва у орқали жамиятга, кишиларга, предметларга ва меҳнат маҳсулотларига, шунингдек, меҳнат фаолияти жараёнига бўлган муносабатида кўринади.

Бу муносабатда инсон ҳулқи шаклланади ва унинг дунёқарашини шаклланишига таъсир кўрсатади бундан ташқари, меҳнат жараёнида инсоннинг ақлий қобилияти ривожланади, чунки, меҳнат жараёни меҳнатни ташкил этиш, режалаштириш, назоратни амалга ошириш, бошқариш ва бошқа кўплаб вазифаларни ақлий фаолият билан боғлиқ ҳолда масалаларни ўйлаб олишни талаб этади.

Меҳнат жараёнида инсон ўзининг жисмоний кучларини ривожлантиради, такомиллаштиради ва ўзининг ҳаракатини йўлга солади, шунингдек, сезги органлар чаққонлик, чидамлик, ҳаракатини координация этиш, бу айниқса ишбилармонлар учун муҳимдир. Оқибат натижасида инсон меҳнати ижодий қувонишни англайди, ўзининг қўли билан чиройли предметлар яратади. Меҳнатнинг бу тарбиявий имкониятлари шахснинг ҳар томонлама ривожланишида меҳнат тарбияси муҳим омил бўлади. Аммо, лекин ҳар қандай меҳнатда ҳам бу имкониятлар бўлавермайди, мажбур этишдан озод бўлиши керак. Мажбурий меҳнат, жамоага мотивацияси бўлмаган меҳнат, инсонга қониқиш хосил этмайдиган меҳнат инсоннинг ривожланишига ва тарбиясига таъсир кўрсатмайди.

Педагогик жиҳатдан тўғри ташкил этилган талаба меҳнати унинг ўзининг фаолиятига муносабати бўлибгина қолмай, балки бошқаларга ҳам, умуман жамиятга ҳам фойдалигини шакллантиради. Талаба фақат меҳнатда шахс сифатида, фуқаро сифатида умумий фойдани шакллантиради. Меҳнат тарбиясининг мақсадлари, вазифалари ва мазмунини ҳозирги босқичда ишбилармонлар илмий-техника тараққиёти, шунинг-

дек бозор муносабатларининг ривожланиши тенденцияси шароитларидан излаш зарур бўлади.

Меҳнат тарбиясининг асосий мақсади - шахснинг ҳар томонлама камол топишидир. Ишбилармонларнинг тарбиясининг мақсади фақат меҳнатга бўлган муносабатини шакллантириш бўлибгина қолмай, балки уни билимли, ақл ва маҳорат билан қуроллантириш, иқтисодчи касбини танлагани учун қобилиятини ривожлантириш зарур.

Меҳнат тарбиясининг асосий вазифаси - талабаларнинг меҳнатга психологик жиҳатдан ва амалий томондан ҳозирги замон бозор муносабати талабига мос равишда тарбиялаш иборат.

Меҳнат тарбиясининг мазмуни. Меҳнат тарбиясининг моҳиятини белгилашда ҳозирги замон ишлаб чиқариш характеридан ва меҳнат мазмуни ва талабларидан, ишбилармонлар меҳнатига бўлган талабларидан излаш лозим. Билингни, битмас туганмас ҳузур-ҳаловат фақат меҳнатдан келади. Ҳеч қачон, ҳеч қандай буюк иш меҳнатсиз юзага чиқмаган ва чиқмайди ҳам.

Қанча ҳам билганда, ўқи эрта-кеч,
Билим тоғига чиқ, денгизини кеч.
Бўлма қуруқ савлатингга маҳиё ҳеч,
Меҳнат машаққатсиз ҳаловатдан кеч.

Олий ўқув юртидаги меҳнат тарбиясининг асосий мазмуни ўзида қуйидагиларни ифода этади:

- Турли хил ишбилармонлар фаолиятига, меҳнат қилиш иштиёқига қизиқиш ва севишни тарбиялаш. Тарбиясининг бу сифатларисиз меҳнат тарбиясини амалга ошириш мумкин эмас.

- Талабаларда иқтисодчи меҳнатига бўлган ўз истаги бўлган муносабатни тарбиялаш.

- Талабаларни билимли, уддабуронли ва маҳорат билан қуроллантириш.

- Талабаларда касбига бўлган қизиқишни тарбиялаш.

- Олий ўқув юртидаги меҳнат тарбияси оиладаги тарбиядан ўзининг мақсадли характери билан фарқланади. Олий даргоҳда тарбия малакали педагоглар томонидан амалга оширилади. Ишбилармонлар ва бизнесменлар тарбияси тасдиқланган дастурга мос ҳолда меҳнатга ўрганиш билан амалга оширилади. Олий даргоҳдаги тарбиянинг асосий вазифаси талабаларни ҳар томонлама ривожлантириш ва уларни меҳнатга тайёрлаш, уларни маънавий характери ва хулқ тамойилларига мос ҳолда тарбиялашдан иборат.

26.2. Стандарт ва ижодкорлик

Талабаларнинг қизиқишини ҳисобга олган ҳолда ва ихтиёрый тамойилларга асосланган ишда дўстлик ва ўзаро ёрдам сифатларини шакллантиришдан иборатдир. Ишда меҳнатга бўлган ижодий муносабатни, мустақилликни, фаолликни, ижодий қобилиятни тарбиялаш зарурдир.

Педагогик этика. **Этика** сўзи грекча бўлиб – одат, удум, расм демакдир. Грекча, лотинча, шунингдек қадимий грек тилларда аввал “порядок” – тартиб, “обучай” - одат, “қоида”, “қонун”, сўнгра “маънавият” деб қўлланилмоқда.

Этика - бу фан маънавият ҳақидаги фандир. Педагогик этика эса – бу фан педагогик маънавият ҳақидаги фандир. Сўзсиз бу фан этикага асосланади. Одилик, тўғрилиқ, ҳайрихоҳлик, инсонпарварлик, одамийлик буларнинг барчаси инсон учун, инсон хоҳиши учун, инсон зоти учун.

Ҳозирги замон педагогикаси заминиди давлат эмас, балки инсон тасвирланади ва бу албатта тўғри. Педагогик этика бу ҳали ёш фан бўлиб, мақсадли ўқув жараёни шароитида ўқитувчининг хулқ нормаларини ўрганади. У шубҳасиз, педагогика ва психология билан чамбарчас боғланган, педагогиканиннг таркиби қисми - бу тарбия, таълим ва ўрганиш таълим ва тарбиянинг воситаси эканлиги. Ҳозирги замон педагогик этика таълими давримизнинг махсус хусусиятларини тақозо қилмоқда, бозор иқтисодиёти ривожланиши кишиларнинг дунёқарашига таъсир этмоқда, педагогларнинг ўзларида стереотип ўзгармоқда. Агар ўқитувчи янги шароитда эски методлардан фойдаланса, ундай педагог ўз-ўзидан четда қолади. Ўқитувчининг мураккаблиги шундаки, қайсики у янги технология асосида ўқитиши талаб этилади. Янги компьютерлар, ўқув қуроллари, дарсликларнинг ҳаммаси янги педагогика хизматига манзур бўлиб, педагогик этика таълимини ҳисобга олиши керак.

Шундай қилиб, педагогик этикада нозик ва мураккаб соҳа амал қилиб, педагог билан талаба ўртасида муносабат соҳасида ҳам инсонни хусусиятлари шаклланади.

Ҳақиқий педагогда ҳеч қачон эътиборсиз қараш бўлмаслиги керак. Педагог - бу инсон эътибор билан қулоқ солиб, эшитишни билиши зарур, аммо бундай сифат ҳар кимда ҳам бўлавермайди. Ҳақиқий педагог сезувчан, талабаниннг психологик ҳолатини англаши, талабага мурожаатида дарҳол

сезиши, унга реакция қилиш зарур. Ҳақиқий педагог доимо талабага ёрдам қўлини чўзади ва унинг талаб, эҳтиёжларига бефарқ қарамайди. Ҳаётнинг ўзи педагогик этикага талабларни қўяди:

1. Бозор иқтисодиётининг ривожланиши таълим шароитини ўзгартиради ва ўқитувчи роли ҳам ўзгарди. Агарда авваллари ўқитувчининг бош роли ва моҳияти лектор бўлиб билими бериш бўлса, ҳозирда ўқитувчининг олий ўқув юрtdаги мажбурияти талабаларни ўқишга ўргатиш, тушуниш фаолиятини ташкил эта билиш ва уларни бошқаришдир. Таълимнинг энг керакли шарти фикрлашни ўргатиш. Бунинг учун зарурлиги қуйидагича:

- талабаларни мустақил ахборотлар излаш ва кутубхоналарда ишлашга ўргатиш;

- ўқилган маълумоти тушуниш, англаш, энг муҳими бош масалани ажрата билиш ва конспект тузишга ўргатиш;

- мустақил ўз устида ишлашга ўргатиш.

2. **Педагогик этиканинг иккинчи талаби** – ҳозирги замон меҳнатининг хусусиятларидан келиб чиқади: талабалар вазифаларни ҳал этишда ҳамкорлик меҳнатда ечишга ўргатиш зарурлиги, жамоанинг аъзоси бўлиши яъни талабани коллектив фаолиятида бажарувчи бўлиб етишга тайёрлаш кераклиги, ташкилотчи ва ташаббускор бўлиши.

3. **Педагогик этиканинг учинчи талаби** – талабаларни мутахассислик характериға тайёрлаш. Мутахассис режалаштиришга, жамоа фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришга, жамиятнинг ахлоқ нормаларига таянган ҳолда талабаларни бўлажак мутахассисликга, ҳаётга ва ишлаб чиқаришга тайёрлаш лозим.

Этика жаҳон маданиятининг ажралмас қисми бўлиши, аввало кўп юз йилликларни босиб ўтиши зарур бўлган. Ахлоқ тушунчаси қадим замонлардан буён ҳақиқатгуйлик, хайрихоҳлик, виждонли, уятчанлик, жасурлик, меҳнатсеварлик, содда бўлишлик, халқпарварлик, яъни ахлоқий тушунча асосида хотамтой бўлшини ифодалайди.

Ҳаммага маълумки, кўполлик барча ёвузликка ундайди, унинг ҳаммаси оиладан бошланиб, жамоа ва давлат билан тугайди. Сизгирлик, ҳурмат қилиш, керак бўлса ўзини ҳам жазолаш, миннатдорчилик билдириш хусусиятлари – булар жуда ҳам зарурдир.

Ўз даврида “гуноҳ”, “уят”, “виждон” сўзлари тилдан тушмади. Ва унинг чуқур аҳамияти инсонга ўз таъсирини кўрсатган.

Инсониятнинг ахлоқий кодекси моҳияти аллақачонлар ташкил топган. Мана унинг асосий қондалари:

1. Мулойимлик.
 2. Инсонга бўлган эътибор.
 3. Инсоннинг муваффақиятсизлигига ҳамдард бўлиш.
 4. Ишчи ходимга ва бошқа кишилар бўш вақтларига тежамли муносабатда бўлиш.
 5. Мулоқотда кўпчилик учун ёки барча иштирокчиларга сўзининг тушунарли бўлиши.
 6. Одамлар даврасида ўринсиз кулгидан ўзини тийишга интилиш, чунки сиз худди унинг устидан кулган бўлманг.
 7. Хулқда оғир-вазмин бўлинг: ҳеч кимни, ҳеч қачон кўрқита кўрманг, айниқса куч ишлатишга йўл қўйманг.
 8. Атрофингиздагиларни осойишталиги ҳақида ғамхўр бўлинг: ўзингизни ҳаракатингиз, сўзларингиз ва техник воситалар билан тинчлигини бузманг.
 9. Инсонни камситишга йўл қўманг, ўзгалар фикрларига ва дидига сабрли бўлинг.
 10. Гапирётган кишининг сўзини бўлманг ва унинг фикрларини мароқ билан тингланг- эшитинг.
 11. Суҳбатдошингизга эътиборли бўлинг - ўзингиз гапиргандан кўра, кўпроқ ундан сўрашга интилинг ва тингланг, асло унга ўзингиз ҳақидаги мавзунини энг қизиқарли эканлигига мажбур қилманг.
 12. Сиз қандай муҳим хизмат кўрсатишингизга қарамасдан, ташаккур талаб қилмай, ёрдам беришга шошилиш керак. Яхши-лик қайтишини кутмасдан, нима қилсангиз ҳам иштиёқ билан бажаришни кўрсатинг.
 13. Ўзингизни ташқи кўришингиз ҳақида қамхўрлик қилинг: билингки, ўзига эътиборсизлик ва исқирт юриш, бошқа одамлар фикрини писанд қилмаслик - бу ўзига ҳурматсизлик шаклидир.
 14. Ўзингизни ташқи кўринишингизга қарашига йўл қўйманг. гизга
- АҚШнинг энг машҳур маърифатчиси XVIII асрда Бенжамин Франклин “кундалик яхши фазилатни” ўн учта тамойилларини шакллантирган. Улар қуйидагилар: вазминлик, жим туришлик, тартиблилик, қатъийлик, ҳақиқатгўйлик, фаоллик, очиқ чеҳра-лик, эҳтиёткорлик, меъёрийлилик, ижодийлик, озодалик, осойишталик, оддийликдир. Бу тамойиллар ўзининг долзарблигини ҳозирги кунда ҳам йўқотган эмас.

Умуминсоний қадриятларнинг мавжудлиги: хушмуомалалик ҳар қандай ижтимоий тузумда ҳаёт тоғи бўлиб келган, тиз чўкмасдан, ўринсиз қичқирмай, мазза қилиб жим бўлиш барча даврларда ҳам шундай бўлган.

Турмуш тарзи - бу инсонни оиласидан олган бурч, уни болаларга бериш шундай бўлган ва шундай бўлиб қолади. Виждон - бу одобли инсоннинг асоси бўлиб, у ҳам ҳар доим бўлган.

Педагогик этиканинг асосий талаби - бу яхши педагогик минтақа—шароитини яратиш: Педагогик минтақанинг маълум бўлган бешта муҳим шароитлари:

1. Ҳар икки томон - ўқитувчи ва талабалар муваффақиятига ишончи “Инсон фақат қачон нималарга эришса, қаерда ўз кучига ишонса”, - деб таъкидлаган эди Людвиг Фейербах. Ишонч - бу талабада машғул бўлиш, энтузиазмини уйқотади ва ўқишга бўлган қизиқиш иштиёқини кучайтиради.

2. Иккинчи шarti - ўқитувчи билан аудитория ўртасида тўғри ўзаро муносабатнинг ўрнатилиши ҳамда гуруҳдаги талабалар ўртасида ҳам бунинг учун ягона маънавий нормаларга асосланган ҳолда умуминсоний қадриятлар тамойилларига таяниш — ўзига ҳам бошқаларга, ўзигадек, уйда ҳам, ишда ҳам ҳамжиҳатлик.

Ўқитувчининг талабаларга таъсири ниҳоятда катта, агар ўқитувчи улар учун намунали бўла олса, талабага у ўзини юрагини қисмини бера олса. Педагогик этикада ўқитувчининг жамоадаги ўрни катта рол ўйнайди. Энг муҳими ўқитувчи ўз ролини ошириб юбормасдан ва ҳамкасблари ролини камситмасдан, у ҳамкасбларига ишончи ва уларга ҳам ишониши керак бўлади.

3. Муҳитнинг қулайлиқлигини учинчи шarti - ҳар бир талабага хайрихоҳлик муносабати. Ўқитувчи мактабда шундай микроклиматни яратиш лозимки, барча ўқувчиларга бир хил эмас, балки ҳар бир ўқувчини ҳисобга олган ҳолда жиддий ва шу билан бирга уста, болалар психологиясига қараб муомаллада бўлиши зарур.

4. Педагогик этиканинг тўртинчи шarti - бу ўқитувчининг талабалар билан бўладиган учрашувидаги нутқий мулоқоти ёқимли бўлиши айти муддао.

5. Бешинчи шarti - бу ўқитувчининг ўзини қиёфаси, ташқи кўрinishи ва аудиториядаги муҳитнинг ўзи, аудиториянинг жиҳозланиши ҳам муҳим рол ўйнайди.

Шундай қилиб, таълим учун ёқимли муҳитни яратиш асосан ўқитувчининг ўз қўлида эканлиги унутмаслик зарур. Таълимнинг муваффақиятини: қизиқиш, хайрихоҳлик, педагогик сабр-тоқатли ва ижодий онгликни таъминлаши керак.

Педагогик этиканинг сўнгги қондаси - билим сифатини таъмин этиш. Сифатли билимнинг энг муҳим омилларидан бири - бу унинг тизимийлигидир. Ҳар қандай илмий назария уч қисмдан иборат: тушунча, асосий ҳолат ёки қонунлар ва натижа яъни, бунинг мазмунини тизимийлигидир.

Таълим этиканинг муҳим қондаси - бу билимнинг фундаментал эканлиги. Навбатдаги таълимнинг ўқитувчи этикасининг қондаси - бу таълим жараёнида талабаларни ўзлари билим олишга ва уни ижодий ривожлантиришга тайёрлаш билан қанчалик таъмин этилишини кўришдир. Педагогик этика ҳар бир ўқитувчини ўз предмети нуқтан назаридан юқори малакали мутахассис тайёрлашга қаратилиши керак. Буларнинг барчаси ўқитувчи олдига қуйидаги вазифаларни қўяди:

1. Ўқувчини ўқитиш учун аниқ материалларни танлаш: билими, уни амалда қўллаш, қўллашнинг мақсадини билиш, нима учун бўлажак мутахассисга зарурлиги.

2. Ўқувчиларнинг профессионал йўналиш олишни ҳисобга олиш.

3. Ўқув жараёнида имконияти бўйича дарҳол предмет моҳиятидан фойдаланиш, предметлараро алоқадан фойдаланиш.

4. Охиргиси - педагогика витаминларсиз мақсадга эришишда қувонч келтирмайди. Фавқулудда витамин “Ч” муҳимдир.

Витамин “Ч” - софдиллик, сезувчанлик, инсонийлик.

Тажрибали педагог машгулотни албатта хушчақчақ-қизиқарли ўтказди. Талабанинг кўнглига-дилига йўл топа билди. Педагогик этика ҳар қандай ҳолатда ҳам ўқув жараёнида талабаларнинг психологик ҳолатини ўқитувчи ҳисобга олишга ундайди. Ўқитувчига ҳаммаси табиий бўлиши шарт, акс ҳолда панд ейиши аниқ ва мумкин.

Инсонийлик тарбияда катта рол ўйнайди. Эстетик тарбиянинг вазифаси - бу шахснинг эстетик асосларини шакллантиришга чорлайди (бунда шахснинг йўналиши ва қатъийлиги, дунёқараши, маънавий психологик сифатлари, сезиш ва одат).

Карл Роджерс — Америка психологи ва терапевти 1962 йилда шундай ғояни олға сурди, тарбиянинг олий-юқори мақсади — бу шахсга энг катта имконият бериш билан ўзини тўла ва етарли даражада ифода этсин, ўзини ким эканлигини билдирсин.

Ўқитувчида талабага таъсир қилиш уч механизми мавжуд:

1. **Ўқтириш ва юқтириш** — яъни, ўқувчи ўқитувчи ўз аксини ифода этиш. Бу механизм инсон ҳолатига ҳаяжонли таъсир қилади.

2. **Таъсир кўрсатиш**. Бу ҳам ҳаяжон асосида ҳаракат қилади, лекин ўқтириш ёки юқтиришдан фарқи, бунда инсон соғлом туради, унинг эрки эзилмаган бўлади.

3. **Ишонтириш механизми**. Бу механизм таъсир кўрсатиш механизми билан яқин боғлиқ бўлади. Чунки, ишонтиришнинг асосий воситаси бу жонли сўздир. Ишонтириш инсон мантиқига унинг онгига таъсир қилади.

Ишонтиришда энг муҳими:

1. Асосий фикрни аниқ ва ишончли қилиб баён этиш, Сиз ҳақиқатдан ҳам талабалар ўзлари хулоса қилиши билан боғлайсиз.

2. Ишончли, қарама-қарши бўлмаган далиллар келтириш.

3. Ўзига ишончли бўлиб, умид ифода этиш ва эҳтиётли бўлиш керак, албатта.

4. Ўз фикрини аниқ ва очиқ айтиш ва шу билан аудиторияни ўзига тортиш — қаратиш лозим. Очиқ чехрали ва тўғри—одил кишиларни ҳамма ҳам севади ва ҳурмат қилади.

5. Талабаларга текис ва манфаатли муносабат, тарбиячи—ўқитувчи шу билан фарқланадики, қайсики у талабаларни севади. Ҳақиқий педагог — юқори тарбияланган инсон, шунинг учун у мулойимлик ва хотамтойлиги ҳамда юқори талабчанлик билан уйғунлаштириб, зўрлик ва мажбур этишини ман этади.

Қисқа хулосалар

1-хулоса. Ишбилармонларни тарбиялашга мақсадли ёндошиш ва обрў талаблиқдаги элементлар тўсиқларни енгиш. Инсон тарбияси меҳнатда намоён бўлади ва унинг ўз ишига ва у орқали жамиятга, кишиларга, предметларга ва меҳнат маҳсулотларига, шунингдек, меҳнат фаолияти жараёнига

бўлган муносабатида кўринади. Бу муносабатда инсон ҳулқи шаклланади ва унинг дунёқарашини шаклланишига таъсир кўрсатади.

Меҳнат жараёнида инсон ўзининг жисмоний кучларини ривожлантиради, такомиллаштиради ва ўзининг ҳаракатини йўлга солади, шунингдек, сезги органлар чаққонлик, чидамлик, ҳаракатини координация этиш, бу айниқса ишбилармонлар учун муҳимдир. Оқибат натижасида инсон меҳнати ижодий қувонишни англайди, ўзининг қўли билан чиройли предметлар яратади. Меҳнатнинг бу тарбиявий имкониятлари шахснинг ҳар томонлама ривожланишида меҳнат тарбияси муҳим омил бўлади.

Меҳнат тарбиясининг асосий мақсади - шахснинг ҳар томонлама камол топишидир. Ишбилармонларнинг тарбиясининг мақсади фақат меҳнатга бўлган муносабатини шакллантириш бўлибгина қолмай, балки уни билимли, ақл ва маҳорат билан қуроллантириш, иқтисодчи касбини танлагани учун қобилиятини ривожлантириш зарур.

Шундай қилиб, ишбилармонлар ва бизнесменлар тарбияси тасдиқланган дастурга мос ҳолда меҳнатга ўрганиш билан амалга оширилади.

2-хулоса. Стандарт ва ижодкорлик. Талабаларнинг қизиқишини ҳисобга олган ҳолда ва ихтиёрий тамойилларга асосланган ишда дўстлик ва ўзаро ёрдам сифатларини шакллантиришдан иборатдир. Ишда меҳнатга бўлган ижодий муносабатни, мустақилликни, фаолликни, ижодий қобилиятни тарбиялаш зарур.

Ҳақиқий педагогда ҳеч қачон эътиборсиз қараш бўлмаслиги керак. Педагог - бу инсон эътибор билан қулоқ солиб, эшитишни билиши зарур, аммо бундай сифат ҳар кимда ҳам бўлавермайди. Ҳақиқий педагог сезувчан, талабанинг психологик ҳолатини англаши, талабага муро-жаатида дарҳол сезиши, унга реакция қилиш зарур. Ҳақиқий педагог доимо талабага ёрдам қўлини чўзади ва унинг талаб, эҳтиёжларига бефарқ бўлмайди.

Шундай қилиб, педагог талабаларга ижодий ёндашиб, таълим учун ёқимли муҳитни яратиш асосида ўқитувчининг ўз қўлида эканлигини унутмаслиги керак. Таълимнинг муваффақиятини: қизиқиш, хайрихоҳлик, педагогик сабр-тоқатли ва ижодий онглиликни таъминлаши зарур. Ана шу юқорида қайд этилганларга амал қилган педагог - бу ҳақиқий ижодкорликни қадрлаган мураббийдир.

Танч иборалар

Ишбилармонларни тарбиялаш, инсон тарбияси, инсон ҳулки, ақлий фаолият, меҳнат тарбияси, стандарт ва ижодкорлик, меҳнат тарбиясининг аҳамияти, педагогик этика, этика талаблари, педагогик этиканинг шартлари, талабага таъсир қилишнинг аҳамияти.

Тайёрлаш учун саволлар

1. Ишбилармонлар ва бизнесменлар тарбиясига мақсадли ёндашиш ва обрў талабликдаги тўсиқларни енгил.
2. Стандарт ва ижодкорлик тушунчалари нима?
3. Бизнесмен ва ишбилармонлар тарбиясининг асослари нималарда иборат?
4. Ишбилармонлар ва бизнесменларнинг асосий ахлоқий Кодекси нималардан иборат?
5. Ўқитувчи томонидан талабага таъсир қилиш механизмини сўзланг.
6. Ишонтиришдаги энг муҳим бўлган жиҳатлар бешта ва уларни шарҳлаб беринг.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик. - Т.: Ўзбекистон, 1993.
2. Каримов И.А. Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати. - Т.: Шарқ, 1999.
3. Гайзберг В.М. Основы бизнеса. - М.: 1996.
4. Инструменты развития критического мышления. - Т.: 2002.
5. Навоий А. Маҳбуб ул-қулуб. - Т.: 1993.
6. Педагогика. / А.Мунавваровнинг умумий таҳрири остида. - Т.: Ўқитувчи, 1996.
7. Тохтахунова Д. Основы народной педагогики в экономическом воспитании. - Т.: 2001.
8. Психология и педагогика: Учеб. пособ. / Составитель и отв. редактор А.А.Радугин. - М.: Центр, 2003.
9. Слостенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. - 4-е изд. - М.: Школа Пресса, 2004.

10. Слостенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. для студ. пед. учеб. завед. / В.А.Слостенин, И.Ф. Исаев, А.И.Мищенко, Е.Н.Шионов. - М.: Школьная Пресса, 2004.

27. ҲИТОВЧИ МЕХНАТИ, БИЛИМИ ВА ЮҚОРИ МАЛАКАСИНИНГ НУФУЗИ

Ҳитовчи деганда, ҳар бир инсон беихтиёр ўзининг беқубор болалигини, жўшқин ёшлик даврини, орзуларга тўла мактаб йилларини, муаллим ва мураббийларини соқиниш ва ҳурмат эҳтиром туйқуллари билан эсга олади.

Ислам Каримов

27.1. Ҳитовчи - бу мураббий-муаллим ва устоз эканлиги.

27.2. Ҳитовчи меҳнатининг нуфузли эканлиги.

27.3. Кадрлар тайёрлаш тизимида ижтимоий ҳимоя ва моддий таъминот.

27.1. Ҳитовчи - бу мураббий-муаллим ва устоз эканлиги

Ҳитовчи - бу гўзаллик ва инсонийлик соҳибидир. Бу олийжаноб, шарафли касб эгалари ҳақида қанчадан-қанча донишмандлар ўзларининг энг яхши эзгу-тилак, истакларини ёзиб қолдирмаган дейсиз. Ҳаёт абадий экан, у аввало ёш авлод билан барҳаёт. Демак, авлод бор экан, унга таълим ва тарбия берадиган меҳри дарё, бағри кенг инсон - бу **Ҳитовчидир**.

Касблар ичида шоҳонаси ва фахр билан тараннум этиладиган касб - Ҳитовчилик касбидир. Чунки, ҳаётда бирон соҳа йўқки, унга Ҳитовчининг бевосита ва билвосита қўшган ҳиссаси бўлмаса.

Ҳитовчининг билимдон, ақл-заковатидан, меҳр-муҳаббатидан баҳраманд бўлмаган инсоннинг ўзи бўлмаса керак. Бу ҳақда машҳур Абдурахмон Жомий: "Жаҳонда бўлмаса муаллим агар, ҳаёт ҳам бўлмасди гўзал бу қадар", - деб ёзган.

Ҳитовчи - ҳар қандай жамият тараққиётини ҳаракатга келтирувчи фавқулодда куч бўлиб, унинг мамлакат юксалишидаги ўрни ва роли беқиёсдир. Ҳитовчиларнинг билими, салоҳияти ва педагогик маҳорати жамият ривожини истиқболнинг кафолатидир.

Биз Америка, Англия, Япония, Франция каби давлатларнинг ниҳоят даражада ривожланганлиги ҳақида сўз юритганимизда, у мамлакатларда минг-минглаб юқори малакали Ҳитовчилар ижодий меҳнат қилаётганлигига амин бўламиз.

Америка Қўшма Штатларида ва бошқа қатор мамлакатлардан кучли ўқитувчиларни ёллаш учун маблағни аямайди. Улар орасида истеъдодли хитойликлар, ҳиндлар, покистонликлар ва бошқа миллат ҳамда элат вакиллари бўлиб, бу етук, баркамол ўқувчилар АҚШнинг ақлий ривожини таъминлаб келаяпти.

Бизда эса, афсуслар бўлсинки, аксинча. Четдан, яъни хорижий мамлакатлардан истеъдодли ва тажрибали ўқитувчи-педагогларни ёллаш, ҳатто ҳаёлимизга ҳам келтирмаймиз.

Ўтган асрларда рус дворянлари ўз болаларини ўқитиш учун Франция, Англия, Германиядан ўқитувчилар ёллашган, ёки ўша давлатларда таълим олиш учун юборганлар. Аммо бизда бундай тажриба деярли бўлмаган. Ўтмишда Файзулла Хўжаевни отаси Англия ва Францияда билим олишга юборганлиги маълум ва бошқалар.

Ўқитувчи фақат мактабда ёки аудиторияда эмас, балки ҳамма жойда - уйда ҳам, маҳаллада ҳам ўқитувчи, яъни зиё тарқатувчи бўлиб қолиши керак...

Мабодо ўқитувчининг ўз фарзандлари қобилиятсиз, уқувсиз чиқиб қолса, у ўқувчиларини ўз болаларидек тарбия қилиб, ўқитиш имкониятига эга. Бу ўқувчилар унга фарзандларидек бўлиб қолиши муқаррар. Улар бутун умри давомида ўзларининг одам бўлишида ўқитувчиларининг хизматини унутишмайди. Боз устига, керак бўлса, унинг фарзандлари-ю, қариндошларига беминнат хизмат қилишади.

Ўқитувчилар ўз болаларига, яқинларига, қариндошларига ҳар доим билим ва ақл кўникмаларини бағишлаб юриши ҳам саодат, ҳам мажбуриятдир. У ҳеч бўлмаса, бир марта шанба ёки якшанба кунлари 1-2 соат яқинларини йиғиб, уларга ҳаётдаги янгиликлар, ўз истеъдод ва қобилиятини ривожлантириш йўллари, инсоф, диёнат тушунчаларининг моҳияти ҳақида суҳбатлар ўтказиб туриши, билимларини мустақил ошириб туришларига кўмак бериши лозим.

Тажрибали ва омилкор педагог ўз фикрларини олдиндан ёзма равишда тайёрлаб, қариндошлари ва иқтидорли ўқувчиларга тарқатгани мақсадга мувофиқ бўлади. Бу шахсан Сизнинг мактабингиз бўлади, номингизни улуглайди, эъзозу ҳурматга сазовор бўласиз. Дарҳақиқат, оила ва маҳаллада ўқитувчилик энг бахтли, ҳосиятли, шарафли касбдир.

Ўқитувчи ҳамма жойда ақлли, билимли, зиё тарқатувчи бўлиб қола олмаса, унинг билими ва маҳорати аста-секин

пасайиб кетаверади. Шунинг учун ўқитувчи ўз билганларини ёзиб бориши, доимо сақлаш учун уларни кутубхонага топшириб, келажак авлодларга қолдирса, айни муддао бўлади. Бу унинг номини абадийлаштиради.

Боғбон кўчат ўтқазса, 5-6 йилдан сўнг унинг ҳосилидан тўла баҳраманд бўлганидек, ўқитувчининг меҳнати ҳам дарров билинавермайди, маълум вақтдан сўнг ўқитувчи чеккан заҳматлари ўз самарасини беради, ҳаммани хушнуд этади. Демак, у катта-кичик шогирдлари-ю, фарзандлари олдида ҳаммиша эъзозда бўлади.

Маърифат маданияти қонида-наслида бўлган ота-она, аввало, ўзи доимо билимини ошириб боришга, болаларига ўрناк бўлишга интилади. Фарзандларини ҳам шунга даъват этади. Шу сабабли маърифатли ота-она, аввало ўз жигаргўшалари учун ибрат, намуна, устоз-мураббий бўлишади. Муаллим-устоз эса барча замонлару маконлар ичра тенгсиз мўтаббар хазинадир. Юқорида айтганимиздек, ҳурмат-эъзоз ҳаммиша унинг насибасидир. Президент ёхуд вазир бўладими, қатъий назар, ҳаммиша давранинг тўрида устозини ўтқзади. Ақли, қобилиятли болаларни доимо тарбия қилиб, ўз мактабини яратади. Сийлови эса келажакда бўлади. Айнан шундай улуғ устозлар, Абу Райҳон Беруний, ал Хоразмийларни, Абу Али ибн Синоларни, Мир Алишер Навоийларни ва бошқаларни тарбиялаб етиштиришган. Афсуски, ҳозир бу ҳақда етарлича ўйлаяпмизми? Ёш истеъдодли, иқтидорли, талантли ёшларни излаб топиш, уларни комил инсонлар, қудратли ақл соҳиблари бўлиб етиштирилари хусусида ҳаммиша ҳам жиддий ўйлаб кўраяпмизми? Ҳа, албатта энди бу ҳақда жиддий ўйлаш имкониятлари яратилди...

27.2. Ўқитувчи меҳнатининг нуфузли эканлиги

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов узлуксиз таълим тизими ислоҳотлари муаммолари ҳақида сўзлаб: “Бизлар ўқитувчилар ва тарбиячиларнинг ҳаётий талабларини таъмин қилишимиз керак, уларни меҳнатларини рағбатлантириб, уларнинг нуфузли касбини эъзозлашимиз зарур”. Яна давом этиб: “У муаммони ҳал этмай, ўсаётган авлоднинг тарбияси ҳақида гапиришнинг моҳияти йўқ”, – деб таъкидлаган эди.

Ўқитувчи ва табиачиларнинг меҳнати шунда нуфузли бўладики, қайсики у қатъий уч нуқтага таянган бўлсагина:

Биринчи нуқта таянчи - бу авлодни гармоник равишда юксалтиришга тайёрлаш учун иқтисодий тараққиётга таяниб, малакали кадрлар тайёрлаш моддий ва ижтимоий таъминотга боғлиқ. Бу нуқта таянчи “Ижтимоий ҳимоя” дастурида мўлжалланган умумий йўналишда таълим соҳасида моддий таъминотни таъминлаш қуйидагича:

Биринчидан, давлат томонидан Республиканинг ягона ўқув-илмий ишлаб чиқариш комплекси бўлган таълим тизимини барқарор ривожланиши ва амал қилишини иқтисодий ва социал кафолатини таъмин этиш.

Иккинчидан, ўқитувчиларнинг моддий ва маънавий рағбатлантириш, профессионал малакасини ҳамда маданий-таълим даражасини ошириш, шунингдек меҳнат сифатини оширишни ташкил этиш.

Учинчидан, ўқитувчилар ва илмий ходимлар, таълим соҳасидаги барча даражадаги ходимларнинг нафақа таъминотини такомиллаштириш.

Тўртинчидан, таълим тизими ва унинг таълим муассасаларига бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш учун шароит яратиш.

Бешинчидан, таълим соҳасидаги ходимлар, шунингдек аспирант ва докторларга моддий-техник ва бошқа имтиёزلарни кенгайтириш ва такомиллаштириш.

Олтинчидан, таълим соҳасидаги ходимларга ҳар йили мураккаб меҳнат шароити учун компенсация тўлаш ҳақида тавсияномалар, йўл ҳақи, даволаниш, меҳнат таътилига ва бошқаларга тайёрлаш.

Кўрсатилган дастурда, шунингдек моддий таъминот ва социал ҳимояни таълимнинг даражалари бўйича такомиллаштириш.

27.3. Кадрлар тайёрлаш тизимида ижтимоий ҳимоя ва моддий таъминот

Мактабгача таълим:

1. Кам таъминланган oilалар болалари учун таълим ва соғломлаштириш хизматлари дастурларини таъмин этиш.

2. Oilадаги болалар тарбиясига моддий, психологик-педагогик ва тиббий-маслаҳат ёрдамларини кўрсатиш.

3. Мактабгача муассасалар ходимларининг меҳнатга ҳақ тўловини такомиллаштириш.

Умумий таълим:

1. Ўқитувчилар ва бошқа педагогик ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш, сифатли кўрсаткичлари учун қўшимча ҳақ тўлашни киритиш, малакали категориялар ўртасида ҳақ тўлаш фарқини кўпайтириш, ўқув-методик ва тарбия ишлари учун қўшимча ҳақ тўлашни ошириш.

2. Илмий даражали ўқитувчилар, унвон ва фахрий унвонларига қараб, меҳнатга ҳақ тўлашни такомиллаштириш.

3. "Таълим аълочиси" унвони учун 30% гача иш ҳақини ошириш кўрсатилган.

Ўрта махсус ва профессионал таълим:

1. Ўқитувчилар, таълим ўргатиш ишлаб чиқариш устозлари ўрта ва бошланғич таълим муассасаларига иш ҳақи тизимини жорий этиш.

2. Ўқитувчилар миқдорининг йиллик юкломани 640 соатга қисқартириш.

3. Ишлаб чиқариш таълим соҳаси мутахассислари меҳнат таътилини 36 иш кунигача узайтириш.

4. Ўрта махсус таълим муассасалари ва профессионал таълим ўқувчиларининг калорияли озиқ-овқати ва унга имконият ташкил этиш.

Олий ва олий таълимдан сўнгги таълим.

1. Таълим ходимларига бериладиган илмий унвон ва даража, фахрий унвон учун қўшимча ҳақ тўлашни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

2. Илмий-педагогик стажи ва профессионал малакасини ошириши билан боғлиқ бўлган профессор-ўқитувчилар таркибига иш ҳақи тўлаш тизимини ишлаб чиқарилиши ва амалга оширилиши.

3. Талабалар ва аспирантлар учун давлат томонидан имтиёзли кредитлар низомини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

4. Вилоятлардан келган талабалар ва аспирантларни имтиёзли шароитлар асосида турар жой билан таъминлаш.

5. Ўқувчилар, талабалар ва аспирантларни ўқиш, яшаш ва дам олишларида ўзларини ўзлари бoшқариш тизимини ривожлантириш.

6. Бўлажак мутахассислар учун учун иш жойлари ташкил этиш, иш берувчилар учун имтиёзлар ишлаб чиқиш.

Иккинчи “нуқта таянчи” — ўқитувчилар корпуси авлоднинг гармоник ривожланиши, унинг маълумотли ва профессионал малакали тайёрлаш учун маънавий жавобгарлиги. Бу жавобгарлик миллий дастурнинг бошдан-оёқ ўтади, таълим-тарбия жараёнининг барчаси мактабгача бўлган таълимидан ва олий ўқув таълимидан сўнгги билан тугайди.

Учинчи “нуқта таянчи” - ўқитувчилар корпусининг квалификацияси яъни, малакали бўлиши - бу соҳада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий мажлисининг IX-сессиясида таъкидлайди: “Биз шундай долзарб масала билан дуч келамизки, ўқитувчининг ўзи ҳозирги замон билими, унинг таълимотини ва профессионал даражасини оширишни ҳал қилишни кечиктириб бўлмайди”, - деб айтган.

Миллий дастурда: масалани самарали ҳал этиш дастур йўналишида кўрсатилган “Илмий ва педагогик кадрлар”. “Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш”, “Қишлоқ мактабларини ривожлантириш” ва бошқаларда кўрсатилган. Педагогик кадрлар янги таълим таркиби қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилган: академик лицейлар, профессионал коллежлар, бакалаврлар ва магистрлар. Таълим таркибининг амалдаги бошланғич таълимга эътибор, қайсики авлоднинг фундаментал гармоник ривожини, яъни болаининг ақли, интеллекти, дунёқарашини шакллантиради.

Ўқитувчиларнинг малакаси ва билимини ошириш масаласи бўйича Президентимиз И.А.Каримов шундай деб таъкидлаган эди: “Юқори малакали ўқитувчилар тайёрлаш бўйича махсус фонд ташкил қилиш керак. Ана шу фонд орқали ўқитувчилар, профессорларни хорижий мамлакатларда малака орттиришда бўлиши учун имконият яратишини ташкил қилиш”.

Ўқитувчилар малакасини оширишда мустақил таълим олиш муҳим рол ўйнайди. Чунки, ~~биринчидан~~, бунда моддий ва маънавий омил ўзининг қизиқувчилик асосига эга. ~~Иккинчидан~~ янги моделнинг моддий-техника ва таълим тизимининг мерос бўлиб қолган узлуксиз таълимнинг моддий-техник базаси моҳияти ҳозирги замон талабига мос келмайди.

Бу ҳақда Президентимиз И.А.Каримов Олий Мажлис IX-сессиясида шундай - деган: “Шуни очиқ-ойдин тан олиш керакки, мактабларнинг моддий базаси жуда ачинарли ёмон ҳолатда”. Ва яна “...етарли моддий база яратилмади, чунки

ҳозиргача ўқув дастурлари эскилигича қолмоқда...". Табиийки, бундай ҳолат, сифатли кадрлар тайёрлашга таъсир этмоқда.

Миллий дастур узлуксиз таълим мазмунини жаҳон андозаларига мос келиш масалаларини параллел ҳал этиш ва янги таълимнинг моддий-техника таъминоти масалалари моҳияти назарда тутаяди. Узлуксиз таълимнинг моддий-техника таъминотини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлар қуйидагилар ҳисобланади:

- барча турдаги таълим муассасаларининг ва ўқув-лаборатория базаларини ривожлантириш ва такомиллаштириш, шунингдек таълим тизимидаги муассасалар ва ташкилотлар талабини давлат таълим андозалари, янги иқтисодий, социал нормалари ва нормативларига мос келиши;

- таълим таркибидаги ўқув-методик адабиётлар ва ўқув кўргазмалари қуролини давлат таълим андозалари талабига мос келиши;

- барча типдаги таълим муассасаларини барча турдаги ва даражадаги ҳисоблаш техникалари ва таълимга мўлжалланган дастурлар маҳсулотлари билан жиҳозлаш;

- корхона ишлаб-чиқариш ўқув-лабораториялари, илмий ва ўқувга мўлжалланган ишлаб чиқаришни жиҳозлаш, ўқув кўргазмалари қуроли, мебеллар ва инвентар, ўқув жараёнининг бошқа воситалар билан жиҳозланиши, шунингдек, бу корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва имтиёзлар бериш;

- капитал қурилишлар ҳажми, биноларни таъмирлаш ва таълим тизимини яратиш, барча турдаги таълим муассасаларини талаб даражасида уларни модернизациясини таъминлаш.

Миллий дастурда янги таълим таркибини моддий-техника базасини таъмин этишга алоҳида эътибор қаратилган: академик лицейлар ва профессионал коллежлар. Президент И.А.Каримов айтганларидек: "Бу муносабатга биноан кўпроқ четдан инвестицияларни, бошқа манбаларни, ҳомийдан самарали фойдаланиш йўллариини излаб топиш, маҳаллий бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни кенг жалб қилиш зарурлигини" — таъкидлаган эди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳақиқий ўқитувчи-устозликнинг моҳияти ҳаёт тақозо этаётган, ахлоқий фазилатларини ёш авлод онгига, эътиқодига, энг муҳими кундалик хатти-ҳаракатига сингдира билишдадир.

Ўқитувчилик касбига қадам қўйиш ниятида бўлган инсон аввало ўзига: шу касбни ардоқлаб севаманми? Қалбимда-дилимда шу касбга ҳавас ўти борми? Мен болажонларни яхши кўраманми? Бир умрга ана шу ниҳоят мураккаб, аммо шарафли касбнинг жозибали сеҳри билан яшай оламанми?, - деган саволларни бериб, ўз қалби билан гаплашиб олмоғи керак ва хулосаларга келиб олиши шарт.

Ўқитувчилик касбини эгаллаш учун кишида қобилият, маълум педагогик-психологик малака тайёргарлик бўлиши даркор. Инсонни эл-юрт ҳурматига сазовор этувчи яхши фазилатлардан бири - танлаган касбида садоқат билан ишлай билишдир. Касбда қўнимли бўлиш инсонни гўзаллаштирувчи зийнат бўлибгина қолмай, ишни унумли ҳам қилди. Танлаган касбда, бир ерда узоқ вақт ишлашда ҳикмат кўп. Доно халқимиз “Дарахт бир ерда кўкаради”, - деб бежиз айтмаган.

Қисқаси, ўқитувчи ёш қалб эгасининг дўсти ва йўл кўрсатувчи мураббийсидир. Афсуслар бўлсинким, ҳозирги даврда ўқиган бўлса ҳам, маданиятсиз, етарли тарбия кўрмаган, олмаган, феъл-атвори хунук, ҳаётдан орқада қолган, ёш авлод тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган ўқитувчилар ҳам учраб туради.

Устоз, Азиз дўстим, ҳурматда бўл, устозингдан ўзганда ҳам,
Илминг ошиб, иқбол кулиб ҳарчанд сенга боққанда.
Бўлма мағрур унвонга сен, “Алломамиз” десалар ҳам,
Камтар бўлди алломалар минг ғоядан ошганда ҳам.

Дур-гавҳардан ортиқ эрур оқил шогирд устоз учун,
Устозингнинг қадрини бил, бошинг кўкка етганда ҳам,
Ким тош отса устозига, бўлгай бадном ўлганда ҳам,
Сўнмагай устоз нури ою-йиллар ўтганда ҳам.

Талабаларни жамоада тарбиялаш ғояси ўқитувчи, тарбиячилар томонидан муносиб кутиб олинди. Бу борада кўплаб илмий-амалий кузатишлар амалга оширилди. Бу текшириш маълумотларига биноан, жамоа фақатгина болаларда ўртоқлик, жамоатчилик ижтимоий фаолликни шакллантириб қолмасдан, балки талабаларнинг атроф-муҳитга нисбатан муносабатини белгилаб, унга ижтимоий йўналиш беради.

Жамоада тарбиялаш орқали болаларнинг асосий шахсий сифатларидан характер, иродани тарбиялаб бориш мумкин.

Жамоасиз ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялаш мумкин эмас. Жамоа ҳақидаги назария, шахснинг ривожланишидаги умумий қонуниятларни очиб беради. Болаларнинг жамоага бирлашишларидаги манба ягона мақсаднинг борлигидадир. Шу мақсадга эришиш учун жамоа асосидаги фаолият ташкил қилинади. Мақсаднинг бирлиги жамоа аъзоларига ягона, умумий қарашларнинг шаклланишига олиб келади.

Жамият учун фойдали бир мақсад асосида бирлашган, контакт бирликка эга бўлган, ўз манфаатини жамоа манфаатига бўйсундира оладиган шахслар уюшмаси жамоани ташкил қилади. Демак, жамоа бўлиш учун учта талабга жавоб бериш зарур бўлади: жамият учун фойдали мақсад, бир-бирлари билан яқин алоқада бўлиш ҳамда ўзгалар манфаатини ўз манфаатидан устун қўйишдир. Ҳар бир болани алоҳида тарбиялаш орқали жамоани тарбиялашга эришиш мумкин*.

Қисқа хулосалар

1-хулоса. Ўқитувчи - бу мураббий-муаллим ва устоз эканлиги. Ўқитувчи - бу гузаллик ва инсонийлик соҳибидир. Бу олийжаноб, шарафли касб эгалари ҳақида қанчадан-қанча донишмандлар ўзларининг энг яхши эзгу-тилак, истакларини ёзиб қолдирмаган дейсиз.

Ўқитувчи - ҳар қандай жамият тараққиётини ҳаракатга келтирувчи фавқулодда куч бўлиб, унинг мамлакат юксалишидаги ўрни ва роли беқиёсдир. Ўқитувчиларнинг билими, салоҳияти ва педагогик маҳорати жамият ривожини истиқболнинг кафолатидир.

АҚШ, Англия, Япония, Франция каби давлатларнинг ниҳоят даражада ривожланганлиги ҳақида сўз юритганимизда, у мамлакатларда минг-минглаб юқори малакали ўқитувчилар ижодий меҳнатининг самарасидир.

Ўтган асрларда рус дворянлари ўз болаларини ўқитиш учун Франция, Англия, Германиядан ўқитувчилар ёллашган, ёки ўша давлатларда таълим олиш учун юборганлар. Аммо бизда бундай тажриба деярли бўлмаган. Ўтмишда Файзулла

* Хўжаев Н., Ҳасанбоев Ж. Иқтисодий педагогика. Ўқув қўлланма. - Т.: -2002. 55, 58-59 бетлар.

Хўжаевни отаси Англия ва Францияда билим олишга юборганлиги маълум ва бошқалар.

Маърифат маданияти қонида-наслида бўлган ота-она, аввало, ўзи доимо билimini ошириб боришга, болаларига ўрнак бўлишга интилади. Фарзандларини ҳам шунга даъват этади. Шу сабабли маърифатли ота-она, аввало ўз жигаргўшалари учун ибрат, намуна, устоз-мураббий бўлишади. Муаллим-устоз эса барча замонлару маконлар ичра тенгсиз мўтаъбар хазинадир.

2-хулоса. Ўқитувчи меҳнатининг нуфузли эканлиги. И.А.Каримов узлуксиз таълим тизими ислохотлари муаммолари ҳақида сўзлаб: “Бизлар ўқитувчилар ва тарбиячиларнинг ҳаётий талабларини таъмин қилишимиз керак, уларни меҳнатларини рағбатлантириб, уларнинг нуфузли касбини эъзозлашимиз зарур”. Яна давом этиб: “У муаммони ҳал этмай, ўсаётган авлоднинг тарбияси ҳақида гапиришнинг моҳияти йўқ”, — деб таъкидлаган эди.

3-хулоса. Кадрлар тайёрлаш тизимида ижтимоий ҳимоя ва моддий таъминот. Миллий дастурда: масалани самарали ҳал этиш дастур йўналишида кўрсатилган “Илмий ва педагогик кадрлар”. “Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш”, “Қишлоқ мактабларини ривожлантириш” ва бошқалар кўрсатилган.

Миллий дастурда янги таълим таркибини моддий-техника базасини таъмин этишга алоҳида эътибор қаратилган: академик лицейлар ва профессионал коллежлар. Президент И.А.Каримов айтганларидек: “Бу муносабатга биноан кўпроқ четдан инвестицияларни, бошқа манбаларни, қомийдан самарали фойдаланиш йўллариини излаб топиш, маҳаллий бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни кенг жалб қилиш зарурлигини” — айтган эди.

Хулоса қилиб айтганда, кадрлар тайёрлаш тизимида ижтимоий ҳимоя амалда ўз аксини топмоқда, моддий таъминот бўлса ҳар доим давлатимиз эътиборидалиги устозларга куч бағишлайди.

Таянч иборалар

Ўқитувчи меҳнати, билимлилик, юқори малакасининг нуфузи, ўқитувчи-мураббий, муаллим ва устоз, ижтимоий ҳимоя, моддий таъминот, иқтисодчи-ўқитувчи, педагогик

махорат, педагогик таъсир, педагогик техника, янги педагогик технологиялар, муаммоли маърузалар.

Такрорлаш учун саволлар

1. Малакали иқтисодчилар тайёрлашда ўқитувчиларнинг ўрни ва роли нималардан иборат?
2. Ўқитувчи меҳнатининг нуфузли эканлигига таъсир қилувчи омилларни сўзланг.
3. Иқтисодий тарбия жараёнида иқтидорли ва талантли ёшларни тарбиялашда ўқитувчиларнинг роли.
4. Ўқитувчи - бу мураббий - муаллим ва устоз эканлиги.
5. Ўқитувчиларни “Ижтимоий ҳимоялаш” таъминоти ҳақида нималар биласиз?

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик. - Т.: Ўзбекистон, 1993.
2. Каримов И.А. Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати. - Т.: Шарқ, 1999.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида” ги қонуни. -Т .: Шарқ, 1997, 40-61 бетлар.
4. Тохтаунова Д. Основы народной педагогики в экономическом воспитании. - Т.: 2001.
5. Психология и педагогика: Учеб. пособ. / Составитель и отв. редактор А.А.Радугин. - М.: Центр, 2003.
6. Сластенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. - 4-е изд. - М.: Школа Пресса, 2004.
7. Сластенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. для студ. пед. учеб. завед. / В.А.Сластенин, И.Ф. Исаев, А.И.Мищенко, Е.Н.Шионов. - М.: Школьная Пресса, 2004.

МУСТАҚИЛ ИШЛАШ УЧУН МАВЗУЛАР

1. “Иқтисодий тарбия назарияси” фанидаги янги педагогик ўзгаришлар ва уларни хусусиятлари.
2. Иқтисодий тарбия назарияси, унинг мақсади, методи ва тамойиллари.
3. Талаба шахси иқтисодий тарбиянинг объекти эканлиги.
4. Мулкий тарбиянинг иқтисодий тарбияга таъсири.
5. Бозор иқтисодиёти даврида иқтисодий тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари.
6. Талаба шахсининг ривожланишида иқтисодий тарбиянинг роли.
7. Иқтисодий тарбиянинг методологик асослари нималардан иборат?
8. Марказий Осиё мутафаккирларининг асарларида иқтисодий тарбия.
9. Иқтисодиётни юксалтиш тарихи ва унинг шахсни шаклланишига таъсири.
10. Иқтисодий тарбия жараёнида зарур бўлган уйғунлик йўллари ва уларнинг таъсири.
11. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида иқтисодий тарбия жараёнининг узлуксизлиги.
12. Иқтисодий билимдонлик — иқтисодий тарбиянинг асоси эканлиги.
13. Рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ва иқтисодий тарбия.
14. Малакали иқтисодчилар тайёрлашда ўқитувчиларнинг роли ва ўрни.
15. Бизнесмен ишбилармонлар тарбиясининг асослари.
16. Тарбия жараёнида иқтисодий тарбиянинг шаклланиши.
17. Ақлий тарбиянинг иқтисодий тарбияга таъсири.
18. Кадрлар тайёрлашда иқтисодий тарбиянинг роли ва ўрни.
19. Ахлоқий тарбия ва унинг иқтисодий тарбия билан боғлиқлиги.
20. Иқтисодий тарбияда нон ва унинг ўрни.
21. Экологик тарбияда иқтисодий тарбиянинг тутган ўрни.
22. Ўзбекистон Республикасининг юксалишида иқтисодий тарбиянинг роли нималардан иборат?
23. Ҳуқуқий ва иқтисодий тарбиянинг ўзаро боғлиқлиги.
24. Ёш авлоднинг гармоник ривожланишида иқтисодий тарбиянинг тутган ўрни.

25. Жисмоний тарбиянинг иқтисодий тарбия билан боғлиқ-лиги нималардан иборат?

26. Иқтисодий тарбия жараёнида эстетик тарбиянинг роли.

27. Бозор иқтисодиёти даврида иқтисодий тарбиянинг роли.

28. Меҳнат тарбияси - иқтисодий тарбиянинг пойдевори эканлиги.

29. Иқтисодий тарбиянинг услубий асослари нималардан иборат?

30. Марказий Осиё донишмандлари асарларида иқтисодий тарбиянинг ривожланиши.

31. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида иқтисодий тарбиянинг аҳамияти.

32. Ўқитувчи меҳнатининг нуфўзли эканлигига таъсир қилувчи омиллар.

33. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширишда шахс, оила ва жамиятнинг роли.

34. Узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви.

35. Кадрлар тайёрлаш тизимида ижтимоий ҳимоя ва моддий таъминот.

36. Юқори малакали кадрлар - рақобатбардош иқтисодиёт асоси эканлиги.

37. Иқтисодиётда маданий-маърифий тарбиянинг асосий вазифалари ва воситалари.

38. Кадрлар тайёрлаш тизимида иқтисодий тарбия ва унинг ахборот таъминоти.

39. Иқтисодий билимдонлик даражаси ва унинг кўрсаткичлари нималардан иборат?

40. Демократик турмуш тарзининг иқтисодий тарбия билан узвий боғлиқлиги.

41. Иқтисодий тушунчаларнинг шаклланишида ишонч функцияларининг қарор топиши.

42. Умуминсоний қадриятларнинг иқтисодий тарбияга таъсири.

43. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” да инсон омили ва унинг иқтисодиётга таъсири.

44. Мулкий тарбиянинг моҳияти ва аҳамияти нималардан иборат?

45. Иқтисодий тарбиянинг услубий асослари.

46. Алишер Навоий асарларида иқтисодий қарашларнинг шаклланиши.

47. Узлуксиз таълим тизимининг янги модуллари нималардан иборат?

48. Аҳмад Дониш асарларида иқтисодий тарбия назариясининг ривожлантирилиши.

49. Абу Али ибн Сино ва таълим-тарбия.

50. Абу Наср Фаробий асарларида таълим-тарбия масалалари.

51. Иқтисодий тарбия жараёнида иқтидорли ва талантли ёшларни тутган ўрни ва роли.

52. Мирзо Азим Соми асарларида иқтисодий тарбия ва педагогика масалалари.

53. Иқтисодий тарбияда психология ва педагогиканинг роли.

54. Муҳаммад Икром ибн Абдусалом ва Абдурауф Фитрат асарларида иқтисодий ғоялар.

55. Абдурахмон Жомий асарларида иқтисодий тарбия масалалари.

56. Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг илмий-адабий меросида ахлоқий ва эстетик тарбия масалалари.

57. Тарбия одобномаси - иқтисодий тарбиянинг пойдевори эканлиги.

58. Шахс тушунчаси ва унинг тарбия субъекти эканлиги.

59. Қайта тарбиялаш ва унинг муаммолари.

60. Ҳуқуқий тарбиянинг мақсади, воситалари ва методлари.

61. Ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий тарбиянинг ўзаро боғлиқлиги.

62. Эстетик тарбиянинг моҳияти, вазифалари ва фойдаланиш методлари.

63. Меҳнат тарбиясининг мазмуни, мақсади ва вазифалари.

64. Меҳнат тарбиясининг психологик ва педагогик асослари.

65. Малакали иқтисодчилар ва улардан самарали фойдаланиш - Ўзбекистон Республикасининг равнақи эканлиги.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. - Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон - келажаги буюк давлат. - Т.: Ўзбекистон, 1992.
3. Каримов И.А. Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик. - Т.: Ўзбекистон, 1993.
4. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.: Шарқ, 1997.
5. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. - Т.: Шарқ, 1999.
6. Каримов И.А. Буюк келажак сари. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
7. Каримов И.А. Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати. - Т.: Шарқ, 1999.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида” ги Фармони. Халқ сўзи, 1996.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида” ги Фармони. Халқ сўзи, 1997.
10. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида” ги Қонуни. - Т.: Шарқ, 1997, 40-61 бетлар.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августдаги “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” ги Қарори. Халқ сўзи, 1999 йил 17 август.
12. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. - Т.: 1996.
13. Аликулов Х.А. Этические воззрения мыслителей Средний Азии и Хорасана. - Т.: Фан, 1992.
14. Асеев В.Г. Мотивация поведения в формировании личности. - М.: 1990.
15. Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. - Т.: Фан, 1986.
16. Балин А.Е. Правовое воспитание и предупреждение правонарушителей органами внутренних дел. - Т.: 1977. 70 с.
17. Беруний Абу Райҳон. Руҳият ва таълим-тарбия ҳақида. - Т.: 1968.

18. Беруний Абу Райҳон. Танланган асарлар. 1-жилд. - Т.: Фан, 1968.
19. Беруний Абу Райҳон. Танланган асарлар. 2-жилд. - Т.: Фан, 1995.
20. Брайтон Саймон. Общество и образование. - М.: 1989.
21. Воспитание и развитие детей в процессе обучения. - М.: 1981.
22. Гайзберг В.М. Основы бизнеса. - М.: 1996.
23. Григорян С.Н. Великие мыслители Средней Азии. - М.: Наука, 1958.
24. Зверев М.Д., Суровина М.М. Экономическое образование школьников. - М.: 1983.
25. Зязюн Л. Методика воспитательной работы. - М.: 1991.
26. Иброҳимов А. (Муаллифдош). Ватан туйғуси. - Т.: 1997.
27. Измаилов А.Э. Народная педагогика: педагогические воззрения народов Средней Азии и Казахстана. - М.: Просвещение, 1991.
28. Инамов И. Қалб садоси. - Т.: 1999.
29. Инструменты развития критического мышления. - Т.: 2002.
30. Йўлдошев Ж. Таълимимиз истиқлоли йўлида. - Т.: Шарқ, 1996.
31. Каримов Х. Тарбия илдизлари. / Ўқитувчи газетаси, 1990 й. 31 март.
32. Каримова В. "Мустақил фикрлаш нима?". - Т.: 2000.
33. Костанян С.Л. Экономика народного образования. - М.: 1986.
34. Қаюмов А. Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино. - Т.: 1987.
35. Куръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима. / Таржима ва изоҳлар муаллифи Аловуддин Мансур. - Т.: 1992.
36. Малик Мурод. Ўзбек кадриятлари. - Т.: Чўлпон, 1995.
37. Миртурсунов З. Ўзбек халқ педагогикаси. - Т.: Фан, 1973.
38. Мунавваров А.Қ. Оила педагогикаси. -Т.: Ўқитувчи, 1994.
39. Мусурмонова О. Маънавият кадриятлари ва ёшлар тарбияси. - Т.: Ўқитувчи, 1995.
40. Навоий А. Маҳбуб ул-қулуб. -Т.: 1993.
41. Ўзбекистон педагогикаси антологияси. - Т.: Ўқитувчи, 1995.

42. Основы предпринимательского дела. - М.: 1995.
43. Педагогика тарихидан хрестоматия. - Т.: Ўқитувчи, 1993.
44. Педагогика. /А.Қ.Мунавваровнинг умумий тахрири остида. - Т.: Ўқитувчи, 1996.
45. Подготовка экономистов в вузе: проблемы и опыт / Сборник научн. трудов. - Воронеж: 1991.
46. Психология и педагогика: Учеб. пособ. / Составитель и отв. редактор А.А.Радугин. - М.: Центр, 2003.
47. Психология и педагогика: Учебная программа по дисциплине для специальности 060600-Менеджмент / Московский государственный университет экономики, статистики и информатики. - М. 2000.
48. Психология и педагогика: Учебник. - М.: Изд. Элит, 2004.
49. Сиддикова Ш. Эстетика. - Т.: 2002.
50. Сластенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. - 4-е изд. - М.: Школа Пресса, 2004.
51. Сластенин В.А. и др. Педагогика: Учеб. пособ. для студ. пед. учеб. завед. / В.А.Сластенин, И.Ф. Исаев, А.И.Мищенко, Е.Н.Шионов. - М.: Школьная Пресса, 2004.
52. Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. - Т.: 1998.
53. Тиллашев Х.Х. Шарқ алломалари тарбия хусусида. / Совет мактаби, 1987 й. №5.
54. Тохтаунова Д. Основы народной педагогики в экономическом воспитании. - Т.: 2001.
55. Трайнев В.А. и др. Методы игрового обучение и интенсивные учебные процессы: теория, методология, практика / Трайнев В.А., Матросов Л.Н., Бузикина А.Б. - М.: Прометей, 2003.
56. Фаробий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. - Т.: 1993. 224 б.
57. Хўжаев Н., Ҳасанбоев Ж. Иқтисодий педагогика. Ўқув қўлланма. - Т.: 2002.
58. Хошимов К., Нишонова С., Инамова С., Ҳасанов Р. Педагогика тарихи. - Т.: Ўқитувчи, 1996.
59. Экономическая теория / Под ред. акад. Видяпина В.Д, акад. Журавлевой Г.И., акад. Гулямова С.С. акад. Шарифходжаева М.Ш., акад. Абдурахманова К.Х. - Т.: 1999.

60. Экономическое образование и воспитание учащихся / Под ред. И.И.Горлача. - Киев: 1989.
61. Юсупов Э. Маънавият асослари. - Т.: 1998.
62. Ҳасанов С. "Авесто" - ҳуқуқ манбаи / Мулоқот, 1999. №1.
63. Ҳасанов С. "Авесто" нинг сиёсий-ҳуқуқий таълимоти / Қонун ҳимоясида, 1999. №3.
64. Ҳасанов С. "Илми зиёда қил". Хоразмнинг фозил кишиларини ана шу гоё бирлаштирган ва жаҳонаро машҳур этган / Қонун ҳимоясида, 1999. №2.
65. Ҳасанов С. Авестода ахлоқий таълимий қарашлар / Халқ таълими, 1992, №6-7.
66. Ҳасанов С. Жадид тарбияшунослиги асослари. - Т.: Ўқитувчи, 1994.
67. Ҳасанов С. Илм ва ахлоқ. - Т.: Ўзбекистон, 1977.
68. Ҳасанов С. Мутафаккирлар меҳнат тарбияси ҳақида. - Т.: Ўқитувчи, 1993.
69. Ҳасанов С. Халқ оқзаки ижоди тарбия воситасидир. / Бошланғич таълим. 1993. №5-6.
70. Ҳикматлар гулдастаси. - Т.: Ф.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.
71. Ҳомидов Х.Аждодлар сабоғи ақл қаймоғи. - Т.: Чўлпон, 1998.
72. Файбуллаев Н.Р. Таълим-тарбиянинг амалий йўналишлари. - Т.: 1998.
73. Фуломов С. Ўғитнома. - Т.: 2003.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1. Иқтисодий тарбия назарияси фанининг предмети, мақсади ва вазифалари.....	4
1.1. Иқтисодий тарбия назарияси фанининг предмети, мақсади ва вазифалари.....	4
1.2. Иқтисодий тарбиянинг услубий асослари.....	9
1.3. Иқтисодий тарбия назарияси ва унинг бошқа предметлар билан боғлиқлиги.....	11
2. Донишмандларнинг тарбия ҳақидаги ўғитлари.....	16
2.1. Донишмандлар тарбиянинг аҳамияти ва мазмуни ҳақида.....	16
2.2. Донишмандларнинг тарбия ҳақидаги ўғитлари.....	19
3. Тарбия жараёни ва унинг шаклланиши.....	26
3.1. Шахс тушунчаси ва унинг тарбия субъекти эканлиги.....	26
3.2. Тарбия жараёни ва унинг мазмуни, мақсади ва вазифалари.....	28
4. Тарбиянинг шакли ва методлари.....	33
4.1. Қайта тарбиялаш.....	33
4.2. Тарбиянинг методлари.....	33
5. Тарбия ва унинг турлари—иқтисодий тарбиянинг фундаментидир.....	37
5.1. Тарбия ва унинг турлари.....	37
5.2. Тарбия турлари—иқтисодий тарбиянинг асосидир.....	37
6. Ақлий тарбия.....	39
6.1. Ақлий тарбиянинг мазмуни ва моҳияти.....	39
6.2. Ақлий тарбиянинг мақсади ва вазифалари.....	40
7. Ахлоқий тарбия.....	44
7.1. Ахлоқий тарбиянинг психолок ва педагогик асослари.....	44
7.2. Ахлоқий тарбиянинг мазмуни ва усуллари.....	45
8. Иқтисодий тарбия.....	48
8.1. Иқтисодий тарбиянинг аҳамияти ва моҳияти.....	48
8.2. Иқтисодий тарбиянинг мақсади ва вазифалари.....	49
8.3. Иқтисодий тарбияни шакллантиришнинг методлари.....	49
9. Экологик тарбия.....	53
9.1. Экологик тарбиянинг психологик ва педагогик асослари.....	53
9.2. Экологик тарбиянинг шакллари ва усуллари.....	53
9.3. Экологик тарбиянинг шакллари ва усуллари.....	54
10. Ҳуқуқий тарбия.....	58
10.1. Ҳуқуқий тарбиянинг моҳияти ва роли.....	58
10.2. Ҳуқуқий тарбиянинг мақсади, воситалари ва методлари.....	59
10.2. Ҳуқуқий маданият билан ҳуқуқий тарбиянинг ўзаро боғлиқлиги.....	61
11. Эстетик тарбия.....	65
11.1. Эстетик тарбиянинг мазмуни ва моҳияти.....	65
11.2. Эстетик тарбиянинг мақсади ва вазифалари.....	66
12. Жисмоний тарбия.....	71
12.1. Жисмоний тарбиянинг мазмуни ва моҳияти.....	71
12.2. Жисмоний тарбиянинг мақсади ва вазифалари.....	72

13. Меҳнат тарбияси	75
13.1. Меҳнат тарбиясининг мазмуни, мақсади ва вазифалари.....	75
13.2. Меҳнат тарбиясининг психологик-педагогик асослари.....	77
14. Тарбия одобномаси-иқтисодий тарбия пойдевори	80
14.1. Тарбия одобномаси ва унинг аҳамияти.....	80
14.2. Тарбия одобномасидаги қадриятларни паймол қилиниши.....	82
14.3. Тарбия одобномаси-иқтисодий тарбия пойдевори.....	86
15. Иқтисодий тарбияда нон ва унинг ўрни	92
15.1. Нон қадри ва унинг азизлиги.....	92
15.2. Иқтисодий тарбияда ноннинг ўрни.....	95
16. Мулкий тарбия-иқтисодий тарбиянинг асоси эканлиги	102
16.1. Мулкий тарбиянинг моҳияти ва аҳамияти.....	102
16.2. Мулкий тарбия-иқтисодий тарбиянинг асоси эканлиги.....	103
17. Марказий Осиё мутафаккирлари асарларида иқтисодий тарбия	109
17.1. Халқ педагогикасида иқтисод ва тежамкорлик тарбияси ҳақидаги ғоялар.....	109
17.2. Марказий Осиё мутафаккирларининг ижодиётида иқтисод ва тежамкорлик тарбиясининг ифодаланиши.....	112
18. И.А.Каримов асарларида иқтисодий тарбия масалаларининг ифодаланиши	126
18.1. И.А.Каримов асарларида иқтисодий тушунчалар ва иқтисодий билимларнинг ёритилиши.....	126
18.2. «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида».....	128
18.3. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлаоли» асарида иқтисодий тарбия.....	129
18.4. И.Каримовнинг «Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» асарида иқтисодий тарбияга оид қарашлари.....	131
18.5. Таълим жараёнида ислоҳ қилишда Ислом Каримовнинг мулоҳазалари.....	135
19. Ривожланган мамлакатларда иқтисодий тарбия	143
19.1. АҚШда таълим тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....	143
19.2. Японияда таълим тизими ва унинг шаклланиши.....	147
19.3. Францияда таълим тизими ва унинг ўзига хос жиҳатлари.....	148
19.4. Германияда таълим тизими ва унинг ривожланиши.....	152
20. Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг асоси-аллодининг гармоник ривожланиши	158
20.1. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» да инсон омили.....	158
20.2. «Маънавий ва маърифат» дастури ва унинг тарихий негизи.....	161
20.3. Уминсоний қадриятлар.....	163
21. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий тарбия	167
21.1. Демократик турмуш тарзининг иқтисодий тарбия билан узвий боғлиқлиги.....	167

21.2. Иқтисодий муносабатларга талабаларни тайёрлаш-фаол ҳаётий имкониятларни шакллантиришнинг зарурий шароити.....	169
21.3. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий тарбия ва тарбия услублари.....	170
22. Иқтисодий тарбия жараёнида талаба шахсини юксалтириш...177	
22.1. Талаба шахси-бўлажак иқтисодчининг иқтисодий тарбия объекти эканлиги.....	177
22.2. Маънавий-маърифий ахлоқий тарбия тажрибасининг жамғарилиши ва бўлажак ишбилармонларнинг фикрлаш даражаси..	178
22.3. Иқтисодий тушунчаларнинг шаклланиши ва ишрнч ҳамда унинг функцияларини ривожда қарор топиши.....	180
23. Иқтисодий тарбия мезонлари ва услубий асослари.....185	
23.1. Иқтисодий билимдонлик даражаси ва унинг кўрсаткичлари.....	185
23.2. Гуруҳ ва алоҳида талабанинг иқтисодий билимдонлик даражасини белгилашнинг методик асослари.....	187
23.3. Иқтисодий олийгоҳлардаги талабаларнинг билимдонлик даражасини белгилаш жараёнига раҳбарлик қилиш.....	189
24. Сифатли ва рақобатбардор кадрлар тайёрлаш.....195	
24.1. Юқори малакали кадрлар-рақоботбардор иқтисод асоси эканлиги.....	195
24.2. Узлуксиз таълим, Фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви.....	197
24.3. Кадрлар тайёрлаш тизимида иқтисодий тарбия ва ахборот таъминоти.....	200
25. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида давлат ва фуқаронинг маъмулияти.....205	
25.1. Миллий кадрлар тайёрлаш дастури.....	205
25.2. Миллий кадрлар тайёрлаш дастурини амалга оширишда шахс, оила, жамият ва давлатнинг ўрни ва роли.....	208
26. Бизнесменлар ва ишбилармонлар тарбиясининг педагогик асослари.....213	
26.1. Ишбилармонларни тарбиялашга мақсадли ёндашиш ва обрў талабликдаги элементлар тўсиқларни енгитиш.....	213
26.2. Стандарт ва ождкорлик.....	215
27. Ўқитувчи меҳнати, билими ва юқори малакасининг нуфузи.....224	
27.1. Ўқитувчи-бу мураббий-муаллим ва устоз эканлиги.....	224
27.2. Ўқитувчи меҳнатининг нуфузли эканлиги.....	226
27.3. Кадрлар тайёрлаш тизимида ижтимоий ҳимоя ва моддий таъминот.....	227
Мустақил ишлар учун мавзулар.....	235
Фойдаланилган адабиёт.....	238

И.ИНОМОВ

ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ

**ТЕОРИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОГО
ВОСПИТАНИЯ**

Вулфртма 54. Босма табағи 15,25. Адади 1000.

**«Fan va texnologiyalar markazining
bosmaxonasi» да чоп этилди.**

Тошкент ш., Олмазор кўчаси, 171.